

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АМИРОВ АКМАЛ

**АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ
ИҚТИСОДИЁТИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий ўқув юртларининг 5400200 – “Иқтисодиёт” (қишлоқ
хўжалиги) таълим йўналиши талабалари учун дарслик сифатида
тавсия этилган**

Самарқанд – 2016

Амиров А. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти (Дарслик). – 2016 – 292 б.

Ушбу дарсликда агросаноат интеграциясининг чуқурлашуви, ривожланиши натижасида объектив равишда шаклландиган агросаноат мажмуасининг моҳияти, унинг таркиби, иқтисодиётда тутган ўрни, мажмуага кирувчи соҳаларнинг ҳозирги ҳолати, ривожланиш йўналишлари, уларнинг иқтисодий ресурслари ва улардан фойдаланиш даражаси ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ёритилган. Дарсликда агросаноат мажмуасининг асосий бўғини ҳисобландиган қишлоқ хўжалиги тармоғининг ер-сув, меҳнат, моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари, тармоқда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шакллари оид мавзулар батафсил ёритилган. Дарсликда агросаноат мажмуаси тармоқлари маҳсулотларига нархнинг шаклланиши, маҳсулот, иш ва хизматлар таннархи ҳамда мажмуа тармоқларида молия-кредит тизимларининг амал қилиш механизмига бағишланган мавзулар берилган. Алоҳида эътибор агромаркетингни ташкил этиш ва унинг самарадорлигига ҳамда Европа ҳамжамиятининг ягона аграр сиёсатига оид мавзуларга қаратилган.

Амиров А. Экономика агропромышленного комплекса (Учебник). – 2016. –288 с.

Данный учебник подготовлен с учётом требований концепции нового поколения учебников и в соответствии с утвержденной МВиССОРУз учебной программой курса «Экономика агропромышленного комплекса».

В нем рассмотрены вопросы углубления и развития агропромышленной интеграции, показаны роль и место агропромышленного комплекса в экономике страны. Дана структура агропромышленного комплекса, изучены современное состояние развития отраслей АПК. В учебнике особое внимание уделено производственным ресурсам агропромышленного комплекса, показаны пути повышения эффективности использования этих ресурсов. В учебнике отдельно рассмотрены вопросы формирования и методика определения себестоимости продукции АПК.

В учебнике особое внимание уделено вопросам ценообразования и маркетинга АПК. Последняя глава учебника посвящена вопросам изучения единой аграрной политики стран Европейского Союза.

,

Amirov A. Agraindustrial complex economy. 2016. – 255p.

Significance agroindustrial complex formed under forms of agroindustrial integretion extention and development, its structure and economic importance, the state of agroindustrial complex fields, their development directions, economic resources, and their utilization extent and assisgnments on their economic productivity imporement are described in this text-book. In the textbook topics concerned effective utilization of land, water, labour, material and technical resources of agroindustrial complex organization of production as well. The themes on agroindustrial production price formation, prime cost of labour and services, mechanizm of financial-credit operations in the complex are performtd.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг самараси кўп жиҳатдан агросаноат мажмуаси тармоқларининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий – иқтисодий имкониятларини юксалтиришда агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва ўрни катта. Агросаноат мажмуаси фаолиятининг асосий мақсади, бош функцияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш билан ўзаро боғланган тизимнинг мақсадга мувофиқ, бир меъёردа барқарор ишлашини таъминлаш, провардида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилишдан иборат. Мажмуада бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган иқтисодий механизмларни яратиш, маҳсулотлар миқдори ва сифатини ошириш, ишлаб чиқаришнинг энг самарали ва мақбул шаклларини вужудга келтириш, маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Агросаноат мажмуасини ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий қувватини, аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Шу сабабли мамлакат агросаноат мажмуасининг ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан доимий эътибор берилиб келинмоқда. Бу эътиборнинг натижаси ўлароқ, мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат мажмуаси тармоқ ҳамда корхоналари фаолиятини юритиш учун зарур ҳуқуқий база яратилди ва улар муттасил такомиллаштирилиб борилмоқда. Олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида мамлакат иқтисодиётида катта сифат ўзгаришлар юз берди. Айниқса, мулкый муносабатлар такомиллашди ва бу ҳолат аграр соҳада нодавлат секторнинг тез ривожланишига олиб келди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизидан ортиқроғи нодавлат секторда ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш асосан фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликлари шаклида ташкил этилди, бозор талаблари ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгартирилди. Ўзбекистон Республикасида олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида малакатда пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилди, Аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган талабини ҳисобга олиб ғаллачилик тармоғи кескин кенгайтирилди. Натижада ғаллачилик билан шуғулланувчи ихтисослашган маҳсус тизим (тармоқ) вужудга келди. Ғалла уруғчилиги кенг йўлга қўйилди, ғаллачиликнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган зарур моддий – техника базаси яратилди. Республикада чорвачилик тармоғи деярли хусусийлаштирилди. Мамлакатда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси ва уларни экспорт қилиш масалалари мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ижобий ҳал

қилинмоқда. Бу ўзгаришлар иқтисодий фанлар, жумладан, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани олдига янги вазифаларни қўймоқда. Чунончи агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни имкон даражасида бир-бирига мутаносиб ривожлантириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини уйғунлаштириш масалалари янада кучаймоқда. Бозор муносабатларининг ривожлантирилиши биз учун нисбатан янги ҳисобланган маркетинг, менежмент, иқтисодий ҳавфсизлик, молия ва солиқ, инфляция, монополияга қарши кураш ва рақобатни ривожлантириш, банкротлик, биржа, шартномавий муносабатлар каби кўплаб иқтисодий масалаларни чуқур ўрганишни талаб қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасида асосий воситалар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг ривожланишига эътибор жуда катта. Республика агросаноат мажмуаси тармоқлари, айниқса, қишлоқ хўжалиги фан ютуқлари, янги техникалар, иш қуроллари, технологияларсиз жадал ривожлана олмайди. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини янги замонавий техника ва технологиялар билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. *

Ушбу тармоқларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини кимёлаштириш, электрлаштириш, механизациялаштириш ва автоматлаштиришдир. Ўзбекистонда агросаноат мажмуасининг биринчи (агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи) соҳасининг ривожланишига эътиборнинг янада кучайиши талаб қилинади. Биринчи соҳа тармоқларини ривожлантирилиши агросаноат мажмуаси таркибига кирувчи тармоқларнинг фонд билан таъминланиши ва меҳнатнинг фонд билан қуролланишини яхшилашга, провардда ишлаб чиқариш, айрибошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнлари ривожланишига ва аҳолининг турмуш шароитларини юксалишига олиб келади. Ушбу соҳани ривожлантириш мамлакат агросаноат мажмуаси учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари таъминотининг импортга боғланиб қолишини олдини олади. Мамлакат иқтисодиёти саноатлашади, қўшимча иш жойлари ташкил этилади.

Мамлакат агросаноат мажмуасининг халқаро алоқларини ривожлантириш, дунё мамлакатлари таржибалари ва илғор технологияларидан оқилона фойдаланиш катта ижобий амалий аҳамиятга эга. Бугунги кун дунё давлатлари тараққиёти шу даражага етдики уларнинг ўзаро боғлиқлиги алоҳида олинган давлат иқтисодиётининг натижаларида тобора кўпроқ салмоққа эга бўлмоқда. Мамлакатлараро, дунё иқтисодиётида интеграциялашув жараёни кучайиб кетди. Бу ўз навбатида дунёда мавжуд илғор техника ва технологиялардан, молиявий ресурслардан кенгроқ фойдаланишни талаб қилади. Шунингдек, Ўзбекистон халқлари

* Халқ сўзи // 2006 йил 11 июль

иқтисодиётнинг тармоқларини жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида кўп асрлик катта тажрибага эга. Бугунги кун талаби ушба билим, тажриба ва технологияларни тарғиб қилиш ва дунёга тарқатиш зарурати ҳам мавжуд.

Юқорида санаб ўтилган масалаларни илмий ҳал этиш учун зарурий назарий билимларни ўзлаштиришда ушбу дарслик асос бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг асосий мақсади талабаларда мамлакат агросаноат мажмуасининг моҳияти, таркиби, уни барқарор ва жадал ривожлантириш муаммолари, мажмуанинг ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналишлари тўғрисида ҳамда соҳани бошқариш, тартибга солиб туриш мақсадида зарур бошқарув қарорларни қабул қилиш учун етарли даражада назарий ва амалий билимлар мажмуасини шакллантириш ҳисобланади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани бўйича ўқув адабиётларнинг қиёсий таҳлили.

Ўзбекистон Республикасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб “Кадрлар тайёрлаш Миллий Давлат дастури” амал қилмоқда. Дастурнинг иккинчи босқичининг асосий вазифаси қилиб сифат масаласи қўйилган. Тайёрланаётган мутахассисларнинг билимли, ҳар томонлама кучли, рақобатбардош бўлиши кўп жиҳатдан ўқитилаётган фанлар, уларнинг сифати, ҳажми, кетма-кетлиги каби омилларга боғлиқ. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг бош омилларидан бири замон талабларига жавоб берадиган, ҳар қандай қийин муаммоларни еча оладиган кадрларнинг мавжудлигидир. Бундай кадрларни тайёрлашда ўқув адабиётларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Юқори даражада билим ва малакага эга кадрларни тайёрлашда бошқа кўплаб омиллар қаторида сифатли ўқув адабиётлари ҳам талаб қилинади. Юқорида айтганимиздек алоҳида олинган давлатнинг ўз қобиғида жадал ва барқарор ривожланиш имкониятлари чекланган. Бу борада жуда яқиндан фан, техника ва технологиялар алмашинуви юз бермоқда. Шу билан биргаликда бирор нарсанинг, фаннинг, ҳодисанинг қай даражада самарали юз бераётганини билишнинг энг мақбул йўлларида бири таққослашдир. Таққослаш усули орқали ҳар бир нарсанинг нафлилиги, самараси қандай эканлигига баҳо бериш мумкин. Шу мақсадда “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг бизнинг олий ўқув юртларида қанча миқдорда ва қандай таркибда ўтилаётганини бошқа давлатлардаги ҳолат билан таққослашни мақсадга мувофиқ деб топдик ва Россия Федерацияси олий ўқув юртларида ушбу фан қандай миқдорда ва таркибда ўтилаётгани билан таққосладик.

ТДИУда бакалаврлар учун “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани бўйича мавжуд таълим дастурларини Россия Федерацияси олий ўқув юртларида ушбу фанни ўқитиш ҳолати билан қиёсий таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларга эга бўлдик.

ТДИУда бакалаврлар учун “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанидан жами бўлиб 140 соат дарс ўтилади. Шундан 60 соат маъруза, 60 соат амалий ва 20 соат мустақил таълим. Мавзулар сони 17 та. 6, 8, 10 ва 12 – мавзуларга 2 соатдан, қолган мавзуларга 4 соатдан вақт ажратилган. Семинар ва амалиёт дарслари учун ҳам 17 та мавзу ажратилган.

Россия Федерациясининг Воронеж Давлат Қишлоқ Хўжалиги Университети (ВДҚХУ)да “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” (Экономика АПК) фани 216 соат ўқитилади. Шундан 76 соат маъруза ва 76 соат амалиёт ва 64 соат мустақил таълимга ажратилган. Бу фан икки семестрда ўқитилади ва ундан курс иши лойиҳаси 8-семестрда бажарилади.

Фан 16 мавзуга бўлиб ўрганилади. 7-семестрда 10 та мавзу ўтилади ва бунинг учун 38 соат маъруза ва 42 соат амалиёт дарси ажратилган. 8-семестрда 6 та мавзу ўтилади. Улар учун 38 соат маъруза ва 34 соат амалиёт ажратилган.

ВДҚХУ ва ТДИУда “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг мавзулар бўйича тақсимланишида қиёсий таҳлилни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

1-жадвал

ВДҚХУ ва ТДИУда “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг мавзулар бўйича тақсимланишида қиёсий таҳлили

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети				Воронеж Давлат Қишлоқ хўжалиги Университети		
№	Мавзулар номи	Аудитория соатлари		Мавзулар номи	Аудитория соатлари	
		Маъруза	Амалиёт		Маъруза	Амалиёт
1	“Аросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети, вазифалари ва ўрганиш усуллари	4	2	Предмет, метод и задачи науки	4	4
2	Агросаноат мажмуасининг маҳияти ва таркиби	4	2	Сельское хозяйство как отрасль	4	2
3	Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа	4	2	Предложение сельскохозяйственной продукции	4	4
4	Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳа	4	2	Спрос на сельскохозяйственную и продовольственную продукцию	4	4
5	Агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси	4	2	Аграрная структура	4	4

6	Агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмаси	2	2	Агробизнес	6	4
7	Қишлоқ хўжалиги – агросаноат мажмуасининг асосий бўғини	4	2	Сельскохозяйственной маркетинг	6	4
8	Қишлоқ хўжалиги ер фонди ва ундан фойдаланиш	2	4	Сельскохозяйственной кредит	4	4
9	Агросаноат мажмуасининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш	4	4	Земельные отношения	4	4
10	Агросаноат мажмуасининг моддий-техника ресурслари ва улардан фойдаланиш	2	4	Агропродовольственная политика	4	4
11	Агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар таннарихи	4	4	Экономика государственного регулирования агропродовольственного сектора	2	2
12	Агросаноат мажмуаси тармоқлари маҳсулотлари нархлари	2	4	Агропродовольственная политика в США	4	4
13	Агросаноат мажмуасида фан, техника тарққиёти ва интенсивлаштириш	4	6	Единая аграрная политика Европейского сообщества	4	4
14	Агросаноат мажмуаси маркетинги ва уни самарадорлиги	4	6	Агропродовольственная политика некоторых других стран мира	6	6
15	Агросаноат мажмуасини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш	4	6	Проблемы реформирования агропромышленного комплекса в постсоциалистических странах	6	6
16	Агросаноат мажмуасида молия-кредит тизимининг амал қилиш механизми	4	4	Современная аграрная реформа в России	10	16
17	Европа Ҳамжамиятининг ягона аграр сиёсати	4	4	-		
	Жами	60	60	Всего	76	76

Ушбу фан К.А.Темирязов номидаги Москва Қишлоқ Хўжалик Академияси иқтисодиёт йўналишидаги талабалари учун 110 соат маъруза ва 110 соат амалиёт дарслари ҳажмида ўтилади. Фан бўйича умумий аудитория дарслари 220 соатни ташкил этади. Асосий ўқув адабиёти сифатида профессор И.А. Минаков бошчилигида нашрдан чиқарилган “Экономика отраслей АПК” дарслиги қабул қилинган. Ушбу дарслик 464 бетдан ва 32 та

бобдан иборат. Бу дарсликда асосий эътибор қишлоқ хўжалиги тармоғи ва унинг ишлаб чиқариш ресурсларига берилган. Россия Федерациясида қишлоқ хўжалиги тармоғида салмоқли ўринни эгаллаган экин турлари иқтисодиёти ҳам чуқур ўрганилган. Биз қишлоқ хўжалигини агросаноат мажмуасининг асосий бўғини сифатида қараганмиз. ТДИУ да “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанидан бошқа “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” ва “Фермер хўжаликлари иқтисодиёти” фани ўтилади. Ушбу фанларда қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари иқтисодиёти чуқур ўрганишини ҳисобга олиб, фанларда асосланмаган такрорланишга йўл қўймаслик учун қишлоқ хўжалиги экин турлари ва чорвачилик йўналишлари иқтисодиёти ушбу фанда алоҳида боб сифатида ўрганилмайди.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг барча бобларини ўтишда педагогик технологияларнинг “блиц-сўров”, “инсерт”, “ақлий ҳужум”, “пинборд”, “дельфи”, “кластер”, “кооп-кооп” каби усул ва техникаларидан кенг фойдаланилади.

1-БОБ. “АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ИҚТИСОДИЁТИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

1.1. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети, бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва ўрни

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани иқтисодий фанлар таркибига киради. Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёти маълум тармоқ, соҳа ва хизматлар йиғиндисидан иборатдир. Ушбу тармоқ, соҳа ва хизматлар ичида агросаноат мажмуаси энг асосий соҳалардан бири бўлиб, инсониятнинг ҳаёти, турмуш даражаси кўп жиҳатдан унинг ривожланиши билан белгиланади. Агросаноат мажмуасида инсонлар учун ҳаёт манбаи ҳисобланган озиқ-овқат, кийим кечак, саноатнинг кўплаб тармоқлари учун хомашё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бошқача қилиб айтганда, инсонларнинг ҳаёти билан бевосита боғланган соҳа ҳисобланади. Ушбу соҳанинг инсонлар ҳаёти билан бевосита боғлиқлиги уни ривожлантириш билан боғлиқ қатор заруратларни келтириб чиқаради. Шу туфайли агросаноат мажмуасини ривожланишини таъминлайдиган билимларни ўрганиш зарурати туғилади. Натижада бошқа иқтисодий фанлар қаторида агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фани ҳам шаклланиб, ривожланиб келмоқда.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани ўз ўрганиш объеклари ва предметиға эға. Фаннинг предмети объектив иқтисодий қонунларнинг агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларида амал қилишининг ўзига хос томонларини ўрганиш ҳисобланади. Доимий ривожланишда бўлган ушбу фан агросаноат мажмуаси тармоқлари иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар, улардаги ишлаб чиқариш омиллари: меҳнат ресурслари, ер ва сув фонди, асосий ишлаб чиқариш воситалари ва тадбиркорлик имкониятларидан самарали фойдаланиш йўлларини ўрганади. Фан агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларда ишлаб чиқаришни самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таъсирини ҳам ўрганади. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани агросаноат мажмуаси тармоқлари тараққиётидаги ижобий ва салбий тенденцияларни ўрганади ва мутахассисларға уларни яхшилаш йўналишлари тўғрисида зарур билимларни беради. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг агросаноат мажмуаси тармоқларида амалға ошириш жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни ўрганади ҳамда уларнинг ечимлари тўғрисидаги билимларни ўзида мужассам этади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани ўз предметини қуйидаги тартибда ўрганади: дастлаб агросаноат интеграцияси, мажмуанинг шаклланиш қонуниятларини, агросаноат мажмуасининг моҳияти, унинг таркибини ўрганади. Агросаноат мажмуаси тармоқларига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг таркиби, ҳозирги ҳолати,

уларни ривожлантириш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни ечиш йўналишларини белгиловчи иқтисодий билимлар билан мутахассисларни (талабаларни) таништиради.

Агросаноат мажмуаси таркибида муҳим ўринни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи тармоқлар эгаллайди. Агросаноат мажмуасининг 3-соҳасини ташкил этувчи бу тармоқларнинг таркибини, ҳозирги ривожланиш даражасини, улардаги камчилик ва муаммоларни тартибга солиб кўрсатади ва уларни ечиш йўлларини ўрганади.

Агросаноат мажмуаси таркибида инфратузилманинг аҳамияти катта. Инфратузилма агросаноат мажмуасининг 4-соҳаси ҳисобланади. Бу фан инфратузилмани иккига бўлиб ўрганади. Биринчи қисмга агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси, иккинчи қисмга мажмуанинг ижтимоий инфратузилмаси киради. Инфратузилманинг (ишлаб чиқариш ва ижтимоий) моҳиятини, аҳамиятини, вазифаларини, таркибини, унинг ривожланиш тенденцияларини тартибга солиб ўрганади. Кейинги мавзуда агросаноат мажмуасининг 2-соҳаси бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғининг таркиби, ҳозирги ҳолати, тармоқда мавжуд бўлган ютуқ ва камчиликлар ва соҳани ривожлантириш йўналишларини ўрганади. Аграр соҳанинг ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш даражаси ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўлларини тартибга солиб ўрганади. Қишлоқ хўжалиги маркетинги алоҳида бир мавзу сифатида ёритилади. Мамлакатимиз молия ва кредит сиёсатининг агросаноат мажмуаси тармоқлари иқтисодиётидаги ўрни беқиёслигини ҳисоб олиб, уларни алоҳида мавзу сифатида ўрганади. Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнининг тезлашиб бораётгани ўз навбатида хорижий давлатларнинг аграр сиёсатини ўрганиш катта аҳамиятга эгаллигини эътиборда тутиб, Европа ҳамжамияти давлатларининг ягона аграр сиёсати тўғрисида ҳам қисқача маълумотлар беради.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини иқтисодиётини ўрганишда асосий эътиборни агросаноат мажмуаси манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўрганади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларнинг ресурсларидан фойдаланишнинг даражаси ва самарадорлигини аниқлаш усулларига катта эътибор бермайди. Балки тармоқ иқтисодиётини ўрганувчи фанларнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш динамикасини ўрганади ва тегишли хулосалар чиқаради.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани моддий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий масалалари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бошқа иқтисодий фанлар каби қуйидаги амалий масалаларга жавоб излайди ва уларни мўътадил ечимини топади.

1. Мамлакат агросаноат мажмуаси нима ишлаб чиқариши кераклигини аниқлаши ва унинг энг мўътадил таркибини топиши лозим. Республика

табiiй-иқлим, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг моддий ресурслари ҳамда бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда нима етиштириш кераклигини белгилаши керак. Бу жуда муҳим ва қийин масала бўлиб, ушбу фан нима ишлаб чиқариш лозим деган масаланинг ечимини топиш устида фикрлар юритади. Бу масалани ҳал этишда мамлакатнинг маҳсулотларга бўлган талаби аниқланилади. Ушбу талабни қондириш учун қандай имкониятлар мавжудлиги ўрганилади. Республика учун қайси маҳсулотларни етиштиришнинг абсолют ва нисбий устунлик жиҳатлари ўрганилади. Шундан сўнг нима етиштириш керак деган саволга жавоб беради. Бу доимий ривожланишда бўлиб, даврлар ўтиши билан ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгариб боради.

2. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани неъматлардан қанча ва қандай ишлаб чиқариш керак деган саволга ҳам жавоб излайди. Бу масала жуда муҳим бўлиб, қанча ишлаб чиқариш керак деган саволга жавоб бериш учун мамлакатнинг ушбу неъматларга бўлган талаби ва уни ишлаб чиқариш учун имкониятлари аниқланади. Қандай ишлаб чиқариш керак деган саволга жавоб бериш учун етиштирилаётган маҳсулотлар қанақа технологиялар ёрдамида амалга оширилиши белгиланади. Бу саволга жавоб топиш учун мамлакат ўз ресурсларининг қанча қисмини ушбу неъматларни яратишга ажрата олишини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Мамлакат иқтисодиёти учун мос келадиган илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш катта амалий аҳамиятга эга.

3. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани мажмуа маҳсулотлари ким учун ишлаб чиқарилади деган саволга жавоб топиши лозим. Бу бир кўринишда оддий масаладек кўринса-да, аслида жуда мураккаб масала ҳисобланади. Бу масала қанчалик мураккаб, тез ўзгарувчан бўлмасин унга доимо жавоб топиб туриш зарурати мавжуд.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани ҳар бир тармоқ иқтисодиётини алоҳида-алоҳида эмас, балки улардан ҳар бирига тегишли маълумотлар асосида охириги маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотлар сифатини яхшилашни таъминловчи механизмни яратиш нуқтаи назардан ўрганади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани “Иқтисодий назария”, “Микроиқтисодиёт”, “Макроиқтисодиёт”, “Маркетинг”, “Менежмент”, “Иқтисодий статистика”, Иқтисодий география”, “Минтақа иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Фермер хўжаликлари иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи”, “Қорхона иқтисодиёти”, “Меҳнат иқтисодиёти” каби қатор фанлар билан узвий боғлиқ. Шу боис у ўз предметини кўплаб фанлар ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўрганади. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани жуда кўплаб иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади ва уларда эришилган ютуқлар билан бойиб боради, ўз

навбатида, бошқа иқтисодий фанларнинг ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

Бу фаннинг ривожига бизнинг мамлакатимизда академиклар, Жалилов Х.М., Усманов С.Н., Ким В.В., Хусанов Р.Х., Гуломов С.С., Лапкин К.И., и.ф.д., профессорлар Қаюмов Ф.Қ., Абдуғаниев А.А., Хасанжанов Қ.С., Жўраев А., Хусанов М., Шокиров А., Юсупов Э., Хушматов Н., Ҳамдамов Қ.С., доцентлар Махмадиев У., Гаврильюк Л., Огуреева Г.А., Зиявутдинов Ш., Исмаилова Ф., Холботирова У., Галиев Б., Ким В.М., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Рахимов Б.Р., Рахимов С.Б., Абдуллаев Б.М., Мирзажонов М.Қ., Муртозаев О., Маматвалиев Т., Арипов М., Арипов И.М., Ўроқов Н.И., Худойбердиев Ў., каби кўплаб аграр иқтисодчилар катта ҳисса қўшдилар.

1.2. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предметини ўрганиш усуллари

Барча фанлар ўз ўрганиш предметига эга. Улар ўз предметларини ўрганишда турли туман усуллардан фойдаланадилар. Жумладан, иқтисодий фанлар ҳам ўз предметини ўрганишда ўзига мос усуллар тизимидан фойдаланади. Иқтисодий фанлар ўз предметларини ўрганиш мақсадида қандай усуллардан фойдаланса, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани ҳам шу усулларидан фойдаланади. Фақатгина ўз хусусиятларидан келиб чиқиб айрим усуллардан кўпроқ, айримларидан камроқ фойдаланади.

Услугият бу илмий билишнинг тамойиллари, шакл ва услублари тўғрисидаги қарашлардир. Услугият қатор усуллар йиғиндисини ўз ичига олади. Ҳар бир ўз услубиятидан келиб чиқиб усуллар гуруҳини танлайди. Усул деганда бирор қонуниятни, ҳодиса ёки жараёни назарий текшириш ва амалий ечишнинг воситаси, йўли тушунилади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани агросаноат мажмуасида юз бераётган ўзгаришларни ўз вақтида назарий ва амалий жиҳатдан асослайди, мажмуага кирган тармоқлар, корхоналарни самарали бошқариш учун зарур маълумотлар, билимлар беради. Фаннинг берган тавсиялари асосида мажмуани бошқариш, ундаги иқтисодий жараёнларни тартибга солиб туриш учун асос бўлиб хизмат қилади. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани иқтисодиётда юз бераётган воқеаларни, жараёнларни тасвирлайди. Ушбу жараёнлар чуқур таҳлил қилинади ва объектив, илмий асосланган хулосалар олинади. Таҳлил оқибатида олинган натижаларнинг хусусиятлари аниқланиб уларни такомиллаштириш, ривожлантириш учун тавсиялар ишлаб чиқади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани ўз предметини ўрганишда қуйидаги муайян усуллардан кўпроқ фойдаланади. Фан ўз предметини ўрганишда фойдаланадиган усулларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга ўрганишнинг умумфан усуллари киради. Бу усулларга: илмий

абстракция, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил, таржиба, фараз, кабилар киради. Иккинчи гуруҳга махсус усуллар киради. Буларга: монографик тадқиқотлар, иқтисодий–математик моделлаштириш, иқтисодий таҳлил ва синтез, иқтисодий таққослаш, иқтисодий-статистик, баланс, ҳисоб конструкторлик каби усуллар киради.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани тарихий фандир. У ўз шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. Фаннинг муаммоларини ўрганиш жуда қадим даврларга бориб қадалади. Лекин алоҳида фан сифатида шаклланишига унча катта вақт бўлган эмас. Адабиётларда “агросаноат интеграцияси”, “агробизнес”, “агросаноат мажмуаси” тушунчаларининг пайдо бўлиши 1950 йиллар охирига тўғри келади. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” алоҳида фан сифатида 1960 йиллардан бошлаб ўрганила бошланди. Бизнинг мамлакатимизда бу фан 1970 йилларнинг ўрталарида шаклланди ва мутахассислар томонидан ўрганилиб, ривожлантирилмоқда. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани динамик ривожланиб борётган фанлар қаторига киради. Шу сабабли дунё иқтисодиётида ва мамлакат иқтисодий сиёсатида юз бераётган ҳодисалар “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг ривожланишига бевосита таъсир этади. Шундай экан, фан ўз предметини ўрганишда тарихий–деалектик ривожланиш усулидан ҳам кенг фойдаланади. Бунда мажмуага кирган бир тармоқда юз берган ўзгариш унинг бошқа тармоқлари фолиятида ўз аксини топиши доимий ҳисобга олиниб турилади. Демак, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани бошқа иқтисодий фанлар каби иқтисодиётда юз бераётган барча ўзгаришларни бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганади.

1.3. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг вазифалари

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг асосий мақсади ўқувчиларни мажмуанинг иқтисодий масалалари бўйича давлат стандартлари даражасида барча зарурий билимлар мажмуаси билан қуроллантиришдир. Мутахассисларга мажмуада юзага келадиган қўплаб иқтисодий муаммолар ва масалаларнинг мўътадил ечимини топишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг асосий вазифаси ўқувчиларни агросаноат мажмуаси тармоқларида иқтисодиётнинг долзарб масалалари билан таништириш, уларни ечиш бўйича мутахассисларга етарли даражада билим беришдир. Ушбу масалаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- агросаноат интеграцияси;
- агросаноат мажмуаси тармоқ таркиби;
- агросаноат мажмуаси тармоқлари ривожланишининг ҳозирги ҳолати;

- мажмуа тармоқларидаги ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш йўллари;
- агромаркетинг;
- агросаноат мажмуаси менежменти;
- мажмуанинг молия ва кредит, солиқ сиёсати;
- агросаноат мажмуаси тармоқларини ривожлантириш йўналишлари.

Ушбу масалаларни тўғри тушуниш ва уларнинг ечимлари тўғрисидаги билимлар билан талабаларни, мутахассисларни қуроллантириш агросаноат мажмуасининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Фанни ўрганиш туфайли ўқувчи агросаноат мажмуаси тўғрисида, унинг иқтисодий масалалари, муаммолари ҳақида минимал билимлар мажмуасига эга бўлади. Турли тармоқлар иқтисодиётини алоҳида-алоҳида ўрганган мутахассисларни агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқлар иқтисодий манфаатларини бир – бирига мослаштиришнинг, таъбир жоиз бўлса, бўйсундиришнинг зарурлиги тўғрисидаги билимлар билан қуроллантиради. ”Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани талабаларнинг иқтисодий билимлари янада мукамал бўлишини таъминлайди, уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида тўғри хулосалар чиқариш ва мўътадил қарорлар қабул қилишга ўргатади.

Мамлакат ҳукуматининг иқтисодий сиёсатини ўрганиш ва унинг тегишли қисмини мутахассисларга етказиш ушбу фаннинг асосий вазифаларидан биридир. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани талабаларга бир-бири билан технологик жиҳатидан боғланган кўплаб тармоқлар мутаносиб ривожланиши зарурлиги тўғрисидаги билимларни ўргатади, аҳолининг турмуш даражаси, энг аввало, ушбу мажмуа тармоқларининг ривожланганлик даражасига ва уларнинг мутаносиб ривожланишига боғлиқ эканлигини исботлайди.

Агросаноат мажмуаси ресурсларидан фойдаланишнинг энг мақбул йўллари ва йўналишларини кўрсатиш ҳам ушбу фаннинг вазифасига киради. У мутахассисларга агросаноат мажмуаси корхоналари маҳсулотларига бўлган талаб узоқ ва қисқа даврларда шаклланишининг умумий қоидаларини ўргатади, уларни мажмуа маҳсулотларига нарх шаклланишининг ўзига хос томонлари ва хусусиятлари тўғрисидаги билимлар билан қуроллантиради.

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу жараёнда агросаноат мажмуасининг ўрни бекиёс ҳисобланади. Мажмуанинг ривожланганлик даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб беради. Мажмуанинг ривожланиши унинг таркибига кирувчи барча тармоқларнинг ривожланишига боғлиқ. Бирор тармоқда мавжуд камчилик, оқсоқлик мажмуанинг бошқа барча тармоқларига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли агросаноат мажмуасига кирган тармоқ ва соҳаларни бир бирига мутаносиб ривожлантириш зарурати мавжуд. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани ўз предметини ўрганишда юқоридаги ҳолатни ҳисобга олган ҳолда

талабаларга зарур билимлар олишда имконият яратиши унинг вазифаларидан бири ҳисобланади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанида белгиланган мавзуларнинг моҳиятини очишда хорижий давлатларда ушбу соҳада эришилган фан ва ишлаб чиқариш ютуқларидан кенг фойдаланади. Хорижий давлатларда эришилган фан ва ишлаб чиқариш ютуқларидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланишнинг имкониятлари тўғрисида мутахассисларга билимлар бериш унинг асосий вазифаларидан саналади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани ўз моҳиятини очишда Ўзбекистон Республикасининг аграр, иқтисодий сиёсатини асос қилиб олади ва уларнинг моҳияти билан мутахассисларни яқиндан таништиради.

Қисқача хулосалар

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети – объектив иқтисодий қонун ва қонуниятларнинг мажмуа тармоқларида амал қилишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдир. Фан ўз предметини ўрганишда агросаноат мажмуаси тармоқларининг ривожланиш динамикасини алоҳида–алоҳида эмас балки бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг асосий вазифалари: мутахассисларни бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат мажмуаси тармоқларининг иқтисодий муаммолари, уларнинг ҳозирги ҳолати ва ечимлари тўғрисидаги комплекс билимлар билан қуроллантириш; мутахассисларга агросаноат мажмуаси тармоқларида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими борасида тўғри қарорлар қабул қилишлари учун зарур маълумотлар бериш; агросаноат мажмуасини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ўзида мужассамлаштириш ва уларнинг моҳияти билан мутахассисларни қуроллантириш ҳисобланади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани “Иқтисодий назария”, “Макроиқтисодиёт”, “Микроиқтисодиёт”, “Ўзбекистон миллий иқтисодиёти”, “Иқтисодий география”, “Иқтисодий статистика”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Фермер хўжаликлари иқтисодиёти” “Қорхона иқтисодиёти” каби кўплаб иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани тарихий фан бўлиб мустақил йўналиш сифатида 1960 йилларда шаклланди. Унинг ривожига кўплаб аграр иқтисодчи олимлар ҳисса қўшди. Бу фаннинг ривожига бизнинг мамлакатимизда академиклар, Жалилов Х.М., Усманов С.Н., Ким В.В., Хусанов Р.Х., Ғуломов С.С., Лапкин К.И., и.ф.д., профессорлар Қаюмов Ф.Қ., Абдуғаниев А.А., Хасанжанов Қ., Жўраев А., Хусанов М., Шокиров А.,

Юсупов Э., Хушматов Н., Ҳамдамов Қ.С., доцентлар Махмадиев У., Гаврильчук Л., Огуреева Г.А., Зиявутдинов Ш., Исмаилова Ф., Холботирова У., Галиев Б., Ким В.М., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Рахимов Б.Р., Рахимов С.Б., Абдуллаев Б.М., Мирзажонов М.Қ., Арипов М., Муртозаев О., Арипов М., Арипов И.М., Ўроқов Н.И., Худойбердиев Ў., каби кўплаб аграр иқтисодчилар катта ҳисса қўшдилар.

Таянч иборалар

Агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодиёт, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, фаннинг предмети, усуллари, вазифалари, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, минтақа иқтисодиёти, тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, кимёлаштириш, автоматлаштириш, меҳнатни қуролланиш даражаси, фонд билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, меҳнат ресурслари, ер ва сув фонди, ишбилармонлик, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. "Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фани нимани ўрганади?
2. Фаннинг таркиби ва асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Фаннинг ўз предметини ўрганиш усуллари.
4. Фаннинг ўрганиш объектлари.
5. Фаннинг ўзга фанлар орасидаги ўрни ва боғлиқлиги.
6. Фанни шаклланиш ва ривожланиш тарихи.
7. Фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшган аграр иқтисодчи олимлардан кимларни биласиз?
8. Аграр сиёсат деганда нимани тушунасиз?
9. Агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш.
10. "Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фани ўз предметини қандай кетма-кетликда ўрганади?

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тарақиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

3. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.

4. Серова Е. В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.

5. Хакимов Р., Отакулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.

6. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.

7. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.

8. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>

2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>

3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>

4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic935&page1>

5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page4&book88899>

6. www.bearingpoint.uz- Экономика Узбекистана

2-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИ

2.1. Агросаноат интеграцияси. “Агросаноат мажмуаси” тушунчаси, унинг моҳияти

Агросаноат интеграцияси – саноат ва қишлоқ хўжалигининг бир-бирига сингиб кетиши, бир бутун тизимга айланишидир. Агросаноат интеграцияси ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперациясини ривожланишининг натижасидир. Тармоқларнинг бир-биридан ажралиб кетиши уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини айрибошлашни кучайишини талаб қилди. Бир тармоқда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талаб асосан бошқа тармоқда вужудга келади. Натижада бир тармоқ иккинчисиз мўътадил ривожлана олмайди. Бу уларни интеграциялашуви заруратини келтириб чиқаради. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожини улар ўртасида алоқаларнинг мураккаблашувига олиб келди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланиш учун қайта ишлаш саноатига тушади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги саноат учун хом ашё етказиб берувчи тармоққа айлана боради. Қишлоқ хўжалигининг охириги истеъмолчи билан тўғридан-тўғри алоқаси камайиб боради. Ўз навбатида истеъмолчиларга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар (қайта ишлаш саноати) яқинлашиб боради. Бу эса ўз навбатида тармоқлараро интеграцияни кучайтиради.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш шу даражада юксалиб бормоқдаки, иқтисодиётнинг турли тармоқлари бир-бири билан жуда чамбарчас боғланиб қолмоқда. Уларнинг боғланиши, айниқса, технологик жиҳатидан бир – бирини тўлдирувчи тармоқларда кучли. Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларда бу жараён жуда ёрқин намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, уни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи, қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳалар иқтисодиётини бир – биридан ажри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу тармоқлар ягона бир тизимни ташкил этади ва уларнинг биргаликда мутаносиб ишлаши провард натижанинг самарали бўлишини таъминлайди. Ҳозирда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан саноатнинг бир бутун кўриниш олаётгани тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, “Ўзмевабзавотузумсаноат-холдинг” компаниясига қарашли ширкат- заводлар, сутни қайта ишловчи айрим корхоналар, шунингдек, иссиқхоналар, парандачилик фабрикалари бунга мисол бўла олади. Бу соҳаларда бир юридик мақомга эга корхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва шу корхонанинг ўзида у даслабки қайта ишлаш жараёнидан ўтади, баъзан, тўла қайта ишланади. Бу корхоналарда ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги даражасидан юқорилашиб, маълум маънода саноатлашиб кетган.

Агросаноат интеграциясининг янада чуқурлашиб бориши объектив жараёндир. Бу, албатта, қишлоқ хўжалигининг ва умуман, агросаноат мажмуасининг, иқтисодийнинг ривожланишига олиб келувчи жараёндир.

Агросаноат интеграциясининг ва кооперациясининг маҳсули сифатида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб мамлакатимизда агросаноат мажмуаси ягона тизим сифатида шаклана бошлади.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи, ягона мақсадларга бўйсундирилган, технологик жиҳатдан устун даражада бир бири билан боғланган тармоқ ва хизматлар йиғиндисидир. Иқтисодий фан мамлакат, ҳудуд ва маҳсулот турлари бўйича “агросаноат мажмуаси” тушунчаларини фарқлайди. Шунга кўра агросаноат мажмуаси:

- Мамлакат агросаноат мажмуаси;
- Ҳудуд агросаноат мажмуаси;
- Ихтисослашган (гўшт, сут, дон, сабзавот ва полиз каби маҳсулот турларини етиштириш билан шуғилланувчи) агросаноат мажмуаларидан иборат.

Ихтисослашган агросаноат мажмуалари иккига бўлинади. Биринчиси, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Иккинчиси ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Бу агросаноат мажмуаларининг ҳар иккаласи ҳам алоҳида олинган товарлар (маҳсулотлар) бўйича агросаноат мажмуаларини ташкил этади.

Мамлакат агросаноат мажмуасига қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар (қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи заводлар, омухта ем заводлари, минерал ўғитлар тайёрловчи заводлар ва х.з.), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи (пахта заводлари, донни қайта ишловчи элеваторлар, гўшт, сут комбинатлари, жун заводлари, пиллани қайта ишловчи заводлар ва бошқалар), қайта ишловчи ва тайёр, охириги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар ва хизматлар киради. Бундан ташқари ушбу жараёнларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ҳам унинг таркибига киради.

Ҳудуд агросаноат мажмуаси эса маълум, бир ҳудуд (иқтисодий ҳудудлар, вилоятлар, воҳалар, баъзан туманлар) доирасида амал қилади. Уларнинг таркибига айрим корхона ва тармоқлар (республика мақомига эга бўлган, мамлакатнинг барча ҳудудлари учун хизмат кўрсатадиган) кирмаслиги мумкин. Масалан, агарда трактор ёки комбайн ишлаб чиқарувчи завод ўша ҳудудда жойлашмаган бўлса, регион агросаноат мажмуаси таркибига кирмайди.

2.2. Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси)

Мамлакат агросаноат мажмуаси мураккаб таркибий тузилмага эга бўлиб, унинг таркиби 4 та соҳадан ташкил тапади. Иқтисодчи олимлар агросаноат мажмуасининг таркиби бўйича бир хил фикрга эга эмаслар. Агросаноат мажмуасининг ташкилий-иқтисодий масалаларига бағишланган юзлаб илмий мақолалар, монографиялар эълон қилинган ва диссертациялар ёзилган. Айрим олимлар агросаноат мажмуасининг таркиби 6 та, айримлари эса 5 та, бир гуруҳи 4 та ва бошқа бировлари 3 та соҳадан иборат дейишган. Уларнинг ҳар бири агросаноат мажмуасини таркибини илмий изланишнинг мақсади бўйича изоҳлаган. Агросаноат мажмуасининг таркибини илмий асарларда белгиланган таснифини бирортасини инкор қилмаган ҳолда унинг таркибини 4 та соҳага бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу соҳалар қуйидагилардир.


Биринчи соҳа. Агросаноат мажмуаси тармоқлари (тизими) учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа. Бу соҳага агросаноат мажмуаси учун машина, трактор, комбайн, станоклар, ишчи машиналар ишлаб чиқарадиган машинасозлик, маъданли ўғит ва химикатлар ишлаб чиқарувчи кимё саноати, чорвачилик учун омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари учун дори-дармон ишлаб чиқарувчи ихтисослашган корхоналар кабилар киради.

Иккинчи соҳа. Қишлоқ хўжалигининг ўзи. Бу соҳа агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини ташкил этади ва мажмуанинг башқа соҳасига кирувчи тармоқлар асосан шу тармоқ маҳсулотлари асосида фаолият юртадилар ёки хизмат кўрсатадилар. Қишлоқ хўжалиги ўз навбатида ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларига бўлинади. Бундан ташқари агросаноат мажмуасининг иккинчи соҳасига, пиллачилик, асаларичилик, қисман ўрмончилик (табiiй озиқ-овқат ва доривор ўсимликлар етиштириш) ҳамда балиқчилик киради.

Учинчи соҳа. Бу соҳа - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар йиғиндисидан иборат. Озиқ-овқат саноати, пахта заводлари, гўшт, сут заводлари, мева шарбатлари чиқарувчи заводлар, ёғ-мой заводлари, жунни, канопни, пиллани қайта ишлаш заводлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни сақлайдиган корхоналар, уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар шу соҳанинг таркибини ташкил этади.

Тўртинчи соҳа. Бу соҳа - агросаноат мажмуаси инфратузилмасидан иборат. Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси жуда мураккаб таркибга эга. Шу билан биргаликда уларнинг айримлари ўз хизмат хусусиятига кўра ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма таркибига кириши мумкин. Шунга қарамасдан иқтисодий таҳлил қилишнинг, қарорлар қабул қилиш учун зурур сифатли маълумотларни олиш учун уни таснифлаш мақсадга

мувофик. Инфратузилманинг ўзи иккига бўлинади. Биринчи қисми ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлса, иккинчи қисми ижтимоий инфратузилмадир. Мамлакат агросаноат мажмуасининг умумий кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:



1-чизма. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг таркиби

Ана шу 4 та соҳага кирувчи тармоқлар бирлашиб, мамлакатнинг ягона агросаноат мажмуасини ташкил этади. Агросаноат мажмуасининг таркиби жуда мураккаб бўлиб, у турли омиллар таъсирида даврлар ўтиши билан ўзгариб, такомиллашиб боради. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши натижасида талаб ва тақлиф асосида айрим тармоқлар, соҳалар йўқ бўлиб бошқалари шаклланади ва ривожланади. Агросаноат мажмуасининг таркибини ўзгаришига қишлоқ хўжалиги фаол таъсир кўрсатади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги таркибида юз берадиган ўзгаришлар агросаноат мажмуаси таркибининг ўзгаришига олиб келади. Мамлакат агросаноат мажмуаси таркибига жаҳон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган

конъюктуранинг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Анъанавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган ҳудудларда турли сабабларга кўра таркибий ўзгаришлар юз бериб туради. Чунки бозор қонуниятларига кўра ҳар бир давлат ишлаб чиқариш таркибини шакллантираётганда ўзининг абсолют ва нисбий устунлигини аниқлаб олиши лозим. Акс ҳолда рақобатда енгиледи ва бу кўплаб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни юзага чиқаради. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида доимий равишда ихтисослашиш жараёни такомиллашиб боради. Бу эса ўз навбатида мамлакат ёки ҳудуд агросаноат мажмуаси таркибини такомиллашишига олиб келади. Агросаноат мажмуасининг таркибининг ўзгаришига олиб келадиган сабаблардан яна бири табиий-иқлим шароитларида юз берадиган ўзгаришлардир. Табиий-иқлим шароитларнинг ўзгариши қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш таркибида ўзгаришлар юз беришини талаб қилади. Чунки минтақадаги табиий-иқлим шароити айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни умуман ёки қисман чеклаб қўяди. Табиий-иқлим шароит қишлоқ хўжалигининг айрим маҳсулотларини етиштириш учун ноқулай бўлса бу муаммони иссиқхоналар ёрдамида ҳал этиш мумкин. Лекин бу маҳсулотларнинг таннархи нисбатан юқори бўлади ва бунинг иқтисодий натижаларга таъсири одатда салбий бўлади. Агросаноат мажмуасининг таркибига фан, техника ва технологиянинг таъсири ҳам катта. Фан, техника ва технологиянинг ривожланиши одатда мамлакат агросаноат мажмуаси таркибига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятлари таъсирида агросаноат мажмуасининг таркиби такомиллашиб боради. Ўзбекистон Республикасида асосий эътибор агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасининг имкон даражасида ривожлантиришга қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги техникалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган, сақлайдиган соҳаларга техникаларига талаб катта. Ҳозирги кунда республика агросаноат мажмуаси ушбу техникаларнинг салмоқли бир қисмини хориждан келтиришга мажбур бўлмоқда. Ушбу техникаларга бўлган талабнинг импортга қарамлиги мамлакат агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Республика агросаноат мажмуасида алоҳида эътибор унинг инфратузилмасига қаратилиши мажмуанинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

2.3. Агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

Мамлакат иқтисодиётида агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва ўрни жуда катта. Унинг ўрни энг аввало мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи балан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан кўпроғи агросаноат мажмуасида ишлаб

чиқарилади. Мажмуанинг аҳамияти энг аввало унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг қиммати билан белгиланади. Гап шундаки, агросаноат мажмуасининг охириги маҳсулоти инсонлар кундалик истеъмолига қаратилган озиқ-овқат ва инсонларнинг шахсий кийим-кечаклари, уй-рўзғор буюмлари ҳисобланади. Мамлакат агросаноат мажмуасида озиқ-овқатнинг 99 фоиздан кўпроғи етиштирилади. Мажмуа мамалакатнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлайди.

Республика агросаноат мажмуаси экспортбоп маҳсулотлар етиштиради ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган қаттиқ валюта тушумини таъминлашда фаол қатнашади. Мамлакат иқтисодиётига тушаётган қаттиқ валюта иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилишга, юрт ҳавфсизлигини таъминлашга, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадларига сарфланади. Ҳозирда қаттиқ валютанинг 60 фоиздан кўпроғи шу мажмуа маҳсулотларини сотишдан тушади. 2005 йил натижаларига кўра мамлакатнинг ташқи савдосидан тушган қаттиқ валютанинг 19 фоиздан кўпроғи пахта толасини сотишдан олинди.

Агросаноат мажмуаси мамлакатда мавжуд ижтимоий муаммоларни юмшатишда асосий ролни ўйнайди. Мажмуа аҳоли учун иш жойлари беради. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсадига тўхталиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов – “Саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий бизнес вакилларига кенг йўл очиб бериш, уларнинг олдидаги тўсиқ-қовларни олиб ташлаш, ижтимоий муаммолар, айниқса, ишсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур”^{*} деган эди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2005 йилнинг 1 сентябр ҳолатига 26 млн. кишини ташкил этди. Мамлакат аҳолисининг ўртача ёши нисбатан ёш ҳисобланади. Аҳолининг 60 фоиздан кўпроғи ўсмир ва ёшларни ташкил этади. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиёти олдида янги муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки нисбатан ёш аҳолига эга бўлиш аҳолининг табиий ўсига нисбатан меҳнат ресурсларининг тез ўсишига олиб келади. Масалан, республика аҳолисининг табиий ўсиши 2000-2004 йилларда йилига ўртача 1,27 фоизни ташкил этган ҳолда меҳнат ресурслари шу йиллари ичида 2,3 фоизга ошган. Натижада аҳолининг меҳнат ёшига тўлганларини иш билан таъминлашни яхшилаш зарурати туғилади. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг иқтисодиётда банд бўлганларининг 75 фоизига яқини агросаноат мажмуасида ишлайди.

Мамлакат иқтисодиётидаги асосий тармоқлар шу мажмуага кирганлиги сабабли асосий фондларнинг (активларнинг) катта қисми агросаноат мажмуасида фалоият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг


^{*} Каримов Ислон. Ватанимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букулмас иродасига боғлиқ. -Т.: “Ўзбекистон”, 2004.-32 б.

жуда катта ресурслари агросаноат мажмуаси тармоқларида жойлашганлиги унинг аҳамиятини янада оширади. Бу ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, мамлакат агросаноат мажмумасининг ривожланиши, аҳолининг турмуш даражасини ошириш тўғридан-тўғри шу мажмуанинг фаолияти билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг фаолияти самарали бўлса, ҳалқнинг турмуш даражаси юқори бўлади ёки аксинча. Шу сабабли агросаноат мажмуасини ривожлантириш республика иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Республика агросаноат мажмуаси мустақиллик йилларида чуқур таркибий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни бошдан кечирди. Олиб борилган ислоҳотлар натижасида бозор муносабатлари ривожлана бошлади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши бозорнинг таркибини белгилайди. Бозорнинг таркибининг шаклланиши кўплаб омилларга боғлиқ. Жамладан, мулк шакли ва хўжалик юритиш усуллари, товар ишлаб чиқарувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар сони, баҳоларни назорат қилиш даражаси, тармоққа кириш ва чиқишда қўйиладиган тўсиқлар, муносабатларнинг ривожланганлик даражаси, давлат сиёсати ва бошқалар бозорнинг таркибига таъсир кўрсатади. Агросаноат мажмуаси бозори таркиби қуйидагича ифодаланади.




2-чизма. Агросаноат мажмуаси бозори таркиби

Иқтисодий адабиётларда бозорнинг амал қилиш механизмлари, унга давлатнинг аралашуви даражасига қараб уч турдаги бозор типи фарқланган. Буларга: ривожланмаган бозор; эркин бозор ва тартибга солиниб туриладиган бозорлар киради. Ривожланмаган бозор – бу бозорда олди-сотди жараёнлари кучли ривожланмаган, одатда оддий товар айрибошлаш жараёни юз беради. Бу бозорда товарларнинг натурал айрибошланиши (бартер) кўпроқ амалга оширилади. Бу бозор тўйинмаган ҳисобланади. Эркин бозор – бу рақобатли бозор ҳисобланади. Бу бозорда жуда кўплаб кичик ва катта товар ишлаб чиқарувчилар иштирок этади ва уларнинг бирортаси ушбу товар нархини ўзгартиришга сезиларли таъсир эта олмайди. Товарлар эркин сотилади. Амалиётда бундай бозорлар кам учрайди. Тартибга солиб туриладиган бозор – бу бозорнинг фаолиятига ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар билан давлат аралашиб (тартибга солиб) туради.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлат асосий ташаббускор тамойилига амал қилмоқда. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тез ривожланиб бормоқда. Қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари хом ашёси ва озиқ – овқат бозорини таркибини қўйидагича ифодалаш мумкин. (3-чизма)



3-чизма. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашёси ва озиқ – овқат бозорини таркиби

2.4. Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Агросаноат мажмуасини ривожлантириш ҳар қандай давлатнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси

иқтисодиётнинг нисбатан яхши ривожланган соҳаси ҳисобланади. Унинг мамлакат ҳаёти учун иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти жуда катта. Чунки бу соҳа катта молиявий ресурслар талаб қилмасдан катта самара бера оладиган соҳадир. Бошқа тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, ўз навбатида, катта молиявий ва янги соҳада ихтисослашган асосий воситалар, меҳнат ресурсларининг бўлишини талаб қилади. Агросаноат мажмуаси эса, Ўзбекистон Республикасининг тарихан мавжуд бўлган ва ривожланган соҳаларидан бири ҳисобланади. Мамлакат аҳолиси жуда қадим даврлардан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келади. Мамлакат аҳолиси қишлоқ хўжалигини юритишда жуда катта малакага эга. Табиий-иқлим шароитлари қишлоқ хўжалиги учун қулай минтақалардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам агросаноат мажмуасини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси учун энг муҳим устувор йўналишлардан бири қилиб белгиланган.

1991-2006 йиллар ичида мамлакатмиз иқтисодиётида чуқур сифат ўзгаришлар юз берди. Мамлакат кучли ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидан бормоқда. Шу йиллар ичида мамлакат агросаноат мажмуасини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантиришни таъминлайдиган ҳуқуқий база яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Агросаноат мажмуасида давлатнинг улуши минималлаштирилди ва новдавлат сектор ҳал қилувчи асосий кучга айланди. Ҳозирда мамлакат қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 99 фозидан кўпроғи нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ хўжалигида хусусий мулкка (ердан ташқари) асосланган фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил топди ва улар жадал ривожланиб бормоқдалар. 2003 йилнинг 1 январига келиб мамлакат қишлоқ хўжалигида жами бўлиб 77 мингта фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб турган бўлса 2006 йилнинг 1 январ ҳолатига фермер хўжаликлари сони 125,7 минг, 1 июнига келиб 189,6 мингтани ташкил этди. Олиб борилган чуқур ислохотлар натижасида мамлакатда дон етиштириш ҳажми кескин кўпайди. Агарда 1992 йилда жами бўлиб 2,2 млн. тонна дон етиштирилган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 5,4 млн. тоннани, 2005 йилда 6008,8 минг, 2006 йилда 6,1 млн. тоннани ташкил этди. Шу йиллар ичида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида олдин кўп миқдорда етиштирилмаган мойли ўсимликлар маҳсулотлари, қанд лавлаги ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Мева, савзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳам кескин кўпаймоқда. Чорвачилик тармоғи ривожланиши эса, аксинча, қониқарли ҳолатда эмас. Сут, гўшт, етиштириш 2000 йилда 1990 йил даражасида бўлди, тухум етиштириш эса ҳажман 3 мартадан ортиқроққа камайиб кетди. 2005 йилга келиб 1991 йилга нисбатан қорамоллар бош сони 16,4 фоизга, етиштирилаётган гўшт 17,4 фоизга, сут 14,6 фоизга ва тухум ишлаб чиқариш 9,6 фоизга кўпайди.

Республикада 1991-1996 йилларда чорва моллари бош сони 12-17 фоизга камайиб кетди. Республикада бу ҳолатга ўз вақтида тўғри баҳо берилди ва чорва моллари бош сонини кўпайтириш чоралари кўрилди. Натижада 1998

йилдан бошлаб чорва моллари бош сони ўса бошлади. Собиқ иттифок таркибида бўлган республикаларнинг барчасида мустақилликка эришгандан кейин чорва моллари бош сони кескин камайиб кетди.

Республика Президенти, ҳукумати чорвачилик тармоғининг кескин камайиши энг аввало аҳолининг турмуш даражасига таъсир қилишини ҳисобга олиб, соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштирди. Бу тадбирлар натижасида республикада чорва молларининг бош сони кескин камайиб кетишга йўл қўйилмади. Шунга қармасдан уларнинг бош сонини янада кўпайтириш зарурати бор.

Республика қишлоқ хўжалигида мавжуд чорва молларнинг зоти кейинги йилларда яхшиланган эмас. Бу борада жуда катта ишлар қилиниши лозим. Мамлакатда чорва молларининг бош сонини кўпайтириш, уларнинг янги, сермаҳсул зотларини яратиш ёки сотиб олиш, чорвачиликнинг ем – хашак базасини мустаҳкамлаш зарурати бор. Чорвачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янги технологиялар жорий этиш бугунги кун талабидир.

Кейинги 2000-2006 йилларда умуман, мамлакат қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ишлаб чиқариш йилига 4,5 -6 фоиздан кўпроқ ўсмоқда. 2004-2005 йилларда бу кўрсаткич мос равишда 10,1 ва 7,0 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқлари олдида қуйдаги асосий мақсадли вазифалар турибди.

- Маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш ва ассортиментини яхшилаш. Бу борада катта ишлар амалга оширилиши лозим. Чунки мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббиёт меъёрига мос равишда таъминланиш даражаси ҳали анча паст. Айниқса, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш талаб қилинади. Мамлакатда дон етиштиришни 10-12 млн. таннага етказиш, гўшт, сут етиштиришни энг камида икки, тухум етиштиришни 3 мартага кўпайтириш талаб қилинади. Албатта физиологик меъёр (энергия олиш) нуқтаи назаридан озиқ-овқат муаммоси мамлакатда тўлиқ ҳал этилган. Аммо озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ижтимоий – иқтисодий томондан баҳоланганда катта муаммо бўлиб турибди. Гап шундаки, физиологик меъёр бўйича олинаётган энергия қайси маҳсулотларни истеъмол қилиш эвазига ҳосил бўлмоқда, деган савол туғилади. Ҳозирда мамлакат аҳолиси озиқ – овқатдан олинаётган энергиянинг асосий қисми нон ва нон маҳсулотлари, картошка, углеводлар ва меваларни истеъмол қилишдан олинмоқда. Инсон организми талаб даражасида мўътадил фаолият кўрсатиши учун эса баланслашган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш талаб этилади. Республикада бу маҳсулотлардан жон бошига қанчадан истеъмол қилинишини кўрсатувчи маҳсус меъёр ҳам ишлаб чиқилган. Бу борада, яъни баланслашган озиқ-овқат истеъмол қилишда, ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Айниқса, чорвачилик, асаларичилик, балиқ маҳсулотларига бўлган талаб катта бўлишига қарамасдан шу маҳсулотлар билан аҳоли қониқарсиз ҳолда таъминланган. Шу жиҳатдан мамлакатда ер,

сув, меҳнат ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг энг самарали йўлларини топиш, фан, техника ва технологиянинг энг илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга қўллаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ассортиментини яхшилаш агросаноат мажмуасининг бош вазифаларидан биридир. Агарда ер юзи аҳолисининг 2 млрд.га яқини очлик, тўйиб овқат емаслик ва ичимлик сув танқислиги шароитда яшаётганини ҳисобга олсак, бу муаммо ниҳоятда муҳимлиги аёнлашади. Бундан ташқари ер юзи аҳолиси, жумладан, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2030 йилга бориб Республика аҳолиси 46-млн. кишини ташкил этар экан.

- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи паст бўлишини таъминлаш. Бу жуда долзарб муаммолардан бири бўлиб, бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқади. Бозорда рақобатга бардош бериш учун етиштирилаётган маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам арзон бўлиши керак. Бозорда талаб ва таклиф қонуни талаблари натижасида шаклланган нархдан етиштирилаётган маҳсулот таннархи арзон бўлиши талаб қилинади. Маҳсулотлар таннархининг арзон бўлиши маълум даражада ижтимоий масалаларни ҳам тўғри ҳал этилишига хизмат қилади. Шунингдек, маҳсулотлар таннархининг паст бўлиши уларнинг нархини пасайишига олиб келишига асос бўлиб хизмат қилади. Бу, аҳолининг маҳсулотларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиради, турмуш даражасини оширади, ишлаб чиқарувчиларнинг эса фойдаси кўпайишини таъминлайди. Натижада корхоналарнинг давлат бюджетига тўловлари ва солиқларнинг умумий миқдори кўп бўлишига олиб келади. Бу эса мамлакат иқтисодиётини кучайтиради ва янада тез ривожланиш имкониятларини яратади.

Кейинги йиллардаги мамлакатда олиб борилган нарх сиёсати натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий имкониятлари анча чекланиб қолди. Саноат маҳсулотларига эркин нархлар сиёсати олиб борилди ва натижада қишлоқ хўжалиги сотиб олаётган ўғит, ёқилғи–мойлаш материаллари, техника, уларни бутловчи қисмлари нархлари 14 йил (1991-2005) ичида 1400 марта ва ундан кўпроққа ошди. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари бўлган пахта ва донга нархлар эса 24-50 марта ошди, холос. Нархларнинг бундай ҳолатда шаклланиши (нарх паритетининг бузилиши) қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий имкониятларининг чекланишига сабаб бўлади ва бу ҳолат, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхоналарида кўплаб бошқа муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бу ҳолати, ўз навбатида, умуман, мамлакат агросаноат мажмуасининг жадал ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли ҳам етиштирилаётган маҳсулотлар бирлиги таннархини имкон даражасида пасайтириш агросаноат мажмуасини асосий вазифаларининг иккинчиси ҳисобланади.

- Мамлакат агросаноат мажмуаси тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида, меҳнат унумдорлигини ошириш. Маълумки меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши жуда катта ижобий натижаларга олиб келади. Меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот таннархи нисбатан паст бўлишини, катта миқдордаги ресурслар тежалишини таъминлайди. Қишлоқ хўжалигидан меҳнат ресурсларининг бўшашига олиб келади. Қишлоқ хўжалигидан бўшаган меҳнат ресурслари нисбатан кўп малака ва билим талаб қиладиган саноатнинг турли саҳоларида ишлаши учун имкониятлар туғилади. Натижада мамлакат меҳнат ресурсларининг сифат даражаси ошади. Бу эса энг катта бойлик ҳисобланади.

Ривожланган давлатлар таржибалари шуни кўрсатадики, бизда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари жуда катта. Масалан: АҚШ, Германия, Голландия каби ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир ходим мамлакат аҳолисининг 90-110 тасига етарли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бизда бу кўрсаткич 9-12 тани ташкил этади. Албатта, ривожланган давлатлар агросаноат мажмуаси таркибида асосий меҳнат ресурслари агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган соҳаларда банд. Агар умуман, агросаноат мажмуасида меҳнат унумдорлигини ҳисобга олсак, юқоридаги нисбатнинг фарқи камайади. Шунга қармасдан ривожланган давлатлар ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигининг даражаси ўртасидаги фарқ жуда катта. Шу сабабларга кўра, мамлакат агросаноат мажмуасида меҳнат унумдорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатда ютиб чиқиш ва барқарор ривожланиш учун меҳнат унумдорлигини оширишга этиборни кучайтириш лозим.

- Мажмуа тармоқларининг бир-бири билан мутаносиб ҳолда ривожланишни таъминлаш. Бу жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга вазифалардан биридир. Ҳозирда мамлакат агросаноат мажмуасининг биринчи соҳаси - агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг мавжудлиги ва борларининг ривожланиш даражаси талабдагидан жуда паст. Натижада, республика қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган тракторларнинг катта қисми, комбайнлар, юк автомобилларининг юз фоизи импорт эвазига қопланади. Мамлакатда тарктор, пахта териш машинаси ва қатор қишлоқ хўжалиги учун зарур ишчи машиналар ишлаб чиқаришга етарлича имконият бор. Шу сабабли ана шу тармоқларни ривожлантиришга энг устувор йўналишлардан бир сифатида қаралмоқда.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг нобуд бўлмаслиги жиҳатидан уларни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқ ва хизматларнинг мавжудлигига, уларнинг жиҳозланишига ва бир меъёрга етарли қувват билан ишлашига боғлиқ. Ҳозирда қишлоқ хўжалигида етиштирилган айрим маҳсулотнинг катта бир

қисми ана шу тармоқларидаги камчиликлар сабабли нобуд бўлмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш ресурлари, маҳсулотлар тақчиллиги шароитида йўл қўйиб бўлмайдиган йўқотишдир. Айниқса помидор, узум, олма каби маҳсулотлар пишган пайтда уларни тайёрловчи, сақловчи ва қайта ишловчи ташкилотлар қувватининг етишмаслиги бунга сабаб бўлмоқда. Баъзи ҳолларда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги ҳам иқтисодиётга катта зарар келтиради. Масалан, ҳозирда гўштни қайта ишлаш саноати ўз қувватидан йил давомида 5-18 фоизга фойдаланмоқда. Бу, ўз навбатидан ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайишига, мавжуд ресурсларнинг бекор туриб қолишига олиб келади.

Умуман олганда, агросаноат мажмуаси тармоқларини бир–бирига мутаносиб ривожлантириш жуда мураккаб бўлсада, бу масалага эътиборсиз бўлиш мумкин эмас. Уни оқилона ҳал этиш иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

- Бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, маҳсулот экспортини кўпайтириш, хорижий давлатларнинг илғор таржибасини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кадрлар малакасини, билимини ошириш меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини юксалтириш масалалари ҳам мажмуанинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

- Аҳолининг (мажмуада банд бўлганларнинг) турмуш даражасини кўтариш, қишлоқ жойларда яшаш шароитларини яхшилаш. Бу вазифани бажаришга мамлакат Президенти, ҳукумати томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини кўтариш, уларни иш билан таъминлашни яхшилаш мақсадида аҳолига 650 минг гектардан кўпроқ ер тарқатилиб берилди. Ўзбекистон Республикасида 82 фоиз уй хўжаликларининг томорқа ери бор. Қишлоқ хўжалигида 97 фоиз уй хўжалигининг қишлоқ хўжалиги мақсадларида ишлатишга яроқли ерлари мавжуд. Қишлоқ хўжалигида уй хўжаликлари учун ажратилган ерларнинг 60 фоизи қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ишлатилмоқда. Бу кўрсаткични 90 фоиздан ошириш қўшимча равишда кўплаб миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради. Уй хўжаликларига ажратилган ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ҳам кўтаради.

Қисқача хулосалар

Агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалигининг саноат тармоқлари билан ягона бир тизимга айналиши ёки қишлоқ хўжалиги билан саноатнинг бир организмга айналишини англатади. Агросаноат интеграцияси ривожланиши натижасида агросаноат мажмуаси вужудга келади. Агросаноат мажмуаси-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, уларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан

шуғулланувчи тармоқлар ва мажмуа тармоқларига хизмат кўрсатувчи соҳалар йиғиндисидир. Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма ҳам киради. Агросаноат мажмуаси тармоқлари 4 та соҳага бўлинади. Агросаноат мажмуаси биринчи соҳасига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар, иккинчи соҳасига қишлоқ хўжалиги, учинчи соҳасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёровчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар, тўртинчи соҳасига инфратузилма киради. Инфратузилма ўзи икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга, ишлаб чиқариш инфратузилмаси иккинчи гуруҳга эса ижтимоий инфратузилма киради.

Агросаноат мажмуасининг ривожланганлик даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасини белгилайди. Халқнинг турмуш даражаси асосан мамлакат агросаноат мажмуасининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Мамлакат агросаноат мажмуаси тармоқлари олдида қуйидаги асосий мақсадли вазифалар турибди: Биринчидан, агросаноат мажмуаси маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг миқдорини кўпайтириш; иккинчидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва уларнинг ассортиментини яхшилаш; учинчидан, агросаноат мажмуаси тармоқларида меҳнат унумдорлиги ошириш; тўртинчидан, агросаноат мажмуаси маҳсулотларини таннархини пасайтириш; бешинчидан, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш; олтинчидан, агросаноат мажмуаси тармоқларида бозор муносабатларини янада чуқурлаштиришдир. Маҳсулотлар ва хизматлар экспортини кўпайтириш, хорижий давлатларнинг илғор таржибасини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кадрлар малакасини, билимини ошириш, меҳнаткашларнинг турмуш шароитларни юксалтириш масалалари ҳам агросаноат мажмуасининг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Республика агросаноат мажмуасининг салоҳиятли имкониятларидан максимал фойдаланишга эришиш иқтисодиётнинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Таянч иборалар

Баҳолар паритети, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутоносиб ривожлантириш, маҳсулот сифати, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодиёт, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, минтақа иқтисодиёти, тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни

интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, кимёлаштириш, автоматлаштириш, меҳнатни қуролланиш даражаси, фонд билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, меҳнат ресурслари, ер ва сув фонди, ишбилармонлик, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Агросаноат инетграцияси нима?
2. “Агросаноат мажмуаси” тушунчасига таъриф беринг?
3. Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва мамлакат иқтисодиётдаги ўрни.
4. Агросаноат мажмуаси нечта соҳалардан иборат?
5. АСМнинг биринчи соҳасига қайси тармоқ ва хизматлар киради ?
6. АСМнинг иккинчи соҳасига қайси тармоқ ва хизматлар киради ?
7. АСМнинг учинчи соҳасига қайси тармоқ ва хизматлар киради?
8. АСМнинг тўртинчи соҳасига қайси тармоқ ва хизматлар киради?
9. АСМнинг ишлаб чиқарариш инфратузилмасини таркибини айтинг.
10. АСМнинг ижтимоий инфратузилмасини таркибини айтинг.
11. Агросаноат мажмуасининг мақсадли асосий вазифалари нималардан иборат?
12. Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: -Т.: Ўзбекистон 1999.- 326.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тарақиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Ҳакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма), -Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
5. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Ҳакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма), –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
6. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
7. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.

8. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).

Интернет сайдлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic935&page1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page4&book88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Узбекистана.

3-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ СОҲА

3.1. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби

Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган соҳа унинг 1- соҳаси ҳисобланиб, у мураккаб таркибга эга. Бу соҳага агросаноат мажмуасига кирадиган барча тармоқлар учун керакли ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради. Маълумки ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологияларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Иқтисодиётнинг қайси соҳаси бўлмасин юқори унумли, сифатли ишлайдиган ва кам харажат талаб қиладиган техникалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига зарурат сезади. Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳаси жуда катта иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга. Агросаноат мажмуасида асосий масала қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ҳисобланади. Демак бу борада асосий эътибор ҳақли равишда қишлоқ хўжалигига берилиши зарур. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги учун тракторлар, дон ўриш кабайнлари, экинларни экиш, кўп йиллик ўтларни ўришни амалга оширадиган техникалар, махсус юк автомобиллари, куч берувчи машиналарга орган ва ишчи машиналар ишлаб чиқарувчи тармоқ корхоналари агросаноат мажмуасининг 1-соҳаси таркибига киради. Ўзбекистон Республикасида трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимёвий воситалар ва маъданли ўғит ишлаб чиқариш корхоналари, микробиология саноати, ихтисослашган қурилиш материаллари саноати етарли даражада яхши ривожланган. Шу билан биргаликда дон ўриш комбайнлари, ҳайдов тракторлари, ем-хашак ўрувчи комбайнлар ишлаб чиқариш деярли импортга боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташийдиган юк автомобилсозлиги ташкил этилмаган. Республикада 5 млн. тоннадан ортиқ мева ва сабзавот, 3,5 млн. тонна пахта ва 6 млн. тоннадан ортиқ дон, катта миқдорда сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлари етиштирилишини ҳисобга олинса уларни ташийдиган махсус юк транспортларига талабнинг катта эканлигини кўриш мумкин.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, сақловчи, қайта ишловчи ва сотиш билан шуғулланувчи тармоқларда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситаларини яратадиган тармоқ ва корхоналар ҳам 1-соҳанинг таркибини ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун техникалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Республика қишлоқ хўжалигида чорвачилиги ривожланган соҳалардан бири бўлиб, у катта аҳамиятга эга. Республика қишлоқ хўжалиги ялпи

маҳсулотида чорвачиликнинг улуши 46-48 фоизни ташкил этади. Бу ўз навбатида улар учун омухта ем ишлаб чиқаришни кўпайтиришни талаб қилади. Республикада чорвачилик учун омухта ем ишлаб чиқаришига ихтисослашган катта имкониятли корхоналар тизими ташкил топган. Аммо уларнинг ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишда қатор муаммолар мавжуд.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги учун маъданли ўғит ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам 1-соҳага киради. Республикада қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун маъданли ўғит ишлаб чиқариш етарли даражада ривожланган бўлиб, ишлаб чиқарилган маъданли ўғитларнинг бир қисми экспорт ҳам қилинмоқда. Шу билан биргаликда республикада калийли маъданли ўғитларни ишлаб чиқариш корхоналари ривожланмаган. Республика қишлоқ хўжалиги учун зарур калийли ўғитлар асосан импорт ҳисобига қондирилади. Албатта ҳар бир давлат ўз талабларининг 100 фоизини ўз корхоналарида ишлаб чиқариши лозим деган фикрдан узоқ бўлиш керак. Чунки турли сабабларга кўра бунинг имконияти йўқ, бор бўлганда ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Чунки турли давлатларнинг турли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари турличадир. Бу борада ҳар бир давлат агросаноат мажмуаси учун зарур барча ишлаб чиқариш воситаларининг энг самаралисини ишлаб чиқариши лозим. Қолган қисмини импорт ҳисобига қондириши ўз навбатида, бошқа давлатларга ўзида ишлаб чиқарилаётган самарали техникаларни ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиши мақсадга мувофиқ.

3.2. Агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг аҳамияти ва иқтисодиётдаги ўрни

Агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга. Унинг ривожланганлик даражасини умуман агросаноат мажмуасининг ривожланишини белгилайди. Агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш объектив зарурат ҳисобланади. Уни ривожлантириш мамлакатни саноатлашган давлатга айлантиради. Аҳолини иш билан таъминлашни яхшилайти ва унинг турмуш даражасини оширади. Бир сўз билан айтганда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлайди.

Ривожланган давлатларда ЯИМда саноатнинг улуши ўртача 32-35% ни, қишлоқ хўжалиги 2-4 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳаси – 55-60 фоизни ташкил этади.

2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси жами ялпи ички маҳсулотининг 15-16 фоизи саноат тармоқлари улушга тўғри келди. Кейинги йилларда бу кўрсаткич ижобий ўсиш тенденциясига эга. 2004 йилда жами ялпи ички маҳсулотла саноатнинг улуши 17,5 фоизни, 2005 йилда 20,7

фоизни ташкил этди. 2010 йилга келиб саноатнинг улушини 15 фоиздан 25-26 фоизга, хизматлар улушини 35% дан – 38-39 фоизгача, қурилишнинг улушини 7,8% дан 10-11 фоизга ошириш, қишлоқ хўжалигининг улушини 36,4 фоиздан 19 фоизга тушириш белгиланган. Келажакда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайтирилган ҳолда унинг улушини мамлакат ялпи маҳсулотига 10 фоиздан камайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мамлакат саноатининг асосий қисми агросаноат мажмуаси билан боғлиқ. Агросаноат мажмуаси яхши, самарали ишлаши унинг 1-соҳасининг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Агарда мамлакатда агросаноат мажмуасининг 1- соҳаси яхши ривожланган бўлмаса, зарур ишлаб чиқариш воситаларини, техникаларни ташқаридан сотиб олиш зарурати туғилади. Бу эса ҳар йили катта миқдордаги молиявий ресурсларни сарфланишини талаб қилади. Энг ёмони, мамлакат агросаноат мажмуасининг муваффақиятли фаолияти бошқа давлатлардан керакли ишлаб чиқариш воситаларини олиб келишга боғлиқ бўлиб қолади. Бундай боғлиқлик, одатда, салбий оқибатларга олиб келади.

Албатта, ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиёти учун керакли барча ишлаб чиқариш воситаларини ўзи ишлаб чиқаришини ташкил эта олмайди. Ташкил этганда ҳам самараси паст бўлиши мумкин. Лекин имкон борича мамлакатининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда энг самарали тартибда ишлаб чиқариш воситаларини мамлакатда яратиш йўллари излаб топиш мақсадга мувофиқ. Сифатли ва бизда яратилганига нисбатан арзон ишлаб чиқарилган воситаларни четдан сотиб олиш мумкин. Бу масала доимий эътиборни талаб қилади. Мамлакатда фан, техника, технология ва меҳнат ресурсларининг билим, малака даражаси ошиб борган сари талабга қараб ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришнинг таркиби ва ҳажми кўпайиб бориши мақсадга мувофиқ.

Соҳага кирувчи тармоқларнинг ривожлантирилиши иқтисодиётни саноатлаштиради. Саноатнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш имконини кучайтиради. Маълумки қишлоқ хўжалигининг натижалари кўпинча табиий шароитларга, ёғингарчилик даражаси, иссиқлик, сувнинг етарли бўлиши, табиий катаклизмаларнинг оқибатларига боғлиқ. Саноат эса бу омилларга боғлиқлиги минимумлашган соҳадир. Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасига кирувчи тармоқ корхоналарининг ривожланиши мамлакат меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашни яхшилайдди. Саноатда иш билан таъминланган меҳнат ресурсларининг малакаси юқори бўлади. Натижада меҳнат ресурсларнинг сифати яхшиланади ва рақобатбардошлиги ошади. Қолаверса, саноатда юқори малакали, интенсив меҳнат бўлганлиги учун унга тўланадиган ҳақ ҳам юқори. Бу бир томондан аҳолининг турмуш даражасини оширади, унинг маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш қобилиятини яхшилайдди. Иккинчи томондан эса давлат бюджетига тўлайдиган даромад солиқлари миқдори ҳам

юқори бўлади. Бу давлат бюджетининг мустаҳкамланишига, иқтисодий – ижтимоий масалалар ечимининг яхшиланишига олиб келади.

3.3. Агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси 1- соҳасининг айрим тармоқлари яхши ривожланган. Жумладан, кимё саноати агросаноат мажмуаси 1-соҳасининг асосий тармоқларидан бўлиб, унда жами саноат маҳсулотнинг 5,2 фоизи ишлаб чиқарилади. Маъданли ўғитлар ва кимёвий дорилар, переператлар ишлаб чиқариш соҳаси ривожланган соҳа ҳисобланади. Мамлакатда азотли, фосфорли маъданли ўғитлар қишлоқ хўжалигининг талабини тўла қондирадиган миқдорда ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари мамлакатда ишлаб чиқарилаётган азотли ва фосфорли маъданли ўғитларнинг бир қисми хорижий давлатларга экспорт қилинади. 2005 йилда республика экспортида кимё саноатининг улуши 5,3 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси маъданли ўғитларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида катта ресурсларга эгамиз. Мамлакатда мустақилликнинг даслабки йилларида фосфорли маъданли ўғитлар ишлаб чиқаришда катта муаммолар юзага келди. Чунки фосфорли маъданли ўғитнинг асосий компоненти, хом ашёси ҳисобланган фосфор уни асосан қўшни Қозоқистон Республикасидан келтирилар эди. Собиқ иттифоқ даврида ўрнатилган иқтисодий алоқаларнинг бузилиши оқибатида фосфор унини импорт қилиш имкони камайди. Натижада 1994-1998 йилларда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарадиган қатор заводлар тўхтаб қолди. Бундан малакат катта иқтисодий ва ижтимоий зарар кўрди. Республикада маъданли ўғитлар ишлаб чиқарадиган заводларни хом ашё билан узуксиз таъминлаш чоралари кўрилди. Натижада Навоий вилоятида фосфор унини бойитувчи завод 2002 йилда ишга туширилди ва бу борада истиқболли ривожланишга асос яратилди. 2005 йилда республикада 100 фоиз таъсир қилувчи модда ҳисобида 765 минг тонна азотли, 101,5 минг тонна фосфорли маъданли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Албатта маъданли ўғитларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг янада самарали турларини ишлаб чиқариш устида ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, маъданли ўғитлар таркибини бойитиш (соф таъсир қилувчи модда салмоғини кўпайтириш) катта иқтисодий самара беради. Маъданли ўғитлар таркибида азот, фосфор ва калийнинг миқдорини 1 фоизга ошириш минг – минг тонналаб юкни ортиқча ташишдан холос этади. Бу эса жуда катта тежамкорликка олиб келади.

Республикамизда асосан азотли ва фосфорли маъданли ўғитлар ишлаб чиқарилади. Калийли ўғитлар ишлаб чиқариш учун махсус заводларнинг йўқлиги туфайли бу турдаги ўғитларни асосан импорт қиламиз. Импорт

қилинаётган калийли ўғитларнинг қимматлилиги уни талаб даражасида етарлича олиб келишга имкон бермаяпти. Албатта бу қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишда салбий таъсир этмоқда. Масалан, 2004 йилда пахта ҳосилдорлиги Хитойда 33 центнер га, Исроилда 38 центнер гани ташкил этди. Шу йили республикада пахтадан гектарига ўртача 22 центнердан ҳосил олинди. Масала шундаки, қишлоқ хўжалиги экинларига солинадиган маъданли ўғитлар турли омилларни ҳисобга олган ҳолда маълум нисбатларда берилиши керак. Азот, фосфор, калийни илмий белгиланган нисбатларда экинларга бермаслик уларнинг ҳосилдорлигини пасайишига сабаб бўлади.

Республикада мамлакат агросаноат мажмуасининг 1- соҳасига кирувчи тракторсозлик, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш тармоқлари яхши ривожланган. Ўзбекистон Республикаси пахта териш машиналарини комплекс ҳолда ишлаб чиқарадиган икки давлатнинг бири ҳисобланади. Пахта териш машиналарини АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқаради. Албатта Исроил давлати ҳам АҚШнинг пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган корхоналари билан биргаликда ушбу соҳани ташкил этган. Аммо у асосан ўзи учун ишлаб чиқаради.

Республикада қишлоқ хўжалиги машинасозлиги мамлакат саноатининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда 300 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги машиналар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари бор. Айниқса, пахта териш машиналари ва агрегатлари ишлаб чиқариш тизими яхши ривожланган. Пахта териш машиналари билан боғлиқ барча механизмлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Мамлакатда ишчи машиналар – плуглар, экиш агрегатлари, чизеллар, бороналар ва кўплаб турдаги иш қуроллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Албатта, уларнинг сифатини яхшилаш талаб қилинади.

Республикада дон ўриш камбайнлари, махсус автомобиллар каби жуда зарур воситалар ишлаб чиқариш тармоқлари ҳали ташкил этилмаган. Улар бошқа давлатлардан импорт қилинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш соҳаси учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ҳам республикада яхши ривожламаган. Бу мамлакат агросаноати мажмуасида етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш тармоқлари техник жиҳозланишини импортга боғлаб қўймоқда. Натижада, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишлаш жараёнида айрим қийинчиликлар юзага келмоқда.

2004 йил маълумотларига кўра қишлоқ хўжалигида 205 дона “Магнум-8930” ва “МХ-40” русумли ҳайдов тракторлари, 1728 дона “Кейс”, 608 та “Клаас” ва “Ньюхоланд” русумли ғалла ўриш комбайнлари ҳамда кўплаб МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган техникалар ишлатилмоқда. “Ўз Кейс маш” кўшма корхонасида “Кейс-2022” русумли пахта териш машинасини йиғиш йўлга қўйилди. Кейинги 3 йил ичида Россиядан 1483 дона занжирли тракторлар олиб келинди. Булар Т-4А-01, ВТ-100, ВТ-150 ҳайдов

тракторларидан иборат. Тошкент трактор заводи ва “БМКБ-Агромаш” конструкторлик бюроси тажриба цехларида яратилган ва йиғилган 0,6 тортиш синфига мансуб “ВУ-30402” кичик трактор, ПН-2-30 икки корпусли осма плуг, НО-3 осма чизел култиватор, НО-3,2 осма борона, НР-30-01 универсал култиватор, НР-30-02 осма универсал уруғ экиш сеялкаси, МО’S-0,18 маъданли ўғит сепгичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. 2005 йилда республикада 57 та юк автомобили, 1211 та трактор прицеплари (юк ташувчи тиркамалари), 2868 та тракторлар, 401 та трактор плуглари, 1219 та трактор култиваторлари, 975 та трактор сеялкалари (экиш агрегатлари) ишлаб чиқарилди.

Ҳозирча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш тармоқларига асосий воситалар ва технологиялар асосан четдан олиб келинмоқда. Мамлакатда фақатгина енгил тўқмачилик тармоғи учун зарур айрим техникалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Агросаноат мажмуаси тармоқларида мавжуд техникаларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш аста – секинлик билан йўлга қўйилмоқда.

Республика агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасини ривожлантириш жуда мураккаб бўлиб, бу катта маблағ ва вақтни талаб қилади. Шу сабабли қисқа муддатдаги қишлоқ хўжалиги техникаларига бўлган талабни қондириш мақсадида дунёнинг йирик компаниялари билан Ўзбекистон Республикаси турли шартномалар имзолади. “Кейс-Нью-Холланд” корпорацияси 1996 йилдан ўз фаолиятини бошлади. Ўтган даврда 5000дан ортиқ техника республикага олиб келинди. “Кейс-Нью-Холланд” корпорацияси ва “Ўзқишлоқхўжаликмашҳолдинг” компанияси томонидан бир нечта модел хўжаликлари ташкил этилди. Шулардан бири пахта ва ғаллага ихтисослашган Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманида жойлашган бўлиб, ушбу техникалардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш юқори натижалар беришини кўрсатди. Жумладан, модел хўжаликда 2003-2004 йилларда пахта ҳосилдорлиги 60 центнерни ғалла эса 80 центнерни ташкил этди.

Республикада мавжуд ҳолатни чуқур ўрганиб ҳамда агросаноат мажмуаси тармоқларининг талабларидан келиб чиқиб, асосий воситалар лизинги ривожлантирилмоқда. Лизинг йўли билан четдан энг зарур асосий воситалар келтирилмоқда. Масаланинг бу тарика ҳал этилиши ҳам малакат иқтисодиёти айниқса, қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, республикада агросаноат мажмуаси 1-соҳасининг ривожланиш даражаси юқори эмас. Шу сабабли, бу соҳани ривожлантириш мамлакат ҳукумати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Қисқача хулосалар

Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар йиғиндиси агросаноат мажмуасининг биринчи соҳаси ҳисобланади. Бу соҳага кирган

саноат тармоқлари агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаради. Бу тармоқларга қишлоқ хўжалиги учун машинасозлик тармоқлари, трактор ва комбайнлар, ишчи машиналар, махсус транспорт техникалар ишлаб чиқарувчи тармоқлар, озиқ-овқат ва енгил саноат учун ишлаб чиқариш воситалари чиқариладиган корхоналар киради. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги учун маъданли ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи корхоналар, чорвачилик учун омухта ем ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради.

Бу тармоқларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ва ривожлантирилмоқда. Шу билан биргаликда республикада дон комбайнлари, махсус транспорт воситалари, ишчи машиналарнинг бир қисмини ишлаб чиқариш ташкил этилмаган. Умуман айтганда, агросаноат мажмуаси биринчи соҳасини имкон даражада кучли ривожлантириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Таянч иборалар

Механизациялаштириш, кимёлаштириш, автоматлаштириш, баҳолар паритети, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш, маҳсулот сифати, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодиёт, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, минтақа иқтисодиёти, тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини меҳнатни қуролланиш даражаси, фонд билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, меҳнат ресурслари, ер ва сув фонди, ишбилармонлик, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик, омухта ем саноати.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Агросаноат мажмуаси биринчи соҳасининг таркиби.
2. Агросаноат мажмуаси биринчи соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти.
3. Қишлоқ хўжалигига маъданли ўғитлар ва кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи соҳа.
4. Қишлоқ хўжалигига техникалар ишлаб чиқариш.
5. Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги.
6. Чорвачилик учун омухта ем ишлаб чиқарувчи соҳа.

7. Агросаноат мажмуаси биринчи соҳаси тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг минтақавий муаммолари.
8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ривожланиши.
9. Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасига кирган тармоқларнинг Ўзбекистон Республикасида ривожланганлик даражаси.
10. Агросаноат мажмуаси биринчи соҳасига кирган тармоқларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: -Т.: Ўзбекистон 1999.- 32б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тарақиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма),- Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
5. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
6. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Хакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
7. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.
8. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).
9. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001.
10. Раскин И.И, Раскин Л. И. АПК: производство и первичная переработка хлопка. –Т.: Мехнат, 1986.
11. Папов Н. А. экономика сельского хозяйства: учебник. -М.: Дело и Сервис, 2000.

Интернет сайдлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>

3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic935&page1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page4&book88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика РУз.

4-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ, ҚАЙТА ИШЛОВЧИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ СОҲАСИ

4.1. Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳаси таркиби

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни тайёрлайдиган ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берадиган (сотадиган) барча тармоқ ва корхоналар агросаноат мажмуасининг 3-соҳасини ташкил этади. Буларга:

- пахта тозлаш заводлари;
- консерва заводлари;
- паллани қайта ишлаш фабрикалари;
- сут ва гўшти кайта ишлаш корхоналари;
- ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари;
- мава шарбатлари, вино, конъяк каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар;
- жунни, каношни қайта ишлаш корхоналари;
- шакар ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- озиқ-овқат саноати;
- терини қайта ишлаш корхоналари;
- ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- музхона (холодильник) ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи корхоналар (улгуржи ва чакана савдо) ва бошқалар киради.

Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳа мураккаб таркибга эга. Ҳар бир маҳсулот тури ёки бир-бирини тўлдирувчи маҳсулотлар бўйича агросаноат мажмуасининг ўз корхоналари мавжуд. Албатта айрим маҳсулотларни республикада чуқур қайта ишлаш даражаси юқори эмас. Масалан, республика қишлоқ хўжалигининг асосий экин турларидан бири бўлган пахта хомашёсининг 100 фоизи дастлабки қайта ишлаш (пахта толасини чигитдан ажратиш ва тойлаш) дан ўтади. Аммо уни чуқур қайта ишлашнинг даражаси катта эмас. Мустақилликнинг дастлабки йилларида жами қайта ишланган пахта хомашёсининг 6-8 фоизи республикада қайта ишланар эди. 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 14-16 фоизини 2004 йилда эса 24-25 фоизни ташкил этди. Яқин келажакда бу кўрсаткични 45-50 фоизга етказиш устида ҳаракатлар қилинмоқда. Республикада пахта хомашёсини иккиламчи ва чуқур қайта ишлаш катта иқтисодий ва ижтимоий самара беради. Ҳозирда, пахтадан жуда кам

миқдорда ярим тайёр ва тайёр охирги товарлар ишлаб чиқарилмоқда. Республикада бу борада қилинадиган ишларнинг ҳажми катта. 2004 йил маълумотларига кўра мамлакатда етиштирилаётган пахта толасининг 26,1 фоизи, меванинг 15 фоизи, сабзавотларнинг 10 фоизи, полиз маҳсулотларнинг 9 фоизи, узумнинг 23 фоизи, терининг 26 фоизи, жуннинг 15 фоизи, гўштнинг 25 фоизи ва сутнинг 5 фоизи қайта ишланган. Саноатда қайта ишланган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш катта иқтисодий самара ва ижтимоий масалани (ишсизликни камайтириш, аҳолининг даромадини ошириш каби) ечишда муҳим рол ўйнайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳага кирувчи тармоқларни ривожлантириш республика иқтисодиёти учун жуда зарур. Мамлакатда амалга оширилган ислохотларга қарамадан қишлоқ жойлардаги аҳолининг маҳсулотларини сотиб оладиган ва улар учун керакли таворларни етказиб берадиган тизим етарли даражада ривожланмаган. Бу масалага тўхталиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов –“Ҳалигача қишлоқда бир томондан, фермерлар ва деҳқонлар етиштирадиган маҳсулотларни шартномавий нархларда сотиб оладиган иккинчи томондан, қишлоқ аҳолисига зарур товарлар, асбоб-ускуна ва материаллар етказиб берадиган инфратузилма тармоғи яратилмаган”*-деган эди. Қишлоқда бундай тизимнинг етишмаслиги, мавжудларининг самарали ишламаслиги тармоқнинг самарадорлигига салбий таъсир этади. Етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисмининг нобуд бўлишига олиб келади. Маҳсулотнинг ўз вақтида сотилмасдан қолган иккинчи бир қисми эса анъанавий усулларда қуритилади, консервация қилинади. Бу маҳсулотлар асосан оила мақсадлари учун ишлатилади ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган оилаларнинг даромадининг қисман кам бўлишига сабаб бўлади.

Бу борада айниқса, вино, шарбатлар, мева, сабзавот консервалари, гўшт ва сут маҳсулотларидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш асосий йўналишлар сифатида қаралиши зарур. Бу борада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кичик корхоналар куриш ва уларни ривожлантириб бориш катта самаралар беради.

4.2. Агросанот мажмуаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайарловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг аҳамияти ва иқтисодиётидаги ўрни

Агросаноат мажмуаси 3-соҳасининг аҳамияти ҳар қандай давлат иқтисодиёти учун беқиёс. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бу соҳанинг салмоғи айниқса юқори. Малакат меҳнат ресурсларининг 22

* И.А.Каримов “Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз”// Халқ сўзи 2004 й. 10 февраль.

фоизига яқини шу соҳада банд. Ялпи ички маҳсулотнинг 23 фоизга яқини шу тармоқларда ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг нобуд бўлмаслиги аввало шу тармоқлар ривожига боғлиқ. Агросаноат мажмуаси маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш ҳам асосан шу тармоқларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Улар аҳолини юқори сифатли маҳсулотлар, иш жойлари билан таъминлашда ҳам алоҳида ўрин тутади.

Мамлакат аҳолисининг иш билан таъминланишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотлар сотувчи тармоқлар ва хизматларнинг аҳамияти беқиёс. Бу тармоқларни ривожлантириш мамлакатда ишсизлик муаммосини юмшатади ва унга барҳам бериш имкониятларини кенгайтиради, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобуд бўлишининг олдини олади. Айрим маълумотларга кўра, ҳозирги кунда етиштирилаётган баъзи турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 30 фоизгачаси нобуд бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири агросаноат мажмуаси 3-соҳасининг етарли даражада ривожланмаганлигидадир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб соҳанинг аҳамияти ва иқтисодиётдаги ўрнини қуйидагилар билан белгилаш мумкин:

- қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг нобуд бўлишини олдини олади ва натижада катта иқтисодий самара беради;
- аҳолини иш билан таъминлашни яхшилайти, ижтимоий масалаларни ечимини оптималлаштиради;
- қишлоқ хўжалигини имкон даражасида бир меъёردа молиявий маблағ билан таъминлайди;
- аҳолининг турмуш даражасини оширади;
- қишлоқ хўжалигини унга хос бўлмаган функциялардан (маҳсулотни сақлаш, ташиш ва х.з.) озод қилади;
- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширади;
- аҳолини йилнинг турли фаслларида сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилайти;
- қишлоқ аҳолисининг меҳнат малакасини оширади;
- мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини сифатли таъминлайди.

Агросаноат мажмуасининг 3-соҳасига кирувчи тармоқларни ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий стратегиясининг бош йўналишларидан бир ҳисобланади. Бунда асосий эътибор энгил саноатни ривожлантиришга қаратилмоқда. Ҳозирги пайтда энгил саноатни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этишга эътибор кучайтирилди. Бу соҳада вужудга келаётган янги қўшма корхоналар янги техника ва технологиянинг кириб келишига олиб келмоқда. Бундан ташқари аҳолини иш билан бандлиги ошишига хизмат қилади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қуйидаги ҳажмда бажарилмоқда:

Мевалар – 15%, сабзавот – 10%, полиз маҳсулотлари – 5%, узум – 23%, тери – 26%, жун – 15%, гўшт – 25%, сут – 5%, пахта хомашёси – 25%.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда ялпи маҳсулотни етиштиришда кичик ва ўрта корхоналар салмоғи 60-70% ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикасида ялпи маҳсулотни етиштиришда кичик корхоналарни салмоғи 1991 йилда 1,5% ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб у 31% ташкил этган. Республикада кичик корхоналар сони 2000 йилга келиб – 190 мингга ташкил этган, уларда 3 млн. ортиқ ишчи хизмат қилади. Уларга 72 млрд. сўм кредитлар ажратилган, қўшимча 178 минг янги иш жойлари ташкил этилган. 2005 йилга келиб кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 300 мингдан ошиб кетди.

Қишлоқ хўжалиг маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича Марказий Осиё давлатлари халқлари узоқ йиллик тажриба ва билимга эга. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш масалалари бўйича Марказий Осиёда 9-12 асрларда бир қатор асарлар пайдо бўлган. Ибн Ал Хайсам (965-1035), Ибн Хатиб ар Розий (1149-1209), Ибн Рашта (12-аср), Хазрад Машҳадий Сайид Муҳаммад (12-аср) кабиларнинг асарларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ҳақида маълумотлар берилган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш масалалари жуда қадимдан ўрганилган ва йиллар ўтиши билан такомиллашиб ривожланиб борган.

4.3. Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳанинг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш йўналишлари

Ўзбекистон Республикасида агросаноат мажмуасининг 3-соҳаси нисбатан яхши ривожланган. Жумладан, агросаноат мажмуасининг 3-соҳасига кирувчи мева ва сабзавотларни қайта ишлаш саноати етарли даражада яхши ривожланган. Республикада “Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг” компаниясининг ташкил этилиши, унинг таркибига мева, сабзавот, полиз ҳамда узум етиштиришга ихтисослашган 89 та ширкат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кўплаб заводларнинг киритилиши бу соҳанинг ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Республикада йилига 5 млн. тоннадан кўпроқ мева ва сабзавот ишлаб чиқарилади. Мева шарбатлари, консервалари, вино, коньяк, ликёр каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ошмоқда. Республикада ҳар йили 16 млн. дал вино материаллари тайёрланади. Улардан 30 хил вино ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлар кўп муқдорда четэлларга экспорт қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган винолар халқаро кўргазмаларда 92 та медаль олган. 2005 йилда республикада 2442 минг дал узум виноси, 5938 минг дал ароқ ва ликёр

маҳсулотлари, 30 минг дал коньяк, 168 минг дал шампан виноси, 3098 минг дал ичимлик спирти ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат саноати ҳам яхши ривожланган тармоқлар қаторига киради. Республика озиқ-овқат саноати қуйидаги тармоқларни ўз ичига олади:

- бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларани қайта ишлаш тармоқлари. Буларга: ун-крупа, ёғ-мой, крахмал, сут, гўшт, чой, шакар, виночилик учун хомашё маҳсулотларни тайёрлаш саноати каби тармоқлар киради;

- озиқ-овқат саноати корхоналарининг маҳсулотларидан кенг фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларани ишлаб чиқарувчи тармоқлар. Буларга: мевасабзавот саноати корхоналари, сут ва гўшт маҳсулотларидан консервалар ишлаб чиқарувчилар, пиво ва вино ишлаб чиқариш саноати корхоналари киради;

- нон ва нон маҳсулотлари, макарон, салқин ичимликлар, қандолатчилик, колбаса, рафинадланган қанд, озиқ-овқат концентратлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар;

- балиқ ва бошқа сув ҳайвонлари маҳсулотларини қайта ишловчи стационар корхоналар;

- Туз ишлаб чиқариш корхоналари.

Ўзбекистон кейинги йилларда вақтинчалик балиқ ва бошқа сув ҳайвонлари маҳсулотларини қайта ишловчи стационар корхоналар тугатилган. Албатта кейинчалик бозор талаби ва мавжуд иқтисодий шароит ушбу корхоналарнинг истиқболини белгилайди.

2004 йилда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 13,2 фоизи озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқарилган бўлса 2006 йилда бу кўрсаткич 14,2 фоизни ташкил этди. 2005 йилда 1320,3 минг тонна ун, 23,1 минг тонна крупа, 397,2 минг тонна омукта ем, 4534 минг дал алкогольсиз ичимликлар, 16,9 минг тонна макарон маҳсулотлари, 46,2 минг тонна нон ва нон маҳсулотлари, 253,9 минг тонна ўсимлик мойи, 16108 туб мева шарбатлари, 147429 туб мевасабзавот консервалари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар (шакар, маргарин ва х.з.) ишлаб чиқарилди.

Мамлакатда жуда катта ёғ-мой ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилган. Ҳозирда республика аҳолисига етарли миқдорда сифатли ёғ-мой ишлаб чиқариб бера оладиган имконият мавжуд. Бу борадаги асосий масала ёғ-мой берувчи хомашё етиштиришни кўпайтиришдир. Албатта кейинги йилларда соя, масхар, кунжут, зиғир каби мой берувчи экин турлари етиштириладиган майдонлар кенгайтирилмоқда. Аммо улардан олинаётган хомашё миқдори ҳозирча қайта ишлаш саноатининг талаблари даражаси учун етарли эмас.

Республикада, айниқса, гўштни, сутни қайта ишлаш саноатининг қуввати жуда катта. Лекин кейинги йилларда чорвачиликнинг тўлиқ хусусийлаштирилиши йирик чорва фермаларининг тугатилишига олиб келди. Бу, ўз навбатида, гўшт ва сутни қайта ишлаш саноатини хомашё билан

йил давомида бир текисда таъминланиш имкониятини йўққа чиқарди. Натижада сутни ва гўшти қайта ишлайдиган йирик заводлар йил давомида деярли бекор қола бошлади. Бу, қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда:

- соҳада ишлайдиган ишчи, ходимларнинг асосий қисми ўз ишларини ўзгартиришларига мажбур бўлишмоқда ёки уларнинг вақтинча ишсиз қолишларига сабаб бўлмоқда;
- давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва бошқа тўловларнинг шу соҳа бўйича камайишга олиб келмоқда;
- чова молларини гўштга сўйиш натижасида олинадиган айрим хомашёнинг (иккинчи даражали маҳсулотлар: қон, ички безлар, биринчи қорин бўшлиғида бўладиган ем-хашак, суяк каби маҳсулотлар) нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда;

Ҳозирда мамлакат гўшт заводлари қувватидан фойдаланиш 4-18, сут заводлари қувватларидан фойдаланиш даражаси 25-62 (турли вилоятлар ва корхоналарда турлича) фоиздан ошмайди. Демак, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Республикада мавжуд қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишнинг мўътадил ечимларани топиш устида илмий ва амалий ишлар олиб борилиши зарур.

Республикада гўшт ва сутни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Бу борада янги техника ва технологияларга асосланган қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Бунга Россиянинг сут ва шарбат ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Вимм-Билль-Донн” очик акционерлик жамияти “Тошкентсут” ОАЖ билан биргаликда ташкил этган корхонаси мисол бўла олади. Россиянинг сут ва шарбат ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Вимм-Билль-Донн” очик акционерлик жамияти 131,4 минг АҚШ долларига “Тошкентсут” очик акционерлик жамиятининг акцияларани сотиб олиш йўли билан сутни қайта ишлаш соҳасига инвестиция киритди.

Республикада техника экинлари хомашёсини даслабки қайта ишлаш тизими етарли даражада ривожланган. Лекин пахта, пилла ва каноп толасини иккиламчи ва чуқур қайта ишлаш даражаси юқори эмас. Бу борадаги асосий йўналиш пахта, пилла толасини чуқур қайта ишлаш тизимини ривожлантиришдир. Бунга эришилса, тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни тубдан ривожлантириш имконияти кенгаяди. Бу, ўз навбатида, кўпгина меҳнат ресурслари иш жойларига эга бўлишини, мамлакат ички маҳсулоти ҳажми кескин кўпайишини, мамлакат экспорт салоҳияти ошишини таъминлайди. Айрим ҳисобларга қараганда пахта толасини чуқур қайта ишлаш ва улардан тайёр истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ялпи маҳсулот ҳажмини 7 мартагача ошириш имконини беради. Бир сўмлик хомашё ўрнига 7 сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мамлакатдаги кўплаб иқтисодий ва ижтимоий масалаларни яхшилаш имкони беради. Бу Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлардан бўлиб, ҳозирда ушбу масалага устиворлик статуси берилган.

2005 йилда 564,4 тонна ипак ипи, 247 млн. кв.м. пахта матолари, 3226 минг кв.м. ипак матолари, 6414 минг кв.м. гилам ва гилам маҳсулотлари, 32154 минг дона трикотаж маҳсулотлари, 17589 минг пой пайпок, 1187,6 минг тонна пахта толаси ва 1835,4 минг тонна пахта чигити ишлаб чиқарилди.

Мамлакат агросаноат мажмуасининг 3-соҳасида озиқ-овқат саноатининг ўрни катта. 2002 йилда мамлакат саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришида озиқ – овқат саноатининг салмоғи 14,2 фоизни, 2004 йилда 9,4 ва 2005 йилда 8,4 фоизини ташкил этди.

Енгил саноат Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг энг салмоқли тармоқларидан биридир. 2002 йилда жами саноат маҳсулотларнинг 18,1 фоизи, 2004 йилда 19,2 ва 2005 йилда 16,9 фоизи енгил саноатда ишлаб чиқарилди ва тармоқ кейинги йилларда тез ўсиб бориш тенденциясига эга. Мустақилликкача республикада 7 та йирик тўқимачилик корхонаси бўлган бўлса 2004 йилга келиб уларнинг сони 62 тага этди. 1995 йилда 152 минг тонна пахта толаси соҳа корхоналари томонидан ишлатилан бўлса 2004 йилда бу кўрсаткич 255 минг тоннани ташкил этди. 1995 йилдан 2005 йилгача тармоққа 900 млн. АҚШ долларидан кўпроқ миқдордаги чет эл инвестицияси жалб қилинди. Натижада 1995 йилда тармоқ маҳсулотларининг 17 фоизи қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган бўлса 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 85 фоизни ташкил этди.

Республика енгил саноатининг асосий қисми “Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси таркибига киради. “Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси мамлакатнинг текстил, трикотаж, тўқимачилик, чинни саноатига қарашли 130 та корхонадан ибарат. Уларнинг 50 таси қўшма ва чет эл корхоналаридир.

Республикада енгил саноатга устиворлик статуси берилган. Уни ривожлантириш катта истиқболга эга. Бу жараёнда қўшма корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тармоқни ривожлантириш мақсадида қўшма корхоналарга давлат томонидан қатор енгилликлар яратилган. Чет эл инвестициялари фаолияти қонун билан тўлиқ кафолатланган. Жумладан, янгидан қабул қилинган қонун, меъёрий ҳужжатлар соҳада ташкил этилган қўшма корхоналарнинг фаолиятига салбий таъсир этадиган бўлса, улар ташкил этилган кундан бошлаб 10 йил эски белгиланган қоидалар амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвестицияларни ҳуқуқларини кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғриси”даги қонунда белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвестицияларни тўғриси”даги қонунда хорижий инвестициялар учун ҳуқуқий муҳит Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари учун ўрнатилганидан ёмон бўлиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Бундан ташқари хорижий инвесторлар учун маълум миқдорда енгилликлар яратилган. Масалан, 2009 йилнинг 1 январига қадар чет эл инвестициялари мавжуд корхоналар бюджетга барча

тўловлардан (кўшилган қиймат солиғидан ташқари) озод қилинган. Давлат дастурига киритилган хорижий инвестициялари мавжуд корхоналар техник қайта таъминланиш мақсадида хориждан олиб келаётган техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар учун божхона тўловларидан (божхона ҳужжатларини қилиш харажатларидан ташқари) озод қилинган. Бундан ташқари “Ўзенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси корхоналари 4 йилга ташқаридан олиб келинаётган буёқ, кимёвий воситалар ва бошқа зурурий моллар учун импорт тўловларидан озод қилинган. Кўшма корхоналар учун пахта хомашёсини қаттиқ валютага сотиб олишда Ливерпул биржасида юзага келган нархдан 15 фоиз чегирма қилинади. Агарда улар томонидан олинган хомашёни тўлиқ ва чуқур қайта ишлаб тайёр маҳсулотлар чиқарса ва ушбу маҳсулотларнинг 80 фоизини хорижга экспорт қилса пахта толасининг нархидан яна 5 фоиз чегирма қилинади. Шундай қилиб улар пахта хомашёсини 20 фоиз арзога олиш имкониятилари мавжуд. Республика тижорат банкларида энгил саноат корхоналари учун 180 кунлик қисқа муддатли кредитлар ажратиш тавсияси берилган. Бу ҳам давлат томонидан энгил саноатни ривожлантириш учун берилган катта ёрдам ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ва қайта ишлаш саноати чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига, истеъмолчиларга етказиб беришда биржаларнинг аҳамияти ва ўрни ошиб бормоқда. Республикада агросаноат мажмуаси маҳсулотларини сотишни такомиллаштириш, бу борадаги ишларни бозор талабларига мослаштириш мақсадида Республика Агросаноат Биржаси (РАСБ) ташкил этилган.

Республика Агросаноат Биржаси (РАСБ) қуйидаги вазифаларни бажаради:

- АСМ маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш натижаларини сотиш, жумладан, ташқи бозорга чиқариш;
- АСМ корхоналари таъминоти билан шуғулланиш;
- Божхона, омборхона, реклама ва ташиш хизматларини амалга ошириш;
- Маркетинг фаолиятини юритиш ва бошқалар.

Республика қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг муҳим бир йўналиши илғор техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишдир. Бу омил жуда катта иқтисодий самара беради. Масалан, биргина пахтачиликни олайлик. Ҳозирги мавжуд техника ва технолгияда бир бирлик пахта хомашёсидан 32,7 фоиз пахта толаси олинishi меъёр қилиниб белгиланган. Амалда ҳам бир бирлик пахта хомашёсидан пахта толасининг чиқиши 30-33 фоизни ташкил этмоқда. Кўплаб пахта етиштирувчи ва уни қайта ишловчи мамлакатларда пахта хомашёсидан тола чиқиши 38 фоизни ташкил этади. Биргина шу омилнинг ўзи мамлакатда қўшимча ер, сув ресурсларини жалб этмасдан 16 фоизга пахта толасинининг кўпайишини таъминлаган бўлар эди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики ишлаб чиқаришга илғор техника ва технологияни жалб этиш кўшимча табиий ресурслар жалб этмасдан ишлаб чиқаришнинг ҳажмини оширади. Узок йиллик ишлаб чиқариш (иқтисод) нуқтаи назаридан қаралганда иқтисодий самарадорлиги ҳам юқори бўлади.

Ишлаб чиқаришга янги нав ва чорва молларнинг янги зотини киритиш ҳам қайта ишлаш тармоқларини барқарор ривожланишига олиб келади. Масалан, томат ишлаб чиқаришда помидорнинг куруқ модаси кўп навларини етиштириш, ёғ-мой саноати учун ёғлилик даражаси юқори навларни экиш, пахтанинг тола кўп берадиган навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бунга мисол бўла олади.

Қисқача хулосалар

Агросаноат мажмуасининг самарадорлиги ва ўз вазифасини тўлиқ бажариши кўп жиҳатдан унинг учинчи соҳаси ривожланганлик даражасига боғлиқ. Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, дастлабки ва чуқур қайта ишловчи, тайёр, охириги маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш билан шуғулланувчи тармоқ ва хизматлар киради. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётда агросаноат мажмуаси учинчи соҳасининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Уларнинг йил давомида бир меъёрда ишлаш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нобуд бўлишининг олдини олади ва уларнинг сифатини янада яхшилайти. Меҳнатга лаёқатли кишиларнинг катта бир қисмини иш жойлари билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси нисбатан яхши ривожланган қайта ишлаш саноатига эга. Айниқса, озиқ- овқат ва енгил саноат кучли ривож топган. Шу билан биргаликда агросаноат мажмуасининг учинчи соҳасида кўпгина ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Уларнинг энг асосийси соҳага кирувчи тармоқларда вужудга келтирилган мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланишдир. Маълумки, айрим тармоқларда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси 5-20 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида, жуда катта муаммоларни вужудга кетиради. Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳасини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада жуда катта ишлар амалга оширилаяпти. Асосий маҳсулотлардан бири - пахтани чуқур қайта ишлашни ташкил этиш, айниқса, катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга.

Таянч иборалар

Ёғ-мой, озиқ-овқат, енгил саноат, ишлаб чиқариш имкониятлари, механизациялаштириш, химиялаштириш, автоматлаштириш, баҳолар

паритети, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутоносиб ривожлантириш, маҳсулот сифати, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодиёт, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, ҳудуд иқтисодиёти, тармоқларнинг мутоносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини меҳнатни қуролланиш даражаси, фонд билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, меҳнат ресурслари, ер ва сув фонди, ишбилармонлик, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик, омухта ем саноати.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Агросаноат мажмуаси учинчи соҳасининг таркибига қандай тармоқлар киради?
2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи тармоқлар.
3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи соҳа.
4. Қишлоқ хўжалиг маҳсулотларини сақловчи соҳа.
5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташувчи соҳа.
6. АСМнинг учинчи соҳасида ташкил этилаётган қўшма корхоналар.
7. Агросаноат мажмуаси учинчи соҳасининг ҳозирги ривожланиш даражаси қандай?
8. Ўзбекистон Реапубликасида қайси қайта ишлаш тармоқлари яхши ривожланган?
9. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси учинчи соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.
10. Қайта ишлаш корхоналарини жойлаштириш тамойиллари.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тарақиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
3. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики Колл. Авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001.- 352 б.
4. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув кўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.

5. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Ҳақимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
6. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳақимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
7. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).
8. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001.
9. Раскин И.И, Раскин Л. И. АПК: производство и первичная переработка хлопка. –Т.: Мехнат, 1986

Интернет сайдлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М: Тандем /ЭЖМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topicк935&pageк1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?pageк4&bookк88899>
6. www.bearingpoint.uz

5-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

5.1. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг моҳияти, таркиби

Агросаноат мажмуасининг катта бир қисми унинг инфратузилмасидан иборат. Унинг ривожланишига Республика Президенти ва ҳукумати катта аҳамият бериб келмоқда. Бу борадаги фикрларини билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов куйидагиларни таъкидлаган эди. “Фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш зарур.” Ушбу фикрларни ривожлантириб, “Фермерларга механизация хизматлари бўйича кўрсатилаётган ёрдамни кенгайтириш, уларни маъданли ўғит, сифатли уруғлик ва кичик технологиялар билан таъминлаш, тегишли ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, лизинг хизмати билан боғлиқ масалаларни хал қилиш зарур” * деб таъкидлаган эди.

Инфратузилма – лотинча сўз бўлиб, куйида жойлашган, хизмат кўрсатувчи деган маънони беради. Инфратузилма – ишлаб чиқариш жараёни самарали амал қилиши учун зарур хизматларни кўрсатувчи йўналишлар (соҳалар)ни ўз ичига олади. Маълумки ишлаб чиқарувчи субъектлар ўз ишлаб чиқариши учун жуда кўплаб шароитларнинг, омилларнинг бўлишини талаб қилади. Бугунги кунда ишлаб чиқариш жараёни шу даражада тезлашиб, мураккаблашиб кетдики, иқтисодий жиҳатдан жуда катта имкониятга эга бўлган корхона ва фирмалар ҳам ўз ишлаб чиқариши учун зарур барча хизмат турларини ўз ҳисобидан ташкил қила олмай қолдилар. Бу хизматлар ихтисослашган ҳолда ташкил этилгандагина самарали ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи ўзига хос бўлмаган хизмат турларини ўз таркибида ташкил этмасдан уларни ихтисослашган хизмат кўрсатувчилардан сотиб олгани иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Албатта айрим хизмат турларини йирик ишлаб чиқарувчилар ўзлари ташкил этишлари мумкин.

Инфратузилманинг асосий вазифси ишлаб чиқаришнинг самарали ишлаши учун хизмат қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг узликсиз, бир меъёрда ишлаши учун шароит яратишдан иборат.

Инфратузилма қишлоқ хўжалиги корхоналари бажарадиган кўплаб функцияларни ўз зиммасига олади. Бу қишлоқ хўжалиги корхоналарига ресурсларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш имкониятини беради.

* И.А. Каримов Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз/ Тошкент. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2002 йил 16 февраль


Маълумки, агросаноат мажмуасининг инфратузилмаси унинг 4-соҳасини ташкил этади. Инфратузилма жуда катта ва мураккаб таркибга эга. Шу сабабли агросаноат инфратузилмаси иқтисодий фан томонидан асосан икки қисмга бўлиб ўрганилади. Биринчи қисмга агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси киради. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси агросаноат мажмуасининг энг зарур қисми бўлиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг мавжудлиги ва бир меъёردа фаолият кўрсатишига боғлиқ. Агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмасига қуйидагилар киради:

- транспорт тизими ва йўллар;
- алоқа тизимининг ишлаб чиқариш билан бевосита боғланган қисми;
- банк ва молия бозорининг тегишли қисми;
- қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш тизими;
- қишлоқ жойларда электр энергиясини узатиш линиялари;
- илмий – ишлаб чиқариш лабораториялари;
- зооветеринария хизматлари;
- ирригация ва мелиорация хизматлари;
- ёқилғи ва мойлаш материаллари таъминоти ташкилотлари;
- маъданли ўғитлар, кимё ва қишлоқ хўжалигини зарур кимёвий воситалар билан таъминлаш тизимлари;
- биологик хизмат кўрсатиш тизимлари корхоналари;
- консалтинг хизматлари ва бошқалар.

Инфратузилманинг ўзига хослиги шундаки, бир хизмат турининг ўзи бир пайтда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳамда ижтимоий инфратузилма бўлиши мумкин. Масалан, йўллар ишлаб чиқаришга хизмат қилиш пайтида ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳисобланади. Лекин улар аҳолининг эҳтиёжлари учун барчага беминнат бир хилда хизмат кўрсатадиган ижтимоий хизмат тури ҳамдир. Шу сабабдан йўллар ижтимоий инфратузилмага ҳам киради. Шунгдек, алоқа ва транспорт тизимлари ҳам ишлаб чиқариш ёки ижтимоий инфратузилма бўлиши мумкин. Инфратузилманинг бу хусусиятини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатни ҳисобга олмаслик иқтисодий қарорлар қабул қилишда ақрим қийинчиликларни туғдириши мумкин. Кейинги йилларда умумий тараққиёт натижасида агросаноат мажмуаси инфратузилмаси ҳам ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, агросаноат мажмуасига кирувчи барча тармоқларни бир-бирига янада яқинлаштиради, мажмуанинг самарали ишлаши учун шароитларни яхшилашга олиб келади.

Бизнинг фикримизча агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги (фермер ширкатлар ва деҳқон хўжаликлари)га корхоналарига бозор

инфратузилмаси хизматлари кўрсатиш бўғинлари таркибини қуйидаги тартибда таснифлаш маъқул бўлар эди (4-чизма).*



4-чизма. Агросаноат мажмуаси бозор инфратузилмасининг хизматлар кўрсатиш бўғинлари таркиби

Агросаноат мажмуаси инфратузилмасининг ўзига хос хусусиятларига қуйидагилар киради:

- агросаноат мажмуи хизматлар бозори кўп қиррали мураккаб универсал табиатлидир;
- унга маълум даражада мавсумийлик хосдир;

* Агросаноат мажмуасида бозор инфратузилмаси хизматларининг долзарблиги Марказий банк Бухоро вилоят Бош бошқармаси болиғи М.Р.Абдуллаев, БухДУ К.Б.Дилмонов/ Минтақавий агросаноат мажмуи хизмат бозорида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 18-19 апрел, 2005 й. 117-121 (118 бетда)

- айрим соҳаларда монополлик даражаси юқори. Хизмат кўрсатувчи корхоналар асосан монопол ҳолдадирлар;
- фермерлар ва дехқонларнинг мавқеи ушбу бозорда пастдир;
- хизматнинг барча турлари ҳам яхши шаклланган ва ривожланган эмас.

5.2. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг аҳамияти, иқтисодиётдаги ўрни ва ҳозирги ҳолати

2004 йилда Республика қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар таркибида 34% ғалла-дон ўришга, 25,2% шудгорлашга, 16,3 қишлоқ хўжалиги техникаларига эҳтиёт қисмлари етказиб беришга, 7,6 % юк ташиш автомобилларини ҳамда қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлашга, 2,2% транспорт хизматларга, 1% маъданли ўғитларни киритиш ва ўсимликларни зараркунандаларга қарши кимёвий курашига, 0,2% чорвачилик фермаларига техник хизмат кўрсатишга ва 13,5% бошқа турдаги хизматлар улушига мос келган.*

Мамлакат агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, ишлаб чиқариш инфратузилмасисиз агросаноат мажмуасида мўътадил фаолият юритиши мумкин эмас. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришнинг узликсиз ташкил этилишини таъминлайди. Агарда ҳар бир корхона барча иш ва хизматларни ўзи бажаришга ҳаракат қилса, бу жуда қимматга тушади. Кўп ҳолатларда бунини амалга ошириш мумкин ҳам эмас. Масалан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун уруғлик, ёқилги – мойлаш материаллари, маъданли ўғитлар, тури кимё маҳсулотлари, дори-дормонлар, электр, сув таъминоти, кадрлар етиштириш, алоқа хизматлари кўрсатиш, хўжаликда мавжуд техникаларни таъмирлаш ишлари ва бошқаларни олайлик. Бу иш ва хизмат турларини бир хўжалик бажариши учун қанчадан қанча мутахассис, транспорт, техникалар ва бошқа ресурслар керак бўлади. Бу хизматларни ташкил этиш учун хўжаликда на мутахассислар, на молиявий ресурслар етарли. Чунки, айрим хизмат турлари таъминоти бир хўжалик учун эмас, балки ўн, юзлаб ва минглаб ташкилотларга хизмат кўрсатади. Масалан, электр билан таъминлаш ва ҳ.к. Уларни ҳар бир хўжалик ўзи аҳолида ташкил эта олмайди. Шу сабабли ҳам бу иш ва хизмат турлари аҳолида мустақил тизимларни ташкил этади.

Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодиётда катта ўринни эгаллайди. Энг аввало, бу иш ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига олиб келади. Иқтисодиёт ривожланган сари эса, инфратузилма хизматларига талаб ортади. Натижада, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ошади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми

* Халқ сўзи 2005 йил 25 март, 2 бет

инфратузилмага иш жойлашади. Иқтисодиёти ривожланган давлатларда жами ишлаётганларнинг 60-70 фоизи хизмат кўрсатиш тизимида ишлайди. Бизда эса бу кўрсаткич 14 фоиздан камроқ. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзига хос бўлмаган кўпгина хизмат турларини ўзлари бажарадилар. Бу ёқилғи – мойлаш материаллари, маъданли ўғитларни хўжаликка олиб келиш ва бошқа фаолиятлардир. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзига хос бўлмаган фаолиятлар билан шуғилланганликлари ишлаб чиқаришнинг самардорлиги кутулган даражада ижобий бўлмаслигига олиб келиши мумкин.

Агросаноат мажмуаси, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланишига кўплаб омиллар ва мавжуд шароитлар таъсир кўрсатади. Жумладан, минтақанинг тупроқ-иқлим шароитлари, ернинг рельефи, сув билан таъминланиши, йўлларнинг мавжудлиги, ҳолати ва магистрал йўлларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш объектларининг (корхоналар, фирмалар) жойлашиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиши, ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологиялар ва бошқалар. Ушбу омиллар таъсирида қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси шаклланади ва ривожланади.

Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, қишлоқ хўжалиги тармоқларини аста - секин айрим хизмат кўрсатиш функцияларидан озод қилади. Бу хизматлар инфратузилманинг ихтисослашган корхона ва ташкилотлари томонидан бажарилади. Бу иқтисодий самарадорликнинг ошишига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги ҳам асосан, ишлаб чиқариш жараёни билан шуғулланади. Натижада, барча ишларнинг ўз агротехник муддатларида сифатли бажарилиши таъминланади. Лекин ҳозирда инфратузилма бажариши керак бўлган жуда кўплаб иш ва хизматлар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан бажарилмоқда. Бу, ўз навбатида, айрим ишларнинг сифатсиз ва катта харажатлар эвазига бажарилишига олиб келмоқда. Иккинчи томондан, мавжуд инфратузилма ҳам самарали ва сифатли фаолият кўрсатади. Шулардан бири кўрсатилаётган хизматлар базорида рақобат муҳитининг пастлиги, кўпгина ҳолларда умуман йўқлиги, хизматлар сифатининг жуда пастлигидир. Шу сабабли бу борада ҳам қилинадиган ишлар жуда кўп.

Республикада агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси маълум даражада ривожланган. Айниқса, пахта ва буғдой етиштириш учун хизмат кўрсатадиган инфратузилма яхши ривожланган. Бу йўналишдаги ишлар давлатнинг қаттиқ назорати остида ривожлантирилмоқда. Республикада пахта толасини экспорт қилиш билан шуғилланадиган 20 та ихтисослашган пахта терминаллари ташкил этилди. Ҳозирда уларнинг бир пайтда тола сақлаш имконияти 352 минг тоннани ташкил этади. Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш белгиланган. Республикада пахта толасини экспорт қилиш ушбу терминаллардан ташқари

Республика товар-хомашё биржаси ёрдамида амалга ошрилади. Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси 120 та филиалга ва 70 мингдан ортиқ мижозларга эга. Унинг мижозлари 44 давлатнинг иқтисодий субъектлари ҳисобланади. Пахтачиликда ишлаб чиқариш инфратузилмасида транспортнинг аҳамияти катта. 1991 йилда пахта толасини экспорт қилишга хизмат кўрсатадиган “Ўзташқитранс” ДАК ташкил этилди. У FIATA нинг аъзоси ҳисобланади. Компаниянинг 9 та шўъба корхоналари бўли., улар бир йилда 1,5 млн тонна юкни экспорт ва импорт қилади. Пахта толасини экспорт қилишда давлат ташқи савдо акционерлик компанияси “Ўзмарказимпекс” 1998 йилда ташкил этилди. Унинг йиллик пахта толасини сотиш ҳажми 25 минг тоннани ташкил этади. 1991 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қиладиган ва янги техника ва технологияларни импорти билан шуғилланувчи “Ўзпромашимпекс” ДАК ташкил этилди. Ушбу компания йилига 300 минг тонна пахта толасини 35 та давлатга экспорт қилади. Республикада “Ўзинтеримпекс” давлат ташқи савдо акционерлик компанияси ташкил этилган ва унинг шўъба корхоналари йилига 300 минг тонна толани экспорт қилади. Компаниянинг йиллик пул айланмаси 350 млн. АҚШ долларини ташкил этади. 1992 йилда “Ўрта Осиё Транс” ДАК пахтачилик тармоғи ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосларидан бири ҳисобланади.

Республикада чорвачилик тармоқлари учун хизмат кўрсатадиган инфратузилма мавжуд аммо улар етарли даражада ривожланмаган.

5.3. Республика агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари

Агросаноат мажмуаси инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. мажмуа тармоқлари, корхоналарининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма хизматларига бўлган реал талабларини ҳисобга олиш;
2. инфратузилма хизматлари нархларининг ишлаб чиқарувчилар учун маъқул бўлишига эришиш (лозим бўлганда давлатнинг иқтисодий дастаклар орқали аралашувини жорий этиш ва рақобатни ривожлантириш орқали);
3. инфратузилма субъектлари фаолиятини тартибга сотиб туриш йўлларини топиш;
4. инфратузилма хизматлари бозорида рақобатни кучайтириш, монополияга йўл қўймаслик;

Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини кескин ривожлантириш бугунги кун заруратидир. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси қуйдаги йўналишларда ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ:

- Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларга хизмат кўрсатадиган тармоқ ва хизматларнинг турларини кўпайтириш. Ҳозирда мамлакат қишлоқ хўжалиги ўзига зарур бир қанча хизматларни тўлиқлигича ва сифатли даражада олмаяпти. Масалан, уларга зарур банк, молия бозоридаги ўзгаришлар, турли шароитларда керакли қонуний ва иқтисодий маслаҳатлар билан таъминланиш даражаси паст ҳолатда. Бу мисоллар қишлоқ хўжалиги учун зарур хизматларнинг бир кичик қисмидир. Шу сабабли ишлаб чиқариш инфратузилмасининг хизмат турларини кўпайтириш лозим;
- Хизмат бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг бошқа бир йўналишидир. Бу энг катта аҳамиятга эга йўналишлардан биридир. Рақобатнинг бўлмаслиги кўрсатилётган хизматлар нархнинг юқори бўлишини таъминмоқда. Кўрсатилаётган хизматларнинг сифатининг пастлиги ҳам рақобат йўқлигидан ёки унинг деярли йўқлигандир. Масалан, ҳозирда юртимизда 112 та муқобил машина – трактор парклари мавжуд. Лекин уларнинг техник имкониятлари жуда паст бўлганлиги сабабли, қишлоқ хўжалиги корхоналари асосан, давлат акциядорлик жамиятлари мақомида ташкил этилган 180 та машина-трактор парки хизматларидан фойдаланишга мажбурдирлар;
- Хизмат кўрсатиш соҳасида катта имкониятлар хўжаликларнинг ўзлари томонидан биргаликда ташкил этиладиган “иттифоқ”лардадир. Масалан, техникадан биргаликда фойдаланиш иттифоқларини ташкил этиш масаласи натижалар бериши мумкинлигига қармасдан бу соҳа ривожланган эмас. Бунга асосий сабаб хўжаликларни бошқараётган раҳбарларда бундай ишларга тажриба, билим йўқлигидадир. Агарда иттифоқ тузилган ҳолда ҳам уни ташкил этган барча хўжаликлар учун ундаги техникадан самарали фойдаланиш бўйича манфаатли тартиб – қоидалар ишлаб чиқилмаган. Демак, бу борадаги ишларни ривожлантириш зарур.

Агросаноат мажмуаси инфратузилмасининг шаклланиши, унинг таркиби, ривожланганлик даражаси жуда кўп омилларга боғлиқ. Жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарининг ихтисослашганлиги, ерларнинг рельефи, шаҳарлардан узоқ ёки яқин жойлашганлиги, йирик транспорт узелларига яқинлиги ёки узоқлиги ва бошқалар инфратузилманинг нималардан ташкил топиши, унинг ривожланганлик даражаси қандай бўлиши лозимлигини белгилайди. Масалан, пахтачиликка зарур айрим хизматлар ёки иш тури ғаллачиликда керак эмас ёки жуда кам миқдорда керак. Бундай ҳолларда пахтачилик билан ғаллага ихтисослашган хўжаликларга ҳар хил инфратузилма керак бўлади. Қорақўлчилик хўжаликлари инфратузилмаси пахтачилик хўжаликларидагидан тубдан фарқ қилади ва ҳ.к. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг ўзга хос хусусиятларини (ернинг асосий ишлаб чиқариш

воситалигини, унумдорлиги, тупроқ сифатининг ҳар хиллиги, ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, иш вақти билан ишлаб чиқариш даврининг мос келмаслиги каби) эътиборга олиш зарур бу ҳам инфратузилмани ривожлантиришни зарур йўналишларидандир.

Республикада қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Республика қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган иқтисодий ночор ва норентабелли, истиқболсиз ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрда “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қишлоқ хўжалиги корхоналари учун инфратузилмани ривожлантиришнинг йўналишларани белгилаб берди.

2-жадвал

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун инфратузилма хизматлари
объектларини ташкил этиш*

№	Инфратузилма объектлари	1998-2003 йилларда тузилган	2004-2006 йилларда тузилади
1.	Мини банклар	246	701
2.	Ёқилғи мойлаш материаллари сотиш шаҳобчалари	278	889
3.	Маъданли ўғит ва ўсмликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини сотиш шаҳобчалари	266	848
4.	Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси	312	925
5.	Муқобил машина трактор парклари	294	954
6.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизими корхоналари	110	249
7.	Зотли моллар сотиш ва зооветеринария хизматлари кўрсатиш корхоналари	108	216
8.	Маълумотлар таъминоти ва консалтинг хизматлари кўрсатувчи субъектлар	84	160

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрда “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган.

Ушбу инфратузилма корхоналари хизматидан ширкатлар, фермер хўжаликлари билан бир қаторда аҳоли ҳам фойдаланиши кўзда тутилган.

Қисқача хулосалар

Агросаноат мажмуасининг муҳим бир соҳаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг нормал ишлаши учун зарур

бўлган тармоқ ва хизматлар йиғиндисидир. Инфратузилманинг асосий қисми ишлаб чиқариш инфратузилмасидир. Ишлаб чиқариш инфратузилмасига транспорт, йўллар, музхона ва омборхоналар, алоқа тизими, ирригация ва мелиорация тизими ва бошқалар киради.

Агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси мажмуа барча тармоқларининг мўътадил ишлаши учун зарур шароитни туғдиради, уларга хизмат кўрсатади. Уларнинг ривожланганлик даражаси жуда кўплаб муаммоларни ечади. Ишлаб чиқаришда банд бўлганларни ўзига хос бўлмаган иш ва хизматлардан озод қилади. Натижада, агросаноат мажмуасида меҳнатнинг сифати ва унумдорлиги ошади. Бу эса катта иқтисодий-ижтимоий самарадорликка олиб келади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси нисбатан ривожланган. Шу билан бирга унда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Улардан энг асосийлари бозор муносабатларига тўлиқ жавоб берадиган янгидан янги ишлаб чиқариш инфратузилмаси айрим турларининг мавжуд эмаслигидир. Республика агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхона ва ташкилотларини моддий-техник базаси заиф. Қолаверса, мавжуд ишлаб чиқариш инфратузилмасининг хизмат сифати, маданияти ҳали унчалик баланд эмас. Бу муаммолар агросаноат мажмуасининг натижавий кўрсаткичларига салбий таъсир этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Асосий эътибор бу борада тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилмоқда.

Таянч иборалар

Инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, ёғ-мой, озиқ-овқат, енгил саноат, ишлаб чиқариш имкониятлари, механизациялаштириш, химиялаштириш, автоматлаштириш, баҳолар паритети, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш, маҳсулот сифати, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодиёт, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, ҳудуд иқтисодиёти, тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, меҳнат ресурслари, ер ва сув фонди, ишбилармонлик, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик, омухта ем саноати, меҳнат унумдорлиги.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Агросаноат мажмуасининг инфратузилмаси” тушунчаси.
2. Агросаноат мажмуаси инфратузилмасининг таркиби.
3. Агросаноат мажмуаси инфратузилмасининг моҳияти.
4. Агросаноат мажмуаси инфратузилмасининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти.
5. Соҳанинг асосий мақсад ва вазифалари.
6. Агросаноат мажмуаси инфратузилмасини мутаносиб ривожлантириш зарурати.
7. Қишлоқ хўжалигига техникавий хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ҳозирги ҳолати.
8. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркиби ва бу тузилма ривожланишининг ҳозирги ҳолати.
9. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш йўналишлари.
10. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил этишнинг ўзга хос хусусиятлари.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: -Т.: Ўзбекистон 1999.- 32б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тарақиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
5. Серова Е. В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.
6. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики Колл. Авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001.- 352 б.
7. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
8. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
9. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Хакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
10. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.

11. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).
12. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедия», 2001.

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р.Уз.


6-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

6.1. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг моҳияти, таркиби

Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси жуда кенг таркибга эга. Бугунги кунда инсон ҳаётини энгиллаштиришга, унинг вақтини тежашга ижтимоий инфратузилманинг таъсири катта. Инфратузилма аҳолини иш билан таъминлашда ҳам нисбатан жуда катта имкониятларга эга. Ижтимоий инфратузилма ҳалқнинг турмуш даражасини кескин оширадиган соҳалардан биридир. Агросаноат мажмуасини ривожланишини ижтимоий инфратузилмасиз тасаввур этиш қийин. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасига қуйдаги соҳалар киради:

- аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими;
- йўловчи ташиш тизими;
- алоқа хизмати;
- уй – жой хўжалиги;
- мактабгача таълим тизими;
- таълим тизими;
- соғлиқни сақлаш тизими;
- аҳолини табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш тизимлари;
- спорт-соғломлаштириш тизими;
- коммунал хизматлар;
- маданий –маиший хизматлар тизими ва бошқалар.

Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси жуда мураккаб таркибга эга. Агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмаси маълум мақсадларга йўналтирилган бўлиб, ҳудудий жойлашуви, ишлаб чиқаришда иштирок этиш хусусиятларига кўра таснифланади. Ижтимоий инфратузилмани хизмат кўрсатиш объектларига кўра икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ. Агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмасини қуйидагича ифодалаш мумкин. (5-чизма)



5- чизма. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг таркиби

Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси ўз моҳиятига кўра, инсонларнинг турмушини энгиллаштирадиган соҳадир. Уларнинг асосий мақсади – инсонни жисмоний ва маънавий қобилиятларини, кучиларини қайта тиклаш ва уларнинг янада ривожланишини таъминлашга хизмат кўрсатишдир.

Мамлакатимизда, унинг ҳудудларида агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг ривожланиш даражаси турлича. Йирик шаҳарлар ва йирик транспорт узелларига яқин жойлашган ҳудудларда агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси нисбатан яхши ривожланган. Бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, янгидан янги ижтимоий инфратузилма

хизмат турлари вужудга келмокда. Айрим турлар эса йўқолиб бормокда. Бу, умуман олганда, тўғри қонуниятдир.

6.2.Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг аҳамияти, иқтисодиётдаги ўрни ва ҳозирги ҳолати

Мамлакат агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмаси катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки ижтимоий инфратузилмасисиз агросаноат мажмуаси мўътадил фаолият юритиши мумкин эмас. Ижтимоий инфратузилмаси агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ташкил этилишига, унинг барқарор ишлаши учун шароит яратади. Агарда ҳар бир корхона барча иш ва хизматларини ўзи бажаришга ҳаракат қилса, бу жуда қимматга тушади. Кўп ҳолатларда буни амалга ошириш мумкин ҳам эмас. Бу иш ва хизмат турларини бир хўжалик бажариши учун қанчадан қанча мутахассис, транспорт, техникалар ва бошқа ресурслар керак. Бу хизматларни ташкил этиш учун хўжаликда мутахассислар, молиявий ресурслар етарли эмас. Чунки айрим хизмат турлари таъминоти бир хўжалик учун эмас, балки юзлаб, минглаб ташкилотларга хизмат кўрсатади. Масалан, электр билан таъминлаш ва ҳ.к. Уларни ҳар бир хўжалик ўзи аҳолида ташкил эта олмайди. Шу сабабли ҳам бу иш ва хизмат турлари аҳолида мустақил тизимларни ташкил этади.

Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси иқтисодиётда катта ўринни эгаллайди. Энг аввало, бу иш ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг ривожланишга олиб келади. Иқтисодиёт ривожланган сари эса, инфратузилма хизматларига талаб ортади. Натижада, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ошади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми инфратузилмага ишга жойлашади. Иқтисодиёти ривожланган давлатларда жами ишлаётганларнинг 60-70 фоизи хизмат кўрсатиш тизимида ишлайди. Бизда эса бу кўрсаткич 14 фоиздан камроқ. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзига хос бўлмаган кўпгина хизмат турларини ўзлари бажарадилар. Шу боис ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кутулган даражада ижобий эмас.

Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, қишлоқ хўжалиги тармоқларини аста-секин айрим хизмат кўрсатиш функцияларидан озод қилади. Бу хизматлар ихтисослашган инфратузилма корхона ва ташкилотлари томонидан бажарилади. Албатта, бу иқтисодий самарадорликнинг ошишига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги ҳам асосан ишлаб чиқариш жараёни билан шуғулланади. Натижада барча ишларнинг ўз агротехник муддатларида сифатли бажарилиши таъминланади. Лекин ҳозирда инфратузилма бажариши керак бўлган жуда кўплаб иш ва хизматлар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан бажарилмокда. Бу, ўз навбатида,

айрим ишларнинг сифатсиз ва катта харажатлар эвазига бажарилишига олиб келмоқда. Иккинчи томондан, мавжуд инфратузилма ҳам самарали ва сифатли фаолият кўрсатади. Шулардан бири кўрсатилаётган хизматлар базорида рақобат муҳитининг пастлиги, кўпгина ҳолларда умуман йўқлиги, хизматлар сифатининг жуда пастлигидир. Шу сабабли бу борада ҳам қилинадиган ишлар жуда кўп.

Республикада агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмаси маълум даражада ривожланган. Айниқса бу масалаларга мустақиллик йилларида катта эътибор берилди. Натижада аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 83 фоиз, табиий газ билан таъминланиш даражаси 81 фоизга етди. Бу йўналишдаги ишлар давлатнинг қаттиқ назорати остида ривожлантирилмоқда.

Ривожланган давлатларда бозор иқтисодиётининг даражаси фақат ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланиш кўрсаткичлари билан эмас, балки айтилган вақтда халқнинг хизмат турларидан қай даражада фойдаланаётганлиги билан ҳам баҳоланади. Чунки аҳолининг турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири хизматлар кўрсатиш даражасидир.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ муаммонинг ечишига салбий таъсир кўрсатадиган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бу соҳа меҳнати унумсиз деб қаралиб, моддий ишлаб чиқаришга соҳасига кўпроқ эътибор бериш сиёсати;
- аҳоли жон бошига тўғри келадиган жами миллий маҳсулот ҳажмининг юқори эмаслиги. Агар ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 30-40 минг АҚШ долларни ташкил этса, Республикада 90-йилларнинг бошига келиб, 1,5 минг сўмни ташкил этган, 2005 йилга келиб 381,8 минг сўмни ташкил этди;
- меҳнат тақсимотининг маълум ҳудуд манфаатларининг устунлиги асосида ташкил этилганлиги;
- аҳолининг реал даромади талабнинг пастлигини таъминлайди;
- давлатнинг иқтисодий монополистик ҳукмронлиги бу соҳанинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳукумати ушбу салбий омилларнинг таъсирини кескин камайитириш ва иқтисодий ривожланиш жараёнида уларни бутунлай ижобий ечиш сиёсатини олиб бормоқда.

Республика аҳолисининг уй-жой фонди билан таъминланиш даражаси йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси аҳолиси уй-жой фонди билан яхши таъминланган мамлакатлар қаторига киради. Биргина 2005 йилда аҳолининг уй-жой фонди 6,0 млн. кв.м га кўпайди ва 2006 йилнинг 1 январ ҳолатига 379,6 млн.кв.м.ни ташкил этди. Республика аҳолисининг уй-жой фонди билан таъминланиш даражаси аҳоли жон бошига ўртача 14,5 кв.м.ни ташкил этди. Қишлоқ жойларда бу кўрсаткич

14,2 кв.м.ни ташкил этмоқда. Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси тиббиёт ташкилотлари белгилаган меъёр даражасида. Бу ҳолат аҳолининг меҳнатдан кейин ўз кучларини тез ва сифатли тиклашига замин ҳисобланади.

Республикада аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тизими ҳам жадал ривожланиб бормоқда. 2005 йилда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 2004 йилга нисбатан 15 фоизга ўсди. 2005 йилда аҳолига жами бўлиб 1609,7 млрд. сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тизими бозор талабларига табора яхши мослашиб бормоқда. Унинг таркибида нодавлат секторнинг улуши ўсиб бормоқда. 2004 йилда аҳолига жами кўрсатилган пуллик хизматларнинг 28,3 фоизи давлат мулкига асосланган пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан, 71,7 фоизи нодавлат сектор корхоналари томонидан кўрсатилди. 2005 йилда аҳолига кўрсатилган жами пуллик хизматларнинг 74,3 фоизи нодавлат ва 25,7 фоизи давлат мулкига асосланган корхоналар томонидан кўрсатилди. 2005 йилда аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш ўртача 61,3 минг сўмни ташкил этди ва бу 2004 йилдаги кўрсаткичдан 13,6 фоизга кўп бўлди.

Олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолининг турмуш даражаси ўсиб бориши кузатилмоқда. 2005 йилда 2004 йилга нисбатан аҳолининг номинал пул даромадлари 29,7 фоизга ўсди ва 9989,8 млрд. сўмни ташкил этди. Аҳолининг реал пул даромадлари 2005 йилда 2004 йилдагига нисбатан 22 фоизга ўсди. Аҳоли пул даромадларининг шаклланишида иш ҳақидан ташқари манбаларнинг ўрни катта бўлмоқда. Масалан, 2005 йилда аҳолининг жами пул даромадлари ва харажатлари таркибида иш ҳақи 29,4 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олган даромадлар 26,0 фоизни, ижтимоий трансфертлар 14,6 фоизни, ишбилармонлик ва мулкдан олинадиган даромадлар 30 фоизни ташкил этган. Бу жараённинг ижобий томони аҳоли пул даромадларининг учдан бир қисми хусусий мулклардан фойдаланиш ва тадбиркорлик фаолиятдан олинаётганлигидадир.

6.3. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари

Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси бозор иқтисодиёти талаблари асосида объектив равишда доимо ривожланиб боради. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг зарурати қишлоқ жойларда янгидан-янги хизмат турларини вужудга келишини рағбатлантиради ва аксинча.

Аҳолининг иш билан таъминланиш даражасини мақсадида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш лозим. Бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли пунктларнинг асосий қисми газ, ичимлик суви билан таъминланмоқда, деярли барчасида қишлоқ амбулаториялари ташкил этилди.

Бу эса, янги иш ўринларини пайдо этмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (тери, жун, қуруқ мевалар ва ҳ.к.) тайёрлайдиган хусусий тадбиркорлар гуруҳи шаклланмоқда.

Аҳолининг маҳсулот ва хизматларни харид қилиш қувватини ошириш ижтимоий инфратузилма ривожланишини таъминловчи энг асосий омиллардан биридир. Бу борада катта ишлар қилиниши лозим. Бу муаммо ижобий ҳал этилмагунча ижтимоий инфратузилма ҳам мўътадил ривожланмайди. Албатта, аҳолининг харид қобилиятини ошириш ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янгидан – янги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш каби иқтисодий аҳамияти катта фалолиятлар асосида олиб борлиши кераклигини унитмаслик лозим. Малакатда иқтисодиётнинг юксалиши даражасини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг харид қобилиятини ўстириш талаб қилинади. Акс ҳолда инфляция даражаси кескин ошиши ва жуда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Демак, агросаноат мажмуаси ишлаб чиқаришининг самардорлигини ошириш, умуман, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига олиб келади. Инфратузилманинг ривожини кўп жиҳатидан у давлат томонидан қўллаб – қувватланишига боғлиқ. Чунки ижтимоий инфратузилманинг шундай йўналишлари мавжудки, уларни бирорта ишбилармон ўз фаолият турига айналтира олмайди. Масалан, қишлоқ жойларидаги асосий кўчаларни кечаси ёритадиган чироқлар, аҳоли дам оладиган парк (боғлар), ўт ўчирувчилар ташкилотини юритиш харажатлари қабилар ишбилармон фаолияти бўйича ҳеч қачон ўзини оқламайди. Шундай экан, бу харажатларни давлат томонидан қоплаш зарурияти бор. Ҳамма фойдаланадиган бу турдаги ижтимоий харажатларга давлат томонидан қилинадиган сарфлар миқдори ҳам ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг бир йўналишидир.

Қисқача хулосалар

Агросаноат мажмуасининг муҳим бир соҳаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳисобланади. Инфратузилма – ишлаб чиқаришнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган барча хизматларни кўрсатувчи ва бевосита ишлаб чиқариш жараёни давомида узвий иштирок этувчи тармоқ ва хизматлар йиғиндисидир. Инфратузилманинг асосий қисми ижтимоий инфратузилмадан ташкил топади. Агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмасига транспорт (аҳолини ташиш билан шуғулланувчи), йўллар, соғлиқни сақлаш ва аҳолининг соғлигини тиклашга хизмат қилувчи тизимлар, болалар ва мутахассисларга таълим берувчи соҳалар, уй – жой, ичимлик сув, газ билан таъминлаш тизими ва бошқалар киради. Агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмаси агросаноат мажмуаси барча

тармоқларининг нормал ишлаши учун зарур шароит туғдиради, уларда ишлаётганларга хизмат кўрсатади. Уларнинг ривожланганлик даражаси жуда кўплаб ижтимоий муаммоларни ечади. Натижада, агросаноат мажмуасида меҳнатнинг сифати ва унумдорлиги ошади. Бу эса катта самардорликка олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмаси нисбатан яхши ривожланган. Шу билан бирга муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Улардан энг асосийлари ижтимоий инфратузилмасининг бозор муносабатларига тўлиқ жавоб берадиган янгидан-янги айрим турлари мавжуд эмаслигидир. Қолаверса, мавжуд ижтимоий инфратузилманинг хизмат сифати, маданияти ҳали унчалик баланд эмас. Бу муаммолар агросаноат мажмуасининг натижавий кўрсаткичларига салбий таъсир этади.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Таянч иборалар

Инфратузилма, ижтимоий инфратузилмаси, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ишлаб чиқариш имкониятлари, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш, маҳсулот сифати, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодиёт, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, ҳудуд иқтисодиёти, тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, меҳнат ресурслари, ер ва сув фонди, ишбилармонлик, хусусий тадбиркорлик.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Агросаноат мажмуасининг инфратузилмаси” тушунчаси.
2. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг таркиби.
3. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг моҳияти.
4. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти.
5. Соҳанинг асосий мақсад ва вазифалари.
6. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасини мутаносиб ривожлантириш зарурати.
7. Қишлоқ хўжалиги аҳолисига хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ҳозирги ҳолати.
8. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш ижтимоий инфратузилмаси таркиби ва бу тузилма ривожланишининг ҳозирги ҳолати.

9. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш йўналишлари.
10. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасини ташкил этишнинг ўзга хос хусусиятлари.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: -Т.: Ўзбекистон 1999.- 32б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тарақиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
5. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
6. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
7. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).
8. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. –Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедия», 2001.
9. Раскин И.И, Раскин Л. И. АПК: производство и первичная переработка хлопка. –Т.: Мехнат, 1986

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

7-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ - АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

7.1. Қишлоқ хўжалиги - агросаноат мажмуасининг асосий бўғини, унинг ўзига хос хусусиятлари

Агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Агросаноат мажмуасига кирувчи барча тармоқлар айнан қишлоқ хўжалиги билан боғланган. Уларнинг айримлари қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариб, етказиб берса, бошқалари қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни тайёрлайди, уларни қайта ишлайди ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб беради. Кўплаб соҳалар эса шу тармоқларнинг бир меъёردа ишлаши учун хизматлар кўрсатадилар.

“Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноатни, озиқ-овқат, кимё саноатини, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ва бошқаларни (булар бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил этади) ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Шу сабабли аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислохотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади”*

Агросаноат мажмуасининг асосини ташкил этадиган қишлоқ хўжалиги ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар бошқа тармоқлардан қишлоқ хўжалигини фарқлаб туради ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда ўз талабларини қўяди. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалиги табиий омилларнинг таъсири катта. Об-ҳавонинг керагидан иссиқ ёки совуқ келиши, ёғингарчиликнинг меъёридан кўп ёки кам бўлиши қишлоқ хўжалигида қилинаётган меҳнатнинг натижаси турлича бўлишига олиб келади. Табиий омиллар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигини келтириб чиқаради. Бу эса, ишлаб чиқаришни ташкил этишда мавжуд ресурслардан йил давомида самарали фойдаланишда ҳисобга олишни талаб этади. Қиш ойларида аҳолининг вақтинчалик бекор қолиши айрим ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Бу масалалар олимлар, мутахассис ва ишбилармонлар олдига қатор вазифаларни қўяди.

2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари сифатида тирик организмлар қатнашади. Бу, ўз навбатида, мутахассислардан фақатгина иқтисодий қонуниятларнигина эмас, балки биологик қонунларни ҳам

* И. Каримов, «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», –Т.: «Ўзбекистон», 1995, 59-б.

билишни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда уларни ҳисобга олишни талаб қилади. Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган меҳнатнинг самараси кўп жихатдан ўсимлик ва чорва молларининг биологик имкониятларига ҳам боғлиқ.

3. Қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиб, ундан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Уларни инкор этиш ёки етарлича ҳисобга олмаслик катта салбий оқибатларга олиб келади. Қишлоқ хўжалигида ернинг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўзига хос хусусиятлари келгуси бобда чуқур ўрганилади.

4. Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган моддий харажатлар даври билан фаолият натижасида олинаётган даромадларнинг олиниш даври ўртасида фарқ катта. Бошқача қилиб айтганда, йил давомида фақат харажатлар қилинади. Чунки ерни экишга тайёрлаш, уруғлик, ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари харид қилиш ва сарфлаш, меҳнатга ҳақ тўлаб бориш каби харажатлар ҳар ойда қилинади. Экин турлари ҳосили эса маълум даврларда пишади. Этиштирилган ҳосил сотилади ва ундан кейин пул дармодлари келиб тушади. Албатта, амалиятда шартномалар асосида қишлоқ хўжалик корхоналарига бўнақлар (аванс) бериш, кредитлардан фойдаланиш ёки айрим хизматларни ташкил этиш натижасида маълум миқдоридаги пул тушумлари бўлиши мумкин. Лекин, умуман олганда, йил давомида харажат сарфланиши, даромадларнинг эса айрим даврлардагина тушиши ўзига хос объектив талабларни келтириб чиқаради. Аграр сиёсат бу хусусиятни ҳисобга олган ҳолда юритилиши зарур.

5. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жуда катта майдонларда олиб борилади. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни, аҳоли пунктларини жойлаштиришда маълум талабларни келтириб чиқаради, қишлоқ хўжалигининг моддий – техника базасини шакллантиришда ҳисобга олишни талаб қилади.

6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисмини ўзи уруғлик, ем – хашак, озиқ – овқат сифатида имтеъмол қилади. Одатда кўпчилик тармоқлар ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўзлари истеъмол қилмайда ёки истеъмол қилса унинг улуши жуда кичик. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг натижаси ўзи учун тайёрланган маҳсулотларни сифатига жуда ҳам узвий боғлиқ. Масалан, келгуси йил учун тайёрланган уруғликнинг сифати ишлаб чиқаришнинг натижалари қандай бўлишини белгилаб беради ва х.к.

7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўп турларини узоқ сақлаш мумкин эмас. Бу муаммо қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли бир даврда пишиб етилиши оқибатида янада чуқурлашади. Бу, ўз навбатида, этиштирилган маҳсулотни тайрловчи, қайта ишловчи ташкилотларнинг бир меъёрда тинмасдан ишлашини, бу эса айрим даврларда жуда катта қувватларнинг бўлишини талаб қилади. Йилнинг қолган даврларида эса бу қувватларнинг нисбатан бўш қолиши кузатилади. Бу ҳолат қайта ишлаш

тармоқларининг катта омборхоналари бўлишини талаб этади. Йирик омборхоналарда маҳсулотларни сақлаш катта харажатлар билан боғлиқ. Бу ўз навбатида, маҳсулотнинг таннархига салбий таъсир кўрсатади.

8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ноэластик ҳисобланади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ноэластик бўлади. Кўплаб ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархга нисбатан эластиклик коэффиценти 0,2-0,25 ни ташкил этади. Бу дегани қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни 10 фоиз ошириш (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харидини 10 фоизга кўпайтириш) учун уларни нархини 40-50 фоизга тушириш керак дегани.*

9. Ишлаб чиқаришнинг фонд билан таъминланиш даражасининг юқорилиги. Маблағларнинг айланиши тезлиги жуда секин юз беради. Бу қишлоқ хўжалигини инвесторлар учун жозибадорлигини пасайтиради.

10. Қишлоқ хўжалигида жуда кўплаб бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мавжудлиги. Бу хусусият натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида эркин рақобат муҳити юзага келади.

Бу каби ўзига хосликларни, албатта, чуқур ўрганиш ва доимо ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш қишлоқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлайди. Шубҳасиз, фан, техника тараққиёти ўсиб борган сари қишлоқ хўжалигининг бу хусусиятлари таъсири нисбатан камайиб боради, лекин бутунлай йўқ бўлиб кетмайди.

Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги асосий бўғини бўлиб, унинг ривожланиши агросаноат мажмуасининг жадал ва барқарор ривожланишининг асоси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги қуйидаги сабабларга кўра агросаноат мажмуасининг асосий бўғини, ядроси ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасига кирувчи саноат тармоқлари чиқараётган ишлаб чиқариш воситаларини асосий истеъмолчиси. Саноатнинг бу тармоқлари олдиган қандай маҳсулотлар чиқариши лозимлиги тўғрисида талабларни кўяди;
- ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми қайта ишлаш тармоқлари корхоналарининг жойлашишига ва ривожланишига асос бўлади;
- саноатда ишлаб чиқарилган ишлаб чиқариш воситаларининг самарадорлиги қишлоқ хўжалигида юзага чиқади;
- қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги охир оқибатда агросаноат мажмуасида меҳнатнинг унумдорлиги даражасини белгилайди;
- қишлоқ хўжалигида маҳсулот ва ишлар таннархи агросаноат мажмуаси маҳсулотлари таннархининг даражасини белгилайди;

* Минаков И.А и др. Экономика отраслей АПК. Учебник. –М.: КолосС, 2004.-464. (17с.)

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларининг саноатлашиши уни қайта ишлаш тармоқлари билан интеграциялашувининг асоси ҳисобланади.

7.2. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг энг йирик тармоғи қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалиги энг аввало, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги жуда катта ютуқларга эришди. Республика қишлоқ хўжалиги озиқ –овқат маҳсулотларининг деярли асосий қисмини аҳолимиз учун етарли миқдорда етиштиради. Қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш саноатини хомашё билан таъминлайди. Бугунги кунда мамлакат енгил ва тўқимачилик саноатида ишлатилаётган толанинг 60 фоизидан ортиқроғи ўзимизда ишлаб чиқарилган пахта толасидир. Қолган қисми жун, каноп, пилла ва кимёвий толаларга тўғри келади.

Республиканинг мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тўлиқ маҳаллий хомашё маҳсулотлари эвазига ишлайди. Сут ва гўштни қайта ишлаш саноати ҳам мамлакатда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобига фаолият кўрсатади. Ёғ – мой саноатининг хомашёлари асосан ўзимизда етиштирилади. Фақатгина ўсимлик мойининг айрим турларини хориждан келтирилган хомашёдан ишлаб чиқарилади. Масалан, мамлакат аҳолиси истеъмол қилаётган ёғ – мойларнинг сифати, ассортименти бой бўлиши учун четдан соя келтирмоқда. Албатта, бу жами етиштирилаётган ёғ-мойнинг жуда кам қисмини ташкил этади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётдаги ўрни жуда катта. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 26-30 фоизи шу тармоқнинг улишига тўғри келади. 2004 йилда мамлакат жами ялпи ички маҳсулотининг 26,8 фоизи шу тармоқда яратилган бўлса, 2005 йилда 25,0 фоизни ташкил этди. Мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган эркин ҳаракатдаги қаттиқ валюта тушумининг яримидан кўпроғи шу тармоқ маҳсулотларини экспорт қилишдан олинади. Жумладан, 2005 йилда жами экспортда пахта толасининг улуши 19,1 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 3,8 фоизни ташкил этди. Мамлакатда етиштириладиган озиқ-овқатнинг 96 фоизидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилади. Аҳолининг 60 фоизидан ортиқроғи қишлоқ жойларда яшайди. Ҳалқимизнинг турмуш даражаси, инсон ресурсларининг катта бир қисмининг иш билан таъминланиши қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган меҳнат ресурсларининг 28 фоиздан кўпроғи қишлоқ ва ўрмон хўжалигида фаолият кўрсатади. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалигига эътибор, айниқса кейинги мустақиллик йилларида, ҳақли равишда катта бўлмоқда.

Республика қишлоқ хўжалигининг малакат иқтисодиётидаги ўрни

№	Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005
1.	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи, %	30,4	30	30,6	28,6	26,8	25,0
2.	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати, %	103,2	104,5	106,1	107,3	110,1	106,2
3.	Пахта толаси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ялпи экспортдаги салмоғи, %	32,9	25,9	25,9	22,5	21,9	19,1
4.	Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларининг салмоғи, %	29,7	29,6	29,1	28,3	28,4	29,1*

* Қишлоқ хўжалиги ўрмон хўжалиги билан биргаликда.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг энг йирик тармоғи ҳисобланиб, йилдан йилга унинг улуши камайиб бормоқда. Бу борада шуни таъкидлаш лозимки 2000-2005 йилларда қишлоқ хўжалигида барқарор ўсиш юз берди. Мамлакат иқтисодиётида саноатнинг, хизмат кўрсатиш тизимининг нисбатан тез ривожланиб бориши туфайли қишлоқ хўжалигининг улуши камайган. Бу жуда ижобий жараён ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиёти жадал ўсиб борган сари унда қишлоқ хўжалигининг улуши камайиб боради. Натижада, ривожланган саноатлашган, хизмат кўрсатиш соҳалари тараққий топган мамлакатга айланишимиз таъминланади.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Чунки қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз учун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ижтимоий аҳамият касб этган соҳа бўлиб, у қуйидаги функцияларни бажаради:


- мамлакатмизни озиқ-овқат фондиди шакллантиради;
- юртимизнинг озиқ-овқат соҳадаги мустақиллигини, хавфсизлигини таъминлайди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат учун ҳомашё етказиб беради;
- аҳолини иш жойлари билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларидан иборат. Ўсимликчилик тармоғида пахта, донли экинлар (асосан бугдой), картошка, сабзавот, полиз, тамаки, ем-хашак

экинлари, ўсимлик ёғи берадиган экинлар (масхар, кунгабоқар), боғдорчилик ва узумчиликдан иборат. Чорвачиликда қорамолчилик, қўй ва эчкичилик, паррандачилик, отчилик (йилқичилик), куёнчилик, туячилик, чўчкачилик тармоқлари шаклланган ва ривожланган. Бундан ташқари республика қишлоқ хўжалигида пиллачилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳалари ҳам яхши ривожланиб келмоқда. Республикада ҳозирда 6,2 млн. бош қорамол, 11,1 млн. бош қўй ва эчкилар бор.

1-график

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби, (% да)



Ўганилаётган даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида катта ўзгаришлар юз бермаган. 2000 йилда ўсимликчилик тармоғининг улуши 52,6 фоиз бўлган бўлса, 2004 йилга келиб 53,7 фоизни ташкил этган ёки 1,1 пунктга ошган. Шу йилларда чорвачилик маҳсулотларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотдаги улуши 47,4 фоиздан 46,3 фоизга тушиб қолган. Бунинг асосий сабаби 2004 йил қишлоқ хўжалиги учун жуда қулай келиши сабабли ўсимликчилик тармоғи ялпи маҳсулотининг чорвачилик ялпи маҳсулотининг ўсишидан тез суръатларда ўсганлигидир. 2005 йилга келиб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркибида ўсимликчилик 56,6 фоизни (3052,2 млрд. сўмни), чорвачилик эса 43,4 фоизни (2343,3 млрд. сўмни) ташкил этди. 2005 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 2004 йилга нисбатан 6,2 фоизга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ер-сув, асосий активлар (асосий фондлар), меҳнат ресурслари ва бошқа ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва олиб бориш учун зарур ресурсларга эга.

Ўзбекистон Республикасининг ер фонди ва унинг фойдаланувчилар
бўйича тақсимланиши

№	Ердан фойдаланувчилар	1996 йил		2000 йил		2004 йил	
		минг га	%	минг га	%	минг га	%
	Жами ер фонди Шундан	44405,0	100,0	44405,0	100,0	44410,3	100,0
1.	Қишлоқ хўжалиги корхоналари фойдаланаётган ерлар	25317,8	57,0	25112,6	56,6	24819,4	55,8
2.	Ўрмон хўжалик корхоналари ерлари	8695,5	19,7	8446,3	19,1	8402,6	18,9
3.	Саноат, транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа ташкилотлар ерлари	1868,9	4,2	1926,3	4,4	2264,3	5,2
4.	Аҳоли яшаш жойлари	226,4	0,5	231,2	0,5	238,7	0,5
5.	Захирадаги ерла	7492,1	16,8	7472,5	16,8	7432,8	16,7
6.	Гидротехника ва бошқа сув хўжалиги ташкилотлари ерлари	793,8	1,7	804,6	1,8	822,4	1,8
7.	Табиат муҳофазаси, соғломлаштириш ва маданий аҳамиятга эга ерлар	10,5	0,02	70,8	0,1	74,3	0,1
8.	Бошқа ерлар	-	-	340,7	0,7	430,1	0,9

Жадвалдан кўришиб турибдики, 2004 йил маълумотларига қараганда Республика ер фондининг асосий қисми, 55,8 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғига берилган. Агарда ўрмон хўжалиги, қисман гидротехника ва бошқа сув хўжалиги ташкилотлари (оз миқдорда бўлсада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаради) ва мудофаа вазирлигига қарашли айрим хўжаликларда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ҳисобга олсак юқоридаги рақам янада каттароқ улушни эгаллашини англаш мумкин.

Республикада 2004 йилнинг январига бўлган маълумотга кўра 3691,0 минг гектардан кўпроқ суғорилиб ҳайдаладиган ер, 230 минг гадан ортиқроқ боғ ва узумзорлар мавжуд.

Республика қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш таркибида мустақиллик йилларида кескин ўзгаришлар юз берди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб этилган ер ресурслари бугунги кун талабидан келиб чиқиб асосан пахта ва ғалла экинлари учун ажратилмоқда.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида экин майдонлари таркибининг ўзгариши (барча турдаги хўжаликлар бўйича минг гектар)

	2003 йил				2004 йил			
	Барча турдаги хўжаликларда	Ширкатларда	Фермер хўжаликларида	Дехқон хўжаликларида	Барча турдаги хўжаликларда	Ширкатларда	Фермер хўжаликларида	Дехқон хўжаликларида
Жами экин майдони	3790,1	1967,0	1401,9	421,2	3691,5	1497,1	1761,6	432,8
Донли экинлар Шундан:	1790,9	912,1	680,3	198,5	1666,5	661,4	805,2	199,9
Буғдой	1507,56	766,6	581,3	159,7	1469,7	593,5	715,1	161,1
Шоли (гуруч)	121,0	67,3	47,8	5,9	65,9	22,7	40,0	3,2
Макка дон учун	34,7	7,3	7,8	19,6	34,5	5,4	8,5	20,6
Техника экинлари Шундан:	1445	847,2	590,0	7,8	1516,8	690,8	815,6	10,4
Пахта	1393	820	573	-	1455,7	662,9	792,8	-
Картошка, сабзавот ва полиз	237,7	47,4	36,7	153,5	226,9	31,2	37,5	158,2
Картошка	49,2	3,4	2,2	43,6	52,4	3,8	3,3	45,3
Сабзавот	145,6	34,1	17,5	94	137,6	21,3	19,1	97,2
Полиз	41,3	8,5	17	15,8	35	5,3	14,6	15,1
Мевали боғлар	201,5	108,7	27,3	65,6	198,9	97,1	37,8	64
Узумзорлар	118,2	76,5	10,6	31,1	116,1	67,7	16,3	32,1
Ем-хашак экинлари	316,5	160,2	94,9	61,4	281,3	113,7	103,3	64,3

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Республика экин майдонлари йилдан йилга қисқариб бормоқда ва бу камайиш 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 98,6 минг гектарга ёки 2,7 фоизга камайган. Ушбу

камайиш асосан ем-хашак экинлари, сабзавот, полиз, мевали боғлар ва узумзорлар ҳамда ғалла экинлари ҳисобига юз берган. Шу билан биргаликда аҳолининг, мамлакат иқтисодиётининг манфаатларидан (халқаро бозорда пахта хомашёси конъюктурасининг ўзгаришини ҳисобга олиб) келиб чиқиб пахта экин майдони 2004 йилда 2003 йилдагидан 62,7 минг гектарга ёки 4,5 фоизга ошган.

Республика қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғи ҳам жадал ривожланиш учун катта ресурсларга эга.

б-жадвал

Ўзбекистон Республикасида чорва моллари ва паррандалар бош сони (барча мулк шакллари бўйича, минг бош)

Чорва моллари ва паррандалар	2000	2001	2002	2003	2004	Ўсиш(к) камайиш (-)
Қорамоллар	5353,4	5416,1	5477,6	5878,8	6232,6	879,2
Шундан: сигирлар	2343,4	2361,8	2393,2	2549,9	2708,8	365,4
Сигирларнинг салмоғи,%	43,7	43,6	43,7	43,3	43,4	х
Қўй ва эчкилар	8932,5	9022,6	9233,9	9928,6	11181,9	2249,4
Чўчқалар	85,8	81,6	75,4	89,9	83,8	-2,0
Паррандалар	14510	14828,7	15354,9	17675,7	18822,6	4216,9
Отлар	146,3	144,7	143,4	147,3	149,4	3,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикада деярли барча турдаги чорва моллари (чўчқалардан ташқари) ва паррандалар бош сони кўпайиб бормоқда. 2004 йилда 2003 йилга қараганда қорамоллар бош сони 879,2 минг, сигирлар 365,4 минг, қўй ва эчкилар 2249,4 минг, паррандалар бош сони 4216,9 минг бошга ошди. Ўрганилган даврда фақатгина чўчқалар бош сони 2 мингга камайиб кетган.

Қорамолчиликнинг таркиби ҳам ижобий томонга ўзгарган. Агарда мустақилликкача (1990 йилда) жами қорамоллар таркибида сигирларнинг салмоғи 32,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилдан бошлаб бу кўрсаткич 43 фоиздан ошиб кетди ва шу ҳолат сақланиб қолмоқда. Бу Республика Президенти И.Каримовнинг ва ҳукуматининг олиб борган оқилона сиёсатининг натижасида юз берди. “Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартда қабул қилинган 137-сонли қарори билан Республикадаги 1499 та жамоа чорвачилик фермалари ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиб, 489,1 минг бош қорамоллар, шу жумладан 96,3 минг бош сигирлар чорвадорларга хусусийлаштирилиб берилди. Кейинчалик ушбу қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида аҳолига 600 минг бош

зотли бузоқлар сотилди. Натижада чорвачиликнинг асосий қисми аҳоли қўлига ўтди. Қорамолларнинг катта қисмининг аҳоли қўлига ўтиши унинг таркибини яхшиланишига (жами қорамоллар сонига сизирларнинг улушининг ортишига), ижобий табиий танланишнинг юзага келишига, ем-хашак экин майдонлари йилдан йилга қисқариб боришига қарамасдан ем-хашак муаммосини қисман ҳал этилишига олиб келди.

Мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси динамик ҳолда ривожланиб бораётган мураккаб иқтисодий тизимга эга бўлди. Қишлоқ хўжалиги Республика иқтисодиётининг йирик ва муҳим тармоғи сифатида сақланиб қолди.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон халқларининг энг қадимдан шуғилланган асосий соҳалардан бири бўлиб, бир неча минг йилликлардан аста-секин ривож топиб келмоқда. Республика ҳудудида аввало чорвачилик кейинчалик деҳқончилик маданияти таркиб топди. Чорвачиликнинг асосан қўйчилик, қорамолчилик, отчилик (йилқиччилик), асалариччилик, туячилик ва ипакчилик, деҳқончиликнинг дончилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ва пахтачилик тармоқлари яхши ривожланди. Қишлоқ хўжалиги Республикамиз ҳудудида яшайдиган халқларнинг асосий турмуш тарзига айланган. Унинг ривожи юртимиз ҳудудида қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришнинг ўсишига сабаб бўлди. Натижада аста-секин бўлсада маданият, илм-фан, касибчилик ривож топди.

XX асрда дунё мамлакатлари тараққийнинг тез ривожланиши юртимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Республиканинг қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти 1913 йилдан 1990 йилга (мустақилликкача) қадар бўлган даврда 188 марта ўсди. 1913 йилдан 1940 йилгача қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 1,8 марта, 1960 йилда 51 марта, 1970 йилда 100 марта ва 1980 йилда 170 марта ташкил этди. Маълумотлардан кўриниб турибдики, ўсиш суръатлари 1960-1980 йиллар ичида тез бўлган. Шу даврда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсишининг асосий сабаблари нархдаги ўзгаришлар, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига, нисбатан экстенсив йўл билан амалга оширилган. Ушбу даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини натурал ҳолда ишлаб чиқаришнинг ўсиши бунга исбот бўлади. 1913 йилда 89 минг тонна гўшт (сўйилган вазнда) ишлаб чиқарилган бўлса, 1990 йилда 419,9 минг тонна ишлаб чиқарилган ёки 4,7 мартага ошган. Сут ишлаб чиқариш шу даврда 11,4 марта, тухум етиштириш 30,1 марта, сабзавот 21,1 марта, дон ишлаб чиқариш 1,9 марта, пахта етиштириш эса 11,1 марта, ўсимлик ёғи етиштириш 8,4 мартага ўсди. Рақамларга эътибор берилса, ушбу даврда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотининг ўсиши маҳсулотларнинг натурал миқдордаги ўсишидан солиштириб бўлмайдиган даражада юқори суръатларда ўсанлигини кўриш мумкин. Ўсиш маҳсулотлар нархининг ўсиши ҳисобига юз берганини аслида эса салкам 1 асрда ўсиш 15-20 мартадан юқори бўлмаганини кўрамиз.

Собиқ шўролар даврида Ўзбекистонда бир томонлама бўлсада қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар юз берди. Шўролар давлатининг асосий сиёсати Ўзбекистоннинг бой табиий иқлим шароитидан умумдавлат манфаатлари учун фойдаланишга қаратилди. Натижада Республика ва унинг халқининг манфаатлари умумдавлат манфаатларига бўйсиндирилди. Бундай сиёсат республика иқтисодиётида жуда катта муаммоларни келтириб чиқарди. Олиб борилган сиёсатнинг натижасида қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд бўлган республика аҳолисининг катта қисми паст малакали меҳнат ресурсларига айланди. Умуммамлакат манфаатларидан келиб чиқиб Ўзбекистон асосан пахта ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Унинг натижасида халқимиз асрлар мобайнида шуғулланиб келган қишлоқ хўжалигининг кўплаб соҳаларига эътибор камайди, уларнинг айримлари мутлоқ йўқолиб кетди. Жумладан, XX асрнинг 80-йилларига келиб республикада етиштириш учун тарвуз уруғлари Россиянинг Астрахан ўлкасидан келтирилди. Пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш республикада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кескин камайишига олиб келди. Биргина мисол ўтган асрнинг 70-80-йилларида, мустақилликка эришган дастлабки йилларда республика учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг 80 фоизидан кўпроғи импорт қилинар эди. Дунёнинг ривожланган катта бир қисмида озиқ-овқат керагидан ортиқча бўлиб уни сотиш муаммо бўлган бир пайтда 80-йилларнинг охирига келиб республикада барча озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш талон ёки меъёр тизимида ўтказилди. Аҳоли жон бошига бир ойга 2 кгдан ун, 1кг дан шакар, гўшт, ёғ ва бошқа маҳсулотлар сотиладиган бўлди. Пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида республика қишлоқ хўжалигига катта капитал қўйилмалар сарфланди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий техник таъминоти яхшиланди, қишлоқ инфратузилмаси ривожлантирилди. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида катта чўл массивлари ўзлаштирилди. Ушбу жараёнлар аҳолини қисман иш билан таъминлашни яхшилаш, турмуш даражасини нисбатан ўстириш имконини берди. Шу билан биргаликда катта иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳам юзага келтирди. Янги чўл массивларини ўзлаштиришда йўл қўйилган хатолар ҳамда қандай бўлмасин пахта етиштиришни кўпайтириш хоҳиши ерларнинг унумдорлигининг пасайишига, уларнинг мелиоратив ҳолатининг аста-секин ёмонлашувига, ер ости сувларининг кўтарилиши, катта экин майдонларини шўрланишининг ортишига олиб келди. Республика қишлоқ хўжалиги ривожини асосан пахтачилик билан боғлаб қўйилди. Республикада таркиб топган ва ривожлантирилган саноат ҳам устун даражада пахтачиликка қаратилди. Бир сўз билан айтганда, собиқ шўролар давридан бир томонлама ривожланган, асосан хомашё етиштиришга мослаштирилган, пахтачиликка чуқур ихтисослаштирилган, катта иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик касаллик ва муаммоларга эга қишлоқ хўжалиги мерос бўлиб қолди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жуда кўплаб кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ечиш ҳаётий зарурат, вазифа сифатида давлат олдида турар эди. Улардан айримларини эслаш фойдадан ҳоли эмас. Энг аввало аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат масалани ижобий ҳал этиш керак бўлди. Халқ манфаати учун зарурат бўлган бу муаммони амалга ошириш осон кечмади. Мустақил Республика қишлоқ хўжалиги давлат мулкчилигига асосланган, асосан пахта етиштиришга ихтисослашган йирик хўжаликлардан (совхоз ва колхозлардан) ҳамда аҳолининг ёрдамчи хўжаликларидан иборат эди. 1940 йилда 81 та совхозлар бўлган бўлса, 1990 йилга уланинг сони 1034 тага етди. Шу йилларда колхозлар мос равишда 1106 та ва 855 тани ташкил этди. Йирик хўжаликлар юқори органлар томонидан тасдиқланган режа асосида фаолият юритар, уларни моддий ресурслар билан таъминлаш марказлашган ҳолда олиб борилар эди. Йирик хўжаликларни бошқариш харажатлари ҳам катта бўлиб, уларнинг энг асосий камчилиги ўз ишлаб чиқариш йўналишини тезда ўзгартира олмас эди. Масалан, пахта ишлаб чиқариш учун ихтисослашган хўжаликнинг барча техникалари асосан пахтачилик учун мўлжалланган бўлиб, дон ёки сабзавотчилик учун деярли мос келмас, қолаверса уруғлик, маъданли ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлашни бир мавсумда ўзгаритиш имкони йўқ эди. Йирик хўжаликларни техника ва моддий ресурслар билан таъминлайдиган кўплаб соҳалар бошқа республикаларда жойлашган эди. Мустақил давлатларнинг вужудга келиши ягона бир тизимга айланган иқтисоднинг барбод бўлишига олиб келди. Республика худудида жойлашган завод ва фабрикаларнинг ҳам аксарият қисмининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Шундай ҳолда шўролар даврида махсус шароит ва тамойиллар асосида ташкил топган йирик хўжаликларни сақлаб қолиш ва уларнинг фаолиятини давом эттириш имкониятлари кескин пасайди, кейинчалик эса деярли мумкин бўлмай қолди.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб Приезидентимиз И.Каримов томонидан мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, жумладан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг концепциялари ишлаб чиқилди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш устивор йўналиш сифатида белгиланди ва энг аввало чуқур ислохотлар қишлоқ хўжалигида амалга оширила бошланди. Натижада пахта яккахокимлигига баҳам берилиб, ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида сайи харакатлар қилинди ва тарихан қисқа муддат ичида ушбу мақсадга эришилди. 1996 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси ғалла мустақиллигига эришди. Баъзан ғаллага нисатан пахтанинг фойдаси, иқтисодий самараси кўпроқ, шу сабабли пахта ишлаб чиқаришга асосий эътиборни бериш керак деган фикрларни учратамиз. Бу фикр умуман олганда тўғри эканлигини инкор этмоқчи эмасмиз. Лекин советлар давлатининг парчаланиши эски алоқаларнинг деярли издан чиқишига олиб келган, традицион ғалла ишлаб чиқаришга ихтисослашган республикалар Россия, Украина, Қозоқистонларнинг ўзлари ўз халқини ғалла билан таъминлаши мураккаб

бўлиб қолган шароитда озиқ-овқатсиз, унинг асоси бўлган ғалласиз тараққиётни, умуман ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли ўтиш даврининг дастлабки кунлариданоқ ғалла мустақиллигига интилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, унинг ҳукумати ўта салоҳиятли еkanлигини ва тўғри йўл танлаганлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Бизга мерос бўлиб қолган иқтисодиётнинг, жумладан қишлоқ хўжалигининг олдида ҳал этилиши лозим жуда кўплаб оғир мақсадли вазифалар турар эди. Бу вазифаларни шартли равишда қуйидагича ифодалаш мумкин.

Биринчидан, халқ фаравонлиги, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни миқдор жиҳатдан кўпайтириш. Бу борада айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур эди ва бу вазифа ҳозир ва келажакда ҳам долзарб бўлиб қолади. Ҳозирда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган дон ишлаб чиқаришга еришилди. Аммо чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида катта муаммолар мавжуд. 2000-2004 йиларда аҳоли жон бошига ўртача гўшт ишлаб чиқариш 34 кг, сут ишлаб чиқариш 164 кгни ташкил этди. У тиббий меъёрадан икки мартага яқин кам. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини миқдор жиҳатдан ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш асосий мақсадли вазифалардан бири ҳисобланади ва бу муаммо Республика Президенти ва ҳукуматининг диққат эътиборида турибди.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар сифати ва ассортиментини яхшилаб бориш зарур. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси пахта ишлаб чиқаришда дунёда бешинчи ўринда, пахта толасини сотиш бўйича эса иккинчи ўринда туради. Пахта толасини сотиш мамлакат экспортнинг 18-19 фоизини ташкил этмоқда. Мамлакатда етиштирилаётган пахта толасининг сифатини кескин яхшилаш иқтисодиётга жуда катта иқтисодий самара келтиради. Дунё давлатлари ва Республикамиз тўқимачилик саноати талаб қиладиган типдаги толалар етиштиришни кўпайтириш зарур. Сифатни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ассортиментини яхшилаш зарурати республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг асосий йўналиши сифатида белгиланган.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш доимий зарурат ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини ошириш мамлакат қишлоқ хўжалигини рақобатбордошлигини кучайтиради, аҳолининг турмуш шароитини яхшилайдди, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайишига ва унинг сифатининг талаб даражасига етишини таъминлайди.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни нисбатан арзонлашишига эришиш лозим. Албатта бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ўзига керакли техника, ёқилғи, маъданли ўғит, бошқа товар ва хизматларни бозор баҳосида сотиб олади. Ўз маҳсулотини эса ўзи учун фойдали нархларда ҳам ишлатмайди. Аҳолининг

даромадларининг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсишидан каттароқ бўлишини таъминлаш керак. Ҳозирда республика аҳолиси ўз даромадларининг 51-52 фоизини озиқ-овқат учун сарфлаётган бўлса, келажакда бу кўрсаткич камайиб бориши (аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланиши яхшиланиб бориши асосида) керак.

Бешинчидан, қишлоқ жойларни, ҳудудларни имкон даражасида бир меъёردа ривожланишини таъминлашга эътиборни кучайтириш вазифаси ҳам жуда долзарб ҳисобланади. Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий тараққиёт даражасини янада юксалтириш, иш жойларини ташкил этиш кўплаб салбий ҳолатларнинг олдини олади. Президентимизнинг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги фармон ва қарорларининг қабул қилиниши, махсус дастурлар ишлаб чиқарилиши қишлоқни ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига эътиборнинг кучли эканлигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий сиёсат натижасида қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий, ижтимоий ва мулкӣ мунособатлар ўзгариши юз берди. Мустақиллик йилларида иқтисодиётни жумладан, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишнинг назарий асослари Президент И.Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Президентимиз асарларида иқтисодий ривожланишнинг турли хил концепциялари таҳлил этилди.

Биринчи концепция – Асосий эҳтиёжлар концепцияси – аҳоли энг кам тирикчилик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммосини ҳал этишга қаратилган;

Иккинчи концепция – Мақбул ёки тегишли технология концепцияси – аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмининг бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хомашёни, аввало қишлоқ хўжалиги хомашёсини бирламчи ва чуқур қайта ишлашга қаратилган. Бу концепция энг илғор технологияларни ривожлантириш зарурлигига асосланади;

Учинчи концепция – Ўз кучига жамоа бўлиб ишониш концепцияси – мавжуд захиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва мамлакат иқтисодиётини бошқа давлатларга қарамлигига барҳам беришга қаратилган;

Тўртинчи концепция – Янги халқаро иқтисодий тартиб концепцияси – ривожланаётган юртимизнинг иқтисодий қолоқлигини тугатиш ва бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли шериклар сифатида фаолият юритишига қаратилган.

Олиб борилган режали ишлар натижасида тармоқда маълум ижобий ютуқларга эришилди.

Биринчидан, мамлакат иқтисодиёти, жумладан қишлоқ хўжалиги бозор иқтисодиёти талаблари шароитида фаолият кўрсатишлари учун керакли ҳуқуқий асос яратилди. Тарихан қисқа даврда умуман иқтисодиётга тегишли 100 дан ортиқ қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Улар қаторига Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Фермер хўжалиги тўғрисида, Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида,

Дехқон хўжалиги тўғрисида каби қишлоқ хўжалиги тармоғига оид қатор қонунларни киритиш мумкин. Мустақиллик йилларида бевосита қишлоқ хўжалигига оид 140 дан ортиқ Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди ҳамда турли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу қонун ва меъёрий ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг хатти – ҳаракатларини белгилаб беради. Натижада қонун доирасида иқтисодий муносабатларни таркиб топтириш имкони яратилди. Қишлоқ хўжалигида бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик, иқтисодий ва социал психологик усулларида фойдаланилганда қонунга асосланиш имконияти яратилди.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида ҳам амалда кўп укладли иқтисод таркиб топди. Бозор иқтисодиёти қонуниятлари талабига кўра олиб борилган иқтисодий сиёсат натижасида, турли мулкчиликга асосланган хўжалик юритувчи субъектлар вужудга келди. Натижада қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг асосий қисми нодавлат мулкга асосланган бўлиб, бу давлат мулкига асосланган қорхоналарнинг камайишига сабаб бўлди. 1991 йилда қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг деярли асосий қисми (қолхоз кооператив мулкга асосланган бўлганлиги билан амалда давлат мулкига асосланган совхозлардан деярли фарқи йўқ бўлиб қолган эди) давлат мулкига асосланган хўжаликлар эди.

Бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалигида 406 та ширкатлар, 55 та давлат, 190 мингдан кўпроқ фермер хўжаликлари, 564 та хусусий чорвачилик фермалари ва 4481,7 мингта дехқон хўжаликлари фаолият кўрсатиб турибди. 2000 йилда қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотнинг 98,4% фоизи нодавлат мулк шаклига асосланган хўжаликлар ҳиссасига тўғри келди. 2004 йил маълумотларига кўра қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 59,7 фоизи аҳолининг дехқон, 20,4 фоизи фермер ва 19,9 фоизи йирик ширкат ҳамда давлат хўжаликларида яратилди. Хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликлари мустақамланиб, кучайиб бормоқда. Агарда 1995 йилда бир фермер хўжалигига 10,4 гектар ер тўғри келган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 28,2 гектарни ташкил этди ёки 2,7 маротаба катталашган. Фермер ва дехқон хўжаликларининг кўпайиб бориши ва ривожланиши бозор иқтисодиётининг учта устунидан бири ҳисобланган хусусий мулкчилик ҳам қишлоқ хўжалигида қарор топаётганидан ва ривожланаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси учун ҳам фермер хўжалиги тарихан қисқа муддат ичида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали шакли эканлигини амалда исбот қилди. Фермер хўжаликлари ўз моҳиятига кўра ресурсларни тежашни таъминлайди. Бу хўжаликда моддий манфаатдорлик юқори. Натижада меҳнатнинг самарадорлиги юқори бўлиб, барча фаолият асосан фойда олишга қаратилган. Шу билан биргаликда фермерликни ривожлантиришда ҳали жуда кўплаб муаммолар мавжуд. Жумладан, фермер хўжаликлари иқтисодий самарали мўътадил ҳажми (катта, кичиклиги) аниқланмаганлиги, иқтисодиётининг заифлиги, уларга

хизмат кўрсатиш тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги, мини техникаларнинг етишмаслиги, етиштирган маҳсулотларини сотиш каналларининг такомиллашмаганлиги бунга мисол бўлиши мумкин. Булар ечса бўладиган муаммолар бўлганлиги сабабли ҳамда фермерлик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали шакли эканлигини ҳисобга олиб, фермерлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналиши деб ҳақли ҳисобланмоқда. Ҳозирда юртимизда фермер хўжаликларини 2004-2006 йилларга мўлжалланган ривожлантириш концепцияси қабул қилинган ва у муваффақиятли амалга оширилмоқда. Зарар кўриб ишлаётган, истиқболи бўлмаган ширкатлар тугатилиб уларнинг ҳудудида конкурс асосида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Ушбу ислохотлар натижасида Республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер хўжаликларининг улуши ортиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигида бугунги кун талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари вужудга келмоқда ва улар такомиллашиб бормоқда

7-жадвал

Республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида турли мулк шаклларининг ва тармоқларининг улуши, (% да)

№	Кўрсаткичлар	2001	2002	2003	2004	2005
1.	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида ширкатларнинг салмоғи, %	28,6	27,9	28,1	22,2	19,9
2.	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер хўжаликларининг салмоғи, %	10,3	11,4	12,1	14,8	20,4
3.	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида деҳқон хўжаликларининг салмоғи, %	61,1	60,7	59,8	63,0	59,7
4.	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, % Шундан:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
5.	Ўсимликчилик тармоқлари салмоғи, %	52,6	51,6	50,6	51,6	53,7
6.	Чорвачилик маҳсулотлари салмоғи, %	47,4	48,4	49,4	48,4	46,3

Учинчидан, бозор иқтисодиётида ривожланишни таъминловчи тўрт омилдан бири, ишбилармонлик шаклланиб, ривожлана бошлади. Қишлоқ хўжалигида 135 мингдан кўпроқ фермер, 4481,7 минг деҳқон хўжаликларининг ва 564 та хусусий чорвачилик фермалари ҳамда минглаб қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган ва унинг маҳсулотларини қайта ишлайдиган хусусий кичик корхоналарнинг мавжудлиги ҳозирча кўп

бўлмасада мулкдорлар, ишбилармонлар гуруҳи вужудга келганлигини кўрсатади. Бу омил бозор иқтисодиётида ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Ишбилармонлик ривожланиб, у билан шуғилланувчилар сони ва сифати ошиб борган сари бозор иқтисодиёти кучаяди ва халқнинг турмуш шароити яхшилана боради.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилган ислохотларнинг натижасида қишлоқда кичик тадбиркорлик субъектлари сони ортиб, уларнинг иқтисоддаги улуши кўпайиб бормоқда. Агарда 2000 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорликнинг улуши 71,4 фоиз бўлган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 78,1 фоизга 2004 йилда эса 80,9 фоизга етган.

Тўртинчидан, бугунги кун ҳаёт талабидан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритишнинг янги механизми ишлаб чиқилди ва тадбиқ қилинди. Мустақилликнинг дастлабки даврларида хўжаликнинг минерал ўғитларга, ёқилғи-мойлаш материалларига, электр энергиясига ҳамда иш ҳақиға бўлган талабини қондириш учун олинадиган қисми учун ҳисоб – китоблар маҳсус ҳисоб орқали амалга ошириладиган қилинди. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналарини техника, ёқилғи – мойлаш материаллари, электр энергияси, минерал ўғитлар билан йил давомида узлуксиз таъминлаб туриш имконияти яратилди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳо паритетининг ўзгариши ўзгача йўл тутиш имконини бермайдиган бир пайтда амалдаги механизм ўзининг ижобий ролини ўйнади. Бу механизм бир қанча афзалликларга эга. Биринчидан, барча қишлоқ хўжалик корхоналарини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун керакли бўлган моддий ресурслар билан таъминлаш имконини берди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигига минерал ўғит, ёқилғи – мойлаш материаллари, электр энергияси ишлаб чиқарадиган ва етказиб берадиган тармоқларни кафолатланган ҳолда ўз маҳсулотлари учун ҳақ олишини таъминлди. Учунчидан, инфляцияни кучайишига йўл қўймайдиган катта макроиқтисодий аҳамиятга эга бўлди. Чунки бу механизм бўйича молиявий ресурсларни турли йўللар билан нақд пулга айлантириш имконияти йўққа чиқарилди. Албатта бу механизм маълум камчиликларга ҳам эга. Энг асосий камчилиги хўжаликларнинг моддий манфаатдорлик ва жавобгарлигини қисман сусайтирди. Соғлом рақобатни кучини камайтирди, айрим ҳолларда йўққа чиқаради. Бу механизм иқтисодий камқувват ёки зарар билан ишлайдиган корхоналар учун фойдали, яхши ишлаётган ва катта самара олаётган хўжаликлар учун эса аксинча. Умуман қишлоқ хўжалиги тармоғининг манфаати учун яхши бўлган бу механизм бўйича иқтисодий бақувват, катта фойда оладиган хўжаликларнинг ўзи ишлаб топган маблағларидан самарали фойдаланиш имконини сусайтиради. Натижада яхши ва ёмон фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари маълум даражада бир хил шароитга (ҳолатга) қўйилмоқда. Бу ўз навбатида яхши ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналарида самарадорликни янада ошириш учун манфаатдорликни сусайтиради. Ресурсларни тежашга

қаратилган механизмни яратиш бу схемада ўз ифодасини топмади. Шу сабабли республика ҳукумати бу камчиликларни вақтинчалик юмшатиш имкониятини қидириб топди. Маъданли ўғит, ёқилғи – мойлаш материаллари, электр энергияси етказиб берувчи соҳалардан ҳамда иш ҳақидан қарзи бўлмаган иқтисодий бақувват қишлоқ хўжалиги корхоналарини мавжуд схемадан чиқариб уларнинг маблағларини ўзларининг ҳисоб рақамларига тушириб бериш мақсадга мувофиқ деб топилди. 2005 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз жорий ҳаражатлари учун зарур маблағни банклардан кредит тариқасида оладиган бўлди. Бу самарали ишлашга қизиқишни кучайишига, ишлаб чиқаришни фойда билан яқунлашга интилувчи корхоналарнинг кўпайишига олиб келади.

Бешинчидан, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришлар юз берди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайди. Тарихан қисқа даврда ғалла мустақилчилигига эришилди. Агарда 1990 йилда 1808,2 минг тонна дон ишлаб чиқарилган бўлса бу кўрсаткич 2000 йилга келиб 4,1 млн. тоннани ташкил этди. 1990 йилда жами донда буғдойнинг салмоғи 32,7 фоизни ёки 592,2 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткичлар мос ҳолда 82,9 фоизни ва 3,4 млн. тоннани ташкил этди. 2004 йилда 6017,1 минг тонна дон, шундан 5502,5 минг тонна буғдой ишлаб чиқарилди. 2006 йили жами бўлиб 6,1 млн. Тонна дон етиштирилди. Пахта ишлаб чиқариш 2000 йилдан кейин биринчи бор 3,5 млн. тоннадан ошиб кетди.

Аҳолига томорқа ерларининг берилиши уларнинг турмуш шароитини ёмонлашиб кетишига йўл қўймади. Мустақиллик йилларида аҳолига 682,5 минг гектардан ортиқроқ ер уй – жой қуриш ва томорқа учун берилди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулот турларнинг 60-85 фоизига яқини деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилмоқда.

Олтинчидан, қишлоқ аҳолисининг ичимлик сув ва газ билан таъминланиш даражаси кескин ошиб бормоқда. 2000 йилда қишлоқ аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланиш даражаси 67,8 фоизга, газ билан таъминланиши 56,7 фоизга етди. 2004 йилга келиб аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланиши 76,2 фоизга, табиий газ билан таъминланиш даражаси 86,5 фоизга етди. Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда мактаб ва мактабгача бўлган муассасалар, соғлиқни сақлаш тизимига тегишли поликлиника, шифохоналар ва кўплаб спорт иншоатлари қурилди. Албатта бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Бу тўхтовсиз жараён бўлиб, доимий ривожлантирилиб борлади. Ижтимоий соҳанинг ривожланиши аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга олиб келмоқда.

Еттинчидан, қишлоқ хўжалиги ички ва ташқи бозор талабларига тез мослашадиган бўлди. Бир йилнинг ўзида пахта майдони кўпайиб, бошқа экин

майдонлари қисқариши юз бермоқда. Мустақилликкача бу жараёнларни орзу қилиш мумкин эмас эди.

Саккизинчидан, бизнинг фикримизча, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг энг муҳими аҳолининг дунёқараши иқтисодий қонуниятлар талабида ўзгариб бораётганлигидир. Аҳолининг, жумладан, қишлоқ аҳолисининг асосий қисми қийинчилик билан бўлса-да боқимандачилик кайфиятидан халос бўлмоқда.

Тўққизинчидан, қишлоқ хўжалиги ички ва ташқи бозор талабларига тез мослашадиган бўлди. Бир йилнинг ўзида пахта майдони кўпайиб, бошқа экин майдонлари қисқариши юз бермоқда. Олдинга даврларда буни орзу қилиш мумкин эмас эди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш мақсадида кўрилган чора – тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Энг муҳими қишлоқ хўжалигига эътиборнинг кучайганлигидир. Қишлоқ хўжалигини бошқарув тизимини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон сув ва қишлоқ хўжалик вазирлиги, “Ўзмевасабзавотузумсаноат – холдинг” холдинг компанияси, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, “Ўзбек ипаги” пиллачилик уюшмаси тузилди. Республикада қорақўлчиликни ривожлантириш мақсадларида ҳукумат ҳужжатлари тайёрланди.

Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатадиган инфратизилмани ривожлантирмасдан ислохотлардан кўзда тутилган натижаларга эришиш мумкин эмаслигини англаб, бу соҳа имкон даражасида ривожлантирилмоқда. Натижада “Ўзагролизинг” лизинг компанияси “Ўздавпахтасаноатсотиш” уюшмаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази, “Ўзқишлоқхўжаликмаш–холдинг” холдинг компанияси, “Ўзагрокимётаъминот” бирлашмаси, “Ўзагросуғурта” компанияси, ихтисослашган тижорат банклари каби хизмат кўрсатувчи тизим ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан кўрсатилган амалий ёрдамнинг бири, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган хўжаликлар ҳукумат томонидан санация қилинди. Бу корхоналарнинг барчасида ташқи бошқарувчи тайинланди. Йилнинг 1 январ ҳолатига кўра бюджетга тўланмаган тўловлар ва улар бўйича пенялар, Пенсия жамғармаси, Иш билан таъминлаш жамғармаси, Ижтимоий суғурта жамғармаси ва йўл жамғармасидан пеня қўшилган ҳолдаги қарзларини тўлаш маълум йилгача кечиктирилди. Уларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Албатта ҳозирда қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўтатилди. Лекин 1998-2002 йилларда ушбу тадбир ўз самарасини берди. Масаланинг муҳим томони шундаки бугунги кунда иқтисодиётимизда бозор инструментлари ишламоқда. Давлат иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган, аммо иқтисодиётимиз учун зарур бўлган хўжаликларни даволовчи функциясини бажарди.

Амалга оширилаётган муҳим ишлардан яна бири уруғчиликни яхшилашга жуда катта эътибор берилаётганидир. Айниқса, пахтачиликда уруғчиликни ривожлантириш мақсадида хорижий мутахассислар ва ҳамкорлар билан катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қошида пахта лойиҳалари бўйича махсус агентлик фаолият кўрсатмоқда. Буғдойнинг янги серҳосил “Карлик 85”, “Добрая” навлари синовдан ўтмоқда. Даслабки 3 йиллик синов натижаларига кўра улар ҳосилдорлиги, сифати жиҳатидан ҳозирги районлаштирилган буғдой навларига қараганда 15-20 фоизга юқори. Пилланинг Япония, Жанубий Қуриядан сермахсул уруғлари олиб келиниб кўпайтирилмоқда. Ер ресурсларнинг чекланганлиги, турли сабабларга кўра аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг камайиб бориши соҳани интенсив ривожлантиришни талаб этади. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш унинг моддий техника таъминотини, экинларнинг серҳосил навлари ва сермахсул зотли чорва молларининг бўлишини, маъданли ўғитлар ва кимёвий воситалар билан таъминланишини яхши бўлишни талаб қилади. Шу мақсадда мамлакатимизга, ўз соҳаси бўйича, дунёнинг энг нуфузли компания ва корпорацияларининг унверсал ва махсус қишлоқ хўжалиги техникалари кириб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда қишлоқ хўжалигида катта иқтисодий салоҳият (имкониятлар) вужудга келтирилмоқда. Эндиги вазифа қишлоқ хўжалигининг иқтисодий қувватини янада ошира борган ҳолда унинг мавжуд қувватларидан максимал фойдаланишдир.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бизнинг назаримизда қуйидагиларга эътиборни кучайтириш кўпроқ самара берган бўлар эди.

Жамиятни ривожлантирадиган асосий куч манфаатдир. Шу сабабли барча қилинаётган ишлар мумкин қадар манфаатдорликга асосланиши керак. Шу ўринда иқтисодий манфаатни устун қўйиш зарур. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишни ўзига хос йўли Президентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Унинг асосини 5 тамойил ташкил қилиб уларнинг биринчиси иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлигидир. Айнан шу тамойил иқтисодий манфаатни, иқтисодий ривожланишнинг биринчи даражали омили эканлигини ифодалайди. Шу борада бугунги кунда таркиб топган ўзаро ҳисоб-китоб (ўғит, ёқилғи, электр энергияси ва техника учун) ларни аста-секинлик билан ўзгартириш лозим бўлади. Ҳар бир хўжалик ўзи сарфлаган харажатларини олган тушим билан қоплаб, фойда олиши ҳам зарур. Бу тамойил хўжаликнинг энг бирламчи бўғинларигача етиб бориш керак. Бугунги кунда хўжаликда мавжуд оила, звено, бригада пудратларида ишлаётганларнинг 90 фоизи белгиланган вазифани уддалаган ҳолда, қолган 10 фоиз пудратчиларнинг ўз кўрсаткичларини бажармаслиги натижасида хўжалик бўйича топшириқ 1 фоизга бажрилмай қолса ҳам, топшириқни бажарган 90 фоиз пудратчилар моддий манфаатдорликдан етарли даражада

тўлиқ фойдалана олмайдилар. Бу ўз навбатида моддий манфаатдорлик томойилининг бузилишига, самарадорликни пасайишига олиб келади. Шу сабабли ҳам, бирининг ёмон ишлаши ҳисобига иккинчиси манфаатдорликдан маҳрум бўлмаслиги керак.

Асосий эътиборни сифат кўрсаткичларга қаратиш лозим бўлади. Иқтисодий кўплаб ресурслар сарфлаш эвазига эмас балки чекланган ресурслардан унимли фойдаланиб самарадорликни оширишга қаратиш мақсадга мувофиқ. Интенсив ривожланишига мамлакатни орзу қилган даражага олиб чиқа олади ҳалос. Масалан, 1,5 млн. гектарга бошоқли дон экилган бир пайтда ҳосилдорликни 40 центнерга етказсак 6,0 млн. тонна дон бўлади. Андижон вилояти 1 га ердан 67 центнердан олган ҳолда республика бўйича 40-50 центнердан дон етиштириш мумкин эмасми? Худди шундай пахта ҳам 1,5 млн. га ерга экилмоқда. Ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш 4,5 млн. тонна пахта демакдир. Ҳосилдорликни ошмаса бу ҳажмдаги маҳсулотни етиштириш учун бугунги кунда қўшимча 1,8-2,0 миллион гектар қўшимча ер талаб қилади. Ернинг чекланганлиги, аҳоли сонини кўпайиб бориши, саноатнинг ривожланиши, қурилишнинг кўпайиши бир жон бошига тўғри келадиган ер бирлигини камайишига олиб келади. Шу сабабли ҳам қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш объектив зарурат бўлиб, бундан бошқа йўл йўқ.

Хўжалик раҳбарлари хўжаликда мавжуд бўлган мулкни сақлаш, уни кўпайтириш учун жавобгарликни аниқ ҳис қилишлари керак. Ҳиссадорлик, пайчиликга асосланган хўжаликларда ҳиссадорлар раҳбарлардан ўзларига тегишли мулкни сақлашни ва кўпайтиришни талаб қилишлари керак. Ҳиссадорларнинг шундай даражага кўтарилиши иқтисодий янги босқичга олиб чиқади.

Дехқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш талаб қилинади. Қишлоқ хўжалигининг келажаги айнан шу турдаги хўжаликлар билан боғлиқ. Чунки юқорида қайд этилган иқтисодий манфаатдорлик дехқон ва фермер хўжаликларда бошқа турдаги ишлаб чиқариш корхоналаридагидан юқори. Жойлардаги раҳбар мумахассислар буни қанча тез англаб етса шунча ривожланиш яхши бўлади.

Дехқонга фақатгина ер, мулк берган билан етарли натижага еришиб бўлмайди. Узоқ муддатга ерни ижарага бериш билан бир қаторда етиштирилган маҳсулотни тасарруф қилиш имконини ҳам бериш керак. Етиштирилган маҳсулот фақат ихтиёрий шартномалар асосида сотилиши керак. Албатта давлат манфаати, буюртмалар асосида амалга оширилиб боради. Чунки ерга эгаллик (ижара шартномаси асосида) масаланинг ярим ечими. Етиштирилган маҳсулотга эга бўлиш ҳуқуқи иккинчи ярим ечимидир. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг молиявий имкониятларининг шаклланиши ўзгачадир. Яъни йил давомида асосан фақат харажат, даромад эса йил охирида шаклланади. Демак қишлоқ хўжалигининг яхши ишлашидан манфаатдор тармоқлар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

қайта ишловчи тармоқлар) йил давомида қишлоқ хўжалигини моддий қўллаб туриш имкониятлари устида ишлашлари керак. Бунинг йўлларида бири фьючерс шартномалари асосида ишлашдир. Бу қайта ишловчи тармоқ учун ҳам яхши. Чунки қайси турдаги маҳсулот қанча ва қандай сифатда кераклигига қараб шартномалар тузади. Бозор шароитида зарар билан ишлайдиган ҳар бир корхона алоҳида таҳлил қилиниши ва бир тўхтамга келиниши маъқул. Бонкрот ҳолатига келган, шу шаклда тикланиши мумкин бўлмаган корхоналар тугатилиш ва ери аҳолига ижара шартномаси асосида тақсимланиб берилиши мақсадга мувофиқлигини Президентимиз жуда тўғри белгилаб берди.

Баъзан, барча ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигига дотация беради бизда ҳам буни тезроқ жорий қилиш лозим деган фикрлар учрайди. Албатта бу фикр ижобий бўлиб, қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Аммо биз эндигина мустақил бўлганимизни, иқтисодиётимизнинг бир томонлама ривожланган бўлганлигини, эски иқтисодий алоқалар узилиб қолганлиги натижасида юзага келган қатор масалаларни ва шунга ўхшаш кўплаб муаммоларни ҳал қилишга дуч келаётганимизни унутмаслигимиз керак. Иқтисодий ривожланган, қишлоқ хўжалигига дотация бераётган давлатларда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улиши 1-5 фоиздан ошмаслигини эътиборга олсак масаланинг айрим томонлари ойдинлашади. Масалан, 1996-2001 йиллари Германия ва АҚШнинг ялпи ички маҳсулотида қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ҳамда балиқчилик тармоқларининг салмоғи атиги 1,1-2,36 фоиз атрофида бўлган. Бу рақамлардан кўришиб турибдики, иқтисодий ривожланган давлатларда давлат бюджети саноат ва бошқа хизмат кўрсатадиган тармоқлардан тушадиган маблағ ҳисобига шаклланади. Натижада, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан дотациялаб туриш имкониятлари катта. Бизнинг мамлакатимиз мустақилликга эришган 1991 йилда жами ялпи ички маҳсулотнинг 36,8 фоизи қишлоқ хўжалигида етиштирилган эди. 2000 йилда бу кўрсаткич 30,4 фоизни ташкил қилди. 2004 йилга келиб 26,8 фоизни ташкил этди, 2005 йилда эса 25,0 фоизни даражасида бўлди. Демак, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улиши камайиб, саноат ва бошқа тармоқларнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Бугунги кунда саноатни, хизмат кўрсатиш тармоқларни ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг аҳамияти катта. Мамлакат саноатлашиб борган сари қишлоқ хўжалигига амалий иқтисодий ёрдам қилиш имкониятларимиз ортиб боради. Бу ўзгаришлар мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат узоқни ўйлаб қилинаётганидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалиги ижтимоий масалалар чуқурлашиб кетишга йўл қўймайдиган тармоқларнинг асосийларидан биридир. Чунки аҳолини иш билан таъминлашда унинг ўрни беқиёс. Аҳолининг иқтисодий фаол қисмининг 44 фоизидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида банд. Келгусида саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожниши учун заур меҳнат ресурсларини

етказиб беришда қишлоқ хўжалиги энг катта имкониятларга эга. Умуман олганда, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, аҳоли турмуши даражасининг ортиши, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши, қишлоқ хўжалиги тармоғи билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги нисбатан кўп молиявий ресурсларни талаб қилмасдан катта самара бериши мумкин бўлган тармоқлардан бирига киради. Бу эса ўтиш даври иқтисодиёти учун жуда катта муҳим омиллардан биридир.


Ҳозирда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги нисбатан ривожланган тармоқ ҳисобланади ва унда иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда. 2002 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажми 3257,2 млрд. сўмликни ташкил этди. Барча турдаги хўжаликлар томонидан 5792,5 минг тонна дон, 3,16 млн. тонна пахта, тирик вазнда 864,7 минг тонна гўшт, шунгдек 1367,1 млн. дона тухум етиштирилди, 3719,4 минг тонна сут соғиб олинди.

Республикада мулкый муносабатлар ривожлантирилмоқда. Мулкый муносабатларнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 52, 53 ва 54- моддаларида белгилаб қўйилган. Жумладан конституциянинг 54-моддасида “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”^{*} деб таъкидланган.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш, мулкый муносабатларни ривожлантириш борасида ҳам катта ишлар қилинди. Айниқса, бозор иқтисодиёти эркин хусусий мулксиз ривожланиши мумкин эмаслигига эътибор кучайтирилди. Бу борада қилинаётган катта ишлардан бири қишлоқ жойларда мулкдорлар синфини шакллантиришдир. Аста – секинлик билан бўлсада, хусусий мулкка асосланган тадбиркорлар синфи шакллантириляпти. Қишлоқ жойларда шаклланаётган тадбиркорлар синфи қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг барча шакллари билан бевосита биргаликда ривожланмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлар синфи ширкатларда, асосан фермер ва деҳқон хўжалиги шаклида вужудга келмоқда. Шу билан биргаликда қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ҳам тадбиркорлик ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик хусусий тадбиркорлик тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бундан ташқари ҳунармандчилик, косиблик, новвойлик ва бошқалар бунга мисол бўлади. Уларнинг ривожланиши қишлоқ хўжалигининг, қолаверса, мамлакат иқтисодиётининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ жойларда мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўналишларини б-чизмада кўриш мумкин.

^{*} Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 1999.-326. (13 бет).



6-чизма. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик Кодекси” нинг 39-моддасига мувофиқ: “Ўз мулкида, хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади”.* Юридик шахсларнинг фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган турлари тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

* Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”.-Т.: Ўзбекистон, 2002. – 346.

Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган якка тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиklarининг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган кўпчилик қисми жисмоний шахс мақомида фаолият олиб боради. Давлат рўйхатидан ўтган деҳқон, фермер ширкат хўжалиklари юридик шахс мақомида фаолият олиб боради. Жисмоний ва юридик шахс мақомига эга бўлган иқтисодий субъектлар мўътадил фаолият олиб боришлари учун ҳуқуқий база яратилган ва такомиллаштирилиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги яқин ва узоқ келажакда озиқ – овқат маҳсулотлари етиштиришнинг асосий манбаси бўлганлиги учунгина эмас, балки қуйидаги ҳолатлар учун ҳам агросаноат мажмуасининг асосини ташкил этади:

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги саноатининг ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлари маҳсулотларига талабнинг асосини белгилайди. Саноатнинг бу тармоқларини ривожлантириш йўналишларни, шунингдек, саноат маҳсулотларининг сифати, хоссалари қандай бўлишини белгилаб беради, баъзан эса саноат корхоналарининг жойлашувига ҳам катта таъсир ўтказади;

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркиби ва жойлашуви уларни тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг ривожланишини белгилайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турларга қараб, уларни тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар ўзларининг қувватини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари жойлашувига ҳам таъсир кўрсатади;

Учинчидан, саноатда яратилаётган ишлаб чиқариш воситаларининг самарадорлиги қишлоқ хўжалигида юзага чиқади.

Жаҳон давлатлари ўртасида юз берадиган кескин рақобат шароитида мамлакат иқтисодиётининг бардошли бўлиши ва янада ривожланиши маълум даражада ушбу тармоққа боғлиқ бўлади. Қишлоқ хўжалиги ўзига алоқадор барча саноат тармоқларига ривожланиш учун қайсидир маънода компас ролини ўйнайди;

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги бутун агросаноат мажмуаси тармоқларининг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Агарда қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги юқори бўлса, агросаноат мажмуаси охириги маҳсулотининг арзон бўлиши таъминланади. Бу мамлакат иқтисодиётини кучайтиради, аҳолининг турмуш даражасини оширади. Чунки аҳоли даромадининг катта бир қисмини ўз комиллигини ошириш йўлида сарфлаш имконияти кўпаяди;

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи агросаноат мажмуасининг охириги маҳсулотлари таннархининг даражасини белгилайди. Яъни сотиш учун бозорга чиқарилган тайёр маҳсулотлар нархнинг паст бўлиши учун имконият яратади. Бинобарин, кучли рақобат шароитида арзон маҳсулот ишлаб чиқариш ҳал қилувчи аҳамиятга эга омил ҳисобланади;

Олтинчидан, агросаноат мажмуаси охирги тайёр маҳсулотининг сифати қандай бўлиши қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот сифати билан белгиланади, десак хато бўлмайди. Албатта, тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнида сифатли маҳсулотнинг сифатини бузуш мумкин, лекин ўзи сифатсиз бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотидан сифатли саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш амримаҳол. Тўғри, тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнида айрим биологик ишловлар бериш, турли витамин ва минерал тузлар қўшиш эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг дастлабки сифатини яхшилаш мумкин. Лекин бу яхшиланиш ҳал қилувчи кучга эга эмас. Ахир, фақатгина сифатли материалдан сифатли маҳсулот олиш мумкин.

Еттинчидан, айнан қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш (индустрлаш) жараёни агросаноат интеграциясини кучайтиради. Бунда қишлоқ хўжалиги ва саноат янада яқинлашади. Бу эса фан, техника тараққиётини тезлаштирувчи асосий омиллардан биридир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш асосан ширкатлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари шаклларида ташкил этилган.

7.3. Ширкат хўжаликлари ва уларнинг ташкилий-иқтисодий асослари

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги доимий равишда ривожланиб, чуқур ислоҳотлар шароитида яшаб келаётган тармоқлардан биридир. Ислоҳотларнинг бир йўналиши тармоқни бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларида энг мақбуллари жорий этишдир. Республика қишлоқ хўжалигини 1997 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарди. Бу даврга келиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг натижалари кўп жиҳатидан сув ресурслари ва улардан фойдаланишга боғлиқ бўлганлиги, сув ресурслардан фойдаланиш эса бошқа вазирлик ихтиёрида эканлиги маълум муаммоларни вужудга келтирди. Натижада 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вужудга келди. 2001 йилнинг 1 январига келиб унинг таркибида 2018 та қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолият кўрсатади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида 125 та қорақўлчилик хўжаликларини бирлаштирган “Ўзбекқорақўл” компанияси, 51 та паррандачилик фабрикаси бор “Ўзпаррандасаноат” уюшмаси, таркибида 18 та хўжалиги бор “Ўзсабзавотуруғи” бирлашмаси, 46 та хўжаликдан иборат “Асал” асаларичилик уюшмаси, 84 та хўжалиги бор Қишлоқ хўжалиги илмий – ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ирригация Ўртаосиё илмий – текшириш институти фаолият кўрсатмоқда. 2002 йилда йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари, яъни ширкатлар жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 32 фоизга яқинини етиштирмоқдилар. Бу кўрсаткич йилдан йилга камайиб бормоқда. 2004 йилда ширкатлар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 19,3

фоизини, 2005 йилда 15,3 фоизини ишлаб чиқардилар. Яқин келажакда ширкат хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотигади улуши янада камайиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш билан “Ўзмева сабзавотузумсаноат холдинг” компанияси ҳам шуғулланади. Унинг таркибига мева, узум, сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган 89 та қишлоқ хўжалиги корхонаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кўплаб саноат корхоналари киритилган.

“Ўзгўштсутсаноат” акциядорлик компанияси таркибига чорва молларини боқишга ихтисослашган 110 та корхоналар киритилди.


Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари давлат ва асосан, нодавлат секториде етиштирилади. Мустақиллик йилларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар миқдориде давлат улуши камайиб, нодавлат секторнинг хиссаси ошди. Ҳозирда давлат секториде фақатгина уруғчилик билан шуғулланадиган 47 та корхона қолган. Уларнинг ишлаб чиқаришдаги улуши 2002 йилда 0,9 фоизни ташкил этди. Қолган 99,1 фоиз маҳсулот нодавлат секторда ишлаб чиқарилмоқда.

1998 йилдан бошлаб эски колхоз ва давлат хўжаликлари ширкат хўжаликлари шаклда ташкил этила бошланди. Ширкатлар йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари бўлиб, 2001 йилда уларнинг ўртача экин майдони 1233 гектарни ташкил этди. Улар ўртача 94 гектардан боғ ва 64 гектардан узумзорларга эга, мамлакатда етиштирилган пахтанинг 60, тамакининг 66, қанд лавлагининг 88, бошқли доннинг 49, меванинг 26, ва узумнинг 43 фоизини берди.

Ширкатлар акциядорлик жамиятларининг ўзига хос бир кўриниши сифатида вужудга келтирилди. Уларда хўжаликнинг мол – мулклари унга аъзо бўлганларга мулкый пай улуши кўринишида тақсимланиб берилган. Бу улушнинг эгаси хўжалик фаолияти натижасида вужудга келган даромаддан (фойдадан) бир қисмини олади.

Ширкат хўжаликларининг фаолияти “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан ҳамда ширкат Низоми асосида юритилади. Ширкат хўжаликларида меҳнатни ташкил этиш оила пудрати шаклида, амалга оширилади. Унинг асосида ширкат билан оила ўртасида тузиладиган оила пудрати шартномаси ётади. Ширкат хўжаликлари устав жамғармаларига эга бўладилар. Уларнинг устав жамғармаси, пай жамғармаси ва бўлинмас жамғармадан иборат бўлади (7-чизма).

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туман “Соҳибқирон” ширкат хўжалиги устав жамғармаси



7-чизма. Ширкат хўжалигининг устав жамғармаси

Ширкатларга Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонунининг 1-боб, 1-моддасида - “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) – товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун пай усулга ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига, бошқаришнинг умумийлигига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.* деб таъриф берилган.

Ширкат хўжалигига аъзолик ихтиёрийдир. 16 ёшга кирган фуқаро ихтиёрий равишда унга аъзоликка кириши мумкин. Ширкат хўжалигининг юқори бошқарув органи умумий мажлис бўлиб, у ширкатни бошқарувини ва

* Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонун. Т.: Ўзбекистон, 1998. 4 б.

тафтиш комиссиясини сайлайди ва ширкатни жорий бошқариш бўйича ўз ваколатини уларга беради.

Қишлоқ хўжалигида йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобланган ширкатлар қуйидаги ижобий томонларга эга:

- Меҳнат тақсимоти ва кооперацияси шароитида ширкатлар фаолияти таваккалчиликдан нисбатан кучли ҳимояланган;
- Йирик ҳажмдаги хўжалик ва далаларда илғор технологиялар ва техникаларни қўллаш, мавжуд техника ва жиҳозлардан эса самарали фойдаланиш имкониятлари катта;
- Йирик далаларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ўғитлаш, кимёвий воситалардан фойдаланиш, ер ҳайдаш, унга ишлов бериш, суғориш, ҳосилни йиғиб олиш каби ишларни ташкил этишни мўътадил амалга ошириш нисбатан самарали;
- Мавжуд техникаларни таъмирлаш, маҳсулотларни сақлаш, ташиш ва кўплаб хизмат кўрсатиш тизимларини ташкил этишда нисбатан кучлироқ имкониятларга эгаллиги;
- Қишлоқ инфратузилмасини вужудга келтириш ва уни ривожлантиришда катта имкониятга эгаллиги.

Шу билан биргаликда, йирик хўжаликларнинг айрим камчиликлари ёки заиф томонлари ҳам мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Мослашувчанлик қобилиятининг пастлиги яъни бозор талабларига тезда мослаша олмаслиги. Ўз ишлаб чиқариш йўналишини қисқа даврда ўзгартириши учун имкониятларининг чекланганлиги;
- Мулкий муносабатлар натижасида тежамкорликка, маҳсулотларнинг йўқолишига (нобуд бўлишига) эътиборнинг нисбатан пастлиги. Ширкат аъзоларида хўжайинлик ҳиссининг юқори эмаслиги;
- Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларнинг кўпайиб кетиши;
- Хўжаликка бевосита мос бўлмаган функцияларнинг кўпайиб бориши;
- Мавжуд ресурслардан тўлиқ ва иқтисодий самарали фойдаланишда катта захираларнинг мавжудлиги. Турли сабабаларга кўра хўжаликда мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланилмайди;
- Юқори ташкилотларнинг ишлаб чиқаришга аралашуви даражасининг кучлилиги.

Юқоридаги ҳолатлар ширкатларнинг нисбатан камайиб, уларнинг ўрнига ишлаб чиқаришнинг прегрессив шакли ҳисобланган, фермер хўжаликларининг ташкил этилишига олиб келмоқда.

7.4. Фермер хўжаликлари ва уларнинг ташкилий-иқтисодий асослари

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 августда қабул қилинган “Фермер хўжаликлари тўғрисида” ги қонунининг 1-бандида “Фермер

хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъектидир”, - деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январидagi “Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сонли қарори асосида республикада фермер хўжаликлари тез ривожлана бошлади. Ушбу сиёсат ривожлантирилиб 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 декабрдаги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарорига кўра паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизида танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида “...фермерчилик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда” - деб таъкидлади.*

Ширкат хўжаликларини тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида асосан олдин тармоқ ривожланишида тўсиқ бўлиб келаётган айрим омилларнинг салбий таъсирларининг олди олинди. Натижада куйидагиларга эришишга мувофиқ бўлинди:

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга кераксиз ёки яроқсиз бўлган мол-мулклар сотилди ва уларни сотишдан тушган маблағлар биринчи галда айланма маблағлар заҳираларини тўлдиришга йўналтирилди;
2. Фермерлар тендер асосида танлаб олинди; (малакали, моддий-техника ресурсларига эга, ишчи кучлари етарли, ишлаб чиқариш имкониятлари катталари танлаб олинди)
3. Қишлоқ деҳқонининг мулкка, ерга ва ўзи етиштирган маҳсулотларга эгалик қилиш кўламлари кенгайди;
4. Ўз маҳсулотларини бозорда (шартномадан ортиқчасини) эркин сотиш имкониятлари кўпайди;
5. Меъёрдан ортиқча ишчи кучларининг қисқариб, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтиб ишлашларига ва шу билан бирга қўшимча маҳсулот хизматларни бозорга таклиф этиш учун кенг имконият юзага келишига асос солинди;

* Каримов И. Бизнинг мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни медресизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 706.

6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, товар-моддий ресурслари етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ишлаб чиқарувчиларга янада яқинроқ жойларда жойлаштириш орқали фермер ва деҳқонларнинг бевосита ишлаб чиқаришдан ажралмасдан самарали меҳнат қилиши учун қулай имконият яратилди.

Фермер хўжаликлари қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, у ишлаб чиқариш шакли сифатида қуйидаги афзалликларга эга:

- хўжалик юритишнинг маҳаллий шароитларига тобора тезроқ мослаша олади;
- кичик тадбиркорлик субъекти сифатида катта эркинликларга эгаллиги;
- қарорларни қабул қилиш ва уларни бажаришнинг ўзгарувчанлиги ва дарҳол ишга туширилиши;
- фаолиятни амалга оширишнинг, айниқса бошқарув сарф-ҳаражатларини нисбатан камлиги;
- фермерларнинг ўз ғояларини амалга оширишларида ўз қобилиятларини намоён қилишда катта имкониятларга эга бўлиши;
- дастлабки капиталнинг камлиги ва маҳаллий бозорнинг талабларига маҳсулот ва ишлаб чиқариш жараёнларига тез ўзгартиришлар киритиш орқали жавоб бериш;
- ўз капиталининг нисбатан юқори суръатларда айланиб туруши;
- тежамкорликнинг юқорилиги;
- ўзига ишониш даражасининг юқорилиги;
- синиб кетса ҳам мамлакат иқтисодиёти катта зарар кўрмаслиги.

Фермер (кичик) хўжаликлари ижобий томонлари билан бир қаторда маълум камчиликка ҳам эга:

- таваккалчилик ҳавф-хатарининг юқорилиги ва шу сабабдан бозордаги ўриннинг ҳам юқори даражадаги беқарорлиги;
- йирик корхоналарга боғлиқ бўлишлик;
- бошқарув ишидаги камчиликлар;
- раҳбарлик билимларининг етарли эмаслиги;
- хўжалик юритиш шароитлари ўзгаришига ортиқча сезувчанлик;
- қўшимча молиявий маблағлар ва кредит олишнинг қийинлиги;
- шартномалар (контрактлар) тузишда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончсизлиги ва эҳтиёткорлиги ва бошқалар.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида кичик тадбиркорлик субъектларига киради. Фермер хўжаликлари мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнесни улушининг ортишига таъсир кўрсатмоқда. 2004 йилда кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотида улуши 36,1 фоизни, 2005 йилда 38,6 фоизни ташкил этди. Ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 60-70 фоизни ташкил этади.

Кичик бизнесда иш билан банд бўлган аҳолининг 70-80 фоизи меҳнат қилади. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнеснинг улушини яқин йиллар ичида 45-47 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналари орасида фермер хўжаликлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ фермер хўжаликларига истикболли йўналиш сифатида эътибор берилди. Раҳбарлар, мутахассислар ва олимлар бу хўжаликларнинг ривожланишга табиий шароит яратиб бердилар. Натижада фермер хўжаликлари тарихан қисқа даврда қишлоқ хўжалигида ўз фаолиятини олиб боришга ҳақли ишлаб чиқариш шаклларидан бири эканлигини исбот қилди. 2001 йилнинг 1 январига 52228 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларга 1038,1 минг гектар ер бириктирилганди. Фермер хўжаликларида 366,7 минг киши меҳнат қилди. 2003 йилнинг 1 январига келиб уларнинг сони 72406 тани ташкил этди. Шундан 63497 таси деҳқончилик, 6150 таси чорвачилик, 2759 таси боғдорчилик ва бошқа соҳаларда ташкил этилган. Уларнинг умумий ер майдони 1591,7 минг гектар, ўртача бир фермер хўжалигининг ер майдони 22 гектар. Фермер хўжаликларида 1477,2 минг тонна дон, 937 минг тонна пахта, 28,4 минг тонна картошка, 213,1 минг тонна сабзавот, 76,3 минг тонна полиз, 56,1 минг тонна мева, 31,5 минг тонна узум, 81,7 минг тонна сут, 272,4 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 265,6 минг дона тухум ва 9,0 тонна жун маҳсулотлари етиштирилди. 2002 йилда фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши 9,9 фоизни ташкил этди. 2004 йилда фермерлар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 18,6 фоизини, 2005 йилда 24,5 фоизини ишлаб чиқарди. Яқин келажакда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер хўжалиklarининг улуши кескин кўпайиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори зарар келтириб ишлаётган истикболсиз ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига айлантириш борасида навбатдаги муҳим босқични бошлаб берди. Ушбу қарорга кўра, 2004-2006 йиллар мобайнида зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз 1020 та ширкат хўжалигини тугатиб, босқичма-босқич фермер хўжалиklarига айлантириш кўзда тутилган.

Республикада фермер хўжалиklarини ривожлантириш Концепциясида қуйидаги йўналишлар белгиланган:

- фермер хўжалиklarининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжалиklarига узоқ муддатли ижарага берилган ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

- фермер хўжалиklarининг бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларини тенглик асосида риюя этилишини назорат қилиш;

- фермерларнинг тадбиркорлик эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза этиш, қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига ва ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиялаштиришнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган услуб ва шакллари шакллантириш;

- молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжалиklarининг мустақиллигини, барча харажатларни ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш;

- тижорат банклари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг фермерликни ривожлантиришга йўналтираётган кредит ресурсларини кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

- кредит таваккалчилигини суғурталовчи институционал тузилмаларни кенг ривожлантириш;

- бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжалиklари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш;

- қишлоқда фермер хўжалиklarининг эҳтиёжларига қараб, барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини жадал ривожлантириш;

- фермерларнинг барқарор даромад олишлари учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги мутаносиблик, яъни “баҳолар паритети”ни сақлаб бориш;

- илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

- фермер маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш.

Фермер хўжалиklари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиklари тўғрисида”ги қонуни ва ўз низоми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилиги асосида юритади. Дастлаб, фермер хўжалиklари устун даражада уларни ташкил этиш имкони катта зоналарда кўпроқ ривожлантирилди. Яъни ер майдонлари етарли, меҳнат ресурслари жуда кўп бўлмаган ерларда, захира ерларда кўпроқ ташкил этилди. Кейинги йилларда иқтисодий заиф, истикболсиз бўлган ширкатлар ҳам фермер хўжалиklарига айлантирилмоқда. Фермер хўжалиklари давлат ерларида фаолият кўрсатадилар. Фермер хўжалиklарига ер 50 йилгача, аммо 30 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермерлар қуйидаги сифат кўрсаткичларга жавоб бериши лозим:

- меҳнатсевар бўлиши лозим. Фермер на фақат меҳнат қилишга яроқли бўлиши даркор, балки меҳнат унинг ҳаётий эҳтиёжига айланиши зарур.

Фақат меҳнатсеварлик фазилати туфайли фермер ишчи хизматчиларининг унумли меҳнат фаолиятини ташкил қила олади (демак у ташкилотчи ҳам бўлиши керак);

- деҳқончилик маҳорати эга бўлиши керак;
- агрономлик, тупроқшунослик ва агромуҳандисликдан огоҳлик;
- ташаббускорлик;
- фермер менежерлик қобилиятига эга бўлиши керак. Бозор шароитида жамоани бошқариш маҳорати ва санъати эга бўлиш, янги иш ўринларини яратиш, фермер хўжалигини бошқариш стратегияларини аниқлаш қобилияти ривожланган бўлиши лозим;
- янгиликка интилувчанлик, наворотчилик. Янги техника ва технологиялар, янги агробизнес ғоялар, янги турдаги маҳсулот ва хизматларни яратиш ва амалда қўллаш;
- таваккалчиликка баҳо бериш қобилияти ривожланган бўлиши керак. Фермерлик билан шуғулланиш жараёнида вужудга келадиган хавф-хатарларни олдиндан сезиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- маркетинг қоидаларини, бозоршуносликни яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Маркетинг тамойиллари, функциялари, қоидалари, усул ва услубларини фермерлик фаолиятида қўллаш;
- масъулиятни ўз зиммасиги олиш. Компьютер саводхонлиги;
- маънавий комиллик;
- агороиқтисодий билимдонлик.

Дунё мамлакатларида корхоналар ҳажми қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини минтақанинг табиий-иқлим шароитлари, ер ва географик, инсон омилини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий оқибат натижаларига кўра шаклланади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликларида етиштирилади. Канадада бир фермер хўжалигига ўртача 215 гектар, АҚШда 145 гектар, Германияда 19,5 гектар, Белгия ва Голландияда 17,0 гектар, Италияда 8,5 гектар ер тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ҳажмини аниқлаш масласида бир тракторнинг йиллик иш бажариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб тавсия қилинган.

Албатта фермер хўжаликларининг ҳажми унинг иқтисодий самарали ишлашини таъминлашни инобатга олиши лозим. Уларни ташкил этишда барча омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг объектив зарурати бир қатор сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсири билан белгиланади. Сиёсий омил – қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётганларнинг сиёсий эркинлигини рўёбга чиқариш. Сиёсий эркинликни рўёбга чиқариш фермерларнинг ўз мулкига эга бўлишлари, ўз ишининг хўжайини бўлиши, ўз қарашларини эркин

ифодалаши билан белгиланади. Ўз қарашларини эркин билдира оладиган, эркин ишбилармон эса самарали фаолият юрита олади ва мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошира олади. Фермер хўжалиklarини шакллантириш ва ривожлантиришнинг иқтисодий омилларига энг аввало, мамлакатнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш зарурати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий самарали шаклда ташкил этиш киради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бозор талабларига мослаштириш, уларнинг иқтисодий эркинликларини кучайтириш зарурати ҳам фермерчиликни ривожлантиришни объектив талаб қилади. Ижтимоий омилларга қишлоқ хўжалигида ишлаётганларнинг иқтисодий манфаатларининг юзага чиқиши, уларни ўзи хоҳлаган иш билан бандлигини таъминлашни яхшилаш кабилар фермерчиликни ривожлантиришга объектив таъсир кўрсатувчи омилларга киради.

7.5. Деҳқон хўжалиklари ва уларнинг ташкилий-иқтисодий асослари

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарининг яна бир шакли деҳқон хўжалиklаридир. Деҳқон хўжалиklари аҳолининг мустақилликка қадар мавжуд бўлган шахсий томарқа хўжалиklари ривожланиши натижасида уларнинг ўрнига вужудга келди. Улар 1990 – 2000 йиллар давомида 2,3 млн.тадан 3,3 млн.тага етди. 2006 йилга келиб деҳқон хўжалиklарининг сони 4,6 млн. тадан ошиб кетди. Янги вужудга келган деҳқон хўжалиklари ихтиёридаги суғориладиган ўртача ер миқдори 0,35 гектарни ташкил этди. Олдин аҳолининг шахсий томорқа участкалари аксарият ҳолда 0,08 гектардан ошмас эди. 2001 йилнинг 1 январига бўлган маълумотга қараганда, мамлакатда 3322606 та деҳқон хўжалиги бўлиб, улар 522592 гектар ерга эга. Шулардан, 1798401 таси деҳқон хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтди, 800 мингдан зиёди юридик шахс сифатида шаклланди.

Деҳқон хўжалиги оила меҳнатига асосланган, асосан хонадон истеъмоли учун ва майда товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалиklардир. “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонунининг 1-моддасида деҳқон хўжалигига қуйидагича таъриф берилган: “Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади”*.

Деҳқон хўжалиklари 2002 йилда 1973,4 минг тонна сабзавот (республикада етиштирилган жами сабзавотнинг 74,8 фоизи), 583,9 минг

* Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 36.

тонна картошка (80%), 292,7 минг тонна полиз (64%), 498,8 минг тонна мева (62,6%), 219 минг тонна узум (35%), 766,4 минг тонна гўшт (91,1%), 3402,7 минг тонна сут (90,2%) ва 751,8 млн. дона тухум (60%) етиштирди. Шу йили деҳқон хўжаликлари мамлакатда яратилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 66 фоизини, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотларининг 43,4 чорвачилик маҳсулотларининг 89 фоизини ишлаб чиқарди. 2004 йилда деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 62,1 фоизини, 2005 йилда 60,2 фоизини ишлаб чиқарди. Яқин келажакда республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида деҳқон хўжаликларининг улуши кескин камайиши кутилмаяпти. Албатта фан-техника тараққиёти, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ўсиши, фермер хўжаликларининг кучайиши оқибатида деҳқон хўжаликларининг республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлади. Лекин бу камайиш нисбатан секинлик билан узоқ йиллар давомида амалга ошади. Бу жараённинг тезлашига ташқи омиллар ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Деҳқон хўжаликларининг фаолияти 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни асосида олиб борилмоқда. Деҳқон хўжаликлари қонунда белгиланган тартибда юридик шахс мақомини олиши мумкин. Юридик шахс мақомини олган деҳқон хўжалигида ишлаётганлар ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб боришлари мумкин. Шундай ҳолларда Пенсия жамғармасининг туман бўлимларида уларга меҳнат дафтarchаси белгиланган тартибда юритилади.

Деҳқон хўжаликлари қишлоқ аҳолисини ижтимоий фойдали меҳнатга ва тадбиркорликка жалб этиш ёрдамида қишлоқ жойлардаги (аҳоли уй хўжалигидаги) ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилмоқда. Деҳқон хўжаликлари аҳолининг иш билан бандлигини оширади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтишига олиб келади. Натижада, мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт салоҳиятини оширади ва озиқ-овқат хавфсизлини таъминлашда ижобий рол ўйнайди.

Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи кичик тадбиркорлик шаклларида бири сифатида бир қатор афзалликларга эга. Бу афзалликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. ишлаб чиқариш ҳажмининг кичиклиги туфайли бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгаришига нисбатан тез мослашади ҳамда кўп маблағ сарфламай, ўз фаолияти йўналишларини қайта ташкил эта олади;
2. халқимизда қадимдан шаклланиш келадиган деҳқончилик маданиятини авлоддан-авлодга ўтказиш имконини беради;
3. оила аъзолари меҳнатига таяниш уй бекалари, қариялар ва болалар меҳнатидан ҳам унумли фойдаланиш имконини яратади;

4. хусусий мулк эгалиги ҳамда ернинг мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгаликка берилиши мулкдан (ердан) самарали фойдаланиш учун имкон беради;

5. ёш авлод учун катта тарбия мактаби ролини ўйнайди.

Дехқон хўжалигини давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357- қарори ва шу қарор билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари туман ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтадилар. Бунинг учун улар туман ҳокимлиги қошидаги Инспекцияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Ариза.

2. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси олий бошқарув органи ёки иш берувчиси (маъмурияти)нинг деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори.

3. Нотариал тасдиқланган Низомнинг иккита асл нусхаси.

4. Ваколатли шахар (туман) ҳокимияти органлари томонидан берилган хўжалик номини тасдиқловчи ҳужжат.

5. Ҳокимият қарори билан ташкил этилган танлов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги қарори.

6. Муҳр ва штампнинг уч нусхадаги эскизи.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун бериладиган аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси бошқарув органи ёки иш берувчиси (маъмурияти)нинг деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори.

2. Паспорт нусхаси.

Деҳқон хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар бўлажак деҳқоннинг ўзи ёки шартнома асосида туман ҳокимлигининг деҳқон хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарори ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори ариза берувчи ариза берган кундан бошлаб 7 (етти) иш кунда, туман ҳокимлигининг деҳқон хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарори билан бир пайтда қабул қилинади.

Шундан сўнг туман ҳокимлиги янги ташкил этилган деҳқон хўжалигига «Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида»ги гувоҳнома ва туман ҳокимияти муҳри билан тасдиқланган «рўйхатга олинган» белгисига эса таъсис ҳужжатларини ҳамда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани

топширади. Ушбу тартиб ҳуқуқий шахс мақомида ташкил этиладиган деҳқон хўжаликларига тааллуқлидир. Деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат руйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир деҳқон хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек, хўжаликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Деҳқон хўжалигидаги муайян ишни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин. Қонунга мувофиқ товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун деҳқон хўжалигида сарфланган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари нафақа жамғармаси бадаллари тўлаб борилган тақдирда меҳнат стажига киритилади. Деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт.

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил равишда баҳо белгилайди.

Деҳқон хўжаликлари ихтиёрийлик асосида, шу жумладан, улушли (пай) асосда маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича кооперативларга (ширкатларга), жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш, кириш ҳуқуқига эга.

Агарда ширкатлар ва фермер хўжаликлари асосан товар ишлаб чиқарувчи йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланса, деҳқон хўжаликлари оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланиб, майда товар ишлаб чиқарувчи субъект саналади. Деҳқон хўжалигида етиштирилган маҳсулот энг аввало оиланинг ўз эҳтиёжлари учун ишлатилади, оиладан ортган қисмигина сотилиши мумкин. Йирик хўжаликлар фойдалана олмайдиган имкониятлардан, ресурслардан деҳқон хўжалиги самарали фойдаланади. Унинг яшовчанлиги ҳам шунда. Лекин, деҳқон хўжалиги йирик хўжаликлар эришган ютуқлар асосидагина ривожлана олади. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, чорва молларининг сермахсул зотлари ёки ўсимлик турларининг янги, серҳосил навлари фан ва техника тараққиёти натижасида йирик корхоналарда вужудга келади. Демак, қишлоқ хўжалигининг келажаги ширкатлар ва фермер хўжаликлари, йирик

давлат хўжаликлари ривожланиши билан (деҳқон хўжалигининг ютуқ ва имкониятларини камситмаган ҳолда) белгиланади.

Қисқача хулосалар

Агросаноат мажмуасининг асосини – ядросини қишлоқ хўжалиги тармоғи ташкил этади. Агросаноат мажмуасининг барча тармоқлари қишлоқ хўжалиги билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Агросаноат мажмуаси тармоқларининг бир қисми қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаради ва етказиб беради, иккинчи қисми унинг маҳсулотларни тайёрлайди ва қайта ишлайди, учинчиси эса, тайёр маҳсулотларни сотади ёки истеъмолчиларга етказиб беради. Қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражаси умуман мамлакат агросаноат мажмуасининг ривожланганлик даражасини белгилайди. Агросаноат мажмуаси охириги маҳсулоти миқдори, сифати, таннархи ва нархи даражаси асосан қишлоқ хўжалигининг натижалари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг энг катта тармоғи ҳисобланиб, у жуда яхши ривожланган. Мамлакат қишлоқ хўжалиги ўз олдида турган асосий вазифаларни бажариб келмоқда. Эндиликда, уни янада ривожлантириш зарурати ва имкониятлари мавжуд. Ишлаб чиқаришнинг техник таъминоти, янги технологиялар, янги экин турлари ва навлари билан таъминлашни кучайтириш зарур. Тармоқда меҳнатнинг унумдорлигини ошириш, у бозор талаблари асосида ривожланиши учун соҳада иқтисодий ёки янада эркинлаштириш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосан ширкатлар, фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари шаклида вужудга келтирилди. Уларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мустақиллик йилларида мамлакат қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоғи таркиби ўзгартирилди. Натижада ғалла мустақиллига эришилди. Мамлакат қишлоқ хўжалигида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилди.

Таянч иборалар

Механизациялаштириш, кимёлаштириш, автоматлаштириш, баҳолар паритети, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш, маҳсулот сифати, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодий, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, ҳудуд иқтисодий, тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий самара, ижтимоий

самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини меҳнатни қуролланиш даражаси, фонд билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, меҳнат ресурслари, ер ва сув фонди, ишбилармонлик, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик, омухта ем саноати.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Тармоқ” деганда нимани тушунаси?
2. Асосий, кўшимча ва ёрдамчи тармоқлар.
3. Қишлоқ хўжалигининг аҳамияти, таркиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Қишлоқ хўжалигининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги ўрни.
5. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишга таъсир қилувчи ўзига хос хусусиятлар нималардан иборат?
6. Ширкат хўжаликлари, моҳияти ва уларни ривожланиши.
7. Ширкат хўжаликларининг ташкилий – иқтисодий асослари.
8. Фермер хўжаликлари, моҳияти ва уларни ривожланиши.
9. Фермер хўжаликларининг ташкилий – иқтисодий асослари.
10. Деҳқон хўжаликлари, моҳияти ва уларни ривожланиши.
11. Деҳқон хўжаликларининг ташкилий – иқтисодий асослари.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тарақиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
3. Серова Е. В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.
4. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) –Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
5. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
6. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Хакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
7. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.

8. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).
9. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001.

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

8-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕР ФОНДИ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ

8.1. Қишлоқ хўжалиги ер фондининг таркиби, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари

Ер барча ишлаб чиқарилаётган бойликларнинг манбаси эканлиги кўп марталаб эътироф этилган. Саноат ишлаб чиқаришининг айрим турлари учун ер иморатлар турадиган оддий база, қишлоқ хўжалигида эса асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Яъни кишилар ерга ишлов бериш йўли билан ишлаб чиқаришга таъсир этади. Ер бир пайтда меҳнат предмети (меҳнат йўналтириладиган объект сифатида) ва меҳнат курали (ерда зарур биологик шароитларни туғдириш натижасида ўсимликлар ривожланади) сифатида қишлоқ хўжалигида юзага чиқади. Ер ҳар бир халқнинг асосий бойлигидир.

БМТ нинг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) нинг маълумотларига кўра ер юзининг музликлардан ҳоли бўлган қисмининг 25 фоизига ишлов бериш имконияти мавжуд. Ушбу ташкилотнинг мутахассисларининг ҳисобларига кўра қишлоқ хўжалиги мақсадларида ишлатиш мумкин бўлган майдон 3,4 млрд. гектарни ташкил этади. Ҳозирда ер юзида жами бшшиб 1,57 млрд. гектар ерга ишлов берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 447,4 млн. гектар ер майдонига эга. Республика қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларининг 81 фоизи ёки 26,6 млн. гектарини яйлов ва пичанзорлар ташкил этади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 16 фоизи ҳайдаладиган ерлардир. Мамлакатнинг лалмикор ерлари 6,6 млн. гектар. Шундан 3,0-3,2 млн. гектари ҳайдалади ва уларда лалими деҳқончилик билан шуғулланилади. Қолган қисмидан намликнинг жуда кам бўлганлиги сабабли фойдаланилмайди. Юқоридагилардан ҳулоса шуки Республикада мавжуд ер майдонларидан максимал фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарур.

Республика ерининг бир қисми шаҳарлар ва аҳоли пунктлари, бир қисми транспорт ва коммуникациялари, дарё ва сув хавзалари билан банд ерлар, ўрмон хўжалиги ерлари, ҳарбий мақсадлар учун ажратилган ерлар ва давлат заҳира фондидан иборат. Биз учун энг муҳими, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ҳисобланади. Республиканинг ер манбалари чекланган ва у қишлоқ хўжалиги тармоғида фойдаланадиган ресурс сифатида камайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасида ер фонди тоифалари белгилаб қўйилган. “Ўзбекистон Республикасининг ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тайин этилган ерлар – қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган

ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дархтлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2. аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари - шаҳарлар ва посёлкалар шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;
3. саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;
4. табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, реализация мақсадларига мўлжалланган ерлар – алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланадиган ерлар;
5. тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;
6. ўрмон фонди ерлари – ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжи учун берилган ерлар;
7. сув фонди ерлари – сув объектлари, сув хўжалиги иншоатлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;
8. заҳира ерлар.”*

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тайин этилган ерларга ҳайдаладиган ерлар, яйловлар, кўп йиллик дарахтзорлар, пичанзорлар киради.

Қишлоқ хўжалигида ер фонди асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

1). Ер табиатда чегараланган. Уни инсоният хоҳлагунча кўпайтириш имконига эга эмас. Демак, ягона тўғри йўл – мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишдир. Бундан ташқари саноатнинг, коммуникациянинг ўсиши аҳолининг кўпайиши табиий ҳолда бир кишига тўғри келадиган ер майдони қисқаришига олиб келади. Қолаверса, инсоният ердан тўғри фойдаланмаслиги оқибатда уларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетиш ҳоллари ҳам юз бермоқда. Тарақиётнинг тупроқ эрозияси, шўр босиш, касалликларга чалиниш каби салбий оқибатларини камайтириш ҳар бир давлатнинг, ердан фойдаланувчиларнинг биринчи галдаги вазифасидадир.

2). Ер – табиат маҳсули. Бу ҳам бизнинг олдимизга қатор вазифаларни қўяди. Уни яратишда инсон меҳнати аралашмаган. Албатта бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб ернинг баҳоси шаклланади. Лекин бу баҳо унинг ҳақиқий нархи қанча эканлигини аниқ белгилай олмайди. Ерни

* Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. –Т.: “Адолат”, 1999.-448 б. (11бет).

олди-сотди жараёнларида бу хусусияларни ҳисобга олиш лозим. Бозор муносабатларининг ривожланиши ерни олди-сотди объектига айлантиради. Бундан ташқари ерларни иқтисодий тармоқларида фойдаланиш учун қишлоқ хўжалигидан ажратиб берётганда унинг нарҳини билиш ижобий аҳамиятга эга. Имкони борича қишлоқ хўжалигидан ер бошқа соҳалар учун ажратилганда паст унумли, қишлоқ хўжалиги учун қиммати паст ерлардан ажратиш мақсадга мувофиқ. Шу сабабли ернинг бозор нарҳини аниқлаш тартиби мавжуд. Ернинг нарҳи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$E_{рн} = \frac{E_{рр}}{C_{ф}} \times 100$$

Бунда: $E_{рн}$ – ернинг нарҳи, сўм;
 $E_{рр}$ – ер ренти, сўм;
 $C_{ф}$ – ссуда фоизи.

3). Ер абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Бу дегани ердан ўз билганимизча абадий фойдаланиш мумкин дегани эмас. Балки ердан тўғри ва оқилона фойдалангандагина у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун абадий бўлиши мумкин. Ердан нотўғри фойдаланиш эса унинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун яроқсиз ҳолга келиб қолишига сабаб бўлади. Масалан, 2005 йилнинг 1-августидан маълумотларига қараганда биргина фарғона водийсида 2000 йилда мавжуд бўлган 366 минг гектар суғорилиб деҳқончилик қиладиган ерларнинг 9 минг гектари экин экиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган.

4). Турли жойларда мавжуд ер майдонлари турли сифатга, яъни унумдорликка эга. Ернинг табиий, сунъий ва иқтисодий унумдорлиги бир – биридан фарқланади. Табиий унумдорлик – ернинг инсон аралашувисиз табиат томонидан вужудга келган ҳосил бера олиш қобилиятидир. Инсон аралашуви натижасида вужудга келган унумдорлик сунъий унумдорликдир. Бу унумдорликни ошириш имкониятлари катта. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, республика ерларининг табиий унумдорлиги пасайиб бормоқда. Тупроқда мавжуд бўлган гумус моддасининг пасайиши кузатилмоқда. Бунинг олдини олишнинг асосий йўллари ерга дам бериш, ерларнинг ҳолатини ҳисобга олиб қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш, ерга органик ўғитларни (ҳар бир гектарга камида 15 тоннадан) солиш, суғоришнинг илғор технологияларидан фойдаланиш зарур. Табиий ва сунъий унумдорлик биргаликда (уларнинг йиғиндиси) иқтисодий унумдорлик тушунчасини беради.

5). Ерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин эмас. Демак қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишни яхшилаш учун ҳар бир хўжалик (ширкат, фермер ва деҳқон) ҳудудида қандай сифатга эга ер бўлса шунга қараб экин турларини жойлаштириш лозим. Бу хусусият қишлоқ хўжалиги

корхоналарига фаолият учун ўрнатиладиган солиқ тизимини ишлатишда ҳам ҳисобга олиниши талаб қилинади.

Буларнинг барчаси мавжуд ерларда қайси экин турларини жойлаштириш, техниканинг қандай турларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг ҳажми қандай бўлиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида инкор этиб бўлмайдиган талабларни келтириб чиқаради.

Ер тўғрисидаги асосий маълумотлар Давлат ер кадастрида мужассам этилади. Давлат ер кадастри қуйидагиларни ўз ичига олади:

ердан фойдаланувчиларни давлат рўйхатига олиш;

ерни миқдор ва сифат жиҳатдан учетга (ҳисобга) олиш;

ерни баҳолаш (тупроқ бонитировкаси ва иқтисодий баҳолаш).

8.2. Қишлоқ хўжалигида ер фондларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Қишлоқ хўжалигида ер фонди асосий ишлаб чиқариш воситаси экан, ундан қандай (самарали, самарасиз, яхши ёки ёмон) фойдаланаётганлигимизни билишимиз зарур. Ердан фойдаланишнинг даражаси, самарадорлигини аниқлашнинг усуллари олимлар томонидан етарли даражада чуқур ўрганилган. Иқтисодий фан қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни икки гуруҳга бўлиб ўрганади. Биринчи гуруҳга ердан фойдаланиш даражасини ифодаловчи қуйидаги кўрсаткичлар киради:

1). Ер фондининг таркиби (структураси). Жами ер майдонида қишлоқ хўжалигига яроқли (қишлоқ хўжалигига тайин этилган) ерларининг салмоғи, (фоизларда ифодаланади). Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Kx.ер.сал. = \frac{Kx.тэ.ер}{Ж.ер.м} \times 100$$

Бунда: Қх ер сал. – қишлоқ хўжалигига яроқли ер салмоғи, %

Ж. ер м. - жами ер майдони, га

Қх. Тэ. Ер. - қишлоқ хўжалиги учун тайин этилган ер майдони, га

Бу кўрсаткич мавжуд (мамлакатда, регионда, хўжаликда) ер майдонларининг қанча қисми қишлоқ хўжалиги учун яроқли (ёки қишлоқ хўжалигига тайин этилганлигини) эканлигини билдиради. Турли хўжаликларнинг, мамлакат ва регионларнинг умумий ер майдонлари бир миқдорда бўлишига қарамасдан қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли бўлган майдонлари турлича бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ерлари кам миқдорда бўлган давлатлар, регион ва хўжаликлар бу

масалага алоҳида қарашлари зарур. Улар ҳар бир гектар ерни авайлаб асраши ва қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқларга ўтиб кетишини жуда қаттиқ назоратга олишлари зарур бўлади. Мамлакат, минтақа (худуд) ва хўжаликларда ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоққа ўтиб кетиши фақатгина давлат зарурати, имконсиз ҳолларда ёки жуда катта самара келтириши мумкин бўлган ҳолатлардагина амалга оширилиши керак.

2). Қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибини кўрсатади. Жумладан, жами қишлоқ хўжалиги ерларида ҳайдаладиган ер салмоғи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Kx.ер.тар. = \frac{Kx.ер.турлари}{Жк.х.ер.м} \times 100$$

Бунда: Қх ер таркиби – қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби, %

Кх ер турлари - қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдони, га

Жк.х. ер м. - жами қишлоқ хўжалиги ер майдони, га

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибида ҳайдаладиган ерларнинг айниқса, суғориладиган ерларнинг салмоғига қараб тегишли хулосалар чиқарамиз. Хўжалиқда ҳайдаладиган, айниқса (табиати иссиқ ўлкалар шароитида) суғорилиб деҳқончилик қиладиган ерларнинг улуши қанча юқори бўлса шунча яхши (самарали) ҳисоблаймиз. Олимларнинг изланишлари шуни кўрсатадики 1 гектар суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ер 5-7 гектар лалми ерга тенг маҳсулот берар экан. Бошқача қилиб айтганда 1 гектар суғорилиб деҳқончилик қилинадиган 6-7 гектар лалми ерга тенг. Агарда ер майдонларининг чекланганлигини, ҳар бир га ерни ҳайдаш, экиш, ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб олиш харажатларини ҳисобга олсак суғориладиган ерларнинг нақадар қадр-қиммати юқори эканлигини кўраемиз. Демак, имкон даражасида суғорилиб деҳқончилик қилинадиган майдонларини асраш зарурати келиб чиқади. Бозор шароитида у бошқа ерларга нисбатан қиммат туради. Демак, унга нарх белгилашда, бошқа мақсадлар учун ажратганда ёки солиқ юқини белгилаганда бу омилни ҳисобга олиб зарур бўлади.

3). Ердан фойдаланиш коэффиценти (марталилиги). Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Ерф.к. = \frac{Хэм, га}{Ж.э.м., га}$$

Бунда: Ер ф.к. – ердан фойдаланиш коэффиценти, марта

Х э м. - ҳақиқатда экилган экин майдони, га

Ж.э.м - жами экин майдони, га

Ушбу кўрсаткич ҳар бир мамлакат, ҳудуд ва хўжаликларда бир биридан кескин фарқ қилади. Унинг даражаси мамлакатнинг ривожланганлик даражаси, аҳолининг ва ер майдонларининг миқдори каби кўплаб омиллар таъсир этади.

Ер фондидан фойдаланиш кўрсаткичларининг иккинчи гуруҳига иқтисодий самарадорлик билан боғлиқ кўрсаткичлар кириб уларнинг ўзи натурал ва қиймат кўрсаткичларга бўлинади. Натурал кўрсаткичга қишлоқ хўжалиги экин турларининг ҳосилдорлиги киради. Ҳосилдорлик қуйидагича аниқланади.

$$X = \frac{Ях}{Эм., га}$$

Бунда: X – экин турларининг (пахта, буғдой, макка, узум, мева...) ҳосилдорлиги, ц/га

Ях - ялпи (пахта, буғдой, макка, узум, мева...) ҳосил, ц

Эм - экин (пахта, буғдой, макка, узум, мева...) майдони, га

Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқ:

1). Ер майдони бирлиги ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, сўм. Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Ерф.с. = \frac{Ям., сўм}{Ж.э.м., га}$$

Бунда: Ер ф.с. – ердан фойдаланиш самарадорлиги, сўм

Я.м. – ялпи маҳсулот, сўм

Жэм - жами экин майдони, га

Бу кўрсаткич доимо ўсиб борса ижобий ривожланиш ҳисобланади. Албатта унинг даражасига жуда кўплаб омиллар (иқтисодиётнинг, технологиянинг ривожланганлик даражаси, инфляция даражаси, экин турлари ва маҳсулотларга шаклландирган нархлар даражаси...) таъсир этади.

2). Ер бирлиги ҳисобига олинган фойда миқдори, сўм. Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Ерф.с. = \frac{Ж.ф., сўм}{Ж.э.м., га}$$

Бунда: Ер ф.с. – ердан фойдаланиш самарадорлиги, сўм

Ж.ф. – жами олинган фойда (ёки соф фойда), сўм

Жэм - жами экин майдони, га

Ушбу кўрсаткич натижалари ҳам ўсиб борган ҳолдагина ижобий саналади. Ер бирлиги ҳисобига олинган фойда миқдорига таъсир қиладиган омиллар жуда кўп.

Албатта, ердан ажратмаган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланишни ҳам ўрганиш лозим. Айниқса, мамлакатимиз учун сув ресурсларининг аҳамияти катта. Шу сабабли 1 метр куб сув ҳисобига олинган маҳсулот миқдори ундан фойдаланишнинг самарасини билдиради. Бу кўрсаткичларни натура ва қиймат ҳолида ҳисоблаш мумкин.

8.3. Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йўллари

Ер ва сув нафақат иқтисодий омил у бир пайтнинг ўзида табиий ресурс ҳам ҳисоланади. Ўзбекистон Республикасида ер ва сув ресурслари умуммиллий бойлик ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”* деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси учун ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш жуда катта сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Табиий ресурсларнинг, жумладан ер ва сувдан фойдаланишнинг муҳимлиги тўғрисида тўхталиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асарида “... табиий ресурсларни қайта тиклаш йил сайин табора қийинлашиб бораётган пайтда биз бу ресурсларга кўпроқ эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишимиз зарур. Бунинг учун иқтисодий омиллардан кенгроқ фойдаланишимиз, солиқлар орқали ҳаммани табиий ва хомашё ресурсларидан энг кўп наф тегадиган тарзда фойдаланишга ўргатмоғимиз керак”*, - деб таъкидлаган. Ер ва сувдан самарали, оқилона фойдаланиш келажак талаб қиладиган заруратдир. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарасини ошириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- Энг аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ер ва сув ресурсларининг талаби ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш лозим. Масалан, сув ресурслари чекланган регионларда шоли ишлаб чиқаришни жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Катта миқдордаги сувни

* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1999,-32 б. (13 бет)

* И.Каримов. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-172б.

талаб қиладиган экинларни шўрланган ерларга жойлаштириш ҳам самарадорликни пасайишига сабаб бўлади. Албатта, мамлакат озиқ – овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда бозор талаб қиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бунда аҳолининг эҳтиёжини унитмаслик талаб қилинади. Шунга қарамасдан ер ва сув ресурсларининг ҳолатини ҳисобга олмасдан ишлаб чиқаришни ташкил этиш маълум салбий оқибатлага олиб келиши мумкин. Масалан, кучли шўрланган ерларга кузги дон экинларини жойлаштириш ернинг унумдорлигини пасайтиради, шўрланишни янада кучайишига олиб келади ва ердан фойдаланиш самарадорлиги пасаяди. Бу ҳолатнинг узок давом этиши ушбу ер майдонларининг қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мутлоқ яроқсиз ҳолга келиб қолишига сабабчи бўлиши мумкин. Чунки кузги донли экинлар экилган майдонларда шўр ювиш ишларини амалга ошириб бўлмайди. Маълумотларга қараганда 2004 йилда Республикада мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларининг 47,2 фоизи шўрланмаган, 17,2 фоизи ўртача шўрланган ва 4,2 фоизи кучли шўрланган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ерлари мелиоратив ҳолатига кўра, 38 фоизи яхши, 53,4 фоизи қониқарли ва 8,6 фоизи қониқарсиз, мелиоратив ҳолати ёмон ерлардир. Бу ҳолат ёмонлашиб кетишининг олдини олиш керак.

- Ерларнинг бир сифат ҳолатидан иккинчи ҳолатга ўтиши умумий ҳолда ер трансформацияси дейилади. Ер трансформацияси ижобий (ёмон ерларнинг яхши ерлар сафига ўтиши) ва салбий (яхши ерларнинг ёмон ерлар сафига ўтиши) бўлади. Имкон борича салбий ер трансформациясига йўл қўймаслик лозим. Ер ислохотларини тўғри ўтказиш ҳам ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Ер дуч келган кишига эмас, балки ерда ишлаш тажрибаси, билими бор кишиларга, хўжаликларга берилиши керак. Бу борада ердан олинган маҳсулотга эгалик қилиш шароитларини тўғри ҳал этиш талаб қилинади. Акс ҳолда ер ва сувдан самарали фойдаланиб бўлмайди.
- Энг зарур омиллардан бири ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг самарадорликни оширганликлари учун манфаатдорлигини таъминлашдир.
- Танланган ишлаб чиқариш турини технологияларини бузмасдан бажариш, мелиорация ва ирригация тадбирларини ўз вақтида самарали ўтказиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, ердан фойдаланиш самарадорлигини оширадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.
- Ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан боғлиқ. Масалан, сувдан фойдаланиш самарадорлиги томчилатиб ёки ёмғир усулида суғоришда оддий бостириб суғоришдигига нисбатан анча катта. Сув ресурслари чекланган ҳолда бу технологияларнинг аҳамияти кескин ошади. Ўзбекистон Республикаси сув ресурслари жуда чекланган бўлиб, ҳозирда фойдаланилаётган сувнинг 12-13 фоизи мамлакат ҳудудида вужудга келади. Қолган қисми Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари ҳудудидан келади. Ўзбекистонда 50 дарё бўлиб, шулардан фақат 10 тасигина 150 км узунликда.

Мамлакатда жуда катта канал ва ариқлар тизими яратилган. Уларнинг узунлиги 156 минг км.ни ташкил этади. Ана шу ирригация тизимидан самарали фойдаланиш мамлакатда ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширадиган омиллардан биридир.

- Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳам ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Ишлаб чиқаришга пахта ва буғдойнинг тезпишар, сувга чидамли навларини жорий этиш бунга мисол бўла олади.
- Экологик муҳит талабларини ҳисобга олган ҳолда кимёлаштиришни ривожлантириш ҳам ер ва сув ресурсларининг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этади.
- Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни сув ва шамол эрозиясидан асраш ҳам жуда муҳим тадбирлардан биридир. Масалан, экин майдонларининг 2,1 млн. гектари шамол, 0,7 млн. гектари сув эрозиясига, шунингдек, мавжуд 22,1 млн. гектар яйловнинг 6 млн. гектари шамол ва 3 млн. гектари сув эрозиясига учраган. Бу ҳолат агросаноат мажмуаси иқтисодиётига сезиларли салбий таъсир қилади. Шу сабабли ерларни асраш асосий вазифалардан биридир.
- Ер ва сувдан фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ. Ҳозирда ер банитетига қараб ўрнатилган солиқ юктамаларини таъсирини кучайтириш чораларини кўриш, уни доимий равишда такомиллаштириб бориш талаб қилинади. Ердан фойдаланувчи унинг унумдорлигини, банитетини оширганлиги учун рағбатлантирилишини янада таъсирини кучайтириш ундан фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатади.
- Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор усулларини (томчилатиб, ёмғирлатиб, қатор оралаб ва х.х.) ишлаб чиқаришга жорий этиш.
- Ердан самарали фойдаланиш учун доимий мониторинг ташкил этиш керак. Ер мониторинги ернинг ҳолатини назорат қилиб туриш тизимидир. Мониторинг орқали қимматли маълумотлар олиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш мумкин.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. У, ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан ишлаб чиқаришни юритиш катта салбий оқибатларга олиб келади. Ерларнинг бир сифат кўринишидан иккинчисига ўтиши ер трансформацияси деб аталади. Ер трансформацияси ижобий ва салбий бўлади. Имкон даражасида салбий ер трансформациясига йўл қўймаслик керак. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерларининг бир қисми шўрланган, яна бир қисми шамол ва сув эрозиясига

учраган. Ёмон томони шундаки, бу ҳолатлар кейинги йилларда кўпайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Ердан фойдаланишнинг кўрсаткичлари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга ундан фойдаланишнинг даражасини кўрсатадиган кўрсаткичлар, иккинчи гуруҳга эса ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичлар киради. Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичлар натурал ва қиймат кўринишда ҳисобланади.

Ердан фойдаланишнинг даражасига ва самарадорлигига кўпгина омиллар тўғридан-тўғри таъсир этади. Уларнинг энг асосийларидан бири ерларнинг таркибини яхшилашдир. Суғориладиган ерларнинг салмоғини ошириш, ердан фойдаланишнинг марталилигини кўпайтириш, илғор агротехнологияларни қўллаш, тежамкорлик, янги, серунум техникалардан фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, серҳосил экин навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш каби омиллардан тўғри фойдаланиш ердан фойдаланишнинг самарадорлигини оширади.

Таянч иборалар

Ер ва сув фонди, механизациялаштириш, кимёлаштириш, автоматлаштириш, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш, маҳсулот сифати, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодиёт, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, регион иқтисодиёти, тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини меҳнатни қуролланиш даражаси, фонд билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, меҳнат ресурслари, ишбилармонлик, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ер қишлоқ хўжалигида нима учун асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади?
2. Қишлоқ хўжалигида ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Ер трансформацияси нима?
4. Ер трансформациясининг қандай турлари бор?
5. Ердан фойдаланишнинг даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.
6. Ердан фойдаланишнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

7. Ердан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари белгиланг
8. Ердан фойдаланишнинг даражасини ошириш йўллари белгиланг
9. Ўзбекистон Республикаси ер фонди ва унинг тақсимланиши.
10. Ер муносабатларини ривожлантириш йўналишлари

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.-Т.: Адолат, 1999.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонуни.-Т.: Адолат, 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни.-Т.: Адолат, 1999.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни.-Т.: Адолат, 1999.
5. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.: Ўқитувчи, 1998.
6. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
7. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тарақиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики Колл. Авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001.- 352 б.
9. Хақимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
10. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хақимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
11. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Хақимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
12. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.
13. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).
14. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. –Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедия», 2001.

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>

2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

9-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

9.1. Меҳнат, меҳнат ресурслари тушунчаси, унинг моҳияти ва таркиби

Ишлаб чиқариш жараёнининг зарурий қисми меҳнатдир. Меҳнат инсонга хос хусусият. Инсоннинг жисмоний ва ақлий фаолияти меҳнат ҳисобланади. Ишни тракторлар, машиналар, ишчи ҳайвонлар бажариши мумкин. Меҳнат эса фақат онгли фаолият натижасидир. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан меҳнатнинг ҳолатига боғлиқ. Агарда меҳнат онгли равишда қилинаётган бўлса, унинг унумдорлиги юқори бўлади. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг меҳнат қилиш қобилиятига эга қисми унинг меҳнат ресурсларини ташкил этади. Ўзбекистон аҳолисининг 55,2 фоизидан кўпроғи меҳнат қилиш қобилиятига эга. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг сони 2002 йилда 12346 минг кишини, шундан иқтисодий фаол аҳоли 9333,2 минг кишини ташкил этди. 2005 йилда меҳнат ресурслари 14434,4 минг кишини, шундан, иқтисодий фаол аҳоли 10224,0 минг кишини ташкил этди. Республикада банд аҳолининг 67,1 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилади. 2005 йилда савдо, умумовқатланиш ва тайёрлов тизимида 5,4 фоиз, транспорт ва алоқада 5,2 фоиз, саноат ва қурулишда 5,0, номоддий соҳада 16,7 фоиз ишламоқда.

Иқтисодий фан “меҳнат ресурслари”, “иқтисодий фаол аҳоли”, “иқтисодиётда банд бўлган аҳоли” каби тушунчаларни бир биридан фарқлайди. Бу тушунчалар моҳияти ва ўлчами бўйича бир-биридан фарқ қилади. Меҳнат ресурслари миқдорий жиҳатдан иқтисодий фаол ва иқтисодиётда банд бўлган аҳолига нисбатан катта. Иқтисодий фаол аҳоли эса иқтисодиётда банд бўлган аҳолидан миқдор жиҳатдан катта.

Нафақа ёшидагилар ва меҳнат қилиш қобилиятига эга ўсмирлар ҳам аҳолининг каттагана қисмини ташкил этади. Лекин жамият учун фаол меҳнат ресурслари 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар ва 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ҳисобланади. Иқтисодий фан шу меҳнат ресурсларидан энг фаоли бўлганларни, яъни 22 ёшдан 33 ёшгача бўлган кишиларни алоҳида ўрганади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари меҳнат ресурслари асосий ва ёрдамчи гуруҳларга бўлинади. Асосий меҳнат ресурсларига 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар, 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар, ёрдамчи меҳнат ресурсларга 14-16 ёшдаги ўсмирлар ва нафақа ёшидаги аёл ва эркеклар киради. Улардан асосан қишлоқ хўжалиги йилининг айрим даврларида фойдаланилади. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш шу тармоқнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Энг аввало қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий характерга эга. Натижада ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб, йилнинг айрим даврларида меҳнат ресурсларининг бўш қолиш ҳолати юз беради. Қишлоқ хўжалигида иш даври

билан ишлаб чиқариш даврининг мос тушмаслиги ҳам меҳнат ресурсларининг вақтинчалик бекор қолишига сабаб бўлади. Масалан, пахта чигити экилгандан кейин то, у униб чиққунча 15-20 кун ўтади. Бу даврда ишчи ходимлар бекор қолади.

Қишлоқ хўжалигида ер асосий восита бўлганлиги учун ишлаб чиқаришни жойлаштириш, ихтисослаштиришни танлашга таъсир қилади. Бу эса, ўша ишлаб чиқариш тури талаб қиладиган меҳнат ресурсларини талаб этади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш йирик майдонларда ташкил этилади. Шунга яраша меҳнатни ташкил этиш ҳам маълум талабларга жавоб берадиган қилиб танланади. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари нисбатан паст малакага эга. Уларнинг бир ердан иккинчи ерга кўчиб ўтиш даражалари ҳам жуда паст. Бу муаммо ҳам улар бор жойда ишлаб чиқаришни, турли хизмат турларини имкони борича максимал даражада ташкил этишни талаб қилади.

Мамлакат банд бўлган меҳнат ресурсларининг 27 фоизи давлат секторида, 73 фоизи эса нодавлат секторида хизмат қилмоқдалар.

9.2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари

Меҳнат ресурслардан фойдаланишнинг даражаси ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини тўлиқ кўрсата оладиган интеграл кўрсаткич йўқ. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини кўрсаткичлар тизими орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ. Кўрсаткичлар тизими биргаликда меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг даражаси ва иқтисодий самарадорлиги тўғрисида мукамалроқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ресурсларидан фойдаланишнинг даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади:

1). Ҳар бир ишчи ходимнинг бир йилда ишлаган кунлари. Одатда, қишлоқ хўжалигида эркаклар бир йилда 280 кун, аёллар 240 кун ишласа нормал ҳисобланади.

2). Йил давомида ишлаши лозим бўлган кундан фойдаланиш коэффициенти. Бу ҳақиқатда ишлаган кунларни меъёр бўйича ишлаши лозим бўлган йиллик иш кунлари миқдорида бўлиш орқали аниқланади. Хўжаликнинг меҳнат ресурслари ҳолатини ўрганиш учун меҳнат ресурслари баланси тузилади. Баланс маълумотлари хўжаликнинг иқтисодий ривожлантирилишида ишлатилади.

3). Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги йил давомида бир ишчи ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдори билан аниқланади. Бу кўрсаткични сарфланган киши соатларига

нисбатан аниқлаш меҳнатнинг самарадорлигини тўғрироқ аниқлаш имконини беради.

4) Меҳнат ресурсларнинг қўнимсизлик коэффиценти

$$K_m = \frac{MP_{аб}}{MP_c}$$

Бунда: K_m – меҳнат ресурсларнинг қўнимсизлик коэффиценти;

$MP_{аб}$ – ўрганилаётган даврда ўз аризасига биноан ёки меҳнат қоидаларини бузганлиги учун мажбурий бўшатирилганлар сони;

MP_c – меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони.

5) Кадрларни муқимлик (стабиллик) коэффиценти

$$K_m = \left(1 - \frac{MP_{аб}}{MP_{сб}} + \frac{MP_{я}}{MP_{сх}}\right) \times 100$$

Бунда: K_m - кадрларни муқимлик (стабиллик) коэффиценти

$MP_{аб}$ - ўрганилаётган даврда ўз аризасига биноан ёки меҳнат қоидаларини бузганлиги учун мажбурий бўшатирилганлар сони;

$MP_{сб}$ ва $MP_{сх}$ – базис ва ҳисобот йилларда (даврда) корхонада ишлаётганларнинг ўртача йиллик сони.

6) Меҳнатни мавсумийлик коэффиценти

$$MP_{мк} = \frac{MX_{макс}}{MX_{ўр}}$$

Бунда: $MP_{мк}$ – меҳнатнинг мавсумийлик коэффиценти;

$MX_{макс}$ – ойлик меҳнатнинг максимал сарфи;

$MX_{ўр}$ – меҳнатнинг ойлик ўртача сарфи.

7) Ишсизлик даражаси

$$Ид = \frac{Ис}{ИФс(ИК)} \times 100$$

Бунда: $Ид$ – ишсизлик даражаси, %

$Ис$ – ишсизлар сони, киши

$ИФс(ИК)$ – иқтисодий фаол аҳоли ёки ишчи кучлари сони, киши

8) Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси

$$MP_T = \frac{MP}{E_p, га}$$

Бунда: MP_T – 100 гани меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги;

MP – Ишчи ходимлар сони, киши;

EP – ер майдони (жами, экин, суғориладиган ер майдонлари), га.

9) Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик коэффиценти

$$MP_{тк} = \frac{MP_m}{MP_p}$$

Бунда: MP_{тк} - Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик коэффиценти

MP_м – мавжуд меҳнат ресурслари сони, киши;

MP_р – режалаштирилган ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун талаб қилинадиган меҳнат ресурслари, сони.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини кўрсаткичлар тизими орқали аниқланиб, уларни ҳар бири меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг айрим томонларини ифода этади. Уларни биргаликда аниқлаш ва таҳлил қилиш тўғри хуласалар чиқариш ва фойдали таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

9.3. Меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисоблаш усуллари

Меҳнат унумдорлиги иқтисодий категория бўлиб, конкрет сарфланган меҳнатнинг натижавийлиги ёки самарадорлигидир. Айрим иқтисодчилар меҳнат унумдорлигини вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, деб биладилар. Бошқалари эса меҳнат унумдорлиги деганда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт миқдорини тушунадилар. Айрим иқтисодий адабиётларда меҳнат унумдорлиги конкрет сарфланаётган меҳнатнинг маълум вақт ичида маҳсулот ярата олиш қобилиятидир, деган тушунчалар ҳам берилган.

Аниқ сарфланган меҳнатнинг натижавийлиги меҳнат унумдорлигидир деган тушунча меҳнат унумдорлигининг мазмунини бошқаларига нисбатан аниқроқ ифода этади. Вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичини ифодалайди. Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт миқдори ҳам меҳнат унумдорлигининг иккинчи кўрсаткичини ифода этади. У иқтисодий адабиётларда меҳнатнинг интенсивлиги деб ҳам аталади. Агарда аниқ сарфланган меҳнатнинг маълум вақт ичида маҳсулот ярата олиш қобилияти меҳнат унумдорлиги бўлса, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳар доим бир хил миқдорда бўлган бўлар эди. Бу фикрни мисол орқали кўриб чиқсак, қуйидаги ҳолатга дуч келмиз: бир пахта терувчи барча жисмоний ва ақлий қобилиятини ишга солса, бир кунда 65 кг пахта тера олади. Пахта майдонлари ва бошқа омиллар бир хил бўлган пайтда ўша теримчи ҳар куни 65 кг дан пахта терган бўлар эди. Лекин барча шароитлар бир хил бўлишига

қарамасдан теримчи ҳар куни ҳар хил миқдорда пахта теради. Яъни унинг ҳар кунги натижалари ҳар хил бўлади. Жуда камдан-кам ҳолларда бир хил кўрсаткичга эга бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Бунда натурал ва қиймат кўрсаткичлардан фойдаланилади. Натурал кўрсаткичларга вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган ялпи ҳосил ва бир бирлик маҳсулот (натура шаклидаги) ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт миқдори киради. Албатта, меҳнат унумдорлигининг натурал кўрсаткичлари ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар маълум камчиликка эга. Қишлоқ хўжалигида бир ишчи ходим йил давомида турли тармоқларда, яъни пахтачиликда, дончиликда, сабзовотчилик ва бошқа тармоқда фаолият кўрсатади. Базан бир куннинг ўзида бир нечта турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этади. Бу, ўз навбатида, ишчи ходимнинг иш вақтларини у ишлаган соҳаларга тақсимлаш муаммосини туғдиради. Албатта, иқтисодчилар томонидан меҳнат сарфларини маҳсулотларга тақсимлаш усуллари ишлаб чиқилган. Шунга қарамасдан меҳнат унумдорлигининг натурал кўрсаткичлари ҳақиқий ҳолатни жуда аниқ белгилай олмайди. Шу сабабли меҳнат унумдорлигининг қиймат кўрсаткичларидан кенгроқ фойдаланилади.

Бир ишчи ходим ҳисобига бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдори. Бу кўрсаткич меҳнат унумдорлигининг энг асосий кўрсаткичларидан биридир. Бу, йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ишчи ходимларнинг ўртача йиллик сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткич сарфланган меҳнатга нисбатан ҳам ҳисобланади. Бунда ялпи маҳсулот уни ишлаб чиқарилган вақт, киши-соатларига бўлиш йўли билан аниқланади. Меҳнат унумдорлиги киши-соатлари бўйича аниқроқ ва тўғрироқ ҳисобланади. Чунки ходимларнинг ўртача йиллик сони ҳақиқатда сарфланган меҳнатни киши соатларидек аниқ белгиламайди. Бир кишининг 280 ёки 260 кун ишга чиққани унинг ҳақиқатда ҳар куни неча соат ишлаганини билдирмайди.

Меҳнат унумдорлигининг бу кўрсаткичларини ҳисоблаганда ялпи маҳсулотни ҳисоблаш усуллари ҳам катта аҳамиятга эга. Амалда ялпи маҳсулот жорий ва солиштирма нархларда ҳисобланади. Узоқ даврларга меҳнат унумдорлигининг динамикасини кўрганда солиштирма баҳоларда ҳисобланган ялпи маҳсулотни олиш талаб қилинади. Бу кўрсаткичларнинг йилдан – йилга ошгани ижобий ҳисобланади.

1 ёки 100 ёки 1000 сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт меҳнат унумдорлигининг иккинчи иқтисодий кўрсаткичидир. Сарфланган меҳнат киши-соатларида ўлчанади. Бу кўрсаткич натижалари йилдан – йилга камайиб боргани яхши. Яъни бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланаётган киши-соатлари миқдори камайиб бориши зарур. Бу иқтисодий ўсишни таъминлайди.

9.4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўналишлари

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнат бозори нисбатан ривожланмаган бозорлардан бири бўлиб, уни ривожлантириш биринчи даражадаги иқтисодий – ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади.


Мамлакат қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг сонини мутлоқ ва нисбий камайтириш бугунги кундаги ва келажакдаги асосий вазифалардан бири. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари нисбатан паст малакадир. Бу, ўз навбатида, жуда катта муаммоларни юзага келтиради. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларининг малакасини ошириш мамлакат иқтисодиётини янги босқичга кўтаради. Бу саноат ва бошқа хизмат турларига меҳнат ресурслари бир қисмининг ўтиши учун зарур шароитлар туғдиради. Чунки меҳнат унумдорлиги ўсиши натижасида меҳнат ресурсларининг катта бир қисми қишлоқ хўжалигидан озод бўлади. Бу ривожланишнинг умумий объектив тенденцияси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва тайёрлаш тизими ишларини жонлантириш зарур. Бу ишларнинг жонланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Қишлоқ хўжалиги аҳолиси, ишчи – хизматчилари даромадлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ишчи – хизматчи даромадларидан паст бўлмаслигини таъминлаш ҳам улардан фойдаланиш даражасини оширган бўлар эди. Миллий менталитет ва мавжуд март – мароитлар натижасида қишлоқ аҳолиси, ишчи ходимлари нисбатан кам ҳаракатланади. Нисбатан ўтроқ бўлган аҳоли ва ишчи ходимларни ўша жойнинг ўзида иш билан таъминлаш муаммосини ечиш бозор иқтисодиёти талабларига зид бўлмаслиги керак. Шунга қарамадан саноатни, хизматларни қишлоқ жойларда ташкил этиш иши доимий равишда амалга оширилиши лозим. Бундай сиёсатсиз мамлакатда ижтимоий масалалар ҳам чуқурлашиб бораверади.

Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари меҳнатининг фонд, энергетик қувватлар билан қуролланиш даражасини ошириш улардан фойдаланишни яхшилаш йўлларида биридир. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ҳар бир экин тури ёки маҳсулот тури бўйича технологияни ҳисобга олган ҳолда зарур воситалар билан таъминланиши керак. Шу сабабли, айниқса, кичик техника ишлаб чиқаришни ёки хориждан сотиб олишни йўлга қўйиш, ривожлантириш талаб қилинади.

Қишлоқ хўжалигида мулкый муносабатларни янада ривожлантириш ҳам меҳнат ресурсларинидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг бир йўналишидир. Фан-техника тараққиётининг қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашдаги имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Бунда асосий эътибор янги, серҳосил экин навларини яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чорва молларининг сермаҳсул зотларини кўпайтиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Молия, кредит тизими, солиқ тизими ва бошқа кўплаб иқтисодий дастакларнинг ривожланиши ҳам меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ишчи кучлари бозори таркиби ва уни тартибга солиш механизмини қуйидаги чизмада кўриш мумкин (8- чизма).*



8- чизма. Ишчи кучлари бозори таркиби ва уни тартибга солиш механизми

Қисқача хулосалар

Меҳнат ресурслари деганда аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган қисми тушинилади. Қишлоқ хўжалигида улар асосий ва ёрдамчи

* Минаков И.А. и др. Экономика отраслей АПК. Учебник.-М.: КолосС, 2004—464с. (100с).

меҳнат ресурсларига бўлинади. Асосий меҳнат ресурсларига меҳнат қилиш қобилиятига эга 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар, 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган, эркаклар, ёрдамчи меҳнат ресурсларига 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва нафақа ёшидаги аёл ва эркаклар киради.

Қишлоқ хўжалигининг меҳнат ресурслари юқорида таъкидланганидек нисбатан катта билимга эга эмас. Бу борада катта ишлар қилиш керак ва уларнинг билимини ошириш талаб этилади. Саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари нисбатан билими юқори меҳнат ресурсларини талаб қилади. Қишлоқ меҳнат ресурсларнинг яна бир хусусияти уларнинг кам ҳаракатда бўлиши ёки ўтроқлигидир. Бу, ўз навбатида, саноат ишлаб чиқаришини қишлоқ жойларда ташкил этишни талаб қилмоқда. Бу масалаларни илмий ҳал этиш борасида катта ишлар қилиниши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги кўпгина ривожланган давлатлардагидан анча паст. Аммо уни кўтариш имкониятлари катта. Демак, инсон меҳнат қилиши учун барча шароитларни яратиш лозим. Меҳнат ресурсларини билимини, малакасини ошириш, моддий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш зарур. Қишлоқ хўжалигидан меҳнат ресурсларининг бир қисми иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ўтиши объектив тенденцияга эга эканлигини ҳисобга олиш зарур ва бу борада илмий асосланган сиёсат юритилмоқда.

Таянч иборалар

Меҳнат ресурслари, меҳнатни қуролланиш даражаси, миграция, меҳнат унумдорлиги, ишбилармонлик, ер ва сув фонди, механизациялаштириш, химиялаштириш, автоматлаштириш, баҳолар паритети, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш, маҳсулот сифати, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодиёт, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, ҳудуд иқтисодиёти, тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини фонд, фонда қайтими, билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик, омухта ем саноати.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Меҳнат ресурслари” тушунчаси.
2. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари таркиби.
3. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари.
4. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.
5. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
6. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.
7. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг асосий йўналишлари.
8. Меҳнат бозори ва унинг ҳозирги ҳолати тўғрисида қисқача тушунча.
9. Фермер хўжаликлари ва меҳнат ресурслари.
10. Деҳқон хўжаликлари ва меҳнат ресурслари.
11. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ва меҳнат ресурслари.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: -Т.: Ўзбекистон 1999
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.-Т.: Адолат, 1999.
3. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.: Ўқитувчи, 1998.
4. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
5. Серова Е. В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.
6. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики Колл. Авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001.- 352 б.
7. Хақимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув кўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
8. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хақимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув кўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
9. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Хақимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув кўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
10. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.

11. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

10-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ

“Агросаноат мажмуаси моддий-техника ресурслари” тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти

Агроаноат мажмуасининг моддий – техника ресурслари деганда мажмуа тармоқларида, унинг хўжалик юритувчи субъектларида мавжуд барча асосий фондлар, хўжалик инвентарлари йиғиндиси тушунилади. Агросаноат мажмуаси тармоқларининг, айниқса, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқаришнинг механизациялашганлик даражаси бевосита тармоқда, хўжаликларда мавжуд техниканинг миқдори ва сифатига боғлиқ. Агар техникалар етарли миқдорда бўлмаса, демак, қишлоқ хўжалиги ишларини агротехник муддатларида бажариш мумкин эмас. Бу, ўз навбатида, барча натижавий кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келиши турган гап. Биргина шу мисолнинг ўзи ишлаб чиқаришда моддий-техника ресурсларининг аҳамияти қанчалик катта эканлигини кўрсатади. Ҳар қандай тармоқнинг моддий-техника базаси ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Маълумки, ишлаб чиқариш жараёни юз бериши учун, асосий фондлар, хомашёлар, меҳнат ресурслари ва тадбиркорлик қобилиятлари бўлиши ва улар биргаликда фаолият кўрсатиши лозим.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси кейинги йилларда янада мустаҳкамланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига “Кейс”, “Магнум” каби юқори унумли техникалар кириб келмоқда. Оз бўлса-да, фермер ва деҳқон хўжаликларида кичик техникалар пайдо бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси бошқа тармоқларникидан фарқ қиладиган хусусиятларга эга. Бу хусусиятларнинг энг асосийлари куйидагилардан иборат:

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг таркибига ер киради. Ер қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида иштирок этиши бизга маълум. Ернинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хўжаликларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш зарур. Ернинг ҳолатига қараб ўғит турлари, ўғитнинг миқдори, техникаларнинг тури ва бошқалар танланади. Агарда ернинг мелиоратив ҳолатларини қисобга олмасдан экин тури, маъданли ўғитлар, унга ишлов берадиган техникалар танланса, ишлаб чиқаришнинг натижаси паст бўлиши турган гап. Баъзи ҳолларда ерга бундай муносабатда бўлиш унинг ишлаб чиқариш оборотидан чиқиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси табиат қонунларига бошқа тармоқларникига нисбатан кўпроқ боғлиқ. Бунинг

натижасида турли минтақаларда турлича техника ва бошқа ресурслардан фойдаланиш зарурати келиб чиқади. Шимолий зоналарда экин турлари жанубий зоналардагидан фарқ қилади. Шимолий зоналарда иссиқ кунларнинг нисбатан кам бўлиши, энг аввало, қисқа муддатларда пишиб етиладиган экин турларини жойлаштиришни талаб қилади. Жанубий ҳудудларда эса экин турларини танлаш имкониятлари каттароқ. Бундай ҳолатлар эса моддий-техника ресурсларининг турли минтақаларда турлича бўлишини талаб қилади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш даврининг мос келмаслиги оқибатида айрим техника воситалари йилда бир неча кун ёки ой ишлатилади, холос. Масалан, дон ўриш комбайнлари асосан ўрим – йиғим даврида 2 ой ишлатилади. Ер қазий ишларида ишлатиладиган эксковаторлар ҳам бунга мисол бўла олади. Қишлоқ хўжалик корхоналари қимматбаҳо техникани (комбайнларни) йил давомида сақлашга мажбур. Бу эса катта миқдорда қўшимча харажатларни талаб қилади. Натижада, асосий фондлардан, техникалардан фойдаланиш самарадорлиги пасаяди.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг катта қисмини тирик организмлар (чорва моллари, кўп йиллик мевали боғлар, узумзорлар ва бошқалар) ташкил этади. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнида биологик қонуниятларни ҳам ҳисобга олишни талаб этади. Акс ҳолда натижа паст бўлиши мумкин. Бу хусусиятни ҳисобга олмаслик хўжаликларда мавжуд техникада, фондлардан фойдаланиш самарадорлиги пасайишига олиб келиши мумкин.

Бешинчидан, ишлаб чиқариш кенг майдонларда олиб борилиши хўжаликларда яхши ривожланган транспорт тизими, йўл ва алоқа коммуникациялари бўлишини талаб қилади. Техникаларни бир майдондан иккинчисига олиб бориш, уларни таъмирлашни ташкил этиш жараёнида қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурсларини ташкил этишнинг ўзига хослиги намоён бўлади. Бу хусусият катта қўшимча маблағларни талаб қилади.

Олтинчидан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси кўп жиҳатдан саноанинг ривожланганлигига боғлиқ. Шу билан бирга моддий-техника ресурсларининг (ем-хашак, зотли чорва моллари, уруғликлар кабилар) бир қисми қишлоқ хўжалигининг ўзида ишлаб чиқарилади. Бу эса сарфланаётган маблағларнинг сотиб олинаётган ва ўзида ишлаб чиқарилаётган моддий-техника ресурсларига мос равишда тақсимланишини талаб қилади. Акс ҳолда ишлаб чиқаришнинг натижавий кўрсаткичлари пасайиши мумкин.

Ҳозирда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг механизациялашганлик даражасини ошириш, аста-секинлик билан уни саноат асосига ўтказиш

борасида ишлар олиб борилаяпти. Бу қишлоқ хўжалиги тараққиётининг объектив йўналишларидан биридир.

10.2. Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари

Маълумки, асосий фондларсиз ҳозирги замон ишлаб чиқаришини ташкил этиш мумкин эмас. Уларнинг мавжудлиги, сифати, унумдорлиги ишлаб чиқаришнинг самарасини ҳал қилишда асосий ўринни эгаллайди. Хўжаликларда мавжуд фондлар икки катта гуруҳга бўлинади. Булар асосий ва айланма фондлардир.

Асосий фондлар бир неча ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади, ўзининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлиб-бўлиб ўтказилади. Бу эскирган қиймат, амортизация шаклида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этиб, тамомам эскириб бўлганда ҳам ўзининг физик шаклини ўзгартирмайди. Ана шу хусусиятларга эга ва талабларга жавоб берадиган фондлар асосий фондлардир. Буларга иморат ва иншоотлар, машиналар (комбайнлар, тракторлар ва ҳ.к.), транспорт воситалари, асбоб – ускуналар, кўп йиллик дарахтзорлар, узумзорлар, маҳсулдор чорва моллари ва ишчи ҳайвонлар киради. Асосий фондлар асосий воситаларнинг қиймат кўринишига эга қисми бўлганлиги учун ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер асосий фондлар таркибига киритилмайди. Ишлаб чиқаришда қатнашишига қараб асосий фондлар иккига, яъни ишлаб чиқаришга тайин этилган ва ишлаб чиқаришга тайин этилмаган асосий фондларга бўлинади. Ишлаб чиқаришга тайин этилмаган асосий фондларга ижтимоий соҳанинг асосий фондлари киради.

Хўжаликлар ўз балансларида мавжуд асосий фондлардан фойдаланишнинг ҳолатини кўрсаткичлар тизими билан аниқлаб боради. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фонд билан таъминланиш даражаси. Бу кўрсаткич хўжаликда мавжуд асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматини ер мойдонларига (қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, ҳайдаладиган ерлар, экин майдонлари) бўлиш йўли билан аниқланади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги фонд қайтими ва фонд сиғими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Фонд қайтими йил давомида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотни ёки фойдани асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Фонд қайтими хўжаликда мавжуд 1 сўмлик асосий фондлар эвазига қанча сўмлик ёки тийинлик ялпи маҳсулот (фойда) ишлаб чиқарилганини билдиради. Бу кўрсаткич натижаси қанча юқори бўлса, фондлардан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Фонд сиғими фонд қайтимининг акси бўлиб, асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматини хўжаликнинг ялпи маҳсулотига бўлиш натижасида аниқланади. Фонд сиғими хўжаликда 1 сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб

чиқариш учун қанча сўмлик асосий фонд ишлаб чиқариш жараёнида қатнашганини кўрсатади. Фонд сиғими кўрсаткичи қанчалик паст бўлса, асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори ҳисобланади. Фонд қайтими ва сиғимини фойдага нисбатан ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Хўжаликларнинг асосий фондлари беш хил (дастлабки, қолдиқ, тиклаш, баланс ва тугатиш баҳоларида) баҳоланади. Асосий фондларнинг дастлабки қиймати уларни биринчи бор сотиб олиш билан боғлиқ харажатлардир. Асосий фондларнинг сотишдаги қиймати, уларни ташиб олиб келиш ва ўрнатиш харажатлари ҳам дастлабки баҳосига киради.

Асосий фондларнинг тиклаш қиймати деганда ишлаб турган асосий фонднинг ҳозирги бозор нархида қанчага баҳоланиши тушунилади. Акс ҳолда мавжуд инфляция таъсирида амортизация ажратмаси натижасида йиғилган маблағга ҳудди шундай техника сотиб олиш мумкин эмас. Чунки унинг нархи ошиб кетган бўлиши мумкин.

Асосий фондлар ишлаб чиқаришда қатнашади ва вақт ўтиши билан эскиради. Асосий фондларнинг эскириши икки хил бўлади.

Биринчиси, маънавий эскириш. Асосий фондларнинг маънавий эскириши қуйидаги ҳолларда юз беради: биринчидан, мавжуд асосий фонддан унумлироқ бўлган янгиси яратилганда. Фан, техника тараққиёти техниканинг янги, унумли турларини ишлаб чиққан ҳолда эски фондлар янгисига нисбатан унумсизроқ бўлганлиги учун маънавий эскирган ҳисобланади. Масалан, хўжаликда ишлатилаётган, секундига 12 кг. буғдой ўрайдиган комбайн ўрнига секундига 16 кг. буғдой ўра оладиган янги комбайн яратилди, дейлик. Бу ҳолда секундига 12 кг. буғдой ўрайдиган комбайн маънавий эскирган ҳисобланади. Иккинчидан, хўжаликда мавжуд техникадан нархи арзонроқ янги техника чиқарилган ҳолда ҳам маънавий эскириш юз беради. Масалан, ҳозирда ишлаётган дон ўриш комбайни 30 млн. сўм туради. Ҳудди шундай техник имкониятларга эга комбайннинг янги авлоди яратилди, дейлик ва унинг нархи 25 млн. сўм. Бу ҳолда биз ишлатаётган 30 млн. сўмлик комбайн янги 25 млн. сўм турайдиган комбайнга нисбатан маънавий эскирган ҳисобланади. Иқтисодчиларнинг бундай вазиятдаги асосий вазифаси маънавий эскирган техникалардан яна қанча давр фойдаланиш зарурлигини белгилашдир.

Асосий фондларнинг янгиси эскисига нисбатан арзонга ишлаб чиқарилганда маънавий эскиришни қуйидагича ҳисоблаш қабул қилинган.

$$A\Phi_{мэ1} = \frac{A\Phi_{бк} - A\Phi_{тк}}{A\Phi_{бк}} \times 100$$

Бунда: $A\Phi_{мэ1}$ – асосий фондларнинг маънавий эскириши (эскисига нисбатан арзонроқ бўлган янгиси яратилганда)

АФ бқ – асосий фондларнинг баланс қиймати, сўм;
 АФ тқ – асосий фондларнинг тиклаш қиймати, сўм.

Асосий фондларнинг маънавий эскириши уларни унумдорлиги сабабли юз берганда уни қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$АФмэ2 = \frac{ЯАФму - АФму}{ЯАФму} \times 100$$

Бунда: АФмэ2 – асосий фондларнинг маънавий эскириши (эскисига нисбатан унумлироғи яратилганда)

ЯАФму – янгидан яратилган асосий фондларнинг унумдорлиги

АФму – ишлаб турган (амалдаги) асосий фондларнинг унумдорлиги

Асосий фондларнинг янгиланиш даражаси қуйидагича аниқланади.

$$Кя = \frac{АФя}{АФйок}$$

Бунда: Кя – асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти

АФя – йил давомида янгидан жалб этилган асосий фонд қиймати, сўм

АФ йок – асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати, сўм

Асосий фондлар эскиришининг иккинчи тури уларнинг жисмоний эскиришидир. Вақт ўтиши, фаолият кўрсатиши натижасида асосий фондлар жисмоний эскирадилар. Бу эскириш “амортизация” тушунчаси билан белгиланади. Одатда, заводларда ишлаб чиқарилган техникаларнинг паспортида уларнинг хизмат кўрсатиш муддати, амортизация ажратиш нормаси белгиланган бўлади. Лекин айрим асосий фондларда бу маълумотлар берилмаган тақдирда амортизация нормасини ҳисоблаб топиш мумкин. Бу ҳолатда умумий йиллик амортизация нормаси қуйидагича аниқланади:

$$Ан = \frac{Б + К + Д - Л}{Б \times N} \times 100$$

Бунда: Ан – умумий йиллик амортизация нормаси, %;

Б – асосий фондларнинг дастлабки ёки баланс қиймати, сўм;

К – асосий фондларни капитал таъмирлаш харажатлари, сўм;

Д – асосий фондларни тугатишдаги харажатлар, сўм;

Л – асосий фондларни тугатишдан олинган даромад, сўм;

N – асосий фондларнинг ўртача хизмат қилиш муддати, йил.

Ҳозирда асосий фондларнинг эскиришини белгилашда тезлаштирилган амортизация ажратмаси ажратиш йўлидан ҳам фойдаланилмоқда. Бу инфляция даражаси юқори пайтда унинг салбий таъсирини камайтиради. Бундан ташқари фан, техника тараққиёти тезлашган пайтда асосий фондларни тезликда алмаштириш имконини беради.

Асосий фондлар қолдиқ баҳоларда ҳам нархланади. Асосий фондларнинг дастлабки нархларидан эскириш суммаси ўртасидаги фарқ уларнинг қолдиқ баҳосини билдиради. Бухгалтерия балансларида акс эттирилган қиймати миқдор жиҳатдан асосий фондларнинг дастлабки қийматига мос тушади. Асосий фондларнинг тугатилиш қиймати деганда уни тугатиш билан боғлиқ ҳолат тушунилади. Асосий фондлар тугатилиши жараёнида қўшимча харажатлар қилинади. Уларни тугатишдан маълум материал бойликлар олинади. Асосий фондлар хизмат муддатини тўла ўтамаган ҳолда ва бошқа сабабларга кўра, уларга тўлиқ амортизация ажратилмаган бўлиши мумкин. Амортизация ажратилмай қолган миқдорга уни тугатиш учун сарфланган харажатлар қўшилади ва тугатиш натижасида олинган қийматни ажратиш йўли билан асосий фондларнинг тугатилиш қиймати аниқланади.

10.3. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат:

1). Қишлоқ хўжалиги экин турларининг ҳосилдорлигини, чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш. Нимаики ҳосилдорликни, чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишга таъсир кўрсатса, ўша нарса фондлардан фойдаланишнинг самарадорлиги ошишига ижобий таъсир қилади. Демак, фан-техника тараққиёти натижасида янги, серҳосил экин турларини ва маҳсулдор чорва молларини ишлаб чиқаришга жорий этиш фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари билан бирдир.

2). Асосий фондларнинг фаол (актив) қисми бўлган техника, асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг сменалик коэффициентларини кўтариш улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари билан бири ҳисобланади.

3). Асосий фондлар таркибини такомиллаштириш улардан фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини оширишнинг жуда муҳим йўллари билан бирдир. Бугунги кунда ишлаб чиқаришда мавжуд куч берувчи техникалар (трактор ва ҳ.к.) билан ишчи машиналар ўртасидаги мўътадил (оптимал) нисбатни таъминламаслик асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради. Бугунги кунда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган куч берувчи техникалар (трактор ва ҳ.к.) катта қувватга эга. Масалан, битта “Магнум” русмли трактордан йил давомида тўлиқроқ фойдаланиш учун 35 ва ундан кўпроқ ишчи машиналар (плуглар, экиш агрегатлари ва ҳ.к.) керак

экан. Бирорта ишчи машинанинг бўлмаслиги ушбу куч берувчи машинадан фойдаланиш имкониятлари камайишига олиб келади.

4). Асосий ва оборот фондлар мутаносиблигини таъминлаш ҳам улардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Ишлаб чиқаришда қатнашаётган асосий фондлар етарли миқдорда айланма фондлар билан таъминланиши керак. Масалан, чигит экиш даврида трактор ва чигит экиш агрегатидан фақат етарли миқдорда чигит бўлгандагина самарали фойдаланиш мумкин. Экиш учун зарур чигит бўлгандагина трактор ва экиш агрегатларидан самарали фойдаланиш мумкин. Экиш учун зарур чигитнинг етишмаслиги техникаларнинг бекор туриб қолишига олиб келади ва ҳ.к.

5). Асосий фондлардан фойдаланишда жамоа аъзоларининг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири ҳисобланади. Агарда мавжуд қонун – қоидалар, асосий фондлардан фойдаланувчиларни асосий фондлардан яхши фойдаланганлиги учун моддий манфаатдор қилса, яхши натижаларга эришиш мумкин ёки аксинча.

6). Асосий фондлардан фойдаланишнинг иқтисодий самардорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири унга хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланганлик даражаси ҳисобланади. Асосий фондларни вақтида техник қаровлардан ўтказиш, жорий ва капитал таъмир қилиш ишларни талаб даражасида ташкил этиш лозим.

7). Асосий фондлардан фойдаланиш даражасига кадрларнинг билим ва малакасининг таъсири катта. Механизатор, ишженер техник ходимларнинг ўз ишини яхши билиши асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширади ва аксинча.


10.4. Айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш

Ишлаб чиқариш жараёни самарали олиб борилишида асосий фондлар билан бир қаторда айланма маблағларнинг аҳамияти чексиздир. Улар ишлаб чиқариш жараёнининг албатта бўлиши лозим бўлган шартларидан биридир. Айланма фондлар бир ишлаб чиқариш циклида (жараёнида) иштирок этади. Ўзининг қийматини тайёр маҳсулотга тўлиқлигича бир ишлаб чиқариш жараёнида ўтказади. Улар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, ўз физик кўринишини қисман, аксарият ҳолда эса бутунлай ўзгартиради. Ана шундай талабларга жавоб берган фондлар айланма фондлар деб юритилади. Айланма фондларга хўжаликнинг ҳисоб рақамларида мавжуд бўлган пуллари, сотилган, лекин ҳали пули келиб тушмаган маҳсулот учун маблағларини кўшиб ҳисоблаганда, айланма маблағлар тушунчаси келиб чиқади. Айланма маблағлар – ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотни сотиш мақсадида зарур айланма фондларни ва муомила фондини ташкил этиш учун аванслаштирилган пул маблағлари йиғиндисидир. Бирор бир

ишлаб чиқариш айланма маблағларсиз юз бериши мумкин эмас. Айланма маблағларнинг етишмаслиги корхоналар учун катта қийинчиликларни юзага келтиради. Уларнинг етишмаслиги туфайли корхона ўз олдига қўйган вазифаларини бажара олмайди. Натижада шартномавий мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаслик ҳолати юз беради. Корхоналарнинг бошқа иқтисодий субъектлар билан алоқаси ёмонлашади. Корхонада айланма маблағларнинг нормативдан кўпайиб кетиши ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Айланма маблағларнинг керагидан ортикча бўлиши корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир этади. Шу сабабли ушбу масалага Республика Президенти, ҳукумати катта эътибор бериб келмоқда. Айланма маблағларга бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида 1997 йилнинг 9 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1816 сонли “Айланма маблағларни сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 февралдаги “Вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг айланма маблағлари нормативлари тўғрисида”ги 108-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан барча вазирликлар, идоралар тизими учун айланма маблағларнинг нормативлари белгиланди. Шунга кўра 1 сўмлик харажат учун айланма маблағларнинг нормативлари белгиланган. Жумладан Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг тизими учун 1 сўмлик харажатга 13,90 тийин муддати эса 50 кун белгиланган. “Ўзметвасабзавотхолдинг” тизими учун 60 кун ва 16,4 тийин, “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” тизими учун 90 кун ва 25,0 тийин ўрнатилган.*

Айланма маблағларнинг таркибини қуйидаги чизма орқали кўриш мумкин. (9-чизма)

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг айланма маблағлари нормативлари тўғрисида” 25.02.1997 й. N-108/



9 – чизма. Айланма маблағларнинг таркиби.

Айланма маблағлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича аниқланади:

1). Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти:

$$O_{ак} = \frac{T - M_{кс}}{O}$$

Бунда: Т – ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан ва кўрсатилган хизмат эвазига олинган пул тушуми, сўм;

М – асосий подага ўтказилган ёш чорва молларининг қиймати, сўм;

С – асосий подани сотишдан тушган пул тушуми, сўм;

О – айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиғи, сўм.

2) Айланма маблағларнинг ўртача бир айланиш муддати, йилнинг 360 кунини айланма маблағларнинг айланиш коэффициентига бўлиш орқали ҳисобланади.

$$T = \frac{360}{Oак}$$

Бунда: T – айланма маблағларнинг ўртача бир айланиш муддати, йил, ой, кун;

$Oак$ – айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти.

3) 1 сўмлик пул тушумига тўғри келадиган айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиғи.

4) 1 сўмлик айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиғига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми.

Айланма маблағлар манбасига кўра, ўз маблағлари ва четдан жалб этилган маблағларга бўлинади.

Қисқача хулосалар

Ишлаб чиқариш жараёнини моддий харажатларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ишлатилаётган асосий воситалари, айланма маблағлари биргаликда уларнинг моддий-техника базаси деб юритилади. Моддий-техника базасининг асосий фондлар ташкил этади. Бир неча ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган, ўзининг қийматини таёрлаб маҳсулотга бўлиб – бўлиб ўтказадиган ва физик кўринишини сақлаб қоладиган фондлар асосий фондлар деб юритилади. Уларнинг таркиби, миқдори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий натижавий кўрсаткичларини белгилайди. Асосий фондларнинг энг муҳим қисми асосий ишлаб чиқариш фондларидир. Улардан фойдаланишнинг даражасини ва самарадорлигини аниқлаш талаб қилинади. Бунинг учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланади.

Бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган, ўзининг қийматини тайёр маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган ва физик кўринишини ўзгартирадиган фондларга айланма фондлар дейилади. Улардан фойдаланишни яхшилар зарур. Айланма маблағларнинг мавжудлиги ишлаб чиқаришнинг бир меъёردа самарали боришини таъминлайди.

Таянч иборалар

Фонд қайтими, фонд сиғими, фонд билан таъминланиш ва қуролланиш, айланма фондлар, айланма маблағлар, самарадорлик коэффициенти, асосий фондларнинг эскириши, жисмоний эскириш, амортизация, маънавий

эскириш, меҳнат ресурслари, меҳнатни қуролланиш даражаси, миграция, меҳнат унумдорлиги, ишбилармонлик, ер ва сув фонди, механизациялаштириш, химиялаштириш, автоматлаштириш, баҳолар паритети, маҳсулот сифати, иқтисодий муҳит, ҳудуд иқтисодиёти, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини фонд, фонда қайтими, билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик, омухта ем саноати, моддий рағбатлантириш, касбий малака, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, натурал кўрсаткичлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалигининг моддий – техника базаси деганда нимани тушинасиз?
2. Қишлоқ хўжалигининг моддий – техника базасининг моҳияти ва аҳамияти
3. Қандай фондларга асосий фондлар дейилади?
4. Айланма маблағлар нима ва унинг аҳамияти нимада?
5. Қишлоқ хўжалиги асосий фондларидан фойдаланишининг ўзига хос томонлари.
6. Фондлардан фойдаланишнинг самарадорлиги қандай аниқланади?
7. Фонд қайтими ва фонд сиғими кўрсаткичи.
8. Фонд билан қуролланиш ва таъминланиш даражаси.
9. Фондлардан фойдаланиш даражасига қандай омиллар таъсир қилади?
10. Фондлардан фойдаланишнинг самарадорлигига қандай омиллар таъсир қилади?

Адабиётлар рўйхати

1. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
2. Серова Е. В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.
3. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики Колл. Авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001.- 352 б.
4. Хақимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
5. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хақимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.

6. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув кўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
7. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.
8. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).
9. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. –Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001.

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭЖМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

11-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТЛАР ТАННАРХИ

“Таннарх ” тушинчаси, унинг мохияти

Ҳар қандай ишлаб чиқариш маълум харажатлар бўлишини талаб қилади. Бошқача айтганда, бирор бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ресурслар сарф қилинади. Жумладан, кишилар меҳнат қилади ва ўз кучини сарфлайди. Уларнинг қилган меҳнати учун ҳақ тўланади. Меҳнат учун тўланган ҳақ ва унинг қўшимчалари ишлаб чиқариш учун харажат ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш учун уруғлик, ёқилги – мойлаш материаллари, ўғитлар, ем-хашак, ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ харажатлар ва бошқа материаллар сарфланади. Улар ҳам маълум баҳога (қийматга) эга. Ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалар иштирок этади. Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши, вақт ўтиши натижасида жисмонан эскиради. Бу эскиришнинг миқдори амортизация ажратмаси ёрдамида аниқланади. Амортизация ажратмалари ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчасидан “маҳсулот таннархи” тушунчаси келиб чиқади. **Маҳсулот таннархи деганда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг пулдаги ифодаси тушунилади.** Маҳсулот таннархи шу маҳсулот қийматининг бир қисми ҳисобланади. Маҳсулот қиймати билан таннархи ўртасидаги фарқ умумий ҳолда фойда миқдорини ифодалайди.

Таннарх иқтисодий категория бўлиб иқтисодий самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Таннарх ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, кўрсатилаётган хизматнинг қанчага тушганини билдиради.

Иқтисодий фан таннархнинг икки турини бир-биридан фарқлайди. Биринчиси, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархидир. Бу маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодасидир. Иккинчиси, маҳсулот бирлигининг тўлиқ таннархи. Маҳсулот бирлигининг тўлиқ таннархи уни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларнинг пулдаги ифодасидир. Бундан ташқари технологик таннарх ҳам аниқланади. Технологик таннарх деганда корхона ичидаги цехлар, оила пудратида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш қилинган харажатларнинг пулдаги ифодасига тушунилади. Технологик таннархга корхонани бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар қўшилганда ишлаб чиқариш таннархи келиб чиқади.

Хўжаликлар доирасида режа ва ҳисобот таннархи ҳам ҳисобланади. Режа таннархи меъёр асосидаги харажатлар бўйича ҳисобланади ва олиниши кутилаётган маҳсулот миқдори асосида белгиланади. Ҳисобот таннархи эса ҳақиқатдан қилинган харажатлар ва ҳақиқатда олинган маҳсулот миқдори

асосида аниқланади. Маҳсулот таннархи умумлаштирувчи иқтисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Унда меҳнатнинг унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашганлик ва интенсивлашганлик даражаси, тежамкорлик, ишлаб чиқаришнинг механизациялашганлик даражаси, техникалардан ва фан ютиқларидан қай даражада фойдаланилаётганлиги ифодаланади. Маҳсулот таннархининг даражаси корхонанинг, ишлаб чиқаришнинг келажагини белгилайди. Агарда маҳсулот бирлиги таннархи шу маҳсулот бозоридаги нархдан баланд бўлса, бу маҳсулотни ишлаб чиқариш зарар келтиради. Бу эса, ўз қонунияти асосида шу маҳсулотнинг таннархини белгилайди. Яъни уни ишлаб чиқараётган корхонада айнан шу маҳсулот асосий маҳсулот ҳисобланса, корхона банкрот ҳолатига тушиб қолади. Агарда, маҳсулот таннархи шу маҳсулот бозорида шаклланган нархдан паст бўлса, уни ишлаб чиқарувчи фойда олади. Бу эса, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш бозор иқтисодиёти талабига жавоб беради деган сўз. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ишлаб чиқариш, хизмат тури, корхона фойда олган тақдирдагина ўз фойдасини давом эттириши мумкин.

Индивидуал ва тармоқ таннархи ҳам мавжуд. Индивидуал таннарх – бир маҳсулотнинг бир корхона миқёсида шаклланган таннархидир. Тармоқ таннархи эса, алоҳида ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари таннархи асосида тармоқ бўйича ўртача ҳисобланган кўрсаткичдир.

Таннарх иқтисодий категория сифатида қуйидаги функцияларни бажаради:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобини ва уларни назоратини олиб боради;
- маҳсулотлар нархини белгилашнинг асоси бўлиб хизмат қилади;
- фойда, рентабелликни ҳамда солиқларни аниқлашга асос бўлади;
- қишлоқ хўжалигига инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини иқтисодий баҳолашда асос бўлади;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилади.

11.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш тартиби

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган ресурсларнинг харажати (миқдорини) жорий нархларда ҳисоблаш асосида аниқланади. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар таннархини аниқлашда харажатларни маълум гуруҳларга бўлиш зарурияти бор ва ундан фойдалиниди. Харажатларни гуруҳларга бўлиш маҳсулот таннархи калькуляцияси деб аталади. Калькуляция – қилинаётган харажатларни гуруҳларга, харажат моддаларига бўлишдир. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархига қуйидаги харажатлар киради (10-чизма).

№	Харажат моддалари	Ўсимликчиликда	Чорвачиликда
1.	Иш ҳақи қўшимчалари билан	+	+
2.	Уруғлик	+	-
3.	Ем-хашак	-	+
4.	Ёқилғи-мойлаш материаллари	+	+
5.	Ўғит	+	-
6.	Зараркунанда ва касалликларга қарши кураш воситалари	+	+
7.	Асосий ишлаб чиқариш воситаларини сақлаш	+	+
8.	Иш ва хизматлар	+	+

10-чизма. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар таннархини белгиловчи харажатлар турлари

Таннархнинг таркибини йиллар давомида таҳлил қилиб ўрганиш иқтисодчиларга, хўжалик раҳбарларига мавжуд камчилик ва фойдаланилмаётган имкониятларни кўрсатади. Маҳсулот таннархига кирган харажатлар таркиби, миқдори ва иқтисодий моҳияти жиҳатидан бир – биридан фарқ қилади. Шунинг учун уларни харажат моддаларига тўғри бўлиш катта аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб харажатлар тўғри ёки бевосита ҳамда эгри ёки билвосита харажатларга бўлинади. Бевосита харажатлар маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади ва таннаҳга тўғридан-тўғри киради. Буларга ўғитлар, уруғликлар, ем-хашак, шу маҳсулотни ишлаб чиқаришда иштирок этканларнинг иш ҳақи ва бошқалар киради. Лекин қишлоқ хўжалигининг ўзига хослиги шундаки, унда бир ходим ёки бир техника воситаси бир йилда бир нечта маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Уларнинг харажатларини ана шу маҳсулотлар ўртасида тақсимлаш маълум қийинчиликлар туғдиради. Айниқса, корхонани бошқариш билан боғлиқ харажатлар бу борада алоҳида методикани талаб қилади. Бу харажатлар бир маҳсулот турига тўғридан-тўғри кирмаганлиги сабабли уларни билвосита ёки эгри харажатлар деб юритилади.

Қишлоқ хўжалигида барча харажатлар 1 гектар ёки бир бош чорва ҳайвонига ҳисобланади. Бир гектар ердан олинган маҳсулот миқдорига шу бир гектар ерга кетган харажатлар миқдорини бўлиш йўли билан аниқланади. Чорвачиликда бир бош чорва молига қилинган харажатлар миқдорини шу чорва молидан олинган маҳсулотга бўлиш йўли билан аниқланади. Бу бир қарашда анча тушунарлига ўхшайди. Аслида эса бунда ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Гап шундаки, қишлоқ хўжалигида бир ишлаб чиқариш жараёнида асосий, қўшимча ва ёндаш маҳсулотлар олинади. Масалан, сут чорвачилигида олинган сут асосий маҳсулот, сигирдан олинган

бузоқ эса қўшимча маҳсулот ҳисобланади. Шу сигирдан 5 – 6 тонна миқдорида органик ўғит – гўнг олинади. Бу маҳсулот ёндаш маҳсулот ҳисобланади. Барча харажатлар бир бош сигирга қилинган. Яъни, сигир боқилган ва натижада 3 хил маҳсулот олинган. Биз сутга, бузоққа ва гўнгга алоҳида харажат қилган эмасмиз. Бундай ҳолда маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисоблаш ўзига хос мураккабликни келтириб чиқаради.

Ўсимликчиликда эса барча харажатлар бир гектарга қилинади. Масалан, бир гектар ерга дон экдик дейлик. Ерни тайёрладик, уруғлик сарфладик, ўғит бердик, суғордик ва ҳосилни йиғиштириб олдик. Дончиликда асосий маҳсулот дон олинди. Қўшимча маҳсулот-дон чиқиндиси ва ёндаш маҳсулот – самон олинди. Ана шу маҳсулотларга харажатларни тақсимлаш зарурати келиб чиқади. Пахта майдонидан пахта хомашёси ва ғўзапоя олинади ва х.к. Бундай ҳолларда бир неча усул билан маҳсулотлар таннархи аниқланади.

Биринчи усул, қўшимча ва ёндаш маҳсулот илмий асосланган маълум коэффициентлар орқали асосий маҳсулотга айлантириб олинади. Ёндош маҳсулотнинг сотиш нархи аниқланади ва унинг қиймати харажатлардан чегириб ташланади. Натижада қолган умумий харажатлар маҳсулот ҳажмига тақсимланади ва бир бирлик маҳсулот таннархи аниқланади. Кейин яна коэффициентлар ёрдамида қўшимча ва ёндаш маҳсулот таннархи аниқланади. Иккинчи усулда маҳсулотларнинг нархи асосида қилинган харажатлар тақсимланади. Учинчи усулда ёндаш маҳсулотнинг қиймати аниқланади ва қилинган харажатлардан чиқариб ташланади. Қолган харажатлар асосий ва қўшимча маҳсулотларга тақсимланади. Қишлоқ хўжалилик корхоналарида маҳсулотлар, иш ва хизматлар таннархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 - сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ қоидалари асосида аниқланади.

Ушбу низом қуйидаги бўлимлардан иборат.

Умумий қоидалар

- А. Молиявий натижаларни шакллантириш
- Б. Хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар рўйхати
 1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби
 2. Давр харажатлари
 3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар
 4. Фавқулодда зарарлар
- В. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижасида олинadиган даромадлар рўйхати
- Г. Товар-моддий захираларни, тугалланмаган ишлаб чиқаришларни, шунингдек келгуси даврлар харажатларини баҳолаш
- Д. Солиқ солинадиган базани аниқлаш

Умумий қоидалар

Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг, шунингдек юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқланшнинг ягона методологик асосларини белгилайди.

Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

Низомда харажатларни гуруҳлаш ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий қоидалари мавжуддир.

1-иловада ҳисобот давридаги соф фойдани ҳисоблаб чиқишда корхона даромадларидан чиқариб ташланадиган, бироқ солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ даромад (фойда)дан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқишда хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ солинадиган базасига киритиладиган харажатлар моддалари келтирилган.

2-иловада улар пайдо бўлган пайтда солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган, бироқ кейинги ёки анча кейинги даврларда (вақтдаги тафовут) чиқариб ташланадиган харажатлар рўйхати берилади.

Мазкур Низом асосида айрим тармоқлар харажатлари таркиби ва уларни ҳисобга олиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тегишли вазирликлар ва идоралар хўжалик бирлашмалари (корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялари ва бошқалар) томонидан аниқланади. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.10.2003 йил 444-сонли қарори 1-иловаси I.бўлими 1.бандини а) бандчасига асосан таҳрирга сўзлар киритилди)

А. Молиявий натижаларни шакллантириш

Низомда келтирилган харажатлар таснифи энг аввало бухгалтерия ҳисобида харажатларни тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тузиш учун унинг фаолияти молиявий натижаларини (фойда ёки зарарни) аниқлашга йўналтирилгандир. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

- маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи

ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

ЯФ=ССТ-ИТ.

бунда,

ЯФ - ялпи фойда;

ССТ- сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари;

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут, ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

АФФ = ЯФ-ДХ+БД-БЗ,

бунда,

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ-давр харажатлари;

БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

УФ=АФФ+МД-МХ,

бунда,

УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

- солиқ тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

СТФ=УФ+ФП-ФЗ,

бунда,

СТФ - солиқ тўлангунгача олинган фойда;

ФП - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

- йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

СФ= СТФ-ДС-БС,

бунда,

СФ - соф фойда;

ДС - даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

БС - бошқа солиқлар ва тўловлар.

Б. Хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар рўйхати

Мазкур Низомга мувофиқ маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатлари рўйхати:

хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлилигини аниқлаш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юритувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби счётларида тўлиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши;

солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида белгиланади.

Мазкур Низомга мувофиқ барча харажатлар қуйидагиларга гурухланади: маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар; ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда давр харажатларига киритилмайдиган харажатлар;

а) сотиш харажатлари;

б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

хўжалик юритувчи, субъектнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари:

а) фоизлар бўйича харажатлар;

б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;

в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

фавқулодда зарарлар, у даромад (фойда)дан олинмайдиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар таркиби

1.1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар

1.2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари

1.3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар

1.4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси

1.5. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган,

ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар; асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

1.1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуйидагилар тегишли бўлади:

1.1.1. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, изматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинадиган хом ашё ва материаллар.

1.1.2. Нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарларнинг, хўжалик буюмларининг ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг қиймати.

1.1.3. Сотиб олинадиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар.

1.1.4. Ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характерига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хом ашё ва

материалларга ишлов бериш, истеъмол қилинаётган ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технолгик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хом ашё, материаллар, инструментлар, деталлар, танаворлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан цехга келтириш ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматларга тегишли бўлади.

1.1.5. Табиий хом ашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтга ҳақ тўлаш, корхоналар томонидан сув хўжалиги тизимларидан бериладиган истеъмол қилинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хом ашё тармоқлари учун - ёғоч, тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф муҳитни тиклаш харажатлари.

1.1.6. Технолгик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олиннадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари.

1.1.7. Хўжалик юритувчи субъектнинг технолгик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. (Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади).

1.1.8 Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши.

1.1.9. Хўжалик юритувчи субъектнинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага киради) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар).

1.1.10. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олиннадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади.

1.1.11. Маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати ва идиш ва ўраш-

жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади.

1.1.12. "Моддий харажатлар" элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан бартер битишувларида, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, солиқлардан (корхона кейинчалик қарз суришиш, масалан, қўшилган қиймат солиғи тарзида қайтариб оладиганлардан ташқари) транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

1.2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади.

1.2.1. Хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар.

1.2.2. Касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар.

1.2.3. Иш ҳажмини ва компенсация туғрисидаги тўловлар, шу жумладан.

1.2.3.1. Технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

1.2.3.2. Кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

1.2.3.3. Ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

1.2.3.4. Алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва ката йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақи, хўжалик юритувчи субъект жойлашган

жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтигача тўланадиган йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

1.2.3.5. Курилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажаришган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

1.2.3.6. Доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

1.2.3.7. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан район коэффицентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффицентлар билан белгиланган тўловлар;

1.2.3.8. Хўжалик юритувчи- субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктдан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдоридида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда).

1.2.4. Иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш.

1.2.5. Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

1.2.5.1. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллار, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллار учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек тиббий ходимларга, асосий иш ҳақини кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш.

1.2.5.2. Мажбурий таътилда бўлган қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;

1.2.5.3. Донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

1.2.5.4. Давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш.

1.2.5. Хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи

субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради.

1.2.7. Белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондида киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

1.3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар
Ижтимоий суғуртага ажратмаларга куйидагилар киради:

1.3.1. Қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондида шжтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар.

1.3.2. Нодавлат пенсия жамғармаларига ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

1.4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига куйидагилар киради:

1.4.1. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш), лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради.

1.4.2. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар (Гудвилл (фирманинг нархи)дан ташқари) эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобига белгиланади, бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

1.5. Ишлаб чиқариш туғрисидаги бошқа харажатлар

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари 1.1, 1.2, 1.3, 1.4-бандларда келтирилган харажатлар элементлари бўйича ажратилади.

1.5.1. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари.

1.5.1.1. Ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари.

1.5.1.2. Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукамал тузатиш

харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача, мукаммал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади

Зарурат бўлганда, айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан мукаммал тузатиш ишларини ўтказиш учун маблағлар захирасини ташкил қилишлари мумкин. Ушбу захирага ажратмалар "Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар" элементи таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объектини мукаммал тузатишларнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Захирага ажратмалар нормаси ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарурат бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар мукаммал тузатишга захира маблағлари суммаси ушбу объектни тузатишга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш киритилиши керак; агар ҳақиқий харажатлар захирадагидан ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма "Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар" элементи таркибида акс эттирилади.

1.5.1.3. Ёнғиндан сақлаш ва кўриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа махсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари.

Идорадан ташқари кўриқлаш харажатлари бундай кўриқлаш мавжуд бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилиши мумкин.

1.5.1.4. Ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар.

1.5.1.5. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари, шу жумладан атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари.

1.5.1.6. Ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари.

1.5.1.7. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни муҳофаза қилиш тадбирлари.

1.5.1.8. Текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига озиқ-овқатлар қиймати, хўжалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари

(ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси).

1.5.1.9. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан формали кийим-бош, махсус овқатлар) (ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси);

1.5.1.10. Ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.

1.5.1.11. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўриқдан ўтказганлик учун тиббий муаассасаларга ҳақ тўлаш.

1.5.2. Ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича нормалар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар.

1.5.3. Ишлаб чиқариш ходимларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари.

1.5.4. Брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар.

1.5.5. Ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар.

1.5.6. Кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари.

1.5.7. Махсулот (хизматлар)нинг мажбурий сертификация қилиш харажатлари.

1.5.8. Ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегшили ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар.

1.5.9. Умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

1.5.10. Объектларни давлат капитал кўйилмалари ҳисобига қуришда қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш билан боғлиқ харажатлар.

1.5.11. Гудвилл (фирма нархи)нинг номоддий активи суммасини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқариш мақсадида бўлмаган мол-мулк юзасидан белгиланган тартибда.

1.5.12. Қазиб олувчи тармоқларда тайёргарлик ишлари бўйича харажатлар, агар улар капитал харажатларга тегишли бўлмаса (яъни асосий воситалар сифатида капиталлаштирилмаса). Ушбу харажатлар "Келгуси даврлар харажатлари" сифатида қаралади ва уларни қайтаришнинг белгиланган муддати мобайнида тенг равишда ишлаб чиқариш таннархига ёки қазиб олинган махсулотнинг ҳажми ва миқдorigа мутаносиб

равишда ҳисобдан чиқарилади. Келгуси даврлар харажатларини ҳисобдан чиқаришнинг танланган методи хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобга олиш сиёсатида акс эттирилиши керак.

2. Давр харажатлари

2.1. Сотиш харажатлари

2.2. Маъмурий харажатлар Маъмурий харажатларга қуйидагилар киради:

2.3. Бошқа операция харажатлари

2.4. Ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлари

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан оғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Қуйида 2-банд бўйича санаб ўтилган барча харажатлар харажатларнинг комплекс моддалари ҳисобланади ва уларни ҳисобга олиш мазкур Низомнинг 1.5-банди муқаддимасида кўрсатилганидек харажатлар элементлари бўйича ташкил этилади.

"Давр харажатлари"га қуйидаги моддалар киради:

2.1. Сотиш харажатлари

2.1.1. Товарларни темир йўл, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё транспортда ва от-уловда ташиш харажатлари. Ушбу моддага ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар киритилади.

2.1.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари сотиш бўйича харажатлар, шу жумладан:

2.1.2.1. Низомнинг 1.2-бандида санаб ўтилган, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари.

2.1.2.2. Низомнинг 1.3-бандига мувофиқ, 2.1.2.1. бандга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага харажатлар.

2.1.2.3. Савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари.

2.1.2.4. Низомнинг 1.4-бандига мувофиқ асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.

2.1.2.5. Санитария кийим-боши, ошхона дастурхон ва сочиқлари, арзонбаҳо, тез эскирадиган буюмлар, ошхона идиш-товоғи ва анжомлари эскириши.

2.1.2.6. Газ, ёқилғи, электр энергияси харажатлари.

2.1.2.7. Товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари.

2.1.2.8. Савдо рекламаси харажатлари.

2.1.2.9. Ташиш, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг норма доирасида ва ундан ортиқча йўқотилиши.

- 2.1.2.10. Ўраш-жойлаш материаллари харажатлари.
- 2.1.2.11. Мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари.
- 2.1.2.12. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари.
- 2.1.2.13. Вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, туйнуқлар, ўйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ўраш бўйича жорий (номукаммал тусдаги) харажатлар.
- 2.1.2.14. Махсус кийим-бош ва махсус пойабзалнинг эскириши.
- 2.1.2.15. Махсус кийим-бош ва махсус пойабзал ва яқка тартибдаги химоянинг бошқа воситалари ювилганлиги, тузатилганлиги ва дезинфекция қилинганлиги учун кир ювувчилар, чузатувчилар ва бошқа юридик шахсларга ҳақ тўлаш.
- 2.1.2.16. Махсус кийим-бош ва пойабзални ювиш ва тузатишга сарфланган материаллар қиймати.
- 2.1.2.17. Умумий овқатланиш ва савдо ходимлари тиббий кўриқдан ўтказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳақ тўлаш.
- 2.1.2.18. Касса хўжалигини ва тушум инкассациясини юритиш чиқимлари.
- 2.1.2.19. Умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз салфеткалар, қоғоз дастурхонлар, қоғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати.
- 2.1.3. Сотиш бозорларини ўрганиш бўйича белгиланган нормативлар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар).
- 2.1.4. Юқорида санаб ўтилмаган сотиш бўйича бошқа харажатлар.

2.2. Маъмурий харажатлар Маъмурий харажатларга қуйидагилар киради:

- 2.2.1. 1.2-бандда санаб ўтилган бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.
- 2.2.2. 1.3-бандда санаб ўтилган бошқарув ходимларига тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар.
- 2.2.3. Хизмат енгил автотранспортига ва хизмат микроавтобус сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.
- 2.2.4. Хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари.
- 2.2.5. Бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.
- 2.2.6. Телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: маҳаллий тармоқлар; каналларни ижарага бериш; кўчма, йўлдош ва пейзаж алоқа;

радиочастота спектридан фойдаланиш; маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет учун ҳақ тўлаш.

2.2.7. Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун белгиланган нормативлар доирасида ва улардан ортиқча ҳақ тўлаш.

2.2.8. Маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш.

2.2.9. Маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек эскириш (амортизация) харажатлари.

2.2.10. Юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар.

2.2.11. Ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари.

2.2.12. Бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича белгиланган нормалар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар.

2.2.13. Белгиланган нормалар доирасида ва ундан ортиқча миқдордаги вакиллик харажатлари.

2.2.14. Умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни текин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тўлаш харажатлари.

2.2.15. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, табиий атроф мухитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари.

2.2.16. Хизматлар қийматини тўлаш ҳамда профессионал бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар.

2.3. Бошқа операция харажатлари

Бошқа операция харажатларига қуйидагилар киради:

2.3.1. Кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун нормалар доирасида ва улардан ортиқча кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бундан мустасно.

2.3.2. Лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни баргараф этиш харажатларини қоплаш, шунингдек объект қошидаги омборгача транспортда ташиш чоғидаги шикастланишлар ва бузилишлар, коррозияга қарши ҳимоя нуқсонлари туфайли келиб чиққан тафтиг харажатлари (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига мазкур харажатлар чала ишлар, шикастланиш ёки зарар кўриш учун жавобгар бўлган етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар

ҳисобига ундирилиши мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади.

2.3.3. Маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш.

2.3.4. Аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг қатнашчиларидан (мулкдорлардан) бирининг ташаббуси бўйича ўтказиладиган аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш.

2.3.5. Ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларни сақлашдан кўрилган зарарлар.

2.3.6. Саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари.

2.3.7. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни (шаҳар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ва бошқа хил ишларни) бажариш харажатлари.

2.3.8. Компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар.

2.3.8.1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари.

2.3.8.2. Бирйўла тўланадиган мукофотлар ва тақдирлашлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига кўра кўп йиллик хизмати учун ҳақ тўлаш (натурадаги тўловлар ҳам шу жумлага киради), шунингдек, улар бўйича ижтимоий жамғармаларга ўтказиладиган суммалар.

2.3.8.3. Қонун ҳужжатларига ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига мувофиқ мажбурий прогул вақти ёки паст ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш.

2.3.8.4. Вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган, ҳақиқий иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ.

2.3.8.5. Асосий иш жойи бўйича ишчиларга, хўжалик юритувчи субъект ишчи ва мутахассисларига улар ишдан ажраган ҳолда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақтда иш ҳақи тўлаш.

2.3.8.6. Икки ва ундан кўп болалари ёки ўн олти ёшгача ногирон боласи бўлган аёлларга қонунчиликка мувофиқ қўшимча меҳнат таътили ҳақини тўлаш.

2.3.8.7. Ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш.

2.3.8.8. Ходимларнинг (овқатланиши, йўл кираси, даволаниш ва дам олишга, экскурсия ва сайёҳатларга йўлланмалар, спорт секцияларида, тўғарақларда, клублардаги машғулоти, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашиши, ходимларнинг шахсий обунаси ва истъмоли ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўловлари) харажатларини қоплаш.

2.3.9. Иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар:

2.3.9.1. Қонунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тўлангунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойилик нафақани тўлаш бўйича харажатлар.

2.3.9.2. Пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланадиган нафақалар.

2.3.9.3. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг қайта ташкил этилиши, ходимлар ва штатлар сонининг қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларга тўловлар.

2.3.9.4. Ходимларга тўланадиган моддий ёрдам.

2.3.10. Соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонда объектлари таъминотига (шу жумладан барча турдаги таъмирлаш ишларини ўтказишга амортизация ажратмалари ва харажатларни ҳам қўшган ҳолда) жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган нормативлар доирасидаги ва улардан кўпроқ харажатлар.

2.3.11. Вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопландиган харажатлардан ташқари).

2.3.12. Банк ва депозитарий хизматларига тўловлар.

2.3.13. Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар.

2.3.14. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар, шунингдек Ҳукумат қарорларига биноан халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш.

2.3.15. Зарарлар, жарималар, пенялар:

2.3.15.1. Бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича йўқотишлар.

2.3.15.2. Моддий бойликларнинг табиий йўқолиши нормалари доирасидаги ва нормалардан кўпроқ, бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган йўқотишлар ҳамда камомадлар.

2.3.15.3. Ишлаб чиқариш заҳираларини ва тайёр маҳсулотни энг паст баҳолаш усули ёки сотишнинг соф қиймати бўйича қайта баҳолаш ёки баҳосини пасайтириш натижасидаги зарарлар.

2.3.15.4. Идишларга доир ишлар бўйича зарарлар.

2.3.15.5. Суд харажатлари.

2.3.15.6. Тўланиши шубҳали қарзлар бўйича заҳирага ажратмалар.

2.3.15.7. Қонунчиликка мувофиқ даъво билдириш муддати ўтган ва ундириш нореал бўлган бошқа қарзлар бўйича дебиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, шунингдек қонунчиликка мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича тўланиши шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар.

2.3.5.8. Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар операциялари бўйича кўрилган зарарлар.

2.3.15.9. Табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ва бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи ва бошқалар туфайли йўқотишлар) туфайли кўрилган қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар.

2.3.15.10. Айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар.

2.3.15.11. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари)нинг чиқиб кетиши (балансдан чиқариш)дан кўрилган зарарлар.

2.3.15.12. Хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан маҳсулотни етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган тўловлар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар.

2.3.15.13. Солиқ қонуни ва бошқа қонунларни бузганлик учун жарима ва пенялар.

2.3.15.14. Тўланган бошқа жарималар.

2.3.15. Бошқа харажатлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.10.2003 йил 444-сонли қарори 1-илоvasи I.бўлими 2.бандини э) бандчасига асосан таҳрирга киритилди

2.3.16. Ходимларга бериладиган ёки ёрдамчи хўжаликлар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг умумий оврақтланиш корхонаси учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича нарх тафовутлари.

2.3.17. Гудвилл (фирма нархи)нинг номоддий активи суммасини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулк бўйича, белгиланган тартибда.

2.3.18. Янги технологиялар яратиш ва кўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш, шунингдек илмий-тадқиқот,

тажриба-конструкторлик ишлари олиб бориш, хом ашё ва материалларнинг

янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жихозлаш билан боғлиқ маҳсулотлар сифатини ошириш харажатлари.

2.3.19. Ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик, рационализаторлик, тажриба-эксперимент ишлари олиб бориш, ихтирочилик ва рационализаторлик

таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаш, кўргазмалар ва кўриклар, танловларни, сертификатлашни ҳамда ихтирочилик

ва рационализаторлик бўйича бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлар

ҳақини тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар.

2.3.20. Ижарага берилган асосий воситаларни таъминлаш харажатлари.

2.4. Ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлари

Ушбу бўлимда сармоя билан таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган ва сармоя билан таъминладиган асосий воситалар қийматига қўшилмайдиган харажатлар санаб ўтилган.

2.4.1. Хўжалик юритувчи янги субъектлар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни ўзлаштиришга харажатлар:

2.4.1.1. Машина ва механизмларнинг айрим турларини яқка тартибда синаб кўриш ҳамда барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида (ишлатилмаётган ҳолатда) комплекс синаб кўриш.

2.4.1.2. Асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарган заводлар ёки уларнинг топшириғига биноан ихтисослаштирилган корхоналар томонидан амалга ошириладиган шефмонтаж.

2.4.1.3. Қуриладиган корхона дирекциясининг, дирекция бўлмаган тақдирда - техник назорат гуруҳининг харажатлари (маъмурий харажатлар), шунингдек хўжалик юритувчи янги субъектлар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш билан боғлиқ харажатлар.

2.4.1.4. Янги ишга тушириладиган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаш учун кадрлар тайёрлашга харажатлар.

2.4.2. Янги технологияларни яратиш ва қўлланаётган технологияларни такомиллаштириш бўйича, шунингдек илмий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жихозлаш билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича харажатлар.

2.4.3. Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар.

2.4.4. Серияли ва кенг кўламда чиқариладиган маҳсулотлар Янги турларини ишлаб чиқаришни ҳамда технологик жараёнларни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари.

2.4.5. Қонунчиликка мувофиқ ишчи кучлари қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар.

2.4.6. Ихтирочилик ва ишлаб чиқариш тусидаги рационализаторликка, тажриба-синов ишларини ўтказиш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифлар бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаб кўриш, ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича кўргазмалар ва кўриклар, танловлар, сертификатлашни ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлик мукофотларини тўлаш ҳамда бошқа харажатлар.

2.4.7. Қазилмаларни қазиб олиш соҳаларидаги тайёргарлик ишлари харажатлари, агар улар капитал харажатларга тааллуқли бўлмаса (яъни асосий фондлар сифатида сармоя билан таъминланмаса).

2.4.8. Хўжалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш линияларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар

3.1. Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлардан ташқари), шу жумладан, муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар.

3.2. Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари.

3.3. Чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлари ва зарарлар.

3.4. Сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар.

3.5. Ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар.

3.5. Ўз харажатлар.

3.6. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт.

4. Фавқулодда зарарлар

Фавқулодда зарарлар - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар моддаларидир. Бунга фавқулодда моддалар ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бўлган ўтган давр моддалари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслик;
- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.

Тегишли моддаларни фавқулодда харажатларга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда – иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай туриб қолишлар фавқулодда деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда "бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак" мезонига жавоб бермайди.

В. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижасида олинadиган даромадлар рўйхати

1. Сотишдан олинadиган соф тушум
2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинadиган бошқа даромадлар
3. Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар
4. Фавқулодда фойда

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириши натижасида олинadиган даромадлари ҳисоботга куйидаги асосий бўлимлар бўйича киритилади:

- Сотишдан олинган соф тушум.
- Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари).
- Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар.
- Фавқулодда даромадлар.

1. Сотишдан олинadиган соф тушум

1.1. Сотишдан олинган соф тушум маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган, ундан қўшилган қиймат, акциз солики ва экспорт бож пошлинаси, чегирилган тушум сифатида аниқланади. Унга товарларнинг қайтариллиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

1.2. Экспорт фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар, даромад (фойда)ни амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисоблаб чиқарадилар.

1.3. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушум бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинadиган бошқа даромадлар

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинadиган бошқа даромадларга куйидагилар киради:

2.1. Ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар.

2.2. Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда.

2.3. Ишлаб чиқариш ва махсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар.

2.4. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондларини ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар.

2.5. Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

2.6. Товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш. Товар-моддий бойликларни тўлиқ баҳолаш суммаси махсулот (ишлар, хизматлар) сотилишига кўра солиқ солинадиган даромадга киритилади).

2.7. Давлат субсидияларидан даромадлар (солиқ солишда ялпи даромадга киритилмайди).

2.8. Холисона молиявий ёрдам.

2.9. Бошқа операциялардан даромадлар.

3. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

3.1. Олинган роялтилар ва сармоя трансферти.

3.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегашли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар.

3.3. Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш).

3.4. Валюта счёtlари, шунингдек чет эл валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари.

3.5. Сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

3.6. Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

4. Фавқулодда фойда

Фавқулодда фойда моддалари - бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ходиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг

фавкулудда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

Г. Товар-моддий захираларни, тугалланмаган ишлаб чиқаришларни, шунингдек келгуси даврлар харажатларини баҳолаш

Ушбу Низомга мувофиқ ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобот даври мобайнида ишлаб чиқариш счётларида ва тайёр маҳсулот счётида шаклланиши керак. Бироқ бир турдаги маҳсулотни серияли (кенг кўламда) ишлаб чиқаришда фавкулудда ҳолатлар туфайли келиб чиққан фавкулудда ёки бир галги харажатлар тайёр маҳсулот таннархига киритилмаслиги, балки сотиш харажатлари сифатида тўғридан-тўғри ҳисобдан чиқарилиши керак.

Товар-моддий бойликлар захираларини, тугалланмаган ишлаб чиқаришни, шунингдек, келгуси даврлар харажатларини баҳолаш "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Келгуси даврлар харажатлари харажатларнинг алоҳида тоифасини ташкил қилади. Улар жорий даврда амалга оширилади, бироқ кейинги ҳисобот даврларидаги ишлаб чиқариш харажатларига кўшилади. Бироқ мазкур Низомга мувофиқ ушбу харажатлардан 2-иловада келтирилган рўйхатдаги харажатлар чиқариб ташланади (улар Ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган харажатлари сифатида акс эттирилади).

Д. Солиқ солинадиган базани аниқлаш

Хўжалик юритувчи субъектнинг даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солинадиган база қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

Даромад (фойда) солиғи тўлангунгача бўлган даромад (фойда) ёки зарар (Низомнинг А-Г бўлимларига мувофиқ) плюс 1-иловада келтирилган бухгалтериядаги фойда билан солиқ солинадиган фойда ўртасидаги доимий тафовутлар плюс ёки минус 2-иловада келтирилган сарфланган харажатларни солиқ олинадиган базадан чегириб ташлаш вақтидаги тафовутлар минус қонунчиликка мувофиқ солиқлар бўйича имтиёзлар тенг бўлади - Даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солинадиган база.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга 1-ИЛОВА

I. Солиқ солинадиган базага* киритиладиган харажатлар моддалари (чегирилмайдиган харажатлар ёки доимий тафовутлар)

II. Банклар, суғурта ташкilotлари, видеосалонлар, видеокўрсатув, видео ва аудиога ёзиш пунктлари, кимошди савдолари, пули ютуқлари бўлган казино, ўйин автоматлари, нодавлат органлари томонидан

ўтказиладиган лотерея ўйинлари, оммавий концерт-томоша тадбирлари, шунингдек 1995 йил 1 январгача амалда бўлган солиқ солиш тартибини сақлаб қолган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун солиқ олинадиган базадан чиқарилмайдиган харажатларнинг қўшимча моддалари

I. Солиқ солинадиган базага* киритиладиган харажатлар моддалари (чегирилмайдиган харажатлар ёки доимий тафовутлар)

Ишлаб чиқариш таннархи бўйича:

1.1. Корхоналар томонидан сув хўжалиги тизимларидан белгиланган лимитлардан ортиқча ишлатиладиган сув учун тўлов.

1.2. Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий ишдан чиқиш нормаларидан ортиқча нобудгарчиликлар, бузилишлар ва камомадлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ишчилари ва бошқа ходимларн меҳнатига харажатлар бўйича:

1.3. Айрим тармоқлар ходимларига бепул кўрсатиладиган коммунал хизматлар, бериладиган овқатлар, махсулотлар қиймати, ходимларга бепул бериладиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (бепул берилмаган уй-жой, кўрсатилмаган коммунал хизматлар ва шу кабилар учун пул компенсацияси суммаси).

1.4. Хўжалик юритувчи субъект ходимларига "Ишлаб чиқариш таннархи" бўлимининг 1.2.7 - бандида кўрсатилган қўшимча тўловларнинг бошқа турлари.

1.5. Моддий ёрдам (шу жумладан кооператив уй-жой қурилишига бошланғич бадал учун, кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилишига берилган кредитни қисман тўлаш учун ходимларга бепул моддий ёрдам).

1.6. Жамоа шартномаси бўйича ходимларга қўшимча равишда (қонунчиликда назарда тутилгандан ортиқча) берилган таътиллار, улар бўйича компенсация тўловлари.

1.7. Ходимларга бериладиган махсулотлар (ишлар, хизматлар) ёки хўжалик юритувчи субъектнинг умумий овқатланиш учун ёрдамчи хўжаликлар тайёрлайдиган махсулотлар нархлари бўйича тафовутлар.

1.8. Хўжалик юритувчи субъект раҳбари қарорига кўра амалга ошириладиган, ишлаб чиқариш ходимларининг қонунчиликда назарда тутилган нормалардан ортиқча хизмат сафарлари билан боғлиқ тўловлар.

Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича:

1.9. Нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар.

Асосий воситалар ва моддий активлар амортизацияси бўйича

1.10. Суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча ажратмалар.

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар бўйича:

1.11. Табиий атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари

1.12. Тегишли ваколатли органлар қарорларисиз тўланадиган, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар туфайли меҳнат қилиш лаёқатини йўқотишлар билан боғлиқ нафақалар.

Давр харажатлари бўйича

1.13. Реклама ва маркетинг учун белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар.

1.14. Хизмат енгил транспорти ва хизмат микроавтобусини сақлашга сарфланадиган харажатлар, уларни ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.

1.15. Телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: каналларни ижарага бериш; кўчма, йўлдош ва пейжинг алоқа; радиочастота спектридан фойдаланиш; маълумотларни узатиш тармоқлари учун ҳақ тўлаш, маҳаллий тармоқлар ва Интернет бундан мустасно, шунингде фақат банк хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган телекоммуникациялар хизмати учун ҳақ тўлаш (кўчма ва пейжи алоқадан ташқари).

1.16. Шахарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлар учун белгиланган нормативлардан ортиқча тўлов.

1.17. Юқори органлар ҳамда юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар.

1.17-1. Бошқарув ходимларига тегишли нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар.

1.18. Бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари учун белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар.

1.19. Қонунчиликда белгиланган норматив ва нормалардан ортиқча вакиллик харажатлари.

1.20. Умумий овқатланиш корхоналари учун бепул бинолар бериш харажатлари, уларга коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш ва бошқалар.

1.21. Ходимларни ва мол-мулкни ихтиёрий суғурта қилишга ҳамда ихтиёрий суғуртанинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқа турларига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар.

1.21-1. Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тааллуқли бўлмаган атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва унга чиқиндиларни жойлаштирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча компенсация тўловлари.

1.21-2. Хизматлар қийматини тўлаш ҳамда профессионал бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар.

1.22. Хўжалик юритувчи субъект соҳасига тўғри келмайдиган касблар бўйича ва нормалардан ортиқча кадрлар тайёрлаш харажатлари.

1.23. Лойихалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунгача содир бўлган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, занглашдан химоя қилишдаги камчиликлар оқибатида текшириб кўриш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) бўйича харажатлар ва шу каби бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки нобудгарчиликлар учун жавобгар етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундириш мумкин бўлмаган миқдорда, қопланади.

1.24. Хўжалик юритувчи субъект қатнашчиларидан (мулкдорларидан) бирининг ташаббуси бўйича амалга оширилган аудиторлик хизматлари учун тўлов.

1.25. Ўз хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликлариغا сарфланган харажатлардан кўрилган зарарлар.

1.26. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлмаган саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари харажатлари.

1.27. Махсулот ишлаб чиқариш (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа иш турлари) билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сарфланган харажатлар.

1.28. Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра бир йўла тўланадиган мукофотлар ва тақдирлашлар, узоқ йил ишлаганлик учун тўловлар, шу жумладан натура тўловлари, шунингдек улар бўйича ижтимоий жамғармаларга ўтказилган суммалар.

1.29. Ходимларга товарлар, махсулотлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш.

1.30. Ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланишга, йўл ҳақиға, даволаниш ва дам олишга, экскурсияларга, саёҳатларга йўлланмаларга, спорт секцияларида, тўғарақларда, клубларда машғулотларга, маданий-кўнгилочар томошаларга, жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига, обунага ва ходимларнинг шахсий истеъмол товарларига ва бошқа шу кабиларга тўловлар).

1.31. Пенсияларга устамалар, пенсияга чиқётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланадиган нафақалар.

1.32. Ходимларга тўланадиган моддий ёрдам, ходимнинг жароҳатланиши ёки бошқа тарзда соғлиғига шикаст етказилиши ва ходим

оила аъзоларининг вафоти муносабати билан бериладиган моддий ёрдамдан ташқари.

1.33. Соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлар, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонди объектлари таъминотига (шу жумладан барча турдаги таъмирлашларни ўтказиш учун амортизация ажратмалари ва харажатларни ҳам қўшган ҳолда) жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган нормативлардан ортиқча харажатлар.

1.34. Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига (агар улар юридик шахслар сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса), маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар.

1.35. Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тегишли бўлмаган моддий бойликларнинг табиий камайиш нормаларидан ортиқча нобудгарчилиги ва камомади.

1.36. Суд харажатлари.

1.37. Тўланиши шубҳали қарзлар бўйича заҳирага ажратмалар.

1.38. Айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар.

1.39. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари)нинг чиқиб кетиши (балансдан чиқарилиши)дан кўрилган зарарлар, хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йилдан ортиқ ишлатилган асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарардан ташқари.

1.40. Хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан махсулот етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар.

1.41. Солиқ ҳақидаги қонунларни ва бошқа қонунларни бузганлик учун жарима ва пенялар.

1.42. Тўланган бошқа жарималар.

1.43. Хўжалик юритувчи субъектнинг "Давр харажатлари" бўлимининг 2.3.21-бандида кўрсатилган бошқа операция харажатлари.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар

1.44. Тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар.

1.45. Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг узоқ муддатли кредитлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирадиган инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар, шунингдек

лизинг объектини сотиб олиш учун олинган кредитлар бўйича белгиланган бошқа тўловлар фоизларидан ташқари).

1.46. Қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ харажатлар.

1.47. Қимматли қоғозлар қийматини муддатидан олдин тўлаш муносабати билан вужудга келган дисконт, агар у бюджетдан қарзларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса.

Товар-моддий захираларни қайта баҳолаш билан боғлиқ харажатлар моддалари

1.48. Қайта баҳолашни ўтказиш чоғида пайдо бўладиган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида, инфляция жараёнларини ҳисобга олиш учун товар-моддий захиралар қийматининг ортиши қайта баҳолаш заҳира счётига кредит қилинади ва хўжалик юритувчи субъект фойдаси таркибида кўрсатилмайди. Бироқ солиқ солинадиган базани баҳолаш мақсадида қийматнинг бундай оширилиши тескари тартибда ушбу иловага мувофиқ баланс фойдага қўшилади.

II. Банклар, суғурта ташкilotлари, видеосалонлар, видеокўрсатув, видео ва аудиога ёзиш пунктлари, кимошди савдолари, пулли ютуқлари бўлган казино, ўйин автоматлари, нодавлат органлари томонидан ўтказиладиган лотерея ўйинлари, оммавий концерт-томоша тадбирлари, шунингдек 1995 йил 1 январгача амалда бўлган солиқ солиш тартибини сақлаб қолган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун солиқ олиннадиган базадан чиқарилмайдиган харажатларнинг қўшимча

моддалари

2.1. Ишлаб чиқариш харажатлари бўйича:

2.1.1. Амалда бажарилган ишлар учун хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига, шу жумладан меҳнат унумдорлигини ҳисобга олиш бўйича бошланғич ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловларга мувофиқ ишбай баҳолар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш тусидаги ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи.

2.1.2. Касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар.

2.1.3. Иш тартиби ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

2.1.3.1. Технологик жараён жадвалида назарда тутилган, тунги вақтда, белгиланган вақтдан ташқари, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устама ва қўшимча ҳақлар.

2.1.3.2. Кўп сменали тартибда ишлаганлик, касбларни қўшиб бажарганлик ва хизмат кўрсатиш теграсини кенгайтирганлик учун устамалар.

2.1.3.3. Ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шaroитларида ва табиий-иқлим шaroитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан ушбу шaroитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш хақиға устамалар.

2.1.3.4. Алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва тош йўллар ходимлари ҳамда доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусидабўлган бошқа ходимлар иш хақиға, йўлда ўтадиган хар бир сутка учун, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаб кетган вақтидан у ерга қайтиб келган вақтигача тўланадиган устамалар.

2.1.3.5. Қурилишда, реконструкция қилишда ва тўлиқ таъмирлашда бевосита банд бўлган ходимлар учун, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган холларда ишлар вахта усулида бажарилганда, ишларнинг кўчма ва қатнов тусидалиги учун устамалар.

2.1.3.6. Ер ости ишлари билан доимий банд бўлган ходимларга, уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ.

2.1.3.7. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан район коэффицентлари ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффицентлар билан белгиланган тўловлар.

2.1.3.8. Хўжалик юритувчи субъект жойлашган жой (тўпланиш пункти)дан иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахта усулида ишлаш жадвалида назарда тутилган йўлда бўлинган кунлар учун, шунингдек ходимларнинг метеорология шaroитлари бўйича ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оқлад миқдорида тўланадиган суммалар (ишлар вахта усулида бажарилганда).

2.1.4. Иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамлаб ҳисобга олинган тақдирда ва қонунчиликда белгиланган бошқа холларда ходимларга иш вақтининг нормал давом этиш муддатидан ортиқча ишлаганлик муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (иш вақтидан ташқари ишлаганлик учун бериладиган дам олиш кунлари) учун ҳақ тўлаш.

2.1.5. Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш.

2.1.5.1. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ навбатдаги (хар йилги) ва қўшимча таътиллер, фойдаланилмаган навбатдаги (хар йилги) таътиллер ва қўшимча таътиллер учун компенсация, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, оналарнинг чақалоқни овқатлантириш учун ишдаги танаффуслари, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш.

2.1.5.2. Асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга тўловлар.

2.1.6. Давлат вазифаларини (харбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва хоказо) бажарганлик учун меҳнат ҳақи тўлаш.

2.1.7. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасига белгиланган тартибга мувофиқ киритилмаган бошқа хил тўловлар.

2.2. Давр харажатлари бўйича:

2.2.1. Мазкур Низомнинг 1.2-бандида санаб ўтилган бошқарув ходимларига тегишли ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари.

2.2.2. Қонунчиликка мувофиқ ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига кўра мажбурий ишга чиқилмаган вақт ёки паст ҳақ тўланадиган иш бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш.

2.2.3. Меҳнат лаёқати вақтинча йўқотилган тақдирда қонунчиликда белгиланган амалдаги иш ҳақиғача бўлган устама.

2.2.4. Асосий иш жойи бўйича ишчиларга, хўжалик юритувчи субъект ишчилари ва мутахассисларига улар ишдан ажралган ҳолда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақт учун ҳақ тўлаш.,

2.2.5. Болаларни тарбиялаётган аёллар таътилига қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўлаш.

Изоҳ. Ушбу илованинг биринчи қисмида (1.1, 1.2, 1.11, 1.12, 1.21, 1.35, 1.36, 1.37, 1.37, 1.38, 1.40, 1.41, 1.42, 1.47-бандлардан ташқари) назарда тутилган харажатлар сметаси хўжалик юритувчи субъектнинг ваколатли бошқарув органи (қатнашчилар, муассисларнинг умумий йиғилиши, акциядорлик жамиятларида эса кузатувчи кенгаш)томонидан тасдиқланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг устав жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тақдирда харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга 2-ИЛОВА

Ушбу даврнинг солиқ солинадиган базасидан чиқарилмайдиган, бироқ кейинги даврларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатлар (вақтлар бўйича тафовутлар)

Харажатларнинг ушбу моддалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади. Бироқ улар солиқ олиш мақсадлари учун уларни солиқ солинадиган базага киритиш учун фойдага қайтадан ҳисобга олинади, сўнгра эса ушбу харажатларнинг бутун фойдали муддати давомида ёки 10 йил мобайнида, ушбу муддатлардан қайси бирининг (вақтлар бўйича тафовутларнинг) қисқа бўлишига қараб, кейинчалик чиқариб ташланади.

Товар-моддий захираларни давр харажатлари сифатида ҳисобга олинадиган иккита энг паст таннарх: таннарх бўйича ёки соф бозор нархи бўйича баҳолаш билан боғлиқ бўлган махсус ажратмалар срилиқ солинадиган

базани хисоблашда фойда таркибига қайтадан киритилади, бироқ товар-моддий захиралар ҳақиқатан сотилгандан кейин чегириб ташланади.

Ушбу даврнинг солиқ солинадиган базасидан чиқарилмайдиган, бироқ кейинги даврларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатларга қуйидагилар киреди:

1. Хўжалик юритувчи янги субъектлар, ишлаб чиқаришлар, цехлар ва агрегатларни ўзлаштириш харажатлари.

2. Машина ва механизмларнинг айрим турларини яқка тартибда синаб кўриш ҳамда барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида (ишлатилаётган ҳолатда), комплекс синаб кўриш харажатлари.

3. Асбоб-ускуналарни етказиб берган заводлар ёки уларнинг топширигага биноан- ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган шефмонтаж харажатлари.

4. Қурилаётган хўжалик юритувчи субъект дирекциясининг, дирекция бўлмаган тақдирда - техник назорат гуруҳининг харажатлари (маъмурий харажатлар), шунингдек хўжалик юритувчи янги субъектлар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш билан боғлиқ харажатлар.

5. Янги ишга туширилган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш харажатлари.

6. Янги технологияларни яратиш ва қўлланаётган технологияларни такомиллаштириш бўйича, шунингдек илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жихозлаш билан боғлиқ бўлган махсулотлар сифатини ошириш бўйича харажатлар.

7. Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар.

8. Серияли ва кенг кўламда чиқариладиган махсулотларнинг Янги турларини ишлаб чиқариш ҳамда технологик жараёнларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўзлаштириш харажатлари.

9. Қонунчиликка мувофиқ ишчи кучлари қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар.

10. Ихтирочилик ва ишлаб чиқариш тусидаги рационализаторлик, тажриба-синов ишлари ўтказиш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналар тайёрлаш ва синаб кўриш, ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича кўргазмалар ва кўриклар, танловлар ўтказиш, сертификатлаш ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш харажатлари, муаллифлик мукофотлари тўлаш ҳамда бошқа харажатлар.

11. Қазилмаларни қазиб олиш соҳаларидаги тайёргарлик ишлари бўйича харажатлар, агар улар капитал харажатларга тааллуқли бўлмаса (яъни асосий фондлар сифатида сармоя билан таъминланмаса).

12. Хўжалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш линияларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.

13. Жадаллаштирилган метод билан ҳисобланган амортизация суммаси ва белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ:

а) асосий воситалар бўйича - солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ;

б) номоддий активлар бўйича - бошланғич қийматидан ва фойдали ишлатиш муддатидан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисоблаб чиқилган нормаларга мувофиқ".

11.3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини пасайтириш йўллари

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот бирлигининг таннархини пасайтириш энг зарур масалалардан биридир. Маҳсулот бирлиги таннархини пасайтириш ресурслар чекланган шароитда катта амалий аҳамият касб этади. Маҳсулот таннархи тўғридан-тўғри икки омилга боғлиқ. Биринчидан, етиштирилаётган маҳсулотнинг миқдорига боғлиқ. Етиштирилаётган маҳсулот миқдорининг ошишига нималар ижобий таъсир этса, улар устида ишлаш лозим. Буларга деҳқончиликда қуйидагилар киради:

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Бу, ўз навбатида, ҳосилдорликнинг ўсишига олиб келади;

- минтақалар шароитига мос бўлган, илмий асосланган қишлоқ хўжалиги юритиш тизимини жорий этиш;

- алмашлаб экишни тўғри жорий қилиш, талаб ва имкониятдан келиб чиққан ҳолда экин турларини жойлаштиришни рационал ташкил этиш;

- уруғчиликни яхшилаш, селекция ишларини жонлантириш;

- маъданли ва органик ўғитлардан фойдаланишни илмий асосга қўйиш, барча кимёвий воситалардан самарали фойдаланиш;

- ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш.

Деҳқончилик тармоқларида маҳсулотлар таннархининг паст бўлишига харажатларни тежаш ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу борадаги омилларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш;

- экинларни парваришда интенсив технологияларни қўллаш;

- ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш;

- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва жойлаштириш;

- ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш;

- агросаноат интеграциясини чуқурлаштириш, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларнинг мутаносиб ривожлантирилиши;
- бошқарув тизимини ривожлантириш ҳисобига у билан боғлиқ харажатларни тежаш;
- қишлоқ жойларда ижтимоий ривожланишни таъминлаш.

Чорвачилик тармоғида маҳсулот бирлиги таннархининг пасайишига қўйидаги омиллар таъсир қилади:

- чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, ем-хашакнинг сифатини ошириш ва нисбатан арзон бўлишини таъминлаш;
- чорва молларининг зотини, пода таркибини яхшилаш;
- чорва молларини сақлаш, боқишнинг интенсив технологияларидан фойдаланиш;
- чорвачилик маҳсулотлари сифатини ошириш;
- чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш;
- фондлардан фойдаланишнинг энг мўътадил (оптимал) йўлларида фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришнинг қуюқлашуви (концентрациялашуви) ва ихтисослашувининг энг маъқул ҳажмларини ташкил этиш;
- ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш;
- қишлоқда ижтимоий масалаларнинг ечимини топиш;
- барча харажатларни тежамкорлик билан амалга ошириш, бу борада мавжуд технологиялардан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларида самарали фойдаланиш;
- маҳсулот нобудгарчилигига йўл қўймаслик.

Ушбу омилларнинг барчасига катта эътибор бериш зарурати мавжуд. Албатта, бу масалаларни тўғри ҳал этиш ишчи ходимларнинг нафақат манфаатдорлигига, балки билим ва тажрибаларига ҳам боғлиқ. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганларнинг билим ва тажрибасини тинмасдан ошириб боришни таъминлаш керак.

Қисқача хулосалар

Маҳсулотлар таннархи иқтисодий категориялардан бири бўлиб, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодасидир. Тўла таннарх деганда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодасига тушунилади.

Маҳсулотларнинг таннархи шаклланишига жуда кўплаб омиллар таъсир этади. Маҳсулот таннархини пасайтириш агросаноат мажмуасининг самарадорлигини оширади. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида

маҳсулот бирлигининг таннархини пасайтириш бўйича катта имкониятлар мавжуд.

Таянч иборалар

Ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, харажатлар калькуляцияси, асосий маҳсулот, қўшимча маҳсулот, ёндош маҳсулот, тежамкорлик, фонд қайтими, фонд сиғими, фонд билан таъминланиш ва қуролланиш, айланма фондлар, айланма маблағлар, самарадорлик коэффициенти, асосий фондларнинг эскириши, жисмоний эскириш, амортизация, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, худуд иқтисодиёти, тармоқларнинг мутоносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини фонд, фонда қайтими, ялпи ички маҳсулот, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, натурал кўрсаткичлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Таннарх тушунчаси нимани англатади?
2. Таннархнинг моҳияти ва аҳамияти.
3. Таннархнинг қандай турлари мавжуд?
4. Тўлиқ таннарх.
5. Ишлаб чиқариш таннархи.
6. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар таннархи қандай усуллар орқали ҳисобланади?
7. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот бирлигининг таннархини пасайтиришга қандай омиллар таъсир этади?
8. Қишлоқ хўжалигида иш бирлигининг таннархини пасайтиришга қандай омиллар таъсир этади?
9. Ўсимликчиликда маҳсулотлар таннархини аниқлаш тартиби.
10. Чорвачиликда маҳсулотлар таннархини аниқлаш тартиби.

Адабиётлар рўйхати

1. Ҳакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
2. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Ҳакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
3. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.

4. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.
5. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

12-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ТАРМОҚЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НАРХЛАРИ

12.1. “Нарх” тушинчаси, унинг моҳияти ва функциялари

Иқтисодий категориялар орасида энг мураккаби ва ўзида барча омилларни ифодалаши бўйича нархга тенг келадигани кам. Айрим иқтисодий адабиётларда “нарх”, айримларида “баҳо” тушинчаси ишлатилади. Биз бу сўзларнинг моҳиятида бир нарсани кўрамиз. Иқтисодий адабиётларда нархнинг бир неча тарифи мавжуд.

Нарх – маҳсулот қийматининг пулда ифодаланишидир. Бу ерда қиймат қонуни амал қилади. Нархнинг талаб ва таклиф асосида қиймат атрофида ўзгариб туриши қиймат қонунининг мазмунини ифодалайди. Нархнинг қиймат қонуни асосида аниқланиши фақатгина инсон меҳнатлари меваларига нисбатан ишлатилади. Инсон меҳнати сарфланмаган табиий ресурслар ер, сувнинг нархини бу таъриф билан аниқлаш мумкин эмас. Қиймат назариясига кўра ер ва сув айрибошлаш қийматига эга эмас ва шунинг натижасида унинг бу назария асосида нархини аниқлаш мумкин эмас.

Бозор қонуниятлари асосида нарх – бу айрибошлаш жараёнида маҳсулотлар (неъматлар)нинг қимматини (нафлилигини) акс эттириш шаклидир. Нархнинг бу тарифи нисбатан кенг бўлиб, бозор муносабатлари талабларига тўлиқроқ жавоб беради. Нархга берилган бу тарифда икки ҳолатни кўриш мумкин. Биринчидан товарлар (неъматлар) нархи унинг бирор эҳтиёж учун қанчалик нафга, қимматга эга эканлигини кўрсатади. Иккинчидан неъматлар нархи фақатгина айрибошлаш жараёнида юзага чиқади. Бошқача қилиб айтганда нарх фақатгина бозорда (олди сотди жараёнида шаклланади) вужудга келади ва бозорсиз уни ифодалаш мумкин эмас. Шу сабабли нархга қуйидагича тариф ҳам бериш мумкин. Нарх – бу бирор неъматнинг нафлилигини ҳисобга олган ҳолда истеъмолчи (харидор) томонидан тўлашга рози бўлган суммадир.

Бозорда маҳсулотлар нархларининг қандай бўлиши кўплаб омилларга боғлиқ. Шулардан энг асосийси талаб ва таклиф миқдорининг бир – бирига мос келишидир. Албатта, бу умумий қоида узоқ муддатга сақланиб туради. Лекин айрим ҳолларда, маҳлум даврларда талаб ва таклиф бозор иштирокчиларининг таъсирида мос келмаслиги, кўпроқ фойда олиш мақсадида қонуният юзасидан шаклланган нарх ўзгартирилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда шу товарнинг ўрнини босадиган бошқа товарларнинг мавжудлиги, уларнинг нархлари катта омил бўлиб юзага чиқади. Агарда биз истеъмол қилмоқчи бўлган таварнинг нархи кескин ёки қисман оширилса, истеъмолчи сифатида дарҳол унинг ўрнини босадиган бошқа товар излаймиз. Ўрнини босадиган янги товарнинг нархи пастроқ бўлган ҳолда биз шу янги

товарни сотиб оламиз. Натижада, бундай ҳолат маълум вақт ўтгандан кейин дастлабки товар нархининг ҳам пасайишга олиб келади.

Маҳсулотлар нархига таъсир этувчи энг кучли омиллардан бири истеъмолчилар харид қилиш қобилиятларининг юқори ёки паст бўлишидир. Бу омилни ҳам ҳисобга олиш зарурати катта. Бозорда шаклланаётган нарх ишлаб чиқаришнинг, хизмат кўрсатиш соҳасининг нима билан шуғулланишини белгилайди. Ишлаб чиқариш ресурсларининг доимий равишда тармоқлар ўртасида тақсимланиб ва қайта тақсимланиб туришига олиб келади. Шу йўл билан мамлакат иқтисодий маълум даражада тартибга солиниб турилади ва талаб бор соҳаларнинг ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодий жиҳатдан асосланган маҳсулот қийматидан паст, лекин уни ишлаб чиқариш ва сотишга кетадиган харажатлардан, бошқача қилиб айтганда, маҳсулот таннархидан юқори бўлиши керак. Ана шу қонуният таъминланган ҳолда маҳсулот ва хизмат турларини ишлаб чиқариш ривожланиб боради. Бу зарурият қишлоқ хўжалигида доимо ҳам ижобий юзага чиқмайди. Гап шундаки, қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда яхши, ўрта ва ёмон имкониятлардан ҳам фойдаланилади. Чунончи, халқнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ёмон шароитга эга ерлардан ҳам фойдаланиш зарурлигини келтириб чиқаради. Натижада яхши, унумдор ерда деҳқончилик қиладиганларнинг оладиган маҳсулоти кўп ва харажатлари кам бўлади. Ёмон, унимсиз ерларда деҳқончилик қилганлар эса кўп харажат қиладилар ва кам маҳсулот етиштирадилар. Бозорда эса нарх бу шароитларни ҳисобга олмайди. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида нарх сиёсати, ишлаб чиқарувчилар даромадларининг камайиб кетишига йўл қўймаслик учун давлатнинг аралашуви зарурати келиб чиқади. Нархлар турли тармоқлар ўртасида юзага келадиган айрибошлаш жараёнида фаол иштирок этади. Бу борада нархлар иқтисодий тармоқлари ўртасидаги айрибошлашни мўътадил бўлишини таъминлаши керак.

Нархлар қуйидаги функцияларни бажардилар:

- ўлчаш функцияси. Нархлар товарларнинг қийматини аниқлашга ёрдам қилиши лозим;

- ҳисобга олиш ёки ҳисоблаш функцияси. Нархлар ҳар бир маҳсулот ва хизмат тури қанчага тушаётганини билдиради. Нархлар орқали барча иқтисодий кўрсаткичлар аниқланади. Уларнинг ёрдамида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти, ишлаб чиқариш ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги ва бошқалар аниқланади;

- талаб ва таклифни баланслаштириш функцияси. Нархлар ишлаб чиқарувчи ва маҳсулотларни сотиб олувчини ҳамда талаб ва таклифни боғлаб туради, мувозанатлаштиришга хизмат қилади ва уларнинг таъсирида ўзи мувозанатлашади.

- тартибга солиб туриш функцияси;

- рағбатлантирувчилик функцияси. Нархлар иқтисодиётни тартибга олиб туришда ва зарур бўлинмаларни тезда ривожлантиришда катта дастак ҳисобланади. Нархларнинг маҳсулот таннархидан юқори бўлиши ишлаб чиқарувчилар фойда қилишини таъминлайди. Нарх қанча баланд бўлса, харажатлар ўзгармаган ҳолда корхона шунча кўп фойда олади. Албатта, бу ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни рағбатлантиради. Аксинча, нарх маҳсулот таннархидан паст бўлган ҳолда ривожланиш ҳақида гап бориши мумкин эмас. Маҳсулотлар сифатининг ошишида ҳам нархнинг рағбатлантирувчилик функцияси катта аҳамият касб этади. Юқоридагиларни эътиборга олиб нархлар рағбатлантирувчи функциясини бажаришда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак: 1. рағбатлантирувчи нарх иқтисодиёт ривожини учун зарур; 2. Маҳсулот сифатини ошириш янги экин навларин жорий этишга, янги техника ва технологияни ишга туширишга, уруғликнинг сифатини ортиши харажатларнинг кўпроқ бўлишини талаб қилади; 3. рағбатлантирувчи нархнинг бир қисми ушбу харажатларни қоплашга ишлатилиши лозим; 4. рағбатлантирувчи нархнинг иккинчи қисми юқорида қилинган ишлар эвазига қўшимча ўсган сифатни рағбатлантириш зарур; 5. нархнинг ошиши ишлаб чиқарувчинини рағбатлантириши ва истеъмолчининг ҳам мақсадларига мос бўлиши керак; 6. маҳсулот таркибига кирган фойда билан ва нархлардаги чегирмалар орқали ишлаб чиқарувчинини рағбатлантириши кераклиги эътиборга олиниб турилади;

- тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси. Нарх мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ўртасида яратилган даромадни тақсимлайди ва қайта тақсимлайди. Бундан ташқари у мамлакатда яратилган даромадни истеъмол ва жамғарма фондларига тақсимланишини таъминлайди.

- Ишлаб чиқаришни мўътадил жойлаштириш функцияси.

- Маълумот бериш функцияси.

Иқтисодий асосланган нарх ишлаб чиқаришни мўътадил ривожлантириш учун зарур бўладиган рентабеллик даражасини ҳисобга олганда қуйидаги кўринишни олади.

$$H = I_x \times (1 + P_d / 100),$$

Бунда: H – нарх; I_x – ишлаб чиқариш харажатлари; P_d – мўътадил рентабеллик даражаси.

12.2. Қишлоқ хўжалигида нархлар тизими

Иқтисодиётнинг тармоқлари, соҳалари кўп бўлганлиги сабабли нархларнинг ҳам тури кўп. Бундай бўлишининг объектив сабаблари мавжуд. Нархларнинг турининг кўп бўлиши қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ.

- нархларнинг турли даражада (дунё, мамлакат, тармоқ, ҳудуд) шаклланиши ва ишлатилиши;

- маҳсулот, хомашё ва бошқа товарларни сотиш каналларининг турлича эканлиги;
- товарни сотувчидан истеъмолчига ҳаракатланиш босқичларида турли нархда (улгуржи, чакана, топшириш) бўлиши;
- товарларни сотиш ҳажмининг турлича бўлиши.

Қишлоқ хўжалигида нархларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиш нархлари. Ўзбекистон Республикасида ҳозирда асосан пахта ва дон маҳсулотлари учун харид нархлари ўрнатилган;

- дунё нархлари.

- деҳқон бозори нархлари. Деҳқон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига асосан улгуржи ва чакана нархлар ишлатилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йирик миқдорда харид қилувчилар улгуржи нархлардан фойдаланадилар. Одатда, улгуржи нархлар чакана нархлардан анча паст бўлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари пишиб етилган пайтда ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини тезроқ сотиш мақсадида улгуржи нархларда сотадилар. Чакана нархларда асосан, оила эҳтиёжлари учун маҳсулотлар сотиб олинади. Ихтисослашган дўконларда ҳам асосан, чакана нархларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилади;

- қишлоқ хўжалигида ички ҳисоб-китобларни олиб бориш учун ҳисоб нархларидан кенг фойдаланилади. Ҳисоб нархлари устун даражада ширкат билан шартнома асосида фаолият кўрсатаётган оила пудрати ўртасидаги ҳисоб-китобларни олиб боришда ишлатилади;

- қишлоқ хўжалигида хизматлар учун асосан, таъриф нархларидан фойдаланилади. Ҳозирда қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатадиган МТП хизматлари ана шу нархлардан фойдаланилган ҳолда олиб борилади;

- қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишларида эса асосан смета қиймати нархлари ишлатилади;

- ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигида шартнома нархлари ҳам кенг қўлланилмоқда.

- лицензия нархлари.

- кафолатланган нархлар.

Нархлар бозорда ҳаракат қилиш шароитларига қараб эркин ва монопол нархларга бўлинади. Эркин нархлар давлатнинг аралашувисиз бозорларда эркин шалланади. Давлат томонидан қатъий қилиб ўрнатилган нархлардан эркин нархларга ўтишга нархларнинг либераллашуви (эркинлашуви) дейилади. Монопол нархлар бозорни тўлиқ назарат қилиб турган иқтисодиёт субъектлари (компаниялар, фирмалар ва х.з.) томонидан ўрнатилади. Бу бозор муносабатларида ижобий ҳол ҳисобланмаганлиги сабабли

монополияга қарши кураш қоидалари ишлаб чиқилади. Бу давлатнинг нарх сиёсатидаги асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётда илмий изланишлар, иқтисодий ўсишни (пасайишни) таҳлил қилиш учун таққослама (ўзгармайдиган) нархлар кенг қўлланилади. Нархнинг шаклланишида бозорнинг ўрни катта. Бозорнинг турларига қараб биржа нархлари, аукцион нархлар, комиссия нархлар шаклланади.

Дунё давлатлар ўртасида доимий иқтисодий муносабатлар ривожланиб боради. Айниқса, савдо алоқалар тез ривожланиб бормоқда. Давлатлар ўртасида олди-сотди ишлари олиб борилганда товарларнинг жаҳон (дунё) нархига мурожаат қиладилар.

Малакатлар ўз иқтисодиётини тартибга солиш, айрим тармоқларни ривожлантириш мақсадида тартибга солиб турувчи нархлардан фойдаланадилар. Тартибга солиб турувчи нархлар айрим тармоқларни ривожланишини секинлаштириши ёки аксинча тезлаштириши мумкин. Тартибга солиб турувчи нархларнинг бир тури мақсадли нархлардир.

Бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртача нархи махсус ўрнатилган нархдан пастга тушиб кетган ҳолларда кафолатланган нархлардан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кафолатланган нархлардан паст сотилишига йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалигида нархлар мавсумийлик характериға эға. Ҳар бир давлат ўз нарх сиёсатини юритади. Нарх сиёсатида мамлакатға хос шарт-шароитлар ҳисобға олинади. Бугунги кунда нархни давлат томонидан маълум миқдорда тартибға солиб турмайдиган давлат учрамайди. Айрим давлатлар нархнинг шаклланишиға жуда кам миқдорда бошқалари эса сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Нархнинг давлат томонидан тартибға солиб туришининг объектив сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. агросаноат мажмуаси товарлари чакана совдонинг асосий қисмини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти инсон ҳаёти учун биринчи даражали ва кунда керак бўлганлиги туфайли унинг нархи имкон қадар стабил, ўзгармас бўлиши керак;
2. қишлоқ хўжалиги табиий омиллар таъсирига кўпроқ тушадиган, натижада тармоқда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархи кескин ўзгариб туради. Табиий омиллар таъсирини камайтириш (компенсация) қилиш учун давлат аралашуви талаб қилинади;
3. қишлоқ хўжалигининг жадал ва барқарор ривожланиши агросаноат мажмуасининг қолган тармоқларининг истиқболини белгилаб беради. Қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланган ҳолда мажмуанинг бошқа тармоқлари жадал ривожланиши мумкин.
4. ресурслар чекланган шароитда иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ўсиб бораётган талабларини тўлиқ қондиришни фақат қишлоқ хўжалигининг ўзига юклаш ижобий самара бермайди. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига маълум инвестициялар қилиниши, харажатларнинг бир қисмини давлат ўз зиммасига олиши керак бўлади;

5. қишлоқ хўжалигида талабнинг нарх бўйича эластиклигининг пастлиги;
6. қишлоқ хўжалиги билан бошқа тармоқлар айрибошлаш жараёнида нархлар паритетини сақлаш зараратининг мавжудлиги;
7. қишлоқ хўжалигида узоқ муддатли иқтисодиёт нуқтаи назаридан қараганда ишлаб чиқаришнинг иқтисодиётдаги ўртача даромад олишини таъминлашнинг муҳимлиги;
8. қишлоқ жойларда иш жойларининг сақланиши ва ижтимоий масалаларни мўътадил ҳал этишнинг зарурлиги.

Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида шаклланадиган нархларни тартибга солиб туриш борасида қуйидаги имкониятларга эга:

1. Нархларни кузатиб туриш имконияти.
2. Нархларга эгри таъсир кўрсатиш. Бу ҳолда давлат солиқ, божхона, пул эмиссияси каби дастаклар орқали нархларнинг даражасига таъсир кўрсатади.
3. Нархларнинг шаклланишида давлатнинг бевосита иштирок этиши. Одатда давлат бирор маҳсулот турига нисбатан монопол имкониятни эгаллаган ҳолда юз беради. Айрим тармоқ маҳсулотлари нархига давлат аралашади ва монопол нарх эгасига айланади;
4. Нархларни ўрнатишда давлатнинг тўғридан-тўғри аралашуви. Ўзбекистонда пахта ва доннинг бир қисмига харид нархларини давлатнинг ўзи ўрнатади.

Қисқача хулосалар

Нарх (баҳо) иқтисодий категория ҳисобланиб, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Нарх бозор иқтисодиётининг асосий дастагидир. Маҳсулот қийматининг пулда ифодаланиши, маҳсулот баҳоси, деб юритилади. Нарх – бу бирор неъматнинг нафлилигини ҳисобга олган ҳолда истеъмолчи (харидор) томонидан тўлашга рози бўлган суммадир.

Унинг даражаси ҳар қандай маҳсулотнинг рақобат шароитида яшаб қолиши ёки қолмаслигини белгилайди. Иқтисодий асосланган нархлар қилинган харажатларни тўлиқ қоплаши ва маҳсулотни ишлаб чиқариб сотувчи маълум миқдорда фойда олишини таъминлаши лозим. Лекин маҳсулот нархи унинг қийматидан катта бўлмаслиги талаб қилинади. Албатта, баъзан талаб ва таклиф таъсирида маҳсулотларнинг нархлари уларнинг қийматидан баланд бўлиши мумкин. Аммо бундай ҳолат қисқа муддат давом этиши мумкин. Маҳсулот нархи унинг қийматидан узоқ муддат баланд бўлиши мумкин эмас.

Маҳсулот ва хизматлар нархлари 5 та функцияни бажаради. Биринчи функцияси – ўлчаш функцияси. Неъматларнинг қийматини ўлчайди. Икинчиси, ҳисобга олиш функциясидир. Бу функция ёрдамида маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар ҳисобга олинади.

Учинчиси, тартибга олиш функцияси. Тўртинчиси, рағбатлантириш функциясидир. Нарх орқали у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқариш, тадбиркорлик рағбатлантирилади. Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш – нархнинг бешинчи функциясидир.

Ҳозирда қишлоқ хўжалигида турли нархлар ишлатилади. Уларни биргаликда йиғиндисини нархлар тизими, деб юритилади.

Таянч иборалар

Нарх, иқтисодий дастаклар, баҳонинг функциялари, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, харажатлар калькуляцияси, асосий маҳсулот, қўшимча маҳсулот, ёндош маҳсулот, тежамкорлик, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини фонд, фонда қайтими, билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик, омухта ем саноати, моддий рағбатлантириш.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Нарх” тушунчаси нимани англатади?
2. Нархнинг моҳияти ва аҳамияти.
3. Талаб ва таклиф мувозанати.
4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар.
5. Нархнинг функциялари ва вазифалари нималардан иборат?
6. Иқтисодий асосланган нархлар деганда нима тушунилади?
7. Қишлоқ хўжалигидаги нархлар тизими нималарни кўзда тугади?
8. Нархлар паритети.
9. Нархнинг рағбатлантириш функцияси.
10. Нархнинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси.
11. Нарх тизими, эсастиклик.

Адабиётлар рўйхати

1. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
2. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики Колл. Авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др. // Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001.- 352 б.

3. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
4. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
5. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.
6. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

13-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА ФАН, ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ

13.1. Интенсивлаштиришнинг иқтисодий моҳияти

Иқтисодий фан ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг икки йўлини бир-биридан фарқ қилади. Биринчи йўл экстенсив ривожланиш йўли бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш жараёнига янги ва янги ресурслар (ер, чорва молларининг сони ва ҳ.к.) жалб қилиш ҳисобига таъминланади. Бунда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши асосан ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши ҳисобига юз беради. Масалан, ўтган йили хўжалик 500 гектар ерга дон экиб, ҳар гектаридан 40 центнердан, жами 2000 тонна ялпи ҳосил олган эди. Жорий йилда эса донли экинлардан 3000 тонна ялпи ҳосил олинди. Шу 3000 тонна ҳосилни олиш учун жами ўтган йилдагидан 100 гектар кўп ёки 600 гектарга дон экилди. Ҳосилдорлик эса жорий йилда ҳам 40 центнерни ташкил қилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни бу усул билан кўпайтириш экстенсив йўл ҳисобланади. Албатта, 600 гектар ерга 500 гектар ерга нисбатан кўп уруғлик, кўп меҳнат ресурслари ва бошқа харажатлар сарфланган. Лекин бу харажатлар бир гектар ерга олдинги йил даражасида қолган.

Иқтисодиётни кўпроқ ишлаб чиқариш ресурсларини (ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ва моддий маблағларини) иқтисодиётга жалб этиш натижасида ривожлантиришга экстенсив ривожланиш йўли деб баҳо бериш қабул қилинган. Бу йўлнинг имкониятлари чекланган. Чунки барча ишлаб чиқариш ресурслари – ер, сув, меҳнат ресурслари, техника, хомашёлар, барча-барчаси чекланган.

Экстенсив ривожланишда биргина ижобий томонни кўриш мумкин. Иқтисодиёт экстенсив йўл билан ривожлантирилганда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ортади. Мавжуд меҳнат ресурсларини иш билан банд этиш муаммоси яхшироқ ҳал этилади. Лекин бу ҳолат қисқа муддатли иқтисодиёт учунгина хос. Экстенсив ривожланиш йўли қатор камчиликларга ҳам эга. Экстенсив ривожланиш йўли илмий-техника тараққиётининг жадал боришига салбий таъсир этади. Меҳнат унумдорлигини пасайишига олиб келади. Чунки меҳнатнинг фонд билан қуролланиш даражаси эски ҳолда қолади. 1929-1982 йилларда АҚШ реал миллий даромадини ўсишининг 19 фоизи меҳнатни қуролланиш даражасини ошириш ҳисобига олинган. Денисоннинг аниқлашича АҚШда реал миллий даромаднинг ўсишининг 14 фоизи меҳнат ресурсларининг сифатининг (билими, малакаси ва кўникмасини) ошириш эвазига таъминланмоқда. Иқтисодиётнинг умумий самарадорлиги пасайади. Асосий фондларни янгилашнинг имкониятлари камаяди. Илмий техника тараққиёти мамлакатлар ривожининг асосларидан бири ҳисобланади. 1929-1982 йилларда АҚШ миллий даромадининг реал

Ўсишининг 28 фоизи фан-техника тарақиёти ҳисобига таъминланган. Фан-техника тарақиёти фақатгина янги сифқатли ва унумдор техника, технологияни ўз ичига олмайди. Фан-техника тарақиёти ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришининг янги такомиллашган, прогрессив шакллари ҳамдир. Экстенсив ривожланиш табиий ресурсларни тез ўзлаштирилишига олиб келади. Ресурсларни тежаш механизми бу ривожланиш йўлига хос эмас.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг ҳудуди, ер ресурслари чекланган бўлиб, уни хоҳлаганча кўпайтириш мумкин эмас. Ресурслар чекланган ҳолда инсонларнинг, ишлаб чиқариш талаб ва эҳтиёжлари ўсиб боради. Бундай ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бошқа йўлини топиш зарурати туғилади. Бу йўл – интенсив ривожланиш йўлидир.

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши – бир гектар ер ёки бир бош чорва молига сарфланаётган меҳнат ва моддий сарфларни ошириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. Бунда ер бирлиги ёки бир бош чорва молига сарфланадиган меҳнат ва моддий харажатлар самарасиз ўсиши мумкин эмас деган қоида амал қилиши зарур. Интенсив ривожланишнинг иқтисодий моҳияти шундаки, сарфланаётган меҳнат ва моддий харажатларнинг ўсишига нисбатан олинаётган маҳсулот миқдори тезроқ ўсиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархи нисбатан камайиб бориши лозим. Масалан, ўтган йили етиштирилаётган 2000 тонна доннинг ҳосилдорлиги 40 центнерни ҳар бир центнери таннархи 500 сўмни ташкил этади, деб фараз қилайлик. Жорий йилда дон экилган ҳар гектар майдонга меҳнат ва моддий сарфларни 10 фоизга кўп қилдик. Агарда ҳосилдорлик ҳам 10 фоизга ёки ундан камга ошса, интенсив ривожланишнинг самараси 0 га тенг ёки салбий бўлар эди. Бу ҳолда интенсив ривожланишнинг иқтисодий моҳиятини кўрсатиш имкони йўқ. Агарда сарфланган меҳнат ва моддий харажатлар ўсишига нисбатан ҳосилдорлик тезроқ ўсган бўлса, интенсивлаштиришнинг иқтисодий моҳияти очилган бўлар эди. Масалан, харажатлар 10 фоизга ошган ҳолда ҳосилдорлик 12 фоизга ошса, демак, маҳсулот бирлигининг таннархи нисбатан пасайган бўлади. Ана шу тарзда ривожланиш йўли интенсив ривожланиш йўли деб юритилади. Интенсив ривожланиш йўлининг имкониятлари чекланмаган бўлиб, ресурслар танқислиги ёки чекланганлиги шароитида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам мамлакат иқтисодиёти тармоқларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳар бир давлат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади.

13.2. Фан, техника тарақиёти ва интенсивлаштириш

Интенсивлаштириш ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалигида маълум чегараларга эга. Масалан, қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда ҳар

бир технологик жараён учун оптимал агротехника муддатлари мавжуд. Ер ҳайдаш учун ер ҳайдовчи трактор, экиш учун маълум миқдордаги экиш агрегати, ҳосилни ўриш учун (дончиликда) комбайнлар бўлиши керак.

Ҳар бир экин тури учун зарур маъданли ўғит миқдори белгиланган. Агарда меъёрдан ортиқ маъданли ўғит солинадиган бўлса, экиннинг ҳосилдорлигига салбий таъсир этиб, унинг камайишига ҳам олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, интенсивлаштиришнинг маълум даражада чекланганлигидан далолат беради. Бу масаланинг ечими фан-техника тараққиётидир. Фан-техника тараққиёти деганда фаннинг, техниканинг ва технологиянинг барқарор ривожланиб бориши тушинилади. Бошқача қилиб айтганда, фан-техника тараққиёти – мавжуд билимлар натижасида уларнинг бойитилиши ва бойитилган билим асосида янги унумли техникалар, прогрессив технологияларнинг яратилишидир. Олдингисига қараганда унумли техника ва технологиялар яратилиши натижасидагина интенсивлаштириш чексиз ривожлантирилиши мумкин.

Фаннинг ривожланиши натижасида ўсимлик ва чорва ҳайвонларининг янгидан – янги хусусиятлари очилмоқда. Натижада, ушбу янги хусусиятлар талабидан келиб чиққан ҳолда технологиялар ўзгаради ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Бу борада фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга таъсири чекланмаган. Ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалиги экинлари янги навларининг жорий этилиши билан интенсивлаштириш янада кучаяди. Масалан, ҳозирда пахта ва буғдойнинг серҳосил навлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишлаб чиқариш концентрациясини (куюклашувини) оширади, корхоналарда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кучайтиради. Ихтисослашувнинг кучайиши ишлаб чиқаришнинг механизациялашиш жараёнини оширади, маҳсулотлар бирлиги таннархининг нисбатан ошиб кетмаслигини таъминлайди. Бу эса, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараси ошишига олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида оғирлиги 8-14 тонна келадиган юқори қувватли ғилдиракли тракторлардан фойдаланиш илдиз тарқаладиган тупроқ қатламини ниҳоятда зичлаштиришга олиб келади ва шамол эрозияси жараёнларини кучайтиради, химиялаштиришнинг барча воситалари самарадорлигини кескин пасайтиради.

Мамлакатимизнинг айрим суғориладиган ҳудудларида намланиш даражаси етарли ва меъёрдан ортиқ бўлган ҳудудларда тупроқнинг ортиқча зичлашиб кетганлиги экин ҳосилдорлигига салбий таъсир қилиб келаётганлиги асосий муаммолардан бири саналади.

Ўзбекистонда 30 смдан паст чуқурликдаги тупроқлар зичлиги оптимал даражадан, яъни 1,35 грам см³ дан ортиқ бўлган ерларнинг 80-85 % ини ташкил қилади. Бинобарин, бундай ерларни 50-60 см ва ундан ҳам ортиқ чуқурликда юмшатиш эҳтиёжи туғилмоқда. Бу эса ортиқча моддий ва

меҳнат, вақт сарфи деган сўз. Ўзбекистонда “Massery Ferguson” фирмасининг MF -4800, MF-4880 ва MF-4900 моделидаги замонвий фирмалар ишлаб турибди. Уларга АҚШнинг Cummins Diesel фирмасининг иссиққа чидамли дизел двигателлари ўрнатилган.

Ўтказилган тажрибалар ва ишлаб чиқариш натижаларидан олинган маълумотларга асосланиб қаралса, янги замонвий техникаларни қишлоқ хўжалигида қўллаш ем-хашак етиштиришни 30-40 фоиз, пахта ҳосилдорлигини 15-20 фоизга оширади.*

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инновацион фаолликни ошириш мақсадга мувофиқ. Инновацион фаолликни бугунги кун иқтисодиёти талаб қилади. Инновацион фаоллик мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Маълумотларга қараганда республика корхоналарининг 5 фоизи инновацион фаол ҳисобланади. Европа давлатларида эса бу кўрсаткич 80-87% ни ташкил этади.

13.3. Қишлоқ хўжалигининг интенсивлаштириш даражаси ва иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Интенсивлаштиришнинг даражаси ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичларни тўғри аниқлай билиш ва уларнинг натижаларига қараб иқтисодий қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Интенсивлаштиришнинг кўрсаткичлари кўп бўлганлиги сабабли уларни гуруҳлаш зарурати туғилади.

Иқтисодий фан интенсивлаштириш кўрсаткичларини икки гуруҳга бўлиб ўрганади. Биринчи гуруҳга интенсивлаштириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар киритилади. Бу кўрсаткичлар интенсивлаштиришнинг бир томонини ифода этади. Яъни, интенсивлаштириш даражаси маълум экин тури, чорва ҳайвонлари учун танланган технология бўйича меҳнат ва моддий харажатлар сарфи оширилишини кўрсатади. Бу кўрсаткичларда бир гектар экин майдонига, бир бош чорва ҳайвонига сарфланаётган (харажатланинг) ресурсларнинг миқдори ифода этилади. Буларга қуйидагилар киради:

1. Экин майдони бирлигига тўғри келадиган асосий активлар ва айланма маблағларнинг миқдори. Бу хўжалиқда мавжуд асосий активлар ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматини ер (экин майдони, ҳайдаланадиган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги ерлари) майдонига бўлиш билан аниқланади.

2. Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жорий харажатлар миқдори.

* Норов С.С. “Минтақавий агросаноат мажмуи хизмат бозорида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. БухДУ, 18-19 апрел 2005 йил. 48 бет.

3. Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жонли ва буюмлашган меҳнатнинг умумий миқдори.

4. Бир бирлик ерга тўғри келадиган энергетик қувватлар миқдори.

5. Ҳар 100 гектар ерга тўғри келадиган чорва молларининг бош сони.

Ана шу кўрсаткичлар тизими интенсивлаштиришнинг даражасини ифода этади.

Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар унинг иқтисодий моҳиятини очиб беради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Уларга қуйдагилар киради.

1. Ҳосилдорлик, ц/га.

2. Маҳсулдорлик, кг, бош, дона.

3. Ер майдони бирлигидан олинаётган ялпи маҳсулот.

4. Бир бирлик ер майдонидан олинадиган фойда миқдори.

5. Меҳнат унумдорлигининг ошиши.

6. Маҳсулот бирлиги таннархининг нисбатан пасайиши.

7. Рентабелликнинг ўсиши.

8. Фонд қийматининг ошиши.

Ана шу кўрсаткичлар тизими ёрдамида интенсивлаштиришнинг самарадорлиги аниқланади.

13.4. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишлари

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни доимий ривожлантириш талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида интенсивлаштириш қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади: кимёлаштириш – қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Самарали маъданли ўғитларни ишлаб чиқриш, уруғларга кимёвий ишлов бериш, турли касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш ва шу кабилар ҳақида гап борганда кимёлаштиришнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини биламиз. Кимёлаштиришсиз қишлоқ хўжалигида сезиларли муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Бу борадаги ишларнинг ривожига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1 февридаги “Қишлоқ хўжалигида агрокимёвий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 63-сонли қарори катта ҳисса қўшди. Республикада қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ишларига масъуллик “Ўзқишлоқхўжаликкимё” акционарлик жамияти тизимига топширилди. Қишлоқ хўжалигини кимёвий воситалар билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, ушбу вазифа билан шуғулланадиган тизимни такомиллаштириш мақсадида 2004 йилнинг 23 январида “Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини

такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янада ривожланишига олиб келди.

Замонавий деҳқончилик шароитида етиштирилаётган ҳосилнинг 50-60 фоизи маъданли ўғитлардан самарали ва ўз вақтида фойдаланиш ҳисобига олиниши аниқланган.

Маъданли ўғитлар ерга меъёр даражасида солинганда ҳамда уларга қўшиб гектарига 20 тоннадан компаст (маҳаллий ўғит) берилганда (фақат маъданли ўғит солинган ерларга нисбатан) пахта ҳосилдорлиги 15 фоизгача, бошоқли дон ҳосилдорлиги 22 фоизгача ўсиши аниқланган. Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш комплекс ҳолда амалга оширилганда юқори самара беради. Биргина ўсимликларни ўғитлашда маъданли ўғитлар билан органик ўғитларни бериш ҳосилдорликни ва самарадорликни оширади. Масалан, ЎзПИТИ нинг Бухоро филиалида 3 та вариантда тажриба ўтказилган. 1-вариантда пахтага фақат 200 кг/га азотли, 140 кг/га фосфорли ва 100 кг/га калийли ўғит берилган. 2-вариантда ушбу микдорда фақатгина маъданли ўғитлар берилган. 3 - вариант назорат варианты бўлиб, пахтага умуман ўғит берилмаган. Мавсум охирида 1 вариантда гектаридан 30,6 центнер, 2- вариантда 39,2 центнер ва 3-вариантда 15,6 центнер ҳосил олинган. 1-вариантда 1 гектарга жами қилинган харажат 469048 сўмни ташкил этган. Тажриба ўтказилган даврда 1 га ердан олинган ҳосилни сотишдан 613059 сўм даромад олинган ва 1 га ердан олинган фойда 144011 сўмни, рентабеллик 30,7 фоизни ташкил этган. 2-вариантда 1 га ерга сарфланган харажатлар 650761 сўмни, олинган даромад 878739 сўмни фойда эса 227978 сўмни ташкил этиб рентабеллик даражаси 35,0 фоизга тенг бўлган. 3-вариантда 1 га ерга сарфланган харажатлар 363877 сўмни, олинган даромад 349301 сўмни ташкил этиб, 1 га пахта майдонидан 14576 сўм зарар кўрилган.* Бу борада шуни таъкидлаш лозимки қишлоқ хўжалиги экинларини мўътадил даражада ўғитлаш маҳсулотлар сифатига ҳам ижобий таъсир этади. Сифатли маҳсулот эса бозор шароитида жуда муҳим кўрсаткичлардан саналади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши – ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришдир. Меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатиши иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқ. Оғир иш жараёнларини машиналар ёрдамида бажариш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки оғир ишлардан кишиларни озод қилиш, ижтимоий масалани ҳам маълум даражада ижобий ҳал этишга олиб келади.

* Илёсов А.А., Юлдашов М., Хамидов М. Ғўза ўсимлигини маъданли ва органик ўғитлар билан озиклантиришнинг ҳосилдорлик ва самарадорликка таъсири. “Минтақавий агросаноат мажмуи хизмат бозорида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. БухДУ, 18-19 апрел 2005 йил. 28 бет.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат жараёнларини механизациялаштиришда энг аввало катта меҳнат сарфларини талаб қилувчи ва кўп такрорланувчи ишларни техникалар зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик тармоғи пахта ва ғалла ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Демак, энг аввало пахтачилик ва ғаллачиликда иш турларини механизациялаштиришга эътиборни кучайтириш лозим. Пахтачиликда энг катта меҳнат сарфлари ер ҳайдаш, ерни текислаш ва эгат олиш, экиш, ғўзани культация қилиш, суғориш, чеканка қилиш, ҳосилни йиғиб олиш ва ғўзапояларни йиғиштириб олиш ҳисобланади. Механизациялаштиришни амалга оширишда айрим ишларнинг бир мавсумда қайта-қайта такрорланишига эътибор қаратиш керак. Таъкидланганидек, иш тури қанча миқдори жиҳатидан катта меҳнатни талаб қилса ва кўп марта такрорланса ушбу ишларни биринчи галда механизациялаштириш мақсадга мувофиқ. Шундай ишлардан бири пахта ҳосилини йиғиб-териб олишдир. Пахта ҳосилини машиналарда териш қўл кучи ёрдамида теришга нисбатан қатор устунликларга эга. Биринчидан, машиналарда пахта ҳосилини териш меҳнат унумдорлигини кескин оширади. Ишчи кучлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш имконияти туғилади. Иккинчидан, ҳосилни кечиктирмасдан (қор-ёмғирли кунларга қолдирмасдан) ўз агротехника муддатларида териш имконини беради. Ҳосил қор ёки ёмғирда қолмаганлиги сабабли унинг сифатида ушбу омиллар натижасида пасайишга йўл қўйилмайди. Учинчидан, ерни келгуси йил ҳосили учун тайёрлашга имконият кенгайди. Шу билан биргаликда машиналар ёрдамида пахтани териш айрим камчиликларга ҳам эга. Бу энг аввало машинада терилган пахтанинг турли навлари (сортлари) аралашиб кетади. Пахта териш машиналари пахта толасини қисман узади ва нисбатан сифатини ёмонлашишига сабабчи бўлади. Аммо бугунги кун талабидан келиб пахтани машиналарда теришни ривожлантириш катта иқтисодий самара келтиришини унутмаслик керак. Пахтани горизантал шпинделли КЕЙС-2022 русумли пахта териш машинасида теришнинг иқтисодий самарадорлигини қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси пахтачилик тармоғининг 2004 йилга кўрсаткичлари бўйича ушбу машина ёрдамида бир мавсумда 280 тонна ҳосилни териб олиш мумкин. Шу миқдордаги пахтани 30 кунда териш учун энг ками 160-180 нафар киши талаб қилинади. Хўжаликнинг 1400 гектар пахта майдонидан пахтани териб олиш учун 10 та КЕЙС-2022 русумли пахта териш машинаси мавжуд. Хўжаликда машина билан териладиган жами пахта миқдори 2800 тоннани ташкил этади. 2800 тонна пахтани машинада териш учун жами харажатлар 92 млн. сўм. 2800 тонна пахтани қўлда териб олиш харажатлари 155,6 млн. сўмни ташкил

этган. 2800 тонна пахтани машинада териб олиш натижасида иқтисод қилинган сумма 63,6 млн. сўмни ташкил этган.*

Қишлоқ хўжалигини интенсифлаштиришнинг бошқа бир йўналиши ишлаб чиқаришни электрлаштиришдир. Электр имкониятларидан фойдаланмасдан ишлаб чиқаришнинг бугунги ривожини кўриш мумкин эмас.

Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини, билимини ошириш ҳам интенсифлаштириш йўналишларидан биридир. Кадрларнинг малакасини, билимини ошириш иқтисодиётни жадал ва барқарор ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Республикада қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири пахтачилик бўлиб уни ривожланиши умуман тармоқдаги ҳолатни қандай бўлишини белгилайди. Шу сабабли пахтачиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Айниқса пахта селекцияси ва уруғчиликни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Олиб борилаётган илмий-амалий ишлар натижасида кейинги йилларда пахтанинг касалликларга чидамли, серҳосил “Бухоро 8”, “Денов”, “С-6541”, “Сурхон-14”, “Наманган-34”, “Қашқадарё-5”, “Андижон-36” каби навлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу навларнинг ҳосилдорлик индекси 55 фоизни ташкил этади. Шу пайтгача мавжуд пахта навларининг ҳосилдорлик индекси 40-45 фоизни ташкил этар эди. Бу навларнинг яна бир эътиборли томони шундаки улар сувсизликка чидамлироқ. Шу пайтгача районлаштирилган пахта навларининг тола бериш индекси 33-35 фоиз бўлган бўлса янгидан яратилган юқоридаги пахта навларининг тола бериш индекси 38-40 фоизни айрим истикболли навларда 42 фоизни ташкил этмоқда. Ингичка тола берувчи пахта навларининг тола бериш индекси 32-34 фоиздан 37-38 фоизга етказилди. Ҳозирда республика далаларида 22 та пахта нави етиштириш районлаштирилган.

Республикада пахта толасининг сифатини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Республика пахтачилигида сифат бўйича “O’z DSt 604:2001” янги стандарт қабул қилинди. Республикада пахта сифатини аниқлайдиган ва унинг мониторингини олиб борадиган “Сифат” маркази ташкил этилди. Ҳозирда унинг 13 та ҳудудий бўлимлари мавжуд. Олиб борилган ишлар натижасида 1999, 2000 ва 2001 йилда пахта толаси сифат классификацияси (3) га яқин бўлган бўлса 2002-2005 йилларда яхши (2) ни ташкил этган.

Хулоса қилиб айтганда, етиштириладиган маҳсулот миқдори ва сифатини оширишга, меҳнат унумдорлиги ошишига таъсир этувчи барча Фан, техника ва технология ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш омиллар эътибордан қолмаслиги ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим.

* Ёдгоров А.И., Хамидов Х.С., Юлдашев М.Х., Гуломова С.Т. Пахтани машинада териб олишнинг иқтисодий самарадорлиги “Минтақавий агросаноат мажмуи хизмат бозорида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. БухДУ, 18-19 апрел 2005 йил. 30 бет.

Қисқача хулосалар

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳар қандай давлатнинг бош иқтисодий вазифаларидан биридир. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши энг аввало, фан-техника тараққиётининг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Фан ва техниканинг ривожланиши илмий-техник тараққиёт, деганидир.

Фан-техника тараққиёти қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланишини таъминлайди. Ривожланиш экстенсив ва интенсив йўллар билан амалга ошади. Экстенсив ривожланиш йўлида ишлаб чиқаришнинг ўсиши қўшимча ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш эвазига олиб борилади. Бунда ер майдонлари, меҳнат ресурслари, чорва молларининг бош сони кўпайтирилиши эвазига маҳсулот етиштириш ҳажми ўстирилади. Бу йўлнинг имкониятлари чекланган. Чунки ер, меҳнат ва бошқа ресурслар чекланган. Шу сабабли иқтисодиётни интенсив ривожлантириш энг асосий йўл ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш деганда бир бирлик ер майдонига ва бир бош чорва молига сарфланадиган моддий ва меҳнат ресурсларини кўпроқ сарфлаш эвазига олинадиган маҳсулотни кўпайтириш тушинилади. Бу йўл билан ривожланишнинг имкониятлари жуда катта. Ишлаб чиқаришга экин турларининг янги навлари жорий этилиши ишлаб чиқаришни янги босқичга олиб чиқади.

Интенсивлаштиришнинг даражаси ва иқтисодий самарадорлиги аниқланиб борилади. Интенсивлаштиришнинг асосий йўналишлари: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаштириш, механизация даражасини ошириш ва автоматлаштириш, электрлаштириш ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга янада кенг жорий этишдир.

Таянч иборалар

Интенсив ва экстенсив ривожланиш, фан-техника тараққиёти, чекланганлик, нарх, иқтисодий дастаклар, баҳонинг функциялари, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, харажатлар калькуляцияси, асосий маҳсулот, қўшимча маҳсулот, ёндош маҳсулот, тежамкорлик, фонд қайтими, фонд сиғими, фонд билан таъминланиш ва қуролланиш, айланма фондлар, айланма маблағлар, самарадорлик коэффиценти, асосий фондларнинг эскириши, жисмоний эскириш, амортизация, маънавий эскириш, меҳнат ресурслари, меҳнатни қуролланиш даражаси, миграция, меҳнат унумдорлиги, ишбилармонлик, ер ва сув фонди, механизациялаштириш, химиялаштириш, автоматлаштириш, баҳолар паритети, аграсаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш, маҳсулот сифати, ялпи ички маҳсулот, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт, қишлоқ хўжалиги, қайта

ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Фан-техника тараққиёти” тушунчаси нимани англатади?
2. “Фан-техника тараққиёти” моҳияти.
3. Фан-техника тараққиёти иқтисодий ривожлантиришда қандай ўрин тутатади?
4. Фан-техника революцияси.
5. Қишлоқ хўжалигининг интенсификацияси моҳияти.
6. Қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожлантиришнинг моҳияти
7. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
8. Интенсификациянинг даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар
9. Интенсификациянинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
10. Қишлоқ хўжалигини интенсификацияси моҳияти йўналишлари.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.: Ўқитувчи, 1998.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўқин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Қажомов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
5. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агротехнология иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
6. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
7. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Хакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Орипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
8. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>

3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

14-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ МАРКЕТИНГИ ВА УНИ САМАРАДОРЛИГИ

14.1. “Маркетинг” тушунчаси, унинг моҳияти ва самарадорлиги

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда маълум бир истеъмолчиларнинг талабларини аниқлаш ва қондиришга қаратилган маркетингга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Маркетинг (инглизча market-бозор) – тадбиркор муҳитини, бозорни, истеъмолчининг аниқ талабини ва улар учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни кўзда тутишни ўрганишга асосланган, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бозор концепциясидир. Қишлоқ хўжалиги маркетингининг мақсади - талабни шакллантириш ва рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси ишнинг режалари ва қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг асослилигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдо кўлами, бозор ҳиссаси ва фойдасини кўпайтиришдан иборат. Сотиладиган, яъни бозори чаққон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш – қишлоқ хўжалиги фермери фаолиятига маркетинг нуқтаи назаридан ёндашишининг асосий нишонидир.

Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан олдин, кўлга киритилган маълумотларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўлиқ ишлаб чиқариш ва мукаммаллаштириш ва шундан кейингина шу товар билан бозорга чиқиш, қишлоқ хўжалиги фермери аниқ (конкрет) истеъмолчилари талабларини пухта ўрганишни тартибга солиш керак. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, кейин уни сотиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларга дуч келмаслик лозим.

Маркетинг – истеъмолчи талаби таҳлили ва назарда тутилишининг илмий ишлаб чиқилган концепцияси. Бу рағбатлантириш, реклама андозаларини ўз ичига олган сотишни ташкил қилиш тизимидир. Маркетинг – пештахтанинг бошқа томонида туриб бизнесга истеъмолчи кўзи билан қарай олишдир. Бу харидор топиш ва уни ушлаб туриш, унга рақобатчига кўра яхшироқ ва тезроқ хизмат кўрсатиш ва унинг талабларини қондириш қобилиятидир. Агар молиявий фаолият соҳасида фермерлар томонидан асосий эътибор маркетинг ёндашувининг қабул қилинишигача нархга эмас таннархга қаратилган бўлса, маркетинг ишлаб чиқарувчиларни харидор тўлашга тайёр бўлган нархга йўналтиради. Шунга кўра, қишлоқ хўжалиги фермери бюджети ҳам сотиш соҳасидаги талабларга мувофиқ равишда қурилиши керак. Агар олдин корхона биринчи навбатда ишлаб чиқаришга тегишли тадқиқотларни бажарган бўлса, унда маркетинг тизими асосий эътиборни бозордаги аҳволнинг таҳлилига қаратади. Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ассортиментини режалаштириш олдин фақат унинг сифатини

яхшилашга қаратилган бўлса, унда маркетинг тизими, асосан, истеъмолчи талабларини ҳисобга олади.

Ишлаб чиқаришга қараб иш тутишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва тарқатиш масалалари билан шуғулланаётган мутахассис қишлоқ хўжалиги фермери учун буюртма олувчи сифатида иккинчи даражали роль ўйнайди. Маркетингни назарда тутиб иш юритишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича менежер ташкилий тизимдаги бошлиқлардан бири бўлиб, унинг вазифаси бозорнинг товар ва хизматлар билан тўлган қийин шароитларда корхонанинг узлуксиз ва самрали ишлашини таъминлашдан иборат. Айнан тўла бозор, яъни сотувчилар таклифи харидорлар талабидан ошганда, “харидор бозори” маркетинг концепциясини қўллаш ва унинг самарали бўлишини таъминлаш учун асосий шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

Умуман, сотишни ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш тизимининг тарихий тараққиёти бозор муносабатларининг хусусияти ва бозорда талаб ва таклифнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ равишда вужудга келган.

Биринчи босқичда товар сотилишини ташкил қилишнинг ишлаб чиқариш тизими ўз аксини топган “товар - харидор” (харидор талаби таклифни қамраб олади) тизимидир. Бунда сотувчи бозорнинг таварга бўлган талабларидан ҳоли ҳолда уни ишлаб чиқаради ва ҳеч қандай қўшимча харажат ва қийинчиликсиз сотади. Бу усул “сотувчи бозори” шароитида ўз самарасини беради. Бундай ҳолатда ишлаб чиқарувчининг асосий вазифаси – ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чиқаришни кўпайтириш ҳамда харажатлар ва нарх рақобатини камайтиришдир. Товар сотишни ташкил қилишнинг ишлаб чиқариш тизими аниқ кўриниши – товар тизими бўлиб, уни ишлаб чиқарувчининг асосий эътибори чиқарилаётган товар ва хизматларнинг хосса ва сифатини мукамаллаштиришга қаратилади. Ишлаб чиқарувчи юқори сифатли товар рекламага муҳтож эмас ва у ҳар доим ўз харидорини топади, деган конценциядан келиб чиқади.

Иккинчи босқичда янада мураккаброқ тип вужудга келади – сотишни ташкил этиш тизими: “товар - сотишни рағбатлантириш - истеъмолчи”. Бошқача қилиб айтганда, номаълум харидор учун чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорга киритиш тизими. У кўпроқ талаб ва таклиф нисбатан мувозанатда бўлган ёки таклиф талабдан озроқ ошган вазиятга мос тушади. Бозорда шундай ҳолат яратиладики, унда харидорларга керак бўлган товарлар таклиф кўринишида мавжуд бўлади ва сотувчининг вазифасига ахборат бериш, харидорни қизиқтириш ва уни рақобатчиларнинг эмас, балки ўзининг товарини сотиб олишга ундаш киради. Бу ҳолатда сотувчи ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рекламасига, унинг сотилишини рағбатлантиришга, техник хизмат кўрсатишга ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларга қўшимча харажатлар қилади.

Ундан ташқари, сотувчи учун савдо – сотиқнинг самарадорлигини оширувчи асосий омил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини яхшилашдир.

Учинчи босқич – бозор талаблари ва харидорларнинг аниқ эҳтиёжлари билан ишлаб чиқариш вазифаларининг боғлиқлигига асосланган ишлаб чиқариш – сотишни ташкил этиш тизимининг вужудга келиши. Бундай тизим қуйдагиларни ўз ичига олади: “бозорни ўрганиш - фан янгиликларини жорий этиш - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши - талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш - истемолчи”. Бу тизим “харидор бозори” шароитида қўлланади ва анча кенг тарқалган маркетинг концепцияси ҳисобланади.

Бундай ҳолатда товар айнан бозор учун эмас, балки талаблари бир хил истемолчилар гуриҳи учун ишлаб чиқарилади. Таварлар индивидуаллаштирилади ва ўзига хос устунликларга эга бўлади, бунинг устига, ҳар бир фермер ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорнинг аниқ бир сегментида маълум ва устун бўлишига интилади. Бундан олдин аҳамиятли бир тадқиқот иши мавжуд: бозор, унинг муҳити истемолчиларнинг мотивлари ўрганилади, бозор сегментацияси ўтказилади, қишлоқ хўжалиги фермерининг рақобат устунлиги ва энг мақбул бозор сегменти аниқланади. Бутун бир бу сегмент учун бозор мақсадлари, маркетинг стратегияси ва дастурлари ишлаб чиқилади ва бозорга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг, нарх, сотиш ва рағбатлантириш сиёсати ҳисобига қишлоқ хўжалиги фермерининг рақобатдошлигини мустақкамлаш ва кўтариш мақсадида маркетингга таъсир ўтказиш тизимининг меъёрлари ташкил қилинади ва амалга оширилади.

Маркетинг тизими ёпиқ эмас, унинг асосий элементлари такрорланиши ва кетма – кетлиги шароитида уларнинг янги, замонавий даражаси кузатилади. Бундай пайтда маркетинг хизмати бир вақтнинг ўзида турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ҳар хил маркетинг тадбирларини амалга ошириши зарур бўлади.

Қишлоқ хўжалиги фермерининг ишлаб чиқариш – сотишни ташкил этиш ва илмий – техникавий фаолияти билан бошқариш концепцияси сифатида маркетинг ўтган асрнинг 60-70-йилларида вужудга келган (маркетинг тадқиқотларининг илк куртаклари 30-йилларнинг охирида ва бевосита иккинчи жаҳон уришидан сўнг кузатилган). Унинг пайдо бўлиши, биринчи навбатда, илмий – техникавий тараққиётнинг информацион инфратузилма соҳасидаги ривож ва қишлоқ хўжалиги ички бошқарувининг такомиллаштирилиши ҳамда кўпчилик товар бозорларида сотишни ташкил этиш борасида бир қанча жиддий қийинчиликларнинг вужудга келишига боғлиқдир. Маълум бир даражада маркетинг концепцияси мақсадли бозорни аниқлаш йўли билан рақобат курашининг кўринишини ўзгартиришга ва уни силлиқлашга йўналтирилган.

Маркетинг қишлоқ хўжалиги фаолиятининг барча жихатлари билан тўлиқ бошқарув тизимининг муҳим соҳаларидан бирини ўзида акс эттирган ҳолда молиявий, таъминот тизими, хизматларнинг ташкилий тузилганлиги, кадрлар сиёсати билан бошқаришни ўз ичига олиб, унга фаол таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги маркетинги учун қуйидаги асосий ҳолатлар ёки тамойиллар мосдир:

1. қишлоқ хўжалиги бизнесининг истеъмолчилар талаблариги қараб иш тутиши;
2. сегментация ва мақсадли бозорни аниқлаш;
3. ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишнинг актив ва потенциал истеъмолчиларнинг талабларига ва бозор шароитларининг ўзгаришига мослашиши ёки эгилувчан таъсири;
4. янгиликлар киритиш;
5. стратегик режалаштириш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги фермерининг истеъмолчилар талабларига йўналтириши кўп тажриба талаб қиладиган илмий – амалий, тадқиқот ва аналитик ишни, бозор эҳтиёжини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, бозор муҳити ва истеъмолчининг мотивациясини ўрганишни назарда тутди. Анализ учун бозор ҳажми, нархни ташкил этиш тизими, нарх суръати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг истеъмол хусусияти, ҳамкор қишлоқ хўжалиги фермерлари ишининг қурилиши ва услублари спецификаси, сотишни ташкил этиш каналлари, сотишни рағбатлантириш усуллари, савдо ишининг ўзига мослиги ва бошқалар керак бўлади.

Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари ассортименти тафтиши, ишлаб чиқариш қуватини, моддий – техникавий таъминот тизимини ўз ичига оладиган ишлаб чиқариш – сотишни ташкил этиш имкониятлари ўрганилади; кадрлар таркибининг структураси ва малакаси даражаси, молиявий имкониятлар, сотишни ташкил этиш ва савдо хизматини шакиллантириш ва фаолияти характерининг шарт – шароитлари таҳлил қилинади.

Бу татқиқотларнинг мақсади қишлоқ хўжалиги фермерининг бозорда олиб бораётган фаолият стратегияси тактитасини аниқлаш ва рақобатчиларга нисбатан кўпроқ омадга ва афзалликка эришишини таъминлашдир.

Бозор, маркетинг муҳити ва истеъмолчилар хоҳишини ўрганишнинг асосий услуби сўров, кузатиш, тест ва тақлид ҳисобланади. Кенг миқёсли ва сермашаққат маркетинг татқиқотининг асосий шарти – компьютер техникаси, банк маълумотларидан фойдаланган ҳолда яхши жиҳозланган ва тўлиқ ишлаб чиқилган информацион тизимдир.

Сегментация ва мақсадли бозорни аниқлаш қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг бир турдаги истеъмол хоҳишлари характери ва маркетинг таъсир чораларига бир типли реакцияси билан ажралиб турувчи истеъмолчилар гуруҳини аниқлашда намоён бўлади. Асосий мақсад –

рақобатчи қишлоқ хўжалиги фермерлари билан таққосланган пайтда устунликларга эришиш, ўз ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш, ихтилофларни ва бозорда тўғридан – тўғри рақобат кураши кучайишининг олдини олиш. Ундан ташқари, қишлоқ хўжалиги фермери имкониятларига мос келадиган мақсадли бозор сегментининг танлови ҳам кўзда тутилади. Бу танлов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳаракатига қараб интенсив маркетинг фаолияти амалга оширадиган истеъмолчиларнинг аниқ гуруҳига нисбатан бўлади. Сегментация ва мақсадли бозорни танлаш сотув бозорларининг ўзлаштирилиши ва кенгайтирилиши шароитида қишлоқ хўжалиги фермерининг харажатларини оптималлаштириш ва рақобатдошликни кучайтириш вазифалари билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишнинг актив ва потенциал талаб ҳолатларида бозор ва истеъмолчиларнинг аниқ талаблари, нарх ёки бошқа шартлар бўйича ҳамда талаб ва лаклифнинг эгилувчанлигига боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалиги фермерининг ишлаб чиқариш – сотишни ташкил этиш фаолиятни бошқаришнинг ҳаракатчанлиги назарда тутилади. Бозор билан доимий алоқа, бозор сегментининг ўзгаришини пухта ўрганиш ва истеъмолчилар талабларининг ўзига хослигини таҳлил қилиш қишлоқ хўжалиги фермерининг барча фаолиятида ислоҳат ўтказиш ва уни мукамаллаштиришда асосий йўналишлардан ҳисобланади. Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда, ишлаб чиқаришда ва сотишда инновацион жараён фаолиятининг шакл ва усуллари ташкилий тузилиши ҳам аниқланади.

Мослашув принципи қишлоқ хўжалиги фермери томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини индивидуаллаштиришга бўлган ёндашувни талаб қилади. Бу тамойил фойдаланилаётган асбоб – ускунани фаол мукамаллаштириш ва мослашувчан ишлаб чиқариш чизиқлари ва қайта ишлаш марказларини ишлатишни назарда тутадиган фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва техник соҳасига урғу беради.

Инновация бошқарувнинг маркетинг концепцияси принципи таркиби сифатида ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш фаолиятини қамраб олади. Биринчи навбатда у ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини доимий мукамаллаштириш, ташқи кўринишини ўзгартириш ва уларни янгилаб бориш, янада мукамалроқ технология ишларининг янги йўллари ишлаб чиқишни назарда тутди.

Инновацион сиёсатга янги бозорларга чиқишнинг янги шакл ва услибларини жорий қилиш, сотишни рағбатлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун рекланма фаолиятига янгиликлар киритиш, қишлоқ хўжалиги фермери, ширкат хўжалиги бошқарувида янги хизматларни шакиллантириш, товар ҳаракати ва сотишни ташкил этиш тармоғида янги каналларни аниқлаш кабилар киради.

Маркетинг фаолиятининг принципи сифатида стратегик режалаштириш мослашув принципи билан чамбарчас боғлиқ ҳамда унинг давоми ва

тўлдирувчиси ҳисобланади. Стратегик режалаштириш принципи бозор башоратлари ва илмий – техникавий тарақиёт ривожининг башоратларига асосланган ишлаб чиқариш – сотишни ташкил этиш маркетинг дастурларини тузишни назарда тутди.

Маркетинг дастурлари қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжалигининг олдида мақсадларни амалга оширишига қаратилганини, стратегиялар ва меъёрларни ўзида мужассам этади. Улар муҳим даражада тадбиркорларни ноқулай бозор муносабатлари шароитида ишдаги риск даражасини камайтирадиган, қишлоқ хўжалиги фермерининг ривожланишига қулайлик яратадиган ва ишлаб чиқариладиган қишлоқхўжалиги маҳсулотларининг сотилиш кўлами кафолати ўсишини таъминлайдиган режали бошқарувнинг янги усулларини шакллантириш нуқтаи назаридан ўзига жалб қилади.

Қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжаликлари ичидаги режалаштириш маркетинг дастурларига таянган ҳолда ўзининг асослилиги ва реаллиги билан ажралиб туради ва маълум даражада бозор рақобатининг кескинлигини юмшатишга хизмат қилади.

14.2. Қишлоқ хўжалиги маркетинги функциялари

Маркетинг функцияси ишлаб чиқариш – сотишни ташкил этиш фаолияти билан бошқарув концепцияси сифатида бошқарувнинг барча турларига хос умумий функцияларга эга. Айнан режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат маркетинг стратегияси ва дастурини ишлаб чиқишни, маркетинг хизматининг структурасини шакллантиришни, улар фаолиятини бошқа бўлимлар билан мувофиқлаштиришни, маркетинг фаолиятини назорат қилишни ва унинг фаолиятига баҳо беришни кўзда тутди.

Айни вақтда, барча бошқарув жараёнларига хос бўлган бу асосий функциялар маркетинг фаолияти учун махсус бўлган функциялар билан конкретлаштирилган ва тўлдирилган бўлиши мумкин. Унга аналитик, товар ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш ва айнан:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори, бозор муҳити ва истеъмолчилар талабларини комплекс тарзда тадқиқ қилиш;
- бозорни сегментлаш;
- қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжалигининг ишлаб чиқариш – сотишни ташкил этиш имкониятлари таҳлили;
- мақсадли бозор танлови;
- товар сиёсати;
- нарх сиёсати;
- сотиш (тарқатиш) сиёсати;

- коммуникацион сиёсат (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш)лар киради.

Бозор, бозор муҳити истеъмолчилар талабларини комплекс тарзда тадқиқ қилиш ёки аналитик функция – кўп вақт, молиявий ва инфармацион ресурсларни ҳамда маркетинг бўйича мутахасисларни юқори таёргарлигини талаб этадиган муҳим ишдир. Бу тадқиқот қуйидаги муҳим йўналишларни қамраб олади:

- маркетинг муҳитини ўрганиш: тадбиркорлик фаолияти географик ва демографик шартларини, иқтисодий ва илмий – техникавий, сиёсий – ҳуқуқий, ижтимоий – маданий хусусиятларини, шу билан бирга, рақобатчи, воситачи, етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат фаолиятининг махсус хусусиятлари ва уларнинг муносабатлари характерини билиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг жами хусусиятлари таҳлили: талаб, таклиф, сифим, талаб эластиклиги, нарх эластлиги, рақобат даражаси;

- муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг истеъмол хусусиятлари ва бозордаги ҳаракати, шу билан бирга истемолчилар хоҳиши ва уларнинг товар ҳақидаги тасаввурлари таҳлили;

- бозорнинг қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжалиги таркиби таҳлили: сотиб олувчи қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатлар, рақобатчи қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатлар, бетараф қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатларни кўриб чиқиш;

- савдо шакллари ва услублари таҳлили;

истеъмолчиларни (индивидуал ва коллектив) ва уларнинг сотиб олишдаги ҳатти – ҳаракатларини ўрганиш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори сегментацияси маркетинг ишининг таркибий қисми бўлиб, бозорни сегментларга, яни бир хил талаб харктерига эга бўлган истеъмолчилар гуруҳи ва қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжаликларининг маркетинг тасирига бўлган бир турдаги таъсирдир.

Бозор сегментацияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг индивидуаллаштириш сиёсати билан боғланган. Маркетинг ёндашиши барча истеъмолчиларга ҳисобланган стандарт, универсал товар таёрлаш заруратидан воз кечади ва бизнеснинг оптималлигини ва рақобат афзаллиги таклифини индивидуаллаштириш ва ранг – баранг қилишда кўради.

Мақсадли бозорни танлаш – маркетинг тадқиқотларининг муҳим уринишидир, чунки қархона фақат бозор эҳтиёжини ва ўз имкониятларини аниқлабгина бозор талабларини ўз потенциали ва истиқбол ривожланиши билан мослаштира олади ва жамланган маркетинг иши учун муайян бир сегментни самарали равишда танлай олади.

Мақсадли бозорни танлаш бир тамондан, бозор сегментлари талаблари баҳоланиши асосида, иккинчи тамондан, қишлоқ хўжалиги ўз имкониятлари

асосида, улар ўртасидаги мувозанат ва балансни ўрнатиш мақсадида курилади.

Мақсадли бозор шундай бозор сегментини, унда нафақат рақобат афзалликлари, балки бир неча рақобат камчиликлари ҳам шу қишлоқ хўжалиги фермери, ширкат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун рақобатда яхши позицияларни яратиши ва улар учун энг самарали бозор талабини вужудга келтириши мумкин.

14.3. Қишлоқ хўжалиги маркетинги стратегиясини тузиш

Тадқиқотларни олиб бориш натижасида маркетинглар мақсадли бозор ривожланиши прогнозларини, қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатнинг унда ҳаракат қилиш мақсади, стратегияси ва тактикасини, унинг товар, нарх, сотиш сиёсати ҳамда сотишни рағбатлантириш ва реклама тадбирлари ўтказиш сиёсатисотишни ўз ичига олган қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатларининг ишлаб чиқариш – сотиш фаолиятининг стратегик, тактик ва оператив режаларини тузиб чиқишади.

Муқобил стратегияни ишлаб чиқиш қишлоқда тадбиркорликнинг самарали бўлишини белгилаб беради. Маркетинг бозор стратегияларининг турли хил вариантларини таклиф этади: глобал ва умумий – талаб ҳолати ва даражаси, бозорни қамраш меъёри, бозор улиши, товар ва бозорнинг янгилигига кўра. Маркетинг дастурлари маркетинг фаолиятида жуда ҳам муҳим ўринни эгаллайди, қишлоқ хўжалиги фермерининг бозордаги ўрни қандайдир маънода ана шу дастурларнинг сифатли ишлаб чиқиши ва самарали амалга оширилишига боғлиқ.

Товар сиёсати қишлоқ хўжалиги фермерининг рақобатдаги позициясини оширишга қаратилган “marketing mix” комплексининг таркибий қисми бўлган махсус маркетинг дастурини ифодалайди. Бунда бу сиёсат чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг истеъмол хусусиятларини, уларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва рақобатдошлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳаётий циклини узайтириш ва уларнинг ассортиментини оптималлаштиришга қаратилади. Бу чоралар танланган бозор сегментидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат таснифлари ва хусусиятларини истеъмолчиларнинг аниқ талаблари даражасига етказиш ва унинг самарали сотилишини таъминлашни кўзда тутаяди.

Нарх сиёсати қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатининг бозорда узоқ муддатли ҳаракатидаги нарх стратегиясини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳар бир гуруҳ ва турига ҳамда бозорнинг аниқ бир сегментига нисбатан қисқа муддатли нарх тактикасини аниқлашни билдиради.

Нарх сиёсати товар нархини ўзгартириб, рақобатбардошлигини оширишга имконият яратади (бозор муносабатлари шароитида савдо фаолиятини олиб бориш талаб қилинганидек) ва бозор талабларидан ва бошқа омиллар асосида нарх белгилашни тامينлайди.

Одатда, нарх сиёсати бир неча бозор стратегияларини ўз ичига олади: “бозорга ёриб кириш” сиёсати (penetration policy), “қаймоғини олиш” сиёсати (skimming policy), дифференцияланган, дискриминацияловчи, рақобатбордош, обрўли нархлар ва бошқа турдаги нархлар, чегирма ва нархли имтиёзлар сиёсати ва б. Нарх сиёсати, шунингдек, тақрибий миқдорда ифодаланган, белгиланадиган нарх даражасини аниқлаш методологияси ва шартнома нархини ҳисоблаш ва қайд қилиш методикасини ўз ичига олади.

Сотиш сиёсати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўғридан – тўғри ва билвосита усуллар орқали сотиш каналларини вужудга келтиришни назарда тутаети. Тўғридан – тўғри усул сотиш филиаллари, омборлар, станция ва техник хизмат кўрсатиш марказларнинг бевосита ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжалиги томонидан ташкил қилинишини кўрсатади, яъни ўзининг сотиш тизими орқали. Билвосита усул савдонинг мустақил воситачилар орқали амалга оширилишини билдиради. Қишлоқ хўжалиги фермери интенсив, селектив ва “эсклюзив” сотиш системаларидан фойдаланиш, нолинчи ёки кўп даражали сотиш тармоқларини яратиш, сотишнинг вертикал ва горизантал структураларини аниқлаши мумкин. Чакана, улгиржи ва ташқи савдо сотиш системаларини ишлаб чиқиш ҳам қишлоқ хўжалиги фермерининг сотиш сиёсатига киради.

Коммуникацион сиёсат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозорга олиб кирилишига қаратилган тадбирлар комплексини режалаштириш ва амалга оширишни англатади. Бу соҳада турли хил реклама кўринишларидан фойдаланилади, жамоатчилик билан алоқалар ўрнатилади, сотишни рағбатлантириш, сотишдан олдинги ва кейинги хизмат кўрсатиш ҳамда замонавий савдо маркаси, яъни “бренд”лардан фойдаланади.

Маркетинг – қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжалиги бошқарув фаолиятининг яхлит концепцияси бўлиб, умумий принциплар ва функциялар билан характерланади ва қишлоқ хўжалиги фермерининг ишлаб чиқариши ва сотишни ташкил қилиши истеъмолчиларнинг талабларини қондиришга йўналтирилган. Аммо, қишлоқ хўжалиги фермерини бошқаришнинг маркетинг концепциясини қўллаш соҳаси ва объектига қараб маркетингнинг турли хил кўринишлари кўрсатилади.

Ривожланиш хусусияти ва ёндашувларидан келиб чиқиб, унинг “менежеристик”, “бихевиористик”, “интегралланган”, “инновацион”, маркетингни концепцияси тўғридан–тўғри, стратегик, экологик ва ижтимоий маркетинг турлари мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг хусусиятларига қараб қуйдаги маркетинг турлари мавжуд:

- конверсион – негатив, манфий талабни ижобийга айлантиради;
- креатив – бозорда маълум вақтда муайян товарга талаб йўқ бўлса, талабни яратади;
- рағбатлантирувчи – паст даражадаги талабни оширади;
- ремаркетинг – сусаяётган талабни жонлантиради;
- синхромаркетинг – ўзгариб тирувчи талабни барқарорлаштиради;
- қўллаб – қувватловчи – оптимал талаб сақланишини таъминлайди;
- демаркетинг – очикча юқори талабни пасайтиради.

Маркетинг таклиф қилинаётган товар ва хизматларнинг кўринишларига қараб бир қанча турларга бўлинади. Хусусан, маркетинг ўзининг шахсий хусусиятларига эга бўлган истеъмол товарлари маркетинги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги, банк ва молия маркетинги, савдо – сотиқ маркетинги, туристик бизнес маркетинги, илмий – техникавий маркетинг, ғоялар маркетинги ва бошқа турларга бўлинади.

Ташкилот ва қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатининг турига, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган субъектга қараб қуйидаги қишлоқ хўжалиги маркетинг турлари мавжуд: нотижорат ва тижорат ташкилотлар маркетинги, қишлоқ хўжалиги кичик бизнес маркетинги, сайлов олди компаниялар, алоҳида шахслар маркетинги ва бошқалар.

Қисқача хулосалар

Маркетинг (ингл. Market – бозор) – тадбиркор мухитини, бозорни, истеъмолчининг аниқ талабини ва улар учун ишлаб чиқарилган, қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бозор концепциясидир. Қишлоқ хўжалиги маркетинги мақсади – талабни шакллантириш ва рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси ишининг режалари ва қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг асослигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдо кўлами, бозор ҳиссаси ва фойдасини кўпайтиришдан иборат. Сотиладиган, яъни бозори чакқон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш – қишлоқ хўжалиги фермери фаолияти маркетинг нуқтаи назаридан ёндашишининг асосий нишонидир.

Қишлоқ хўжалиги маркетинги учун қуйидаги асосий ҳолатлар ёки тамойиллар хосдир:

1. Қишлоқ хўжалиги бизнесининг истеъмолчилар талабларига қараб иш тутиши;
2. Сегментация ва мақсадли бозорни аниқлаш;
3. ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг актив ва потенциал истеъмолчиларнинг талабларига ва бозор шароитларининг ўзгаришига мослашиши ёки эгилувчан таъсири;
4. янгиликлар киритиш;
5. стратегик режалаштириш ва бошқалар.

Тадқиқотлар олиб бориш натижасида маркетинглар мақсадли бозор ривожланиши прогнозларини, қишлоқ хўжалиги фермери, деҳқон хўжаликларини ва ширкатининг унда ҳаракат қилиш мақсади, стратегияси ва тактикасини, унинг товар, нарх, сотиш сиёсатини ҳамда сотишни рағбатлантириш ва реклама тадбирлари ўтказиш сиёсатини ўз ичига олган қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкати ишлаб чиқариш – сотиш фаолиятининг стратегик, тактик ва оператив режаларини тузиб чиқишади.

Муқобил стратегияни ишлаб чиқиш қишлоқда тадбиркорликнинг самарали бўлишини белгилаб беради. Маркетинг бозор стратегияларининг турли хил вариантларини таклиф этади: глобал ва умумий – талаб ҳолати ва даражаси, бозорни қамраш меъёри, бозор улиши, товар ва бозорнинг янгилигига кўра. Маркетинг дастурлари маркетинг фаолиятида жуда ҳам муҳим ўринни эгаллайди, қишлоқ хўжалиги фермерининг бозордаги ўрни қандайдир маънода ана шу дастурлар сифатли ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилишига боғлиқ

Таянч иборалар

Маркетинг, сигмент, эластиклик, стратегик режалаштириш, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодиёт, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини фонд, фонда қайтими, билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Маркетинг” тушинчаси нимани англатади?
2. Маркетингнинг моҳияти нимада?
3. Бозор сигментлари сифатни бошқариш тизими.
4. Стандартлар ва стандартлаштириш тартиби.
5. Маҳсулотни сотиш каналлари.
6. Фьючерс ва опцион ҳамда биржа битимлари.
7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори.
8. Қишлоқ хўжалиги маркетинги самарадорлиги нималарга боғлиқ?
9. Қишлоқ хўжалиги маркетинги функциялари нималардан иборат?
10. Қишлоқ хўжалиги маркетинги стратегияси қандай тузилади?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.: Ўқитувчи, 1998.
2. Серова Е. В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.
3. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики Колл. Авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001.- 352 б.
4. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
5. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).
6. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. – Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедия», 2001.

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

15-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ – ҚУВВАТЛАШ

15.1. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлашнинг моҳияти ва зарурияти

Қишлоқ хўжалиги давлат томонидан доимий равишда тартибга солиб туришга муҳтож тармоқ ҳисобланади. Бунга қатор сабаблар таъсир кўрсатади. Аваламбор қишлоқ хўжалиги иқлаб чиқариши табиий шароитлар билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳамиша ҳам хўжаликнинг фаолиятиги боғлиқ эмас. Бир меъёردа қилинган меҳнатнинг натижалари қишлоқ хўжалигида табиий таъсирлар натижасида турлича бўлади. Унинг маҳсулотларини узоқ вақт сақлаш имикониятлари чекланган. Натижада, қишлоқ хўжалиги ўз маҳсулотларини тезликда сотишга мажбур бўладилар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан жуда кўплаб тадбиркорлар шуғулланганликлари учун уларга нарх эркин, талаб ва таклиф асосида шаклланади. Бу нархлар кўпинча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун фойдали бўлмайди. Шу сабабларга кўра қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлаш зарурати мавжуд. Бозор иқтисодиёти муносабатлари яхши ривожланган илғор хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги тармоғи давлат томонидан тегишли қонун-қоидалар асосида тартибга солиб турилиши ва қўллаб-қувватланиши лозим.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини марказлашган режалар асосида давлат томонидан маъмурий усуллар орқали бошқариш тамойилларидан воз кечиб, бу соҳага эркин бозор муносабатлари кириб келаётган бир пайтда давлатнинг аграр ишлаб чиқариш муносабатларига аралашуви ҳаётий заруратга айланади.

Эркин бозор тарафдорлари аграр соҳага хос бўлган бир қатор хусусиятларга (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида соф рақобат имкониятларининг мавжудлиги, аграр ишлаб чиқаришга хос бўлган табиий – биотехнологик омиллар деҳқонлардан мустақил қарорлар қабул қилишни талаб этиши ва бошқ.) таяниб, бу тармоқда эркин бозор муносабатлари амал қилиши учун қулай шарт – шароитлар мавжуд, деган ғояни илгари сурадилар. Уларнинг фикрича, бозорнинг ўз – ўзини тартибга сола олиш хусусияти, аграр иқтисодиётга давлат аралашувини талаб этмайди ва бунга зарурият ҳам йўқ. Мустақил хўжалик юритиш ва тадбиркорлик эркинлиги эса бозор шароитида фермерларнинг юксак суръатлар билан ривожланишига олиб келиши керак.

Аммо, республикамиз бозор муносабатларига ўта бошлаганидан бери ўтган давр сабоқлари ҳамда илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибалари қишлоқ хўжалигини давлатнинг фаол аралашувисиз ривожлантириб

бўлмаслигини кўрсатмоқда. Чунки, бозор шароитида аграр соҳа давлат тамонидан қўллаб – қувватланмасдан туриб, соҳолараро рақобатга бардош беролмайди.

Қишлоқ хўжалигини давлат тамонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлаш заруратини даставвал қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда қарамоқ мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалиги мураккаб биотехник техналогик ҳамда ижтимоий – иқтисодий тизим сифатида тавсифланади. Унда ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий характердаги омиллар билан биргаликда ер, сув, ўсимлик ва чорва моллари организм, ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, табиий иқлим ва жуғрофий жойлашув каби табиий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш жараёнида турли тавсифдаги ушбу омиллар уйғунлашиб кетади. Ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг серқирралиги ва мураккаб тизимдан иборатлиги қишлоқ хўжалиги қархоналарининг самарали фаолият кўрсатиш имкониятларини чеклайди. Хусусан, ишлаб чиқариш табиий омилларнинг бир қисмини (об – ҳаво, табиий – иқлим шароити ва ҳ.к.) бошқариш деҳқонларнинг имкониятлар доирасидан ташқари бўлиб, уларни олдиндан режалаштириб ёки олдини олиб бўлмайди. Аммо, бу омилларнинг қулай ёки ноқулай шароитларда келиши хўжаликнинг якуний молиявий натижаларига кучли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий иқлим шароитига (жонли организмлар, жуғрофий муҳит, об – ҳаво ва бошқ.) боғлиқлиги деҳқонлар фаолияти рағбатлантириш ва суғирталаш каби бир қатор ҳимоя воситаларни яратишни талаб қилади.

Деҳқон манфаати томонидан ёндашсак, йил давомида маҳсулот етиштириш учун сарфланган харажатлар табиий офат ва қурғоқчилик туфайли бекорга совурилиши мумкин. Бундай пайтларда унинг кўрган зарарини қисман бўлсада қопламаслик келгуси йил ҳосилига ҳам таҳдид солади. Об – ҳавонинг ноқулай келиши нафақат қишлоқ хўжалиги тармоғида, балки бутун мамлакат миқёсида ҳам қийинчиликлар туғдириши мумкин. Озиқ – овқат танқислиги вужудга келмаслиги учун давлатнинг махсус заҳиралари бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳосил мўл бўлган йилларда давлат озиқ – овқат маҳсулотларининг талабдан ошиқ қисмини деҳқонлардан харид қилиб, махсус омборларда сақлаши ва ноқулай келиб, танқислик вужудга келган йиллари бу заҳиралардан талабни қондириш мақсадида фойдаланиши мумкин. Бу тадбир ҳозирги вақтда дунёнинг бир қатор илғор давлатларида (АҚШ, Европа Ҳамжамияти давлатларида, Канада) қўллаб келинади ва ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий – иқлимий шароитларга боғлиқлиги бу тармоқда баҳолар ва даромадларнинг барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Масалан, қулай об – ҳаво шароитида бозорга талабдан ортиқча маҳсулотнинг кириши баҳонинг кескин пасайишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатни кўпроқ ғалла, сабзавот, полиз, мева ва узум

маҳсулотлари бозорида кузатиш мумкин. Баъзан баҳоларнинг бундай пасайиши маҳсулот таннархини қоплашга ҳам имкон бермаслиги оқибатида деҳқонлар катта зарар кўради. Табиийки, бундай шароитларда аграр соҳада эркин бозор муносабатлари амал қилаётган бўлса, улар хонавайрон бўлиши турган гап. Ёки иккинчи бир йили об-ҳавонинг ноқулай келиши (қурғоқчилик, сел, жала ва ҳоказо) ҳосилнинг кескин камайиб кетишига ва натижада нархларнинг ҳаддан ташқари қимматлашишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда деҳқонлар ҳосилнинг камайиб кетишидан зарар кўрсалар, истеъмолчилар нархларнинг баландлигидан азият чекадилар. Кўриниб турибдики, ҳар иккала ҳолда ҳам деҳқон кўпроқ зарар кўради ва бу ҳолат қишлоқ хўжалигини давлат тамонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлаш заруриятини юзага келтирувчи омиллардан бири сифатида юзага чиқади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биологик жараёнлар билан боғлиқлиги туфайли тез бузилувчан бўлади. Уларни узоқ муддат сақлаш ёки олис масофаларга тешиш имкониятлари анча чегараланган. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан фарқли равишда саноат, савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари ўз маҳсулотларига баҳо белгилашда анча қулай мавқега эга. Чунки, истеъмолчи сўраётган нарх қониқтирмаса, уларни токи бозорда қулай вазият вужудга келгунга қадар товарларини сотмай сақлаб туришлари мумкин. Қишлоқ хўжалиги корхоналари эса сабзавот, мева ёки сут каби тез бузилувчан маҳсулотларни бозорда қулай вазият келишини кутиб, узоқ вақт ушлаб тураолмайдилар. Бу хил маҳсулотлар маълум муддат ўтгандан сўнг ўзининг истеъмол қийматини йўқатиши мумкинлиги сабабли фермерлар бозорда ташкил топган нархлар даражаси билан қаноатланишга мажбур бўладилар.

Иккинчи тамондан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар республикамизда кўпчилини ташкил этади ва эркин бозор ҳукм суриб турган шароитда улар ҳеч қачон ўзаро келишиб, маҳсулотларига юқори нарх белгилай олмайдилар, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида нисбатан идеал рақобат ҳукм суради. Одатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ўзгариши унчалик катта бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, унга бўлган талаб эластикликка эга эмас (ёки жуда паст эластикликка эга).

Аксинча, қишлоқ хўжалигига моддий – техника ресурслари етказиб берувчи ҳамда уларга турли хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳудудлар миқёсида камчиликни ташкил этиб, баъзан монопол мавқега эга эканлиги билан характерланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари харид қиладиган саноат маҳсулотлари (техника, минерал ўғит, ёқилғи ва ҳ . к.) нархи кўп ҳолларда тез суръатлар билан ўсади. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари билан бу тармоқ учун зарур бўлган саноат товарлари ёки хизматлар баҳолари ўртасида йирик номуносиблик (баҳолар диспаритети) вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжаликлари

махсулотлари ишлаб чиқарувчи кархоналар фаолиятининг иқтисодий самарасини пасайтиради ёки умуман, зарарли қилиб қўяди. Бундай ҳолат ҳеч бир мамлакат манфаатига мос тушмайди. Бундай вазиятда давлат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ноқулай бўлган техника таъминоти ҳамда хизмат кўрсатувчи кархоналарнинг монопол мавқеини чеклаш чораларини кўришга мажбур бўлади.

Қишлоқ хўжалигини давлат тамонидан қўллаб – қувватлаш зарурияти бу тармоқда капитал айланишининг хусусиятларидан ҳам келиб чиқади.

Маълумки, саноат, савдо, молия бозорлари каби бир қатор тармоқларда капитал айланиши қишлоқ хўжалигидагига нисбатан бир неча марта юқоридир. Капитал қанча тез айланса, шунчалик кўп фойда келтириши туфайли қишлоқ хўжалигида капиталнинг секин айланиши бу тармоққа инвестиция имкониятларини кескин чегаралайди.

Аммо, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тармоқларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни техник куроллантириш, фан – техника ютуқлари ва илғор технологияларни жорий этиш, экологик вазиятни барқарор ушлаб туриш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш учун йирик капитал маблағлар талаб этиладики, бу тадбирларни ёлғиз қишлоқ хўжалиги кархоналарнинг маблағлари ҳисобдан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун давлат бюджети ҳисобидан махсус маблағлар ажратилиши мақсадга мувофиқ. Ва ниҳоят, фермер хўжаликларининг ижтимоий ривожланиши, яъни улар учун йўллар барпо этиш, газ, сув, электр таъминоти, ижтимоий – маданий объектлар қуриш каби умумдавлат аҳамиятига эга бўлган муаммолар мавжудки, бу муаммоларни давлат ҳомийлигисиз ечиб бўлмайди.

15.2. Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб – қувватлашдаги асосий вазифалари, уларни амалга ошириш шакллари ва усуллари

Миллий аграр иқтисодиётининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- Ҳуқуқий тартибга солиш вазифаси – давлат аграр иқтисодиёт барқарор ривожланишини ва ҳар бир хўжалик юритувчи субъект тенг шароитларда фаолият юритишини таъминлашга имкон берувчи меъёрлар ҳамда қонунларни қабул қилиш орқали, ижтимоий – иқтисодий жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини яратишни назарда тутати.
- Барқарорлаштириш вазифаси – аграр иқтисодиётда инқирозли ҳолатларни бартараб этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўймаслик ва агросаноат мажмуи таркибининг мутаносиблигини таъминлаш билан боғлиқ.

- Тартибга солиш вазифаси – хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият юритишларини таъминлаш мақсадида бозор тузилмалари билан давлат бошқарувининг ўзаро манфаатлилиги ҳамда уйғунлигини шакллантиришдан иборат.
- Рағбатлантириш вазифаси – миллий иқтисодиёт доирасида қишлоқ хўжалигида фан – техника тараққиётини, хусусий тадбиркорликни, адолатли рақобат курашини ёки бошқа устивор йўналишларни рағбатлантириш ва қўллаб – қувватлаш чораларини ифодалайди.
- Тақсимлаш вазифаси – ижтимоий адолат ва ҳимоялаш воситаси сифатида дароматларни қайта тақсимлаш, шунингдек, ички маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотига тузатишлар киритиш билан боғлиқ.
- Ижтимоий қафолатлаш вазифаси – қишлоқ хўжалигида таъминот ва аҳоли начор қатламларини ҳимоялашнинг самарали тизимсини яратиш, ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий тадбирларга бўлган эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ чора – тадбирларни ўз ичига олади.
- Муҳофаза қилиш вазифаси аграр ишлаб чиқаришни салбий характердаги ташқа таъсирлардан (масалан, атроф – муҳит ва бошқ.) сақлаш, миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ташқи экспортёрлардан ёки жаҳон бозоридаги кучли рақобатдан ҳимоялаш каби вазифалардан иборат.
- Назорат этиш вазифаси – қишлоқ хўжалигида қонуний – меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари ва давлат андозаларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш билан боғлиқ.
- Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш вазифаси – халқаро бозорлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортёрларининг манфаатларини ҳимоялаш, божхона таърифлари ва солиқлар орқали экспортга йўналтирилган маҳсулотлар яратишни рағбатлантириш, улар учун қулай иқтисодий муҳит ҳосил қилиш тадбирларидан иборат.
- Истиқболни белгилаш вазифаси – қишлоқ хўжалигини истиқболда ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилаш, барқарор аграр тараққиётининг самарали вариантларини изчил амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлатнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб – қувватлашдаги энг муҳим вазифаларидан бири – тадбиркорлик ташаббуси ва танлов эркинлигига, мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқи ва ўз хусусий мулкига эга бўлган бозор хўжалигининг субъекти тадбиркорларни шакллантириш ҳамда уларнинг соғлом рақобат ва тенг хўжалик юритиш шароитларида фаолият кўрсатишини таъминловчи ҳуқуқий – меъёрий асосларини яратишдир. Давлат тадбиркорларнинг бутун ижобий ва меҳнат қобилиятларини юзага чиқариши ҳамда улар хўжаликни бошқариш жараёнларини тўсиқсиз амалга оширишлари учун зарур бўлган барча шарт –

шароитларни, яъни тадбиркорлик ва танлов эркинлигини қонунан мустаҳкамлаб қўйиши керак. Шу билан бирга давлат тегишли қонуний ҳужжатлар орқали бозор шароитида хўжалик юритиш қоидаларини белгилайди.

Давлатнинг яна бир муҳим вазифаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор талаб ва таклифнинг шаклланишини қўллаб – қувватлашдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор талабни шакллантириш учун аҳолининг дароматларини ўстириш ва қайта тақсимлаш, истеъмол учун зарур бўлган баъзи маҳсулотларнинг баҳоларини тартибга солиш каби тадбирлар қўлланилади. Давлат истеъмол учун зарур бўлган ҳамда стратегик аҳамиятга эга бир қатор маҳсулотларга давлат буюртмаларини шакллантириш орқали ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор талабни юзага келтиришга ҳисса қўшади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор таклиф ҳажмини қўллаб – қувватлаш бевосита хўжаликларда ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, уларнинг моддий – техник салоҳиятини ошириш, соҳага энергия ва ресурсларни тежаш имконини берувчи илғор технология ҳамда фан-техника ютуқларини жорий этиш (баҳолар паритетини сақлаш, солиқ, молия-кредит ва суғурта тизими) орқали ишлаб чиқариш – молиявий фаолиятда қулайлик ҳамда имтиёзлар яратиш орқали таъминланади.

Давлатнинг учинчи муҳим вазифаси – қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритишга етакловчи соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдир. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг очиклигини ҳамда адолатли рақобат муҳитини яратиш, носоғлом рақобат ва монополияга қарши курашнинг самарали воситаларини қўллаш чоралари амалга оширилади.

Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жаҳон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бозорларида тенг ҳуқуқли субъект сифатида қатнашиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш бермоғи лозим. Бунинг учун давлат:

- Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлари етиштиришга рағбатини ошириш;
- Маҳалий бозорларда уларни ташқи экспортёрлар рақобатидан етарли даражада ҳимоялаш (протенционизм) воситаларини ишга солади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни барпо этишга кўмаклашишдир. Бу вазифани амалга ошириш деҳқонларга моддий – техник ресурслар етказиб берувчи, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашувчи хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини яратиш, банк, молия ва қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари ва ярамаркалар, ахборот – маслаҳат марказлари ҳамда деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва ривожлантиришни назарда тутати.

Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалари маълум бир тамойилларга таяниб амалга оширилади. Бу тамойилларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий моҳиятини, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда унинг тутган ўрнини ва аҳамиятини илмий тушуниш;

- Зарурият ва етарлилик даражасидаги протекционизм сиёсати;
- Қишлоқ хўжалигини мақсадли – дастурий тартибга солиш;
- Давлат ҳомийлигининг доимий кафолатланиши;
- Қўллаб-қувватлаш тадбирларининг табақаланган ҳолда қўлланилиши;
- Давлат аралашувининг рағбатлантиривчи йўналишга эгаллиги;
- Давлат аралашувининг ижтимоий йўналтирилганлиги.

Давлат ўзининг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб – қувватлашга оид вазифаларини турли шакл ва усулларда амалга оширади. Танланган мезоннинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Давлатнинг аграр соҳа иқтисодий жараёнларига таъсири даражасига кўра, тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд. Давлатнинг қишлоқ хўжалигига бевосита таъсир кўрсатиши хўжалик юритувчи субъектларини ўз танлов эркинлигидан келиб чиқиб эмас, балки давлат томонида белгиланган қонуний – меъёрий қоидалар асосида бошқарув қарорлари қбул қилишга мажбур этади. Бунга солиқ қонунчилиги, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бўйича йўриқномалар ва бошқалар мисол бўлади.

Билвосита усуллар ёрдамида давлатнинг қишлоқ хўжалигига таъсири такрор ишлаб чиқаришнинг макроиқтисодий нисбатларини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини иқтисодий дастаклар ёрдамида тартибга солишни кўзда тутлади. Бунда давлат иқтисодий субъектлар томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнига тўғридан – тўғри аралашмайди, балки бу қарорларни давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос бўлишини рағбатлантиради.

2. Ташкилий – институционал мезонга кўра давлатни қишлоқ хўжалигини тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари фарқ қилади. Маъмурий усуллар хўжалик юритувчи субъектлар учун қонуний ва меъёрий шарт – шароитларни вужудга келтириш билан боғлиқ ҳуқуқий инфратизимни шакллантиришга оид чора – тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади. Унинг вазифаси тадбиркорлик фаолияти учун барқарор ҳуқуқий шароитлар яратиш, рақобат муҳитини муҳофаза қилиш каби тадбирлардан иборат.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш маъмурий усулларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- улар давлат ҳокимиятининг қудрати ва салоҳиятига таянади;

- уларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча моддий рағбатлантирувчи чоралар яратишни шарт қилиб қўймайди;

- тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбурлаш тадбирларини (квотлаш, лицензия бериш, меъёрий нормаларни белгилаш ва ҳ. к.) ўз ичига олади.

Маъмурий бошқарув ўз табиатига кўра, бозорга хос тартибга солиш ҳаракатига тўсиқлик қилади. Бироқ ривожланган бозор шароитида ҳам бошқаришнинг маъмурий усуллари ўз аҳамиятини сақлаб қолади ва зарур бўлганда улардан фойдаланилади. Хусусан, бозор иқтисодиёти ривожланган ҳамма мамлакатларда маъмурий усуллар воситасида монополияга қарши сиёсат амалга оширилади.

Иқтисодий усуллар ёрдамида давлат бозор жараёнларининг ривожланишини давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос йўналишга солиш учун таъсир этиш чораларини қўллайди. Иқтисодий жараёнларни давлат тамонидан тартибга солишнинг маъмурий усуллари бозор хўжалигининг ўз – ўзини бошқариш механизмига қаршилик қилса, иқтисодий усуллар улардан фаол фойдаланишни рағбатлантиради.

Иқтисодиётни тартибга солиш ва қўллаб-қуватлашнинг иқтисодий усуллари куйидагилар киради.

-бюджет – солиқ сиёсати;

-пул –кредит сиёсати;

-ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш;

-иқтисодий режалаштириш, дастурлаш ҳамда истиқболни белгилаш.

Бюджет - солиқ тизими хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат тамонидан бевосита тартибга солишнинг самарали дастакларидан бири ҳисобланади. Давлат бюджетининг харажатлар қисми орқали даромадларни қайта тақсимлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида фан – техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш, аграр иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига давлат инвестицияларини йўналтириш ҳамда қишлоқда ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш мумкин бўлади.

Солиқ тизими орқали қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини рағбатлантириш (солиқ имтиёзлар ва бошқ.) амалга оширилади. Чунки, прогрессив солиқ тизимидан нотўғри фойдаланиш, яъни унинг меъёрини ҳаддан ташқари ошириб юбориш иқтисодий тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу, биринчи навбатда, юқори унум билан меҳнат қилиш ва юқори даромад олишга бўлган манфаатни, инвестицияларга бўлган рағбатни йўққа чиқиши билан изоҳланади.

Пул – кредит тизими давлатнинг қишлоқ хўжалигига билвосита таъсир кўрсатиш усулларида биридир. Пул – кредит тизими орқали:

-мақсадли кредитлар бериш;

-кредит беришнинг юқори чегараларини белгилаш;

-банк фоизларининг даражаси устидан бевосита назорат ўрнатиш;

-кредитлар бўйича фоиз ставкаларини тартибга солиш;

-тижорат банкларини қайта молиялаш меъёрларини тартибга солиш каби иқтисодий рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

Иқтисодий режалаштириш, дастурлаш ҳамда истиқболни белгилаш (прогнозлаш) орқали давлат иқтисодий жараёнларга билвосита таъсир кўрсатади ва улар хусусий тармоқ субъектлари учун тавсия мазмунига эгадир. Давлат истиқболни башорат қилиш орқали келгусида кўзда тутилган вазифалар самарали амалга оширилишнинг оптимал вариантларини изласа, иқтисодий дастурлар орқали маълум бир тармоқ, ҳудуд ёки устувор вазифаларни ривожлантириш масалаларини ҳал этади.

Ҳозирги кунда нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, қуритилган сут, чой ва антиквар маҳсулотлар экспортига чеклов қўйилган. Мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларини ҳимоялаш сиёсати ҳам олиб борилмоқда. Шу мақсадда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари импортига божхона тарифлари белгиланган. Жумладан, мева-сабзавотлар учун 30%, дон ва ғалла маҳсулотлари учун 20%, ёғоч маҳсулотлари учун 10%, пахта толаси учун 30%, чорва молари озуқаси учун 30 фоиз, қайта ишланган маҳсулотлар, масалан, шарбатлар, экстрактлар, консерва маҳсулотлари учун 20% импорт устамалари белгиланган.

Давлат ўзининг реал ҳокимияти кучидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини маъмурий усуллар ёрдамида тартибга солса, иқтисодий ёки институционал усуллар ёрдамида уларни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга оширади. Эркин бозор муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда давлатнинг маъмурий усуллар ёрдамида тартибга солиш даражаси камайиб боради. Аммо, унинг аҳамияти сақланиб қолади. Негаки, хусусий мулк ва тадбиркорлик эркинлиги дахлсизлигини ҳимоялаш монополияни чеклаш, қонун устуворлигини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаб туриш каби муҳим тадбирларни фақатгина кучли давлат ҳокимияти ва маъмурий усуллар орқалигини таъминлаш мумкин.

Шу билан бирга иқтисодий ва институционал усуллар орқали фермер хўжаликларини қўллаб – қувватлаш кўпроқ аҳамият касб этиб бораверади.

Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб – қувватлаш тадбирлари илмий–амалий жиҳатдан асосланган ҳамда ижобий натижаларни таъминлашга йўналтирилган бўлсагина ўз самарасини беради.

15.3. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат аграр сиёсати биринчи навбатда мамлакатда мустаҳкам озиқ – овқат базасини, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш шарт-шароитларини яратиш, мулкчиликда давлат монополиясини кескин чеклаш ва хусусий мулк эгаллиги ҳамда

мулкчиликнинг бошқа шакллариغا кенг йўл очиш, турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига тенг ривожланишига эришиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш масалаларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини, саноатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш;
- Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш эвазига чет эл валюталари тушумини кўпайтириш;
- Қишлоқ хўжалигига тушаётган тушумларни бошқа тармоқлар ўртасида тақсимлашни мўътадиллаштириш;
- Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини кучайтириш;
- Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш;
- Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ошириш ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жуда мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Бу шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- молиявий маблағларнинг талаб даражасидан кам бўлиши, етишмаслиги;
- қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг эскириб қолганлиги;
- қишлоқда меҳнат мотивациясининг, манфаатдорлигининг нисбатан пастлиги;
- қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларига шаклланаётган нархлар паритетининг қишлоқ хўжалиги учун қулай ҳолда ривожланмаганлиги;
- қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмасининг етарли даражада яхши ривожланмаганлиги;
- қишлоқ аҳолисининг харид қилиш қобилиятининг нисбатан пастлиги;
- қишлоқ хўжалигига нисбатан арзон ва сифатли машина ва техникаларни олиб келиш имкониятларининг чекланганлиги;
- қишлоқ хўжалиги учун кимёвий воситалар, маъданли ўғитлар, ёқилғи мойлаш материалларини етказиб бериш (айримларини ишлаб чиқаришнинг) камайиши;
- мустақилликнинг дастлабки йилларида инфляция даражасининг нисбатан юқори бўлиши;
- ер ва сув ресурсларининг сифатининг пасайиши.

Шу каби қийинчиликларга қарамасдан мамлакат Президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодий ислоҳотлар пухта ўйланган ҳолда олиб борилди ва у ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;

- қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик;

- уларнинг ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;

- қишлоқ хўжалигида мақбул баҳо сиёсатини юритиш, доимий равишда қишлоқ хўжалиги ва саноат товарлар орасидаги баҳолар паритетини сақлаб бориш;

- даромадлар пасайиб кетишига йўл қўймаслик;

- илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

- фқоралар тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатлари ва шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

- молия – кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни кенгайтириш ва ривожлантириш;

- улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, корхоналарнинг хомашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

- пул – кредит тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун суғурта тизими аҳамиятини ошириш;

- Ерга мулкчилик, ер ва сувдан самарали фойдаланиш механизмини шакллантириш.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва қўллаб – қувватлаш ишлари билан тегишли давлат бошқаруви органлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа тузилмалар шуғулланадилар. Дехқон ва фермер

хўжаликларини қўллаб –қувватлаш жамғармаси, Бизнес – фонд, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, тижорат банклари, “Мадад”, “Биржасавдосуғурта”, “Агросуғурта” суғурта агентликлари ва бошқа институционал тузилмалар корхоналарга бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредитлар олиш ва уларни амалга оширишга кўмаклашадилар. Бунда тижорат банклари, турли жамғармалар имтиёзли кредит ажратиш билан ёрдам берса, суғурта агентликлари кредит хатари ва бошқа фавқулодда ҳолатлардан суғурталайди.

Қишлоқ хўжалигида ислохатларнинг ҳукукий – меъёрий базасини яратиш кархоналарнинг иқтисодий эркинлигини тامينлаш ҳамда уларнинг қонуний бизнес билан шуғулланишларига имкон берувчи ҳукуқлари ва имтиёзларини кафолатлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги кархоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасида мустаҳкам ҳукукий–меъёрий асос яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқоралик Кодекси”, “Ер кодекси”, “Солиқ Кодекси”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ширкат хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар республикамизда қишлоқ хўжалиги кархоналари фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солиб туради ва уларнинг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди. Давлат тадбиркорларнинг эркинлиги, ҳукуқларини ҳимоя қилади ва уларнинг фаолиятига асосиз аралашувларни чеклаб туради.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида фермер хўжаликларининг ҳукуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 29- моддаси: “Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди”, - деб эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347- сонли “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тадбиркорлик субъектларини, жумладан, фермер хўжаликларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг энгиллаштирилган тадбири жорий этилди. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш “бир йўла” тамойили асосида, уларни автоматик тарзда ҳисобга қўйиш билан амалга оширилади. Қарорга мувофиқ туман ҳокимиятлари таркибида давлат рўйхатига олиш бўйича махсус хизмат

ташкил этилган бўлиб, унинг ходимлари тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатларни таёрлаш, уларни йўл фонди, меҳнат, бандлик ва ижтимоий таъминот бўлими, солиқ ҳамда статистика органларида ҳисобга қўйиш ишларини ўзлари амалга оширадилар.

Фермер хўжалигини ер ижроси билан боғлиқ барча ҳужжатлар тайёр бўлган тақдирда давлат рўйхатига олишнинг умумий муддати (ички ишлар бўлимидан муҳр ҳамда бурчак штампини таёрлашга руҳсат олишни ҳам қўшиб ҳисобланганда) 12 кундан ошмаслиги лозим.

Кузатишларнинг кўрсатишича, фермер хўжаликларини давлат рўйхатига олишнинг бу енгиллаштирилган тартиби жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки, қарор қабул қилингунга қадар фермер хўжалиги ташкил этиш истагида бўлган фуқораларни рўйхатга олиш ишлари асоссиз равишда, турли маъмуриятчилик ва сансоларлик туфайли чўзиб юборилар эди.

Фермер хўжаликлари қонунда белгилаб берилган тартибда ҳисоб ва ҳисобот ишларини юритадилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги “Кичик ва ўрта бизнес корхоналаручун ҳисоботлар юритилишини қисқартириш ҳамда соддалаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 65 – сонли қарорига мувофиқ 2000 йилнинг 1- чорагидан фермер хўжаликлари учун максимал қисқартирилган ва соддалаштирилган ҳисоб шакли ҳамда уни тақдим этиш белгилаб берилган.

Республикамизда фермер хўжаликларини ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларни иқтисодий дастаклар орқали ҳар томонлама рағбатлантириш чоралари ҳам амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари қуйдаги механизмлардан ташкил топади :

- молия – киридит тизими орқали қўллаб- қувватлаш;
- табақаланган ва имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш;
- баҳолар паритетини сақлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий дастаклар орқали қўллаб – қувватлаш чоралари фермер хўжаликларининг ривожланишига қулай шарт – шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан бериладиган иқтисодий рағбатлантириш чораларидан ташкил топади. Бундай чора-тадбирлар сарасига солиқлар тўлашда енгилликлар бериш, имтиёзли шартлар ва фоизларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафилланган баҳолар белгилаш, экспорт-инпорт операцияларида қулай тарифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар киради.

Фермер хўжаликларига солиқ тўлашда сезиларли енгилликлар жорий этилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар дастлаб ташкил этилганидан бошлаб 2 йил мобайнида ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган. Кейинги йилларда эса улар бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тенг шароитларда ер майдонининг жойлашган ўрни ва тупроқнинг унумдорлиги

даражасидан келиб чиқиб белгиланадиган балл-бонитетлар асосида ягона ер солиғи тўлайдилар.

Фермер хўжаликларини молия-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш биринчи навбатда имтиёзли кредит бериш механизмини қўллаш ҳамда кафолатлаш жараёнини ривожлантириш билан характерланади. Ҳозирги кунда “Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат дастури” доирасида деҳқон ва фермер хўжаликларига давлат маблағлари, тижорат банкларининг имтиёзли жамғармаси ҳамда айнан шу мақсадлар учун ташкил этилган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар бериш амалда қўлланмоқда. Бундай имтиёзли кредитлар учун фоиз тўловлари Марказий банк (МБ) томонидан қатъий белгиланиб, МБ қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмайди. Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун кредитнинг гаров таъминотини яратишда давлат ёки бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кафолат тизимини яратишга ҳам эътибор берилмоқда.

Давлатнинг фермер хўжаликлари ривожланишига кўмаклашувчи институционал ва инфратузилмаларни қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу вазифани амалга ошириш фермер хўжаликларига моддий – техник ресурсларини этказиб берувчи, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашувчи хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини яратиш, банк, молия ва қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари ва ярмаркалар, ахборот-маслаҳат марказлари ҳамда фермерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутади. Давлат бу йўл билан фермерликни ривожини билвосита қўллаб-қувватлайди. Кейинги йилларда бу йўналишда бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига мувофиқ фермер хўжаликларига айлантирилаётган хўжаликлар худудида барпо этилаётган бозор инфратузилмаси объектларининг ишлаб чиқариш, молиявий ва моддий – техника базасини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва ёнилғи – мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича бўлинмалар мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари хизматлари қўшилган қиймат солиғи, фойда ва мулк солиғи ҳисобланиши ва тўланишидан 2 йилдан муддатга озод қилинди.

Фермер хўжаликлари сифатида қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари худудида тузилаётган муқобил машина – трактор парклари солиқ солиш шартлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга кўрсатилаётган хизматлар (ер ҳайдаш, экиш, ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш ва бошқалар) учун ҳисоб–китоблар бўйича “Ўзагротсервис” уюшмаси вилоят бирлашмаларининг машина – трактор паркларига тенглаштирилди. Шунингдек, фермерлар ва бошқа қишлоқ

хўжалиги корхоналарига лизинг хизмати кўрсатувчи корхоналарга ҳам бир қатор имтиёзлар берилган хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 ноябрдаги “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 424-сонли қарори билан “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” компанияси корхоналари томонидан замонавий қишлоқ хўжалик техникасини фермерларга ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига камида 7 йиллик муддат билан лизингга бериш ва компанияси даромади (маржаси) нинг имтиёзли ставкаси Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилди. Бунда тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси қийматининг 15 фоизи аванс сифатида фермер хўжаликлари томонидан ўз маблағлари ҳисобига ва қолган 85 фоизи “Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш жамғармаси” қарз асосида берадиган маблағлар ҳисобига маблағ билан молиявий таъминланади. Кичик ва ўрта бизнесни замонавий технология, ускуналар билан жиҳозлашда, шунингдек, мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан таёрлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва техникаларини сотишда лизинг фаолияти ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан, лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келадиган технология ускуналари вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тағдирда божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди. Шу билан бирга, лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача озод қилинадиган ва лизинг берувчини солиққа тортишда у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланадиган бўлди. Бунинг ижобий томони шундаки, эндиликда фермерлар бир томондан, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини анча енгил шартларда ва арзон тўловлар эвазига лизингга олиш имкониятига эга бўлсалар, иккинчи томондан, лизинг берадиган корхоналар ҳам лизинг хизмати сифати ва самарадорлигини муайян даражада оширишга муваффақ бўладилар.

Қисқача хулоса

Ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мамлакат иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналишидир. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг давлат томонидан тартибга олиниб турилишини талаб қилади. Бозор шароитида ишлаб чиқариш давлат томонидан иқтисодий дастаклар ёрдамида тартибга солиниб турилади.

Қишлоқ хўжалиги ўз хусусиятларига кўра давлат томонидан тартибга солиниб туришга айниқса муҳтож. Гап шундаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан жуда кўплаб корхоналар шуғулланади. Натижада маълум маънода идеал рақобат муҳити вужудга келади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий муҳитга боғлиқлиги ҳам давлат томонидан аралашувни талаб қилади. Акс ҳолда жуда кўплаб корхоналар ишлаб чиқариш натижаларига кўра, зарар кўриши мумкин.

Қишлоқ хўжалигига давлат жуда кўп дастаклар орқали таъсир кўрсатади. Давлат томонидан ишлаб чиқаришни тартибга солиш жараёни йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда.

Таянч иборалар

Дотация, лизинг, суғурта, солиқ имтиёзи, аванс, ер солиғи, мулк солиғи, фан-техника тараққиёти, чекланганлик, нарх, иқтисодий дастаклар, баҳонинг функциялари, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, харажатлар калькуляцияси, асосий маҳсулот, кўшимча маҳсулот, ёндош маҳсулот, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, моддий рағбатлантириш, касбий малака, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, натурал кўрсаткичлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти.
2. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг зарурати нимада?
3. Давлатнинг иқтисодий функциялари.
4. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий дастаг ва инструментлари.
5. Дотация нима?
6. Субсидия нима?
7. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазифалари нималардан иборат?
8. Аграр сиёсат нима?
9. Ўзбекистонда аграр сиёсатни такомиллаштириш йўллари нималарга асосланади?
10. Субвенция нима?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.: Ўқитувчи, 1998.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тарақиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
5. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) – Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
6. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).
7. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. –Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001.

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

16-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА МОЛИЯ – КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ

16.1. Агросаноат мажмуаси молия-кредит тизимининг моҳияти ва хусусиятлари

Молия – кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш ҳамда давлатнинг ўз олдига қўйган мақсади ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттирувчи тизим. Марказлаштирилган молия деганда давлат бюджети тизими ва ҳукуматнинг бюджетдан ташқари жамғармаларида жамланадиган пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тушинилса, марказлаштирилмаган молия корхоналар пул жамғармаларининг доиравий айланиши билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олади.

Молия пул муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади ва шу туфайли унинг иқтисодий тизимдаги роли ва аҳамияти пул муносабатларининг шаклланиш даражасига боғлиқ бўлади. Ўзининг моддий мазмунига кўра, молия мамлакатнинг молиявий ресурсларни ташкил этувчи мақсадли пул маблағлари жамғармасини ифода этади.

Молия:

- товар моддий қийматликларни харид этиш, маҳсулот, иш ва хизматларни реализация қилиш жараёнидаги корхоналар ўртасида;
- марказлашган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан корхоналар билан юқори ташкилотлар ўртасида;
- бюджет тизимида солиқлар тўлаш ва харажатларни молиялаштириш жараёнида корхоналар билан давлат ўртасида;
- тўловларни амалда ошириш ва ресурслар харид этишда корхоналар, уй хўжалиги ва бюджетдан ташқари жамғармалар ўртасида;
- бюджет тизимининг алоҳида бўғинлари ўртасида;
- суғурта ҳолатлари вужудга келганда зарарларни қоплаш ва суғурта тўловларини амалга оширишда корхоналар, уй хўжалиги ва суғурта органлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини акс эттиради;

Пул маблағлари ҳосил бўлишининг асосий моддий манбаи бўлиб мамлакатнинг миллий даромади – янгитдан яратилган қиймат ёки ялпи ички маҳсулотдан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат қуролларининг чегириб ташланган қисми хизмат қилди ва айнан у миллий даромаднинг яратилиши ва ундан фойдаланиш орасида боғловчи бўғин хизматини ўтайди.

Молия ва кредит ўзаро боғланган категориялар бўлиб, улар ёрдамида корхоналарнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида пул жамғармалари доиравий айланиши таъминланади.

Кредит банк тизими ва ихтисослашган молия-кредит муассасалари орқали ссуда жамғармасининг ҳаракатини ифодалайди. Молия-кредит тизимининг тақсимловчи, назорат қилувчи, тартибга солувчи ва барқарорлаштирувчи функциялари мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиясининг моҳияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалигида ер, чорва моллари ва бошқа табиий бойликлардан ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган бўлиб, бу унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқланишига сабаб бўлади. Хусусан, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер бошқа асосий воситалар сингари эскирмайди (амортизация қилинмайди) ва шу туфайли маҳсулот таннархини шакллантиришда иштирок этмайди. Шу билан бир вақтда ер участкаларининг табиий унумдорлик даражаси ва жойлашган ўрни қишлоқ хўжалиги корхоналари дифференциал даромад (рента) ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг аҳамиятли қисмини маҳсулотлар ва ишчи ҳайвонлар ташкил этади. Аммо, уларни такрор ишлаб чиқариш жараёни бевосита қишлоқ хўжалигининг ўзида амалга оширилади. Ер сингари маҳсулдор чорва молларига нисбатан ҳам амортизация ҳисобланмайди ва у маҳсулот таннархи шаклланишида иштирок этмайди.

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кўпгина хомашё ва материаллар бевосита корхонанинг ўзида яратилади. Яратилган маҳсулотнинг маълум бир қисми (подани тўлдириш учун ёш моллар, уруғлик, чорва моллари учун озуқа, маҳаллий ўғит сифатида гўнг ва бошқа.) реализация қилинмай, корхонанинг ўзида такрор ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун олиб қолинади.

Чорва молларини боқиш ва ўсимликларни парваришлаш ишлаб чиқариш жараёнига авансланган айланма маблағларнинг узоқ вақт давомида айланишини талаб этади. Ўсимликчиликда у бир йилгача, чорвачиликда эса 9 ойгача давом этади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми йил охирида (асосан, чоракда) реализация қилинади ва пул тушумининг бир маромда айланишига имкон бермайди. Бу эса хўжаликнинг якуний молиявий натижаларини фақатгина йил якунига кўра аниқлашни тақоза этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий – иқлимий шарт – шароитларга боғлиқлиги ҳосилсизлик, сув тошқини, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар таъсирига қарши корхоналарнинг моддий ва пул заҳира фондларини яратишни тақозо қилади.

16.2. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш усуллари, шакллари ва уларнинг манбалари

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини молиялаштиришда ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда четдан қарзга маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда четдан қарзга маблағ жалб этишга тўғри келади. Четдан жалб этиладиган қарз маблағлари қуйидаги манбалар эвазига бўлиши мумкин:

1. Тижорат банкларининг кредитлари;
2. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредитлари;
3. Ҳалқаро молия ташкилотларининг маблағлари (тижорат банклари лойиҳалари орқали);
4. Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан кредитлар;
5. Кредит иттифоқлари ва бошқа кредит берувчи субъектлар кредитлари.

Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш улар фаолиятини молиялаштиришнинг энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. У қишлоқ хўжалиги корхонаси ва кредит ташкилоти ўртасида тегишли шартномавий муносабатларни шакллантириш орқали ўрнатиладиган молиявий муносабатдир. Бу муносабатларнинг марказий бўғини кредит шартномаси бўлиб, у ссуданинг таъминланганлиги, кредитлар ўз вақтида фоизи билан қайтарилишининг ҳуқуқий асосларини таъминлайди.

Тижорат банклари томонидан кредит бериш муддатлилик, қайтаришлик, тўловлилик ва таъминланганлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Муддатлилик тамойили шуни билдирадики, кредитлар тақдим этиш муддатига кўра қисқа, ўрта ва узоқ муддатлига ажратилади.

Қисқа муддатли кредитлар, одатда, жорий ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида, нисбатан юқори фоизларда ва бир йилгача муддатда қайтариш шарти билан берилади.

Ўрта муддатли кредитлар бир йилдан беш йилгача муддатга, ишлаб чиқаришнинг хусусияти сарифланган инвестицияларни шу муддат ичида тўла қоплаш имконини берадиган соҳаларга берилади.

Узоқ муддатли кредитлар беш йилдан кўп муддатга, инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун, одатда, ишлаб чиқаришни техник қуроллантириш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш мақсадларига берилади.

Қайтаришлик тамойили қарздорнинг кредитни тўлиқ хажмда кредиторга қайтариши бўйича жавобгарлигини англатади.

Тўловлилик тамойилига кўра, кредитлар қарздорга маълум бир фоиз тўловларини тўлаш шарти билан берилади. Қарздорнинг кредитдан фойдаланганлик учун тўлайдиган фоиз тўловлари кредит муассасасининг даромадини ташкил этади.

Таъминланганлик тамойили кредитлаш шартларига кўра, қарздор кредиторга кредитни қайтариш кафолатини таъминлаши лозимлигидан келиб

чиқади. Чунки, қарздор кредитни қайтаришдан бош тортганда, кредитор қариздорнинг (ёки унга кафолат, кафиллик берган юридик шахснинг) мол – мулкидан тегишли миқдордаги маблағларни ўз тасарруфига олиш имкониятига эга бўлиш керак. Банклар ўзлари билан доимий алоқага эга бўлган, банк ҳисоб рақамида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга, бу таъминот турларини талаб қилмай, бланкали (ишончли) кредит беришлари мумкин.

Банк кредитлари лойиҳанинг хусусиятига кўра, имтиёзли ёки имтиёзсиз шартларда берилиши мумкин. Имтиёзли кредитлар устивор йўналишлар учун, одатда, давлат дастурлари доирасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига хизмат қилади.

Айрим ҳолларда давлат қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, аграр соҳада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қисқа муддатли кредитларни қайтариш муддатини узайтиришга имконият яратади. Хусусан, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун айланма маблағларни тўлдиришга бериладиган қисқа муддатли кредитлар, одатда, 1 йилгача муддатга берилса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган бундай кредитлар, одатда, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Аммо, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ўз айланма маблағларини тўлдириш мақсадида, қишлоқ хўжалиги боғлиқ бўлмаган фаолияти учун олинган кредитдан фойдаланиш муддати, уни қайтариш муддати узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, 12 ойдан ошмаслиги керак.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, кредит шартномаси асосида белгиланади.

Кредитларни олиш учун қарз олувчилар банкка қуйидаги ҳужжатлар (кредит пакети) ни тақдим этадилар:

- кредит буюртмаси;
- қарз олувчининг банк ҳисоб варағидаги пул тушумлари тахмини (пул оқими) кўрсатилган бизнес – режаси;
- охириги ҳисобот санасига давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси;
- дебиторлик ва кредитторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, 90 кундан ортиқ, муддатдаги қарздорликнинг солиштирма далолатномалари;
- молиявий натижалар ҳақида ҳисобот;
- таъминот шаклларида бирини.

Олинган кредитни қайтармаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга

эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;
- учунчи шахснинг кафиллиги;
- суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилгани тўғрисидаги суғурта полиси;
- фуқаролар йиғинларининг маҳалла, қишлоқ, овул Кенгашлари кафиллиги.

Кредитларнинг қайтарилиш таъминоти шаклларида бири сифатида мол – мулк гарови хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкый ҳуқуқлар (талаблар), қимматбаҳо буюмлар, заргарлик буюмлари, эркин айирбошланадиган валюта ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин.

Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, унинг қийматининг 80 фоизи миқдорида, мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молия – кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш биринчи навбатда имтиёзли кредит бериш механизмини қўллаш ҳамда кафолатлаш жараёнини ривожлантириш билан характерланади. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги “Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги 195-сонли қарори билан тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга фаол қатнашишларини таъминлаш мақсадида имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма маблағлари банклар фойдасининг 25 фоизгача миқдорини ажратиш ҳисобига шакллантирилади.

Тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурсларини қўпайтиришига йўналтириладиган ва жамғарманинг берилган кредитлари ҳисобига олинган даромадлари даромад (фойда) солиғидан 5 йил муддатга озод қилинади. Тижорат банкларининг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари (денозитлари) нинг қўпайган суммасига камаяди, бунда бўшайдиган маблағларда кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтирилиши шарт.

Имтиёзли кредит бериш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигига кредитлар бериш фақатгина юридик шахс мақомидаги деҳқон хўжалиги ва фермер хўжаликларига, муддатлари кредит берилаётган тадбирларнинг ўзини қоплашга муддатига боғлиқ ҳолда берилади. Чунончи:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар фермер хўжаликларига, шунингдек,

юримдик шахс бўлган деҳқон хўжаликларига, қоидага кўра, камида 2 йил муддатга берилади;

- инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун кредитлар юримдик шахс мақомига эга бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига тўлов муддатини кечиктириш ҳуқуқсиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш бўйича кредит берилган кундаги белгиланган ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Кредит шаклларида бири микрокредитдир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Марказий банк йўриқномаларига кўра, тижорат банклари томонидан юримдик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликларига бериладиган микрокредитлар деганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит бериладиган кундаги курси бўйича 5000 (беш минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Юримдик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига бериладиган микрокредитлар деганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 10000 (ўн минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Тижорат банклари микрокредитларни қарз олувчиларга шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга берадилар. Микрокредитларнинг 50 фоизигача миқдори 1,5 йил (18 ой) гача бўлган муддатда қайтариш шарти билан нақд пулда берилиши мумкин.

Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, кредит шартномаси асосида, аммо Марказий банк томонидан расман ўрнатилган, қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади. Имтиёзли кредит бериш жамғармаси ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг микрокредит берилган кундаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредит билан таъминлаш манбалари кенгайиб, бюджетдан ташқари жамғармалар (фондлар) вужудга келмоқда. Бундай жамғармалар ўз олдига кредит бериш орқали юқори даромад олишни мақсад қилиб қўймайди, аксинча, улар иқтисодиётнинг устивор йўналишларини имтиёзли шартларда кредитлаш мақсадида шакллантиради. Бюджетдан ташқари жамғармалар ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминлашга йўналтирилдиган қисқа муддатли кредитлар беришни амалга оширмайди. Улар асосан, ўрта ва узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этадилар. Бюджетдан

ташқари жамғармалар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошланғич сармоя ва микрокредитлар билан таъминлашда ҳам иштирок этмоқдалар.

Дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантиришга бериладиган кредитлар микрокредит шаклларида бири бўлиб унинг миқдори деҳқон хўжаликлари (юридик шахс мақомига эга бўлган) учун энг кам иш ҳақининг 300 баравари миқдоригачани ташкил этади;

“Бизнес Фонд”нинг давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобига шакллантириладиган кредит ресурсларининг камида 50 фоизи, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит ресурсларининг камида 50 фоизи ҳар йили микрофирмалар ва кичик корхоналар, деҳқон (юридик шахс мақомига эга бўлган) ва фермер хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун тижорат банкларида мақсадли кредит лизияларини очишга йўналтирилади.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар фақат янгидан очилган, давлат рўйхатидан ўтганидан кейин 6 ойдан кун бўлмаган даврда кредит олиш учун тегишли буюртмалар берган деҳқон хўжаликлари (юридик шахс мақомига эга бўлган) ва фермер хўжаликлари берилди ва у имтиёзли фоиз ставкаси асосида амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит лизиялари ҳисобидан бериладиган кредитлар учун имтиёзли фоиз ставкаси кредитланаётган инвестицион лойиҳаларнинг йўналишидан келиб чиқиб, қуйидаги миқдорларда белгиланади:

-дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдорида;

-деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш учун – Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасини 1/3 қисми миқдорида;

Меҳнат билан бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳамда Деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит лизиялари ҳисобидан берилётган кредитлар бўйича банк маржаси имтиёзли фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

“Бизнес-Фонд”нинг кредит лизиялари ҳисобидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга берилган кредитлари бўйича банк маржаси белгиланган имтиёзли фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида, бошқа кредитлар бўйича эса, белгиланган имтиёзли фоиз ставкасининг 45 фоизи миқдорида белгиланади. Бунда банк маржаси ўрнатилган имтиёзли фоиз ставкалари миқдорининг ошишига олиб келмайди.

“Бизнес Фонд”кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига кредитлар лойиҳанинг қопланган муддатидан келиб чиққан ҳолда 2 йилдан 5 йилгача бўлган имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда 10 йилгача бўлган

муддатга, Деҳқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кредит линиялари ҳисобидан 3 йилгача бўлган муддатда берилади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан бериладиган микрокредитлар, шу жумладан, дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар ҳам, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

Деҳқон ва фермер хўжалиklarига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга бериладиган кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар, қоида тариқасида, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришда хорижий кредит линияларидан фойдаланиш амалиётга кенг кириб келмоқда. Хорижий молия ташкилотлари (ЕТТБ, КФВ, ОТБ, ХМК ва бошқ.) асосан кичик ва ўрта бизнесда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни амалга оширади. Бунинг учун республикада ҳар йили инвестицион дастур қабул қилинади. Дастурнинг асосий хусусияти айрим тармоқларда ва минтақаларда хорижий инвесторлар учун реал амал қилувчи имтиёзлар тизимини яратишдир.

Республикада қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришнинг энг муҳим манбаларидан бири – давлат бюджетидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга ажратиладиган маблағлардир. Бу молиявий қўллаб-қувватлаш давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир қисмини жалб этиш орқали амалга оширилади. Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг махсус жамғарма ҳисоб рақамига тўпланадиган бу маблағларнинг бир қисми ҳар йили кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш “Бизнес фонд”ига йўналтирилади. Шуниси диққатга сазоворки, “Бизнес фонд” фонд орқали кичик бизнесга йўналтирилдиган давлат бюджети маблағлари имтиёзли шартларда, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган тартибда ўрнатилади. Шунингдек, авваллари давлат тасарруфида бўлган ва давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган кичик корхоналар, тўғридан-тўғри. Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоб варағида жамланадиган маблағлардан имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқига эгадирлар.

16.3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг бошқа манбалари ва улардан самарали фойдаланиш

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил топишининг дастлабки босқичида корхонани ташкил этаётган мулкдор ёки агар улар биттадан ортиқ бўлса, муассисларнинг сармояларига таянилади. Одатда, корхона мулкдорлари унинг ташкил топиши жараёнида тўланиши лозим бўлган турли тўловларни ўз сармоялари ҳисобидан амалга оширадilar.

Корхоналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга маблағлар жалб этишда, биринчи навбатда, ўзларида мавжуд мол-мулк ва жамғармаларга мурожаат этишга ҳаракат қиладилар. Чунки, бу корхона мустақиллигини таъминлашнинг энг мақбул йўлиди.

Корхона фаолиятининг сўнгги йилларида ишлаб чиқаришни молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо, бунинг учун корхона жорий ишлаб чиқариш харажатларини қоплашдан ташқари маълум миқдорда фойда олишга ҳам эришмоғи лозим. Дастлабки йилларда корхона з қувватларини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида фойданинг аксарият қисмини ишлаб чиқаришга қайта молиялаштиришга ҳаракат қилади.

“Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисидага Низом”га мувофиқ корхоналарда молиявий маблағлар (пул маблағлари) нинг ҳосил бўлиш манбалари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулот сотиш, иш ва хизматлар кўрсатишдан пул тушуми;
- асосий фаолиятдан келган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- фавқулодда даромадлар.

Аммо, молиявий маблағларнинг ушбу ҳосил бўлиш манбалари ҳали корхона ихтиёрида қоладиган реал даромад (фойда) ни акс эттирмайди. Чунки, келгуси йилда ишлаб чиқаришга жалб этиш мумкин бўлган маблағ фақатгина йилнинг соф фойдаси ҳамда амортизация ажратмалари ҳисобига таъминланиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий натижаларни шакллантириш манбаларини кенгайтириш мақсадида асосий ишлаб чиқариш фаолияти натижаси бўлмиш, маҳсулот сотишдан ташқари бошқа фаолият туларини ҳам олиб боришга интиладилар. Хусусан, ёрдамчи хизмат турларидан, ортиқча мол-мулкни сотишдан, давлат субсидияларидан, ҳомийларнинг холисона ёрдами ва бошқа операцион даромадлар асосий фаолиятдан келган бошқа даромадлар деб юритилади.

Ҳозирги кунда корхоналар бозор иқтисодиётининг муҳим элементи ҳисобланадиган қимматли қоғозлар бозорида ҳам фаол иштирок этиб, даромад олишлари мумкин.

Молиявий фаолиятдан оладиган даромадларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бошқа корхоналар сармоясига улуш қўйиш натижасида келадиган даромадлар;
- акциялар бўйича дивидендлар, облигация ва бошқа қимматли қоғозлардан даромадлар;
- мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш);

- валюта ҳисоб рақамидаги курснинг ижобий фарқланиши ва сарфланган маблағларнинг қайта баҳоланишидан олинган даромадлар.

Айрим ҳолатларда фавқулодда ҳолатлар (сел, жала, ёнгин, ер силкиниши ва ҳ.к.) натижасида кўрилган зарарни қоплаш юзасидан ҳам даромад олиш мумкин ва уни фавқулодда даромадлар деб аталади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришда корхонанинг ички заҳиралари, яъни ўз молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Корхонанинг ички молиявий ресурсларидан унумли фойдаланиш биринчи навбатда корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш ва мавжуд ресурслардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланишни назарда тутаяди.

Ишлаб чиқариш салоҳиятларидан унумли фойдаланиш учун арзон ишлаб чиқариш воситалари, юқори унумли технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш лозим. Бу эса фойда миқдорини кўпайтиришга, умуман, молиявий аҳвол барқарор бўлишга олиб келади.

Корхонанинг ўз молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қуйидаги йўналишларда бўлмоғи лозим:

- хомашё ва моддий ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш;
- арзон ва юқори унумли технологиялардан фойдаланиш;
- маҳсулот таннархининг арзонлашувига эришиш ва нарх рақобати орқали юқори фойдага эришиш;
- асосий фаолият билан бирга қўшимча тармоқларни ривожлантириш;
- молиявий фонд бозорларида қимматбаҳо қоғозлар билан савдо қилиш, сердаромад компаниялар акцияларини сотиб олиш;
- амортизация ажратмаларини ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантиришга йўналтириш ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти жорий этилиши билан корхоналарни молиялаштириш манбалари кенгайиб, молиялаштиришнинг янги, ноанъанавий турлари шаклланиб келмоқда. Бунга хусусан, лизинг, фьючерс, факторинг, овердрафт ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини молиялаштиришда лизинг хизматидан фойдаланиш истиқболли йўналишлардан биридир.

Лизинг – мулкни харид қилишнинг молиялашдан иборат ижара муносабатлари турларидан бири бўлиб, бунда лизинг берувчи лизинг олувчи субъектнинг топшириғига мувофиқ учинчи томон, лизинг объектини ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан ундан ўз маблағи ҳисобига лизинг олувчи учун мулк сотиб олиш тўғрисида шартнома тузиш мажбуриятини олади. Айни пайтда лизинг олувчи субъект зиммасига юқоридаги шартномага биноан лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбурияти юкланади.

“Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги қонуни ҳамда “Фуқоралик Кодекси”нинг 587-моддасида лизингга юқоридагича таъриф берилади. Лизингнинг асосан 2 тури мавжуд:

1. оператив лизинг;

2. молиявий лизинг.

Оператив лизинг – мулкни унинг хизмат муддатида кам даврга ижарага беришни назарда тутади. Ижара муддати тугагач, мулк эгасига қайтарилади ёки янги лизинг шартномаси объекти бўлиб қолади.

Молиявий лизинг – амалда узоқ муддатли кредитлаштиришнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Оператив лизингдан фарқли ўлароқ, молиявий лизинг мулк узоқ муддатга, одатда, тўлиқ амортизация муддатига ёки унинг катта қисмига ижара шартномаси тузилади. Молиявий лизингда ижара шартномаси тугагач, лизинг объекти лизинг олувчи томонидан сотиб олинishi ёки янги лизинг шартномаси объекти бўлиши мумкин.

Лизинг эндигина иш бошлаётган ёки молиявий ҳолати ночор бўлган корхоналар учун ишлаб чиқаришни техник қуроллантиришни молиялаштиришнинг энг қулай воситаларидан бири ҳисобланади. Чунки, бунда банк кредитларидан фарқли ўлароқ, талаб этиладиган кредит қийматининг 120 фоизи миқдоридаги гаров кафолати талаб этилмайди. Гаров кафолати сифатида лизингга бериладиган мулкнинг ўзи чиқади.

Лизинг ишлаб чиқаришни техник қуроллантириш ва илғор технологияларни жалб этишга ўз маблағи этишмайдиган корхоналар учун ўзларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айниқса, банк кредитларидан фойдаланиш шартлари оғир бўлган, банклар узоқ муддатли инвестицион лойиҳалар учун кредитлар ажратишни кескин пасайтирган, кредит олиш ҳолатлари лизинг энг самарали молиялаштириш воситаларидан бири бўлиши мумкин.

Лизингнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари учун афзаллиги куйдагилардан кўринади:

-лизингга олинadиган объект қиймати бирданига эмас, бўлиб – бўлиб тўланади;

-ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жалб этиш ҳамда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш имкони туғилади;

-лизинг объекти учун тўлов шу объектни ишлатишдан олинadиган даромад ҳисобидан тўланади.

-лизингга берилadиган мулк қўшилган қиймат солиғидан ва лизингга олинadиган мулк мол-мулк солиғидан озод этилганлиги лизинг объектининг баҳосини арзонлаштиради.

Бугунги кунда лизингни самарали жорий этишдаги мавжуд муаммолар унинг ривожланиш имкониятларини чегаралаб қўймоқда. Ушбу муаммолар бевосита лизинг фаолияти соҳасида банд бўлган ташкилотлар фаолиятини ўрганиш жараёнида кузатишмоқда. Мавжуд муаммолар таҳлили шуни кўрсатадики, улардан аксарияти лизинг соҳасида яратилган камчиликларнинг мавжудлиги ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида мавжуд имкониятларнинг етишмаслиги билан боғлиқ.

Ҳозирги пайтда лизингга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий база яхши шаклланмаган. Бу эса корхоналарни бошланғич сармоя

билан таъминлашнинг бири ҳисобланувчи ушбу тармоқнинг ривожланишига яхши имкон бермайди.

Республикамизда лизинг хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи компаниялар сонининг камлиги улар орасида соғлом рақобат муҳити шаклланишига ва охир-оқибат кўрсатилаётган лизинг хизматлари тури ва сифатининг ошишига, фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келмаяпти. Лизинг компаниялари ташкил этишни рағбатлантириш, уларга солиқ, божхона имтиёзлари беришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш унинг ривожига катта ҳисса қўшган бўлар эди.

Ҳозирги пайтда лизинг олувчи корхоналарда керакли ускунани лизингга олиш учун ахборот етишмайди. Лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига лизинг тўловларини тайёр маҳсулот кўринишида тўлаш тартибини йўлга қўйиш ҳам бу соҳа ривожига ҳисса қўшган бўлур эди.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхоналар қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари таъсирида доимий равшда молиявий маблағларга эҳтиёж сезадилар. Чунки, экинларни экиш ва парваришlash даври узок давом этиб, ҳосилни йиғиб олгунга қадар пул тушуми бўлмайди. Бу ҳолат ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш учун айланма маблағларни шакллантиришга маблағ излашни талаб этади. Бундай ҳолатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида қўлланиладиган фьючерс операциялари муҳим аҳамият касб этади. Фьючерс операцияларида маҳсулотни сотиб олувчи харидор йил бошидан келгуси ҳосил учун бўнак (ҳосил қийматининг бир қисмини олдиндан тўлаб қўйиш) сифатида маблағ бериб туради. Фермер хўжалиги бўнакдан фойдаланиб, жорий ишлаб чиқаришни молиялаштириш имконига эга бўлади.

Республикамизда пахта ва дон экинларига давлат буюртмаси ўрнатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сонли фармонида мувофиқ фермер хўжаликлари давлат буюртмаси ҳажмидаги етиштираётган маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида Молия Вазирлигининг “Давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан аванс пули (транш) олиш имкониятига эга. Бунинг ижобий томони шундаки, фермер хўжаликлари маҳсулот етиштириш учун зарур бўлган айланма маблағларни юқори фоиз ставкаларида тижорат банкларидан қарзга олишга мажбур бўлмайди.

Айрим ҳолатларда қишлоқ хўжалиги корхоналарида мол юборувчилар томонидан жўнатилган товар-моддий қийматликларни тўлаш учун вақтинча маблағ етишмовчилиги ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолатларда корхоналар товар-моддий қийматликларни юборувчи корхоналар (кредиторлар) билан маҳсулот қийматини маълум муддатдан сўнг тўлаш шартлашилган ҳолда шартнома тузилишлари мумкин. Маълум бир муддатгача бундай кредиторлик қарзи тўланиши лозим бўлган ҳисоб-китоблар счегида акс этиб туради. Агар шу муддатда ҳам кредиторлик қарзини тўлаш имкони бўлмаган

тақдирда бу қарз вексел кўринишида (яъни қарзни маълум бир муддатдан сўнг фоизи билан қайтариш) расмийлаштирилади.

Корхоналар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммоси пайдо бўлганда, яъни товар-моддий қийматликларни юборган корхона харидор билан маҳсулот қиймати бўйича ўз муддатда ўзаро ҳисоб-китоб қила олмаса ёки бундай қарзлар шубҳали, ундириш эҳтимоли кам бўлса, уларни факторинг воситасида ундириш амалиёти қўлланилади.

Факторинг – корхоналар ўртасида қарзларни ундиришда воситачилик фаолиятidir. Факторингда ўртада турувчи компания (одатда, банк) қарз берган корхонадан маълум бир комиссия тўлов эвазига қарздордан маблағни ундириш ҳуқуқини қўлга киритади. Факторинг шартномаси тузилиши билан корхона ундиролмай турган қарзнинг аксарият қисмини факторинг компанияси (ёки банк) дан қўлга киритади. Сўнгра факторинг компанияси дебитор корхонага қарзни ундириш бўйича даъво қўзғатади. Факторингнинг афзаллиги шундаки, у нотўловлар муаммосини қисман бўлсада ечишга имкон беради.

Сўнгги пайтларда молиялаштиришнинг янги шаклларида бири сифатида Овердрафт кириб келмоқда. Овердрафт – қисқа муддатли кредитлаш шакли бўлиб, банклар амалиётида ишлатилади. Унинг мазмуни шундаки, банк ўз миждозининг ҳисоб рақамида вақтинча маблағ бўлмаган ҳолатда унинг фаолиятини молиялаштириш учун Овердрафт шартномасини тузади. Миждоз ўз ҳисоб рақамида маблағ пайдо бўлиши билан овердрафт шартида олган қарзларини банкка маълум бир фоизлар эвазига қайтаради. Овердрафт, одатда, банкнинг энг ишочли миждозларига нисбатан қўлланилади.

Қисқача хулосалар

Агросаноат мажмуасининг самарали фаолияти кўп жиҳатдан молия ва кредит тизимининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан бири ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун йил давомида харажатларнинг сарфланиши ва фақат йилнинг маълум бир пайтида даромадларнинг олинишидир. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг йил давомида молиявий ресурсларга муҳтожлигини оширади. Бу масаланинг ҳал этилиши қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти натижаларининг қандай бўлишини белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларга нисбатан молия ва кредит тизимининг ҳолатига кўпроқ боғланган. Ҳозирда қишлоқ хўжалигида мураккаб, турли шаклга эга бўлган молия ва кредит тизими ишлаб турибди. Уларни такомиллаштириш устида катта ишлар қилинмоқда.

Таянч иборалар

Дотация, лизинг, суғурта, солиқ имтиёзи, аванс, ер солиғи, мулк солиғи, факторинг, овердрафт, молия, кредит, вексел, клиринг операциялари, қимматли қоғозлар, банк, микробанк, микрокредит, интенсив ва экстенсив ривожланиш, фан-техника тараққиёти, чекланганлик, нарх, иқтисодий дастаклар, баҳонинг функциялари, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, харажатлар калькуляцияси, баҳолар паритети, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш, маҳсулот сифати, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, ҳудуд иқтисодиёти, тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши, ижтимоий масалалар, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини фонд билан таъминланиш даражаси, фонд қайтими, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Агросаноат мажмуаси молия-кредит тизимининг моҳияти.
2. Агросаноат мажмуаси молия-кредит тизимининг хусусиятлари.
3. Кредит тушунчаси ва унинг моҳияти.
4. Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тартиби.
5. Қишлоқ хўжалигини кредитлашнинг қандай шакллари, усуллари мавжуд?
6. Кредитлаш қайси манбалардан амалга оширилади?
7. Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва кредитлашни қайси йўллар орқали такомиллаштирилади?
8. Қишлоқ хўжалигида солиқ сиёсати.
9. Микрокредитлашнинг моҳияти ва тартиби.
10. Лизинг ва унинг қишлоқ хўжалигида қўланилиши.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.: Ўқитувчи, 1998.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
5. Хакимов Р., Отакулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.

6. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Ҳақимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
7. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳақимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

17 –БОБ. ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ЯГОНА АГРАР СИЁСАТИ

17.1. Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатининг зарурати, аҳамияти ва ривожланиши

Европа Иттифоқи дунё сиёсати, иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўринга эан минтақа ҳисобланиб, аҳолиси 370 миллион кишини ташкил этади. Дунё ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизидан кўпроғини ишлаб чиқаради. Дунё халқаро савдосининг 40 фоизини, экспортининг 50 фоизи Европа Иттифоқига тўғри келади. Европа Иттифоқи дунёдаги энг йирик олтин-валюта захирасига эга. Европа Иттифоқи ялпи ички маҳсулотининг 0,4-0,5 фоизи миқдорида ривожланаётган ва бозор муносабатларига ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатларга ёрдам кўрсатишга ажратмоқда. Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар ўрнатган. Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи савдо айланмасининг 65 фоизи Европа Иттифоқи аъзолари бўлган давлатларга тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқи билан ТАСИС ва ТРАСЕКА дастурлари, қурилиш, энергетика, таълим ва экология муносабатлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам алоқалар ўрнатган.

Европа Иттифоқи ҳозирги ҳолатга етгунча жуда мураккаб ва оғир дарвларни бошдан ўтказган. Иккинчи жаҳон уришидан кейин Европа давлатлари учун интеграциялашув жараёнига ҳавфсизликни таъминлайдиган энг асосий омил сифатида қарала бошланди. Шу мақсадда 1948 йилда Европа Иқтисодий Кооперацияси Ташкилоти (ЕИТС) тузилди. Натижада Белгия, Нидерландия ва Люксембург ягона божхона иттифоқини вужудга келтирдилар. Европа давлатларининг иқтисодий интеграциялашувида Маршал режасида катта аҳамият касб этди. Унинг натижасида 1948-1952 йилларда АҚШ ва Канада давлатларидан Европага 25 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. 1951 йилда Европа кўмир ва пўлат ҳамжамияти вужудга келди. Унинг натижасида кўмир ва пўлат учун божхона тўловлари, квоталар ва субсидиялар бекор қилинди.

Урушдан кейинги йилларда Европа қишлоқ хўжалиги жуда ёмон аҳволда эди. Европа давлатларидаги қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларининг нархи АҚШ ва Канададагидан бир неча марта қиммат эди. Бу, ўз навбатида, Европа давлатлари учун жуда катта муаммоларни туғдира бошлади. Бу муаммоларни ечиш зарурати қишлоқ хўжалиги имкониятларини кенгайтириш, унинг маҳсулотлари Европа давлатлари ўртасида эркин ҳаракатланишини таъминлаш фикри кучая борди. Европа давлатлари арзон импорт маҳсулотларидан ҳимояланиш ва ўзларининг қишлоқ хўжалигини мустаҳкам асосга қўйишга киришдилар. Бундай фикрлар натижасида 1957 йилда Европа давлатларидан 6 таси Рим шаҳрида Рим шартномасини имзоладилар. Бу шартнома Европа ҳамжамияти ташкил этилишига асос

солди. Рим шартномасининг 38- 47- моддалари Европа ягона аграр сиёсатининг асосий тамойилларини белгилаб беради. Ушбу ҳужжат бўйича Европа ягона аграр сиёсатининг мақсадлари қуйидагича белгиланди:

- ишлаб чиқариш омилларидан оптимал фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига техникавий ёрдам кўрсатиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш;
- қишлоқ жойларда яшайдиганларга яхши турмуш даражасида яратиш, айниқса, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганлар даромадини ошириш эвазига уларнинг турмуш даражасини кескин ошириш;
- бозорни барқарорлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кафолатли таъминотини вужудга келтириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг истеъмолчилар учун мақбул баҳоларини вужудга келтириш;

Европа иттифоқи Вазирлар кенгаши 1962 йилда дон маҳсулотлари учун ягона Европа бозорини шакллантириш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилди. Ушбу ҳужжатларда ягона дон бозорини тартибга солиб туриш механизмлари ишлаб чиқарилди. Улар ҳозирги кунда ҳам Европа аграр сиёсатининг асосини ташкил этади. Бу механизмлар: мақсадли нархлар, интервенцион нархлар, остона нархлари, ўзгарувчан импорт тарифлари ва экспорт субсидияларидан иборат. Бундан ташқари ягона дон бозорини молиялаштириш тартибини ҳам жорий қилди. Европа ягона аграр бозорини ўрнатиш бўйича қилинган катта ишларга қарамасдан бу жараён осон кечган эмас. Фақатгина ягона дон бозори ўрнатиш бўйича амалда келишиш 1967 йилда амалга ошди. 1962 йилда марказлашган молиялаштиришни амалга ошириш учун тузилган Европа қишлоқ хўжалигига йўналтирилган ва кафолат фонди (FEOGA)га пул ажратиш 1969 йилдагина амалга оширилади. Натижада 1970 йилга келиб Европа ягона аграр сиёсати унга аъзо давлатлар манфаатлари учун хизмат қиладиган жуда катта амалий кучга айланди.

1972 йилда “Қишлоқ хўжалиги -80” номли Мансхолд режаси қабул қилинди. Ушбу режага биноан 1980 йилга келиб қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сонини 5 млн. кишига камайтириш ва фермерларнинг ўртача хажмини ошириш вазифасини қўйилади. Албатта, бу ихтиёрий равишда юз бериши керак эди. Бу режа қуйидаги асосий тадбирларни амалга оширишни белгилайди:

- 55-65 ёшдан ошган фермерлар ўз фаолиятини тўхтатган ҳолда уларга йилига маълум миқдорда пул маблағлари берилишини ташкил этиш;
- Истиқболли деб топилган фермерларга имтиёзли кредитлар ва кредит кафолатлари бериш;
- Фермерлар учун ахборот ва маслаҳат хизматларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш;

- Маркетинг хизматларини ривожлантириш юзасидан ташкил этилаётган уюшмаларни ва бирлашмаларни қўллаб-қувватлаш;

- Қишлоқ хўжалигига янги ерларни жалб этишни чеклаш.

1992 йилда Европа ягона аграр сиёсатини ривожлантириш юзасида янги режа- Мак-Шерри режаси қабул қилинди. Унинг асосий мазмуни қуйидагиларда ўз ифодасини топди:

- Деҳқончилик ва қорамолчилик маҳсулотларига бўлган нарх дунё даражасига яқинлаштирилиши керак (ҳатто, 90-йилларда ҳам Европа давлатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш нархи АҚШ ва Канададаги даражадан анча баланд эди.);

- Фермерларга нархларни туширганлари учун зарарни қоплайдиган тўловлар тўлашни ташкил этиш;

- Зарарни қоплаш тўловлари ишлаб чиқаришдан ерларни озод қилган ва 1 га ерга чорва молларининг максимал бириктирилишини таъминлаган фермерларга бериш;

- Фермерларнинг экологик масалаларини тўғри ҳал этишда қатнашишлари, эрта пенсияга чиқишларини қўллаб-қувватлаш.

1997 йилда Европа Ҳамжамияти Комиссияси “2000 йил кун тартиби: қишлоқ хўжалиги” ҳужжатини эълон қилди.

17.2. Европа ягона аграр сиёсатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини қўллаб-қувватлаш механизми

Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар ўртасида олиб борилаётган ягона аграр сиёсат ўзига хос механизмлар билан тартибга солиниб турилади. Уларнинг асосини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини ягона бозорда қўллаб-қувватлаб туриш ташкил этилади.

Унинг асосларидан бири мақсадли нархлардир. Мақсадли нархлар бозори маҳсулот энг кам таъминланган жойларда хоҳиш асосида ўрнатилиши мумкин бўлган нархдир. Дончиликда шундай нарх ўрнатилган жой Германиянинг Дисбург шаҳри деб қабул қилинган.

Дисбург шаҳри дон билан нисбатан яхши таъминланмаган зона ҳисобланар экан. Асосий дон ишлаб чиқарувчи зона деб Франциянинг шимолий қисмида жойлашган Орме шаҳри қабул қилинган. Мақсадли нархлар ҳар йили Европа Ҳамжамиятининг Вазирлар кенгаши томонидан ўрнатилади ва у барча ҳисобланганинг асосида ётади. Интервенцион нархлар мақсадли нархлардан паст ўрнатилади. Унинг асосий мақсади ичкинархларнинг маълум миқдордан пасайиб кетмаслигини таъминлашдир. Мақсадли нархлар билан интервенцион нархлар билан интервенцион нархлар ўртасидаги фарқ донни Орме шаҳридан Дисбург шаҳрига олиб келиш билан боғлиқ харажатлар миқдорида бўлади. Агарда бозорда нарх интервенцион нархлардан паст бўлса, интервенцион идоралар ўз ишини бошлайди. Яъни

улар донни фермерлардан интервенцион нархларда сотиб ола бошлайдилар. Бозор нархи интервенцион нархдан юқори бўлган тақдирда фермерлар ўз маҳсулотларини бозорда эркин сотадилар. Интервенцион идоралар сотиб олган маҳсулотларини зарага бўлсада, четга экспорт қиладилар. Шундай қилиб, интервенцион нархлар Европа бозорида шаклланадиган нархларнинг пастги чегарасини белгилайди. Интервенцион нархлар дунё нархларидан паст бўлиши катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. У ҳолда четдан маҳсулотлар кириб келиши кучаяди. Шу сабабли иккинчи даражадаги ҳимоя тартиби ўрнатилади. Бу ҳимоя тартиби остона нархлари орқали амалга оширилади. Уни баъзида минимал импорт нархлари деб ҳам юритилади. Остона нархлари маҳсулотни асосий истеъмол қилувчи зонага уни жўнатадиган асосий портдан олиб келиш харажатларини мақсадли нархлардан ажратиш натижасида аниқланади. Дончиликда асосий дон истеъмол қиладиган зона Дисбург шаҳри, донни жўнатадиган асосий порт эса Роттердам деб қабул қилинган. Остона нархлари ўзгарувчан импорт тарифини аниқлашнинг асоси ҳисобланади. Ўзгарувчан импорт тарифлари остона нархлари билан дунё нархлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Европа Ҳамжамияти давлатлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорти билан бир қаторда уларнинг экспорти билан ҳам шуғулланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг дунё нархлари, одатда, Европа давлатларидагидан анча паст. Бундай ҳолда экспортни амалга ошириш маълум зарарлар билан боғлиқ. Ушбу зарарларни қоплаш учун экспорт билан шуғулланганларга экспорт субсидиялари берилади. Экспорт субсидияси дунё нархлари билан интервенцион нархлар ўртасидаги фарқ сифатида юзага чиқади. Фермерлар экспорт билан шуғулланишлари учун махсус тендерда иштирок этадилар ва уни ютиб чиққанларга экспорт билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади. Фақат тендерда ютиб чиққанларгагина экспорт субсидиялари берилади.

Қисқача хулосалар

Бугунги кунда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш алоҳида олинган бир давлатда маълум чегараланишларга эга. Алоҳида олинган давлатларнинг имкониятлари чекланган. Бир нечта давлатларнинг ўзаро келишган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этишлари албатта катта имкониятларни очади. Биргалашиб ягона бир сиёсат орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритишнинг самарадорлигини Европа ҳамжамияти мисолида кўриш мумкин.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг аграр соҳадаги имкониятларини келишилган ҳолда амалиётга қўллаш жуда катта самара бериши мумкин. Кейинги йилларда бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Энг аввало сув ресурсларидан самарали фойдаланиш

масалалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари ҳал этилмоқда.

Таянч иборалар

Ягона аграр сиёсат, остона нархлари, интервенция нархлари, экспорт субсидияси, ўзгарувчан импорт таърифи, мақсадли нархлар, тендер, давлат дастурлари, дотация, квота, лизинг, суғурта, солиқ имтиёзи, аванс, ер солиғи, мулк солиғи, факторинг, овердрафт, молия, кредит, вексел, клиринг операциялари, қимматли қоғозлар, банк, микробанк, микрокредит, интенсив ва экстенсив ривожланиш, фан-техника тараққиёти, чекланганлик, нарх, иқтисодий дастаклар, баҳонинг функциялари, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, харажатлар калькуляцияси, импорт, экспорт, миграция, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик, омухта ем саноати, моддий рағбатлантириш, касбий малака, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, натурал кўрсаткичлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Европа Ҳамжамиятининг шаклланиши.
2. Европа Ҳамжамиятининг ягона аграр сиёсатига қандай эришилди?
3. Европа Ҳамжамиятининг ягона аграр сиёсатини олиб боровчи ташкилотлар.
4. Остона нархлари.
5. Интервенцион нарх ва ташкилотлар.
6. Экспорт субсидиялари.
7. Импорт божи.
8. Мақсадли нархлар.
9. Яшил пуллар.
10. Европа Ҳамжамиятининг ягона аграр сиёсатини ривожлантириш йўналишлари.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.: Ўқитувчи, 1998.
2. Серова Е. В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.
3. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов вўсш. учун. заведений).

4. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедия», 2001.
5. Раскин И.И, Раскин Л. И. АПК: производство и первичная переработка хлопка. –Т.: Мехнат, 1986
6. Папов Н. А. Экономика сельского хозяйства: учебник. М.: Дело и Серсис,2000.
7. Cramer, Gail L. Agricultural economics and agribusintss / Gail L. Cramtr, Clarence W. Jenstn? Djuglas D.Sjuthgate, Jr. - 8th ed/ Printed in United States of America, 2001 – 519 p.

Интернет сайтлари:

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», –М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. УЗ.

Глоссарий (асосий иборалар мазмуни)

Аграр (лотинча agrarius) - 1) ерга, ердан фойдаланишга, унга эгалик қилишга оид (масалан агар танглик, аграр ислохот); 2) саноатга нисбатан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосий ўринда туришини ифодаловчи сўз (масалан аграр мамлакат ва ҳ.к.).

Аграр ислохотлар – қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар. Давлатнинг ерга бўлган мулкчилик муносабатлари ва ерда хўжалик юритиш усулларини ўзлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. Дастлаб аграр ислохотлар концепцияси мақсад ва вазифалари, йўналиши, уни ўтказиш босқичлари аниқлаб олинади. Шунга асосланиб аграр ислохотларни ўтказишнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланади ва уларни давлат амалга оширади.

Аграр сиёсат – аграр муносабатлар масаласида давлатнинг фаолияти. Унинг ёрдамида ер, асосий воситаларга бўлган мулкчилик, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларининг асосий йўналишлари белгиланади. Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришга қаратилган фаолит олиб борилади. Қишлоқ аҳолисининг масалаларини ҳал этишнинг бош йўналишлари белгиланади. Ҳар бир давлат ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакат имкониятларини ҳисобга олиб аграр сиёсатини олиб боради. Аграр сиёсат маълум даврларда ўша даврнинг шароитларини ҳисобга олиб ўзгариб, ўз замонасига мослаштирилиб борилади.

Аграр масала – қишлоқ хўжалигида ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш, хўжалик юритиш усуллари юзасидан пайдо бўлган ва ҳар бир даврда ўз ечимини талаб қилувчи масала.

Аграр саноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида, ўзаро технологик ва хўжалик алоқалар билан боғланган иқтисодий тармоқлари ва хизматлари йиғиндисидан иборат, ягона мақсад йўлида ишлайдиган мажмуадир. Аграр саноат мажмуаси мураккаб таркибга эга. Унга аграр саноат мажмуасига кирувчи тармоқлага ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган йирик саноат корхоналари (қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати, омухта ем ишлаб чиқариш саноати, минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи заводлар, кимёвий воситалар ва қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи корхоналар), қишлоқ хўжалигининг ўзи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлайдиган корхона ва ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларин қайта ишловчи корхоналар, уларни сақлайдиган, ташийдиган ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берадиган улгуржи ва чакани савдо ташкилотлари киради. Бундан ташқари аграр саноат мажмуаси мўътадил ишлашини таъминлайдиган кўп таркибли хизмат кўрсатиш инфратузилмасига ҳам эгадир. Аграр саноат мажмуаси аграр саноат интеграциясининг маҳсули сифатида шаклланади.

Агросаноат интеграцияси – саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий муносабатларнинг чуқурлашиши асосида бир бутун тизимга айланиши. Унинг асосини иқтисодий, фан ва техника, технология ва бошқа хўжалик имкониятларини бирлаштириш орқали ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг умумлаштирилиши ташкил этади. Агросаноат интеграциясининг ривожланиши қишлоқ хўжалигига саноатнинг кириб келишини, қишлоқнинг иқтисодий ва ижтимоий масалаларини оптимал етиш имкониятини кучайтиради.

Агротехнология – деҳқончилик технологияси, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш усуллари тизими. Агротехнологиянинг назарий асоси агрономия ҳисобланади. Агротехнология қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади: тупроққа ишлов бериш; алмашлаб экиш; ўғитлар солиш; уруғликни экишга тайёрлаш; экиш; экинларни парваришлаш; бегона ўтлар, касалликлар ва ҳашаротларга қарши кураш; ҳосилни йиғиб олиш. Бу тадбирларнинг ҳар бири ўз навбатида агротехнология усуллари йиғиндисидан иборат. Масалан, ерни ҳайдаш, текислаш, бороналаш ва экишга тайёрлаш усуллари тупроққа ишлов бериш технологиясининг асосини ташкил этади.

Агросаноат мажмуаси – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, уларни сақлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга этказиб бериш билан шуғулланувчи тармоқлар ва мажмуа тармоқларига хизмат кўрсатувчи соҳалар йиғиндисидир. Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма ҳам киради. Агросаноат мажмуаси тармоқлари 4 та соҳага бўлинади. Агросаноат мажмуаси биринчи соҳасига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар, иккинчи соҳасига қишлоқ хўжалиги, учинчи соҳасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга этказиб берувчи тармоқлар, тўртинчи соҳасига инфратузилма киради. Инфратузилма ўзи икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга, ишлаб чиқариш инфратузилмаси иккинчи гуруҳга эса ижтимоий инфратузилма киради.

Айланма воситалар (маблағлар) - корхона (хўжаликнинг) хўжалик фаолиятини молиялаштириш учун фойдалананиладиган пул маблағлари; айланма воситалар айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларидан ташкил топади.

Айланма капитал – капитал (ишлаб чиқариш фондлари) нинг ҳар бир ишлаб чиқариш циклида сарф этиладиган ва қиймати ишлаб чиқарилган товарга тўлиқ ўтадиган қисми.

Айланма маблағлар – ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотни сотиш мақсадида зарур айланма фондларни ва муомала фондини ташкил этиш учун аванслаштирилган пул маблағлари йиғиндисидир.

Актив (лотинча **aktivus**- фаол, таъсирчан, ишчан) – 1)бухгалтерия балансининг чап қисми, корхонанинг муайян санада ва пул ифодасида барча воситаларини, уларнинг таркиби ва жойлашувини (асосий фондлар, айланма воситалар, пул маблағлари, капитал сарфлар, қарздорлик талабномалари ва б.) акс этади; 2) корхона ёки ташкилотнинг мулк ёки ресурслари (бино, машина, нақд пул, қимматбаҳо қоғозлар ва б.). Пулга тез сотилиши (айланиши) мумкин бўлган, бозори чаққон актив (векселлар, қимматбаҳо қоғозлар, олтин, нақд пул, ва б.) ликвид активлар дейилади.

Ассоциация (лотинча **associo** – бирлашиш, қўшиш, уюшиш) – умумий мақсадга эришиш учун тузилган уюшма, иттифок, гуруҳ.

Ассортимент (французча **assortiment** – танлаб олинган, сараланган) – муайян белгиларига кўра гуруҳланган товарлар турлари, хиллари тўплами.

Асосий воситалар – ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларини таъминлайдиган воситалар (меҳнат қуроллари, бино, иншоат, қурилма ва б.). Бухгалтерия ҳисоби ва режалаштиришда асосий воситалар таркибига бир йилдан ортиқ ва қиймати энг кам иш ҳақининг 15 баробаридан арзон бўлмаган воситалар киритилади.

Асосий капитал – капиталнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари (машина, асбоб-ускуна ишлаб чиқариш бинолари ва ускуналарини) ўз ичига олувчи, иқтисодий жиҳатдан ўз қийматини ишлаб чиқарилган товарларга аста-секин ва узоқ муддатда ўтказиб борувчи қисми.

Асосий фаолиятдан олинган фойда - бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс, асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади.

Алмашлаб экиш - экинларнинг йиллар давомида маълум далаларда режали тартибда навбати билан алмашиб турилиши.

Аукцион – товар ва маҳсулотларни ким ошди савдосида эркин сотиш жойи.

Бевосита харажатлар - битта маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ, миқдори ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига нисбатан ўзгарувчан харажатлар.

Билвосита харажатлар - ёрдамчи ишчиларга вақтбай иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, ишлаб чиқариш асосий воситаларини сақлаш, жорий ва капитал ремонт қилиш ва маҳсулот ҳажмининг ўзгаришидан қатъи назар нисбатан доимий бўлиб қоладиган бошқа харажатлар сингари ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш аҳамиятидаги харажатлар.

Бизнес – соҳибкорлик – тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан шуғулланиш.

Бўлинмас фонд - қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) устав фонди қийматининг бир қисми бўлиб, у ширкат хўжалиги тасарруфида қолади ва пайчи аъзолар ўртасида тақсимланмайди.

Базис давр – иқтисодиётда жорий (ҳисобот) даври маълумотлари (кўрсаткичлари) ни қиёслаш учун қабул қилинган бирор вақт (ой, квартал, йил ва ҳ.к.) ёки сана.

Базис нарх - 1) режали иқтисодиётда доимий деб қабул қилинган ва халқ хўжалиги кўрсаткичлари (масалан, миллий даромад ҳажми, саноат, қишлоқ хўжалиги, ялпи маҳсулоти ва б.) даги ўзгаришларни индексларни ҳисоблашда асос қилиб олинган нарх. 2) сифат кўрсаткичлари аниқ бўлган товарнинг контракт ёки прејскурант нархи.

Баланс (лотинча **balanx**) – бирон-бир фаолиятнинг бир-бирини мувозанатлаши лозим бўлган томонлари (масалан, даромадлар ва харажатлар) ўртасидаги нисбатларнинг миқдорий ифодаси. Иқтисодиётда бухгалтерия баланси, ижтимоий маҳсулот баланси, савдо баланси, меҳнат ресурслари баланси, даромад ва харажатлар баланси, тўлов баланси ва бошқа баланслар мавжуд.

Бандлик – аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатга лаёқотли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларни шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунларга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

Банк кредити – банкларнинг мижозларга вақтинчалик фойдаланиш учун капитал бериши. Банклар қайтаришлик, банк фоизи тўлови ва муддатлилик шартларида ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлари беради. Турли ссудалар (савдо-сотик, кўчмас мулкни гаровга оилш, асосий капитални кенгайтириш ва бошқалар), векселлар ҳисоби каби шакллари бор.

Банк фоиз ставкаси - банки ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори; қарз суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ундирилади. Унинг миқдори кредит тури, муддати ва қарзнинг вақтида қайтарилишига боғлиқ. Тижорат ва давлат банклари Марказий (миллий) Банк бошчилигида кредитлар учун белгилайдиган банк фоиз ставкаси қарзнинг қайси тарзда ва қандай берилишига ҳам боғлиқ. Узоқ муддатли қарзнинг банк фоиз ставкаси паст, қисқа муддатлисиники юқори бўлади.

Бозор - сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги товар айрибошлаш муносабатлари; ишлаб чиқариш билан истеъмолни ўзаро боғловчи механизм. Бозор объекти нафлилиги бор товар ва хизматлар. Бозор иштирокчилари (сотувчи ва харидорлар) бўлиб улар фирмалар, уй хўжаликлари, давлатнинг ташкилот, идоралари ва бошқалардан иборат.

Бозор инфратузилмаси – бозорда товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлайдиган муассасалар, ташкилотлар мажмуи. Бозор инфраструктурасининг асосий унсурлар қуйидагилар: биржалар (товар, хом ашё, фонд, валюта) ва уларнинг ташкилий расмийлаштирилган воситачилиги; кимошди савдолари, ярмаркалар ва биржадан ташқари ташкилий воситачилик шакллари; кредит тизими ва тижорат банклари, эмиссия тизими ва эмиссия банклари; аҳоли бандлигини бошқариш тизими;

давлат ва нодавлат бандликка ёрдам кўрсатиш марказлари (меҳнат биржалари); ахборот технологиялари ва ишбилармонлик алоқалари воситалари; солиқ тизими ва солиқ инспекциялари; тижорат-хўжалик хатари суғуртаси тизими ва суғурта компаниялари; махсус реклама агентликлари, ахборот марказлари ва оммавий ахборот воситалари агентликлари; савдо палаталари, божхона тизими; ўрта ва олий иқтисодий таълим тизими; аудиторлик ва консалтинг компаниялари; ва ҳ.к.

Бозор конъюктураси – муайян даврдаги бозор ҳолати; бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан харктерланади. Шунга кўра бозор конъюктураси ижобий ва салбий, қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин.

Биржа – маҳсулотларни сотиш тизимларидан бири. Талаб ва таклифга қараб маҳсулотлар нархи биржада мувозанатлашиб туради.

Вексель (немисча **Wechsel** - айирбошлаш) – кўрсатилган муддатда муайян миқдордаги пулни тўлаш мажбурияти қайд этилган қарздорлик ҳақидаги расмий ҳужжат; қимматли қоғоз.

Даромадлар - ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши.

Давлат буюртмалари – давлат томонидан муайян маҳсулот турини (ҳозирги кунда пахта ва ғаллани) етказиб бериш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартнома-топшириқ.

Дивиденд — соф фойданинг солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганидан кейин ширкат хўжалиги (акциядорлар жамияти) ихтиёрида қоладиган ва аъзолар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган қисми.

Дехқон хўжалиги - оилавий майда товар хўжалиги, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Дехқончилик тизими - деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун ердан тўла фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган ташкилий-агротехник тадбирлар йиғиндиси.

Давлат буюртмаси - давлат талаби билан (шартнома ёки келишув асосида) корхона, ташкилот, хўжаликларга муайян маҳсулот турини белгиланган муддатларда ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, давлат эҳтиёжлари учун тегишли хизматлар кўрсатиш, шунингдек ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва илмий техникавий ишларини бажариш ва бошқалар.

Давлат бюджети – давлатнинг муайян вақт (одатда бир йил) учун мўлжалланган пул даромадлари ва харажатлари мажмуи.

Даромад – кенг маънода кирим бўлган ҳар қандай пул маблағлари ёки пул қийматига эга бўлган моддий бойликларни олиш, иқтисодий субъект ўз фаолияти натижасига кўра оладиган пул ва товар – моддий тушум.

Дехқончилик – ўсимлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун маданий ўсимликлар (қишлоқ хўжалик экинлари)ни етиштириш; қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири.

Дехқончилик тизими – ердан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, экинлардан юқори ҳосил олишга қаратилган, ўзаро бир-бирига боғлиқ технологик (агротехник), мелиоратив ва ташкилий иқтисодий тадбирлар мажмуи.

Дотация (лотинча **dotaio** – туҳфа) – 1) маълум харажатларни қоплаш учун иқтисодиётнинг бир субъекти томонидан иккинчисига қайтариб бермаслик шарти билан пул маблағлари берилиши. Дотация одатда давлат бюджети томонидан берилади. 2) муайян фуқаро ва ташкилотларга кўрилган зарарни қоплаш ёки белгиланган мақсадлар учун давлат томонидан пул маблағларнинг ажратилиши (берилиши).

Ер мониторинги – бу ернинг ҳолатини доимий назорат қилиб туриш тизимидир.

Ер трансформацияси – қишлоқ хўжалигида ерларнинг бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтиши. Одатда ер трансформациясининг икки тури мавжуд. Биринчиси ижобий ер трансформацияси – нисбатан ёмон ерларнинг яхши ерлар сафига ўтиши. Иккинчиси салбий ер трансформацияси – яхши ерларнинг ёмон ерлар сафига ўтиши.

Йилнинг соф фойдаси - у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган қисми.

Ихтисослаштириш – мавжуд табиий-иқлимий шарт-шароитлар ва бошқа омиллар таъсирида у ёки бу маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга мослашув.

Инвестиция – бу фойда олиш мақсадида молиявий ресурсларни (капитални) иқтисодиётнинг тармоқларига узоқ муддатга қўйишдир.

Кичик бизнес – манфаат (фойда) олиш мақсадида ишлаб чиқаришни, асосан хусусий тадбиркорликни кичик миқдорда ва шаклларда, ташкил этиш. У ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдонинг маълум шакл ва турларида ривожланади. Хусусий тадбиркор ўз фаолиятини маълум хатар (рақобат таваккалчилиги) асосида юритади.

Мотивация (сабабни асослаш) – реал меҳнат хулқини тушунтириш, асослаб бериш учун сабаблар (мулоҳазалар) танлашга қаратилган оғзаки хати-ҳаракатдир.

Меҳнат бозори – ишчи кучларининг меҳнатга бўлган қобилиятини сотиш ва сотиб олиш тизими. Меҳнат бозорининг учта субъекти мавжуд. Буларга: ўз ишчи кучини сотувчилар, иш берувчилар ва давлат киради.

Меҳнат ресурслари – аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятига (жисмоний ва ақлий фаолиятга) эга бўлган қисми.

Меҳнат унумдорлиги – Конкрет сарфланган меҳнатнинг самарадорлиги, натижавийлигидир. Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги ичида

ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан ўлчанади.

Молиявий натижалар - хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якуни.

Молиявий лизинг – амалда узоқ муддатли кредитлаштиришнинг ўзига хос шакли ҳисобланиб, мулк узоқ муддатга, одатда, тўлиқ амортизация муддатига ёки унинг катта қисмига ижара шартномаси тузилади. Молиявий лизингда ижара шартномаси тугагач, лизинг объекти лизинг олувчи томонидан сотиб олинishi ёки янги лизинг шартномаси объекти бўлиши мумкин.

Маҳсулот таннархи - маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш, сотиш учун қилинган харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда. Бу сотишдан олинган соф тушумдан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини олиш билан аниқланади;

Моддий-техника базаси - тармоқларда ишлаб чиқаришни амалга ошириш жараёнида ишлатилаётган асосий воситалар, айланма маблағлар биргаликда уларнинг моддий-техника базаси деб юритилади.

Оператив лизинг – мулкни унинг хизмат муддатида кам даврга ижарага беришни назарда тутади. Ижара муддати тугагач, мулк эгасига қайтарилади ёки янги лизинг шартномаси объекти бўлиб қолади.

Пайчилик муносабатлари – шерикчилик асосида бизнес юритишга ҳисса қўшиш ва шу ҳиссага қараб даромад кўриш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар.

Пай фонди - ширкат хўжалиги уставига мувофиқ ширкат хўжалиги аъзоларининг қийматда ифодаланган мулккий пайлари, ҳар бир аъзонинг ширкат хўжалиги пай фондидаги улуши.

Рентабеллик – тармоқ ёки корхонанинг фойда олиб ишлаши, активлар, сотилган маҳсулот ёки ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан фойдалилик даражасини кўрсатади.

Солиқ тўлагунгача олинган фойда - у умум хўжалик фаолиятдан олинган фойда, плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади.

Тармоқ - қўлланилаётган воситалар, ишлаб чиқариш технологияси, ташкил қилиш хусусияти ҳамда маҳсулотлардан фойдаланиш тартибига кўра бир-биридан фарқ қиладиган ишлаб чиқаришнинг бир қисми.

Таъриф иш ҳақи фонди - ишлаб чиқариш технологиясига кўра бажариладиган ишнинг ҳажми, меъёри ва разряди ставкасига кўра аниқланадиган иш ҳақи фонди.

Таъриф жадвали – меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари, таъриф коэффицентлари ва ставкаларини ичига олган жадвал.

Тупроқ унумдорлиги – тупроқнинг маҳсулот бериш қобилияти. Унумдорликнинг табиий, сунъий ва иқтисодий турлари мавжуд. Тупроқнинг

табий унумдорлиги – инсон аралашмасдан ҳосил бериш қобилияти. Бу унумдорлик инсоннинг меҳнати билан вужудга келмаган. Уни табиат яратган. Сунъий унумдорлик – инсон меҳнатининг маҳсули. Иқтисодий унумдорлик тупроқнинг табиий ва сунъий унумдорлигининг йиғиндисидир.

Устав фонди - корхоналар фаолиятини таъминлаш учун таъсисчилар томонидан дастлаб киритиладиган ва кейинчалик кўпайтириб бориш мумкин бўлган, ҳажми корхонанинг уставида белгилаб қўйиладиган маблағ. Ширкат хўжаликларида пай фонди ва бўлинмас фонддан иборат бўлади.

Харажатлар - ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайиши.

Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) – товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун пай усулга ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига, бошқаришнинг умумийлигига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

Кўшимча иш ҳақи – кўшимча меҳнат сарф қилиш, иш жараёнларини такомиллаштириш орқали кўшимча етиштирилган маҳсулот ёки юқори сифатли маҳсулот ҳамда шу маҳсулотларни етиштириш учун харажатларни тежаш эвазига тўланадиган иш ҳақи.

Чорвачилик тизими - чорва моллари сонини ўстириш ва сифатини яхшилаш, маҳсулдорлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларни камайтириш, умуман, чорва моллари ва чорвачилик воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш орқали уни энг самарали тармоққа айлантиришни таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий, технологик ва техникавий тадбирлар йиғиндиси.

Фавқулодда даромад (зарар) - хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолиятдан аниқ фарқ қиладиган, яъни тез-тез ёки мунтазам содир бўлмайдиган воқеалар ёки битимлар натижасида юз берган даромадлар ёки харажатлар.

Фермер хўжалиги - ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъекти.

Фюьчерс шартномаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирмасдан олдин сотиш билан боғлиқ шартнома.

Хўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар) - бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси, плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида аниқланади;

Шўъба корхона - ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот.

Ҳосилдорлик – бир бирлик экин майдони (гектар, сотих ва бошқа) ҳисобига етиштирилган ҳосилнинг физик миқдори.

Ялпи фойда – ишлаб чиқарувчилар (хизмат кўрсатувчилар) ихтиёрида қоладиган кўшимча қийматнинг бир қисми (иш ҳақи ва солиқлар тўланишидан қолган қисми).

Ялпи маҳсулот – бир йил ичида бирор тармоқда жами ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган иш ва хизматларнинг пулда ифодаланиши.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва И.А.Каримов асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 1999. - 32б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», “Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами”, – Т.: “Шарқ”, 2002.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси», Т.: «Адолат», 1996
4. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси», – Т.: «Адолат», 1995
5. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги 2004 йил 26 августдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни, «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 15 октябр
6. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», – Т.: «Ўзбекистон», 2003 й.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари», – Т.: «Адолат», 1999 й.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, «Халқ сўзи», 1996 йил 26 апрел
9. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонуни, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», Тошкент, Адолат, 1999 й.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуни, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 3-сон, 28-модда.
11. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги «Давлат Ер Кадастри тўғрисида»ги қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари», – Т.: «Адолат», 1999 й.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», – Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 28 августдаги Фармони, Халқ сўзи, 2002 йил 30 август

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3226-сонли Фармони. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 март.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, «Халқ сўзи», 2003 йил 28 октябр.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 4 ноябрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармони, «Халқ сўзи», 2004 йил 5 ноябр.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406-сонли «қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асослари», «Консаудитинформ-нашр», 2005
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Бозор ислохотларидан чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Халқ сўзи» 2005 йил 18 июн №117/360-сонли.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Халқ сўзи», 2005 йил 16 июн.
20. Ўзбекистон Республикасининг Президенти қарори «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ҳаққоний талаб этганлиги учун жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида», «Халқ сўзи», 2005 йил 15 июн.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Фармони «Халқ сўзи», 2005 йил 20 июн.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 4 мартдаги 75-сонли қарори, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2003 й.
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли қарори, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-

- қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», – Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357 - сонли қарори ва шу қарор билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”.
 25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4-сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарори.
 26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли қарори.
 27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги «қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 486-сонли қарори.
 28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 607-сонли қарори.
 29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 августдаги 387-сонли «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарори
 30. И.А.Каримов, «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», – Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
 31. И.А. Каримов.«қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқис ҳаёт манбаи - Т.: 1998.
 32. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда - Т.: 1999.
 33. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш–фаровонлик манбаи, Сайланма асарлар. – Т.: Ўзбекистон, I Том 2001.
 34. Каримов И.А. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги тадбирлари. Сайланма асарлар, 9-том. – Т.: 2001.
 35. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. Сайланма асарлар. 9-том. – Т.: 2001.
 36. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: «Ўзбекистонқитувчи», 1998. - 231 б.
 37. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада экинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини

жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 15 июн 2005 йил.

38. Маҳсулот (иш ва хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори. Халқ сўзи// 1999й. 6 февраль.
39. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 24 март 2006 йил.
40. “Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун фермер хўжаликларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш борасидага тақлифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Халқ сўзи// 11 июль 2006 й.
41. Каримов И.А., Қишлоқ хўжалиги тараққиёти. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 27 б.
42. Каримов И.А., Асосий мақсад - иқтисодий юксалишга эришишдир. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 27 б.
43. Каримов И.А., Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1999. - 686 б.
44. Каримов И.А., Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. - Т.: «Ўзбекистон», 1999. - 410 б.
45. Каримов И.А., Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаётушунчаси пировард мақсадимиз. - Т.: «Ўзбекистон», 2000. - 528 б.
46. Каримов И.А., Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Т.: «Ўзбекистон», 2001. - 432 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика Марказий Банкнинг низом ва йўриқномалари

47. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг намунавий устави. -Т.: “Ўқитувчи”,1998.-110-114.
48. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) нинг Устав жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида намунавий низоми. -Т.: “Ўқитувчи”,1998.-114-131.
49. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) нинг бўлинмас жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида намунавий низоми. -Т.: “Ўқитувчи”,1998.-131-135
50. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) нинг пай жамғармасини шакллантириш, мулкый пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидентлар тўлаш тартиби тўғрисида намунавий низоми. -Т.: “Ўқитувчи”,1998.-136-138.

51. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (дамоа) пудрати тўғрисида намунавий Низом.
52. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва хизматлар кўрсатиш учун оила (жамоа) пудрати тўғрисида намунавий шартнома. – Т.: “Ўқитувчи”, 1998.-147-156.
53. Ер участкаси бериш далолатномасининг намунавий шакли. – Т.: “Ўқитувчи”, 1998. - 157-158.
54. «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни утказиш тўғрисидаги 1999 йил 20 июлдаги 776-сонли Низом», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», – Т.: Ўзбекистон, 2002.
55. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиklarини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тўғрисидаги 2000 йил 29 февралдаги 902-сонли Тартиб», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», – Т.: Ўзбекистон, 2002.
- 56.46. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тўғрисидаги 903-сонли Тартиб», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», – Т.: Ўзбекистон, 2002.
57. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarини кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тўғрисидаги 907-сонли Тартиб», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», – Т.: Ўзбекистон, 2002.
58. Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом.
59. «Тижорат банклари томонида яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тўғрисида янги таҳрирдаги 1074-сонли Тартиб», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», – Т.: Ўзбекистон, 2002.
60. «Давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китобни амалга оширувчи Жамғарма тўғрисидаги Низом», № 612-1, 25 феврал 2000.

61. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 6 январ 1295-сон билан рўйхатга олинган «Фермер хўжалиklarининг давлат эhtiёjlари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом».
62. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 16 апрелдаги 1337-сонли «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.
63. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 30 апрелдаги 1345-сонли «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.
64. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом (қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан бирга).
65. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзқишлоқхўжалиқмашҳолдинг» компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш тартиби.
66. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сонли қарори билан тасдиқланган «қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олишнинг намунавий шартномаси».
67. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сонли қарори билан тасдиқланган «қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг Намунавий Устави».
68. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган «Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олишнинг намунавий шартномаси».
69. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган «Фермер хўжалигининг Намунавий Устави».
70. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган «Фермер хўжалиги ходимларини ёллаш тўғрисида намунавий шартнома».
71. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган «Намунавий контрактация шартномаси».

72. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган «Моддий-техника ресурслари етказиб беришга намунавий шартнома».
73. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган «Хизмат кўрсатишга (ишларни бажаришга) намунавий шартнома».
74. Ўзбекистон Республикаси «Ўзагросуғурта» ДАСКнинг 2003 йил 31 январдаги 03/89-сонли «қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларнинг экинлардан кам ҳосил олиш натижасида кўрилган молиявий зарарни ихтиёрий суғурта қилиш қоидалари».
75. Ўзбекистон Республикаси «Ўзагросуғурта» ДАСКнинг 2003 йил 28 февралдаги 03/97-сонли «қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини табиий офатлар, касалликлар ва бошқа воқеалар натижасида нобуд бўлишидан ёки мажбурий сўйилишидан ихтиёрий суғурта қилиш қоидалари».

III. Дарсликлар, ўқув қўланмалар ва маърузалар матнлари

76. Коваленко Н.Я., Экономика сельского хозяйства: Курс лекций. -М.: Тандем, 1999. - 458 с.
77. Серова Е.В., Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. -М.: ГУ ВШЭ, 1999. - 480с.
78. Личко К.П., Прогнозирование и планирование агропромышленного комплекса: Учебник. М.: Гардарики, 1999. - 264с.
79. Материально - техническое обеспечение агропромышленного комплекса/ Под ред. В.Я.Лимарева. М.:Известия, 2002.
80. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. Авт.: Р.А.Алимов, А.К.Бедринцев, А.Ф.Расулев и др. Под ред. А.Х.Хикматова. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. - 352с.
81. Носиров У., Усмонов О., Мирхамидов М. “Фермер бўламан”. –Т.: Меҳнат нашриёти, 2002.-96б.
82. Экономика села. Под ред. С.В.Киселева. М., 2004.
83. Cramer, Gail L. Agricultural economics and agribusintss / Gail L. Cramtr, Clarence W. Jenstn? Djuglas D.Sjuthgate, Jr. - 8th ed/ Printed in United States of America, 2001 - 519p.
84. Маркетинг в АПК: Учебник. Под ред. Г.П.Абрамовой-М.: Колос, 1997-342 с.
85. Ципкин Ю.А., Люкшинов А.Н., Эриашвили Н.Д. Агроткетинг и консалтинг: Учеб. Пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 200. - 637 с.
86. Харит Д.М., Кузьмина В.И и др. Как стат фермером. - Санкт-Питербург: 1992. -846 с.
87. Лишанский М.Л., Маслова И.Б. Краткосрочное кредитование сельскохозяйственных предприятий: Учеб. Пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. -287 с.

88. Қаюмов Ф. Қ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – М.: ИПО «Полигран», 1992.
89. Серова Е. В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.
90. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики Колл. Авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др. // Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001.- 352 б.
91. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) – Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
92. Хакимов Р. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Маърузалар матни. –Т.: ТДИУ, 2005.-264б.
93. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
94. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Хакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
95. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.
96. Экономика отраслей АПК / И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В.Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова. – М.: КолосС, 2004. – 464с.- (Учебники и учеб. пособия для студентов высш. учун. заведений).
97. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Н . Тухлиев, А. Кременцова. – Т., Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедия», 2001.
98. Раскин И.И, Раскин Л. И. АПК: производство и первичная переработка хлопка. –Т.: Мехнат, 1986
99. Попов Н. А. Экономика сельского хозяйства: учебник. – М.: Дело и Сервис, 2000.
100. Рябушкин.Т.В., Дадашев.А.З. Трудовые ресурсы и эффективность производства. – М.: Знание, 1981.
101. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. Авт. Сост.: Н.Тухлиев, А.Кременцова. – Т.: Гос. Науч. Изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001. - 448 с.
102. Узбекистан за годы независимости. Экономический обзор за 1991-1996гг. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 107 с.
103. Узбекистан - деловой партнер (потенциал преобразований, инвестиционный климат). -Т.: Ўзбекистон, 1996. -175 с.
104. Иватов И., Развитие дехканского рынка в Узбекистане. -Т.: Фан, 1994. - 111 с.
105. Касл Э., Бекер М., Нелсон А., Эффективное фермерское хозяйство. -М.: Агропромиздат, 1991. -496 с.

106. Фролов В.И., Экономический механизм межхозяйственных связей в АПК. -М.: Агропромиздат, 1989. -144 с.
107. Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш. -Т.: «Босқон», 1998. -92 б.
108. Микроиқтисодиёт : Олий Ўзбекистон ўқув юртлари учун дарслик. С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов, Б.Т.Салимов ва бошқалар. – Т.: «Шарқ», 2001. - 320 б.

IV. Илмий мақолалар

109. Шерматов О. Янги технологияларнинг иқтисодий самарадорлиги. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2005 №8. 9-10 бет.
110. Асланова Д. Маркетинг в овоҳеводстве и производстве фруктов. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2005 №8. 18-22 бет.
111. Шамсиев А. Ғўзани навбатлаб қатор алмаштириб суғориш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2005 №9. 12-13 бет.
112. Шаймардонов Ш ва бошқалар. Сув самарадорлиги. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2005 №12. 33 бет.
113. Д-р Жон Бакстер. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2005 №7. 18-20 бет.
114. Мурадов А. Меҳнат бозори. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2004 №2. 31 бет.
115. Исоқова Т. Аҳоли миграцияси. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2004 №2. 35 бет.
116. Воҳобжонов Ҳ. Ишсизлар сони ўсаверадими? Иқтисод ва ҳаёт журнали. 2005 № 4. 47- 49 бет.

V. Битирув малакавий ишлар

117. Хожимуродов Илҳом. Чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишлари. Битирув малакавий иши. ТДИУ, 2006.
118. Эргашев Нуриддин. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Битирув малакавий иши. ТДИУ, 2006.
119. Минаваров Ж. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари. Битирув малакавий иши. ТДИУ, 2006.
120. Худойқулов Ж.У. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллариининг иқтисодий самарадорлиги. Битирув малакавий иши. ТДИУ, 2006.

VI. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўплами

121. Семнадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов. –М.: 2004.
122. Восемнадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов. –М.: 2005.
123. Деятнадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов. –М.: 2006.

124. Миллий иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш” илмий-амалий анжуман. Маърузалар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2005.
125. Минтақавий агросаноат мажмуи хизмат бозорида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Бухоро: БухДУ, 18-19 апрел, 2005 й.

VII. Педагогик ва ахборот технологиялар бўйича ўқув адабиётлар, услубий кўрсатмалар

126. Абдурахманов Қ.Х. ва бошқалар. “Иқтисодий таълимнинг ўқитиш технологиялари. Услубий қўлланма –Т.: ТДИУ, 2006.
127. Хайитов А.Б., Хакимов Р. ва бошқалар. “Иқтисодий таълимнинг ўқитиш технологиялари. Услубий қўлланма –Т.: ТДИУ, 2005.
128. Назарова Ф.М. “Образовательная технология по учуеному предмету “Лизинговые операции». Технология обучения в экономическом образовании. Книга 1. Мет. Пособ. –Т.: ТГЭУ, 2005.
129. Голиш Л.В. «Введение в технологизацию обучения в экономическом вузе». Технология обучения в экономическом образовании. Книга 2. Мет. Пособ. –Т.: ТГЭУ, 2005.

VIII. Газета ва журналлар

130. “Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги” журнали. 2004-2006 йиллар
131. “Бозор, пул, кредит” журнали. 2004-2006 йиллар
132. “Жамият ва бошқарув” журнали. 2004-2006 йиллар
133. “Иқтисод ва ҳисобот” журнали. 2004-2006 йиллар
134. “Экономическое обозрение” журнали. 2004-2006 йиллар
135. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. 2004-2006 йиллар
136. “АПК: экономика, управление” журнали. 2004-2006 йиллар.
137. “Российский экономический журнал” журнали. 2004-2006 йиллар
138. “Экономика сельского хозяйство России” журнали. 2004-2006 йиллар
139. “Экономические стратегии” журнали. 2004-2006 йиллар
140. “Экономический журнал” журнали. 2004-2006 йиллар
141. 81. Халқ сўзи газетаси. 2004-2006 йиллар
142. 82. Қишлоқ ҳаёти газетаси. 2004-2006 йиллар.
143. 83. Экономические и философские вопросы гезетаси. 2005 йил

IX. Статистик маълумотлар тўплами

144. 84. Сельское хозяйство Узбекистана 2004: Статистический сборник. – Т.: Гос комитет РУз по статистике, 2005.
145. 85. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2004.
146. 86. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. (ИТТМ) 2005 йил январ-июн.

Х. Интернет сайдлари

147. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
148. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
149. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
150. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
151. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
152. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. www.tsue.uz
153. University of Hawaii at Hilo – Agroecology and Environmental Quality Program www.uhh.hawaii.edu
154. Московская сельскохозяйственная академия www.ecfak.timacad.ru
155. Приамурский Институт Агроэкономики и Бизнеса www.admin.ru
156. Саратовская сельскохозяйственная академия. www.tstu.ru
157. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
158. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
159. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М.:Тандем, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
160. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
161. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
162. Королев Ю.Б. и др., Менеджмент в АПК, 2002 Учебник, <http://psbatishev.narod.ru/library/03762.htm>
163. Экономика и управление в сельском хозяйстве, 2003, <http://www.bookler.ru/bookisbn/5-7695-1158-3.shtml>
164. www.bearingpoint.uz – Экономика Р. Уз.

МУНДАРИЖА

Кириш		5
1-БОБ.	“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети, вазифалари ва ўрганиш усуллари.....	11
1.1.	“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети, бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва ўрни.....	11
1.2.	“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предметини ўрганиш усуллари.....	14
1.3.	“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг вазифалари.....	15
	Қисқача хулосалар.....	17
	Таянч иборалар.....	18
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	18
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	18
	Интернет сайтлар.....	19
2-БОБ.	Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва таркиби.....	20
2.1.	Агросаноат интеграцияси. “Агросаноат мажмуаси” тушунчаси, унинг моҳияти.....	20
2.2.	Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси).....	22
2.3.	Агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни.....	24
2.4.	Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	28
	Қисқача хулосалар.....	32
	Таянч иборалар.....	33
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	34
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	34
	Интернет сайтлар.....	35
3-БОБ.	Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа.....	36
3.1.	Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби.....	36
3.2.	Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг аҳамияти ва иқтисодиётдаги ўрни.....	37
3.3.	Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш йўналишлари.....	38
	Қисқача хулосалар.....	41

	Таянч иборалар.....	42
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	42
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	43
	Интернет сайтлар.....	43
4-БОБ.	Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳа.....	44
4.1.	Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳаси таркиби.....	44
4.2.	Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг аҳамияти ва иқтисодиётдаги ўрни.....	46
4.3.	Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш йўналишлари.....	47
	Қисқача хулосалар.....	50
	Таянч иборалар.....	50
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	51
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	51
	Интернет сайтлар.....	52
5-БОБ.	Агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси.	53
5.1.	Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг моҳияти, таркиби.....	53
5.2.	Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг аҳамияти, иқтисодиётдаги ўрни ва ҳозирги ҳолати.....	56
5.3.	Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари.....	58
	Қисқача хулосалар.....	60
	Таянч иборалар.....	61
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	61
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	61
	Интернет сайтлар.....	62
6-БОБ.	Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси.....	63
6.1.	Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг моҳияти, таркиби ва асосий функциялари.....	63

6.2.	Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг аҳамияти ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни.....	65
6.3.	Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари.....	66
	Қисқача хулосалар.....	67
	Таянч иборалар.....	68
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	68
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	69
	Интернет сайтлар.....	69
7-БОБ.	Қишлоқ хўжалиги - агросаноат мажмуасининг асосий бўғини.....	71
7.1.	Қишлоқ хўжалиги – агросаноат мажмуасининг асосий бўғини, унинг ўзига хос хусусиятлари.....	71
7.2.	Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти.....	73
7.3.	Ширкат хўжаликлари ва уларнинг ташкилий – иқтисодий асослари.....	94
7.4.	Фермер хўжаликлари ва уларнинг ташкилий – иқтисодий асослари.....	98
7.5.	Деҳқон хўжаликлари ва уларнинг ташкилий – иқтисодий асослари.....	102
	Қисқача хулосалар.....	106
	Таянч иборалар.....	107
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	107
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	107
	Интернет сайтлар.....	108
8-БОБ.	Қишлоқ хўжалиги ер фонди ва ундан фойдаланиш.....	109
8.1.	Қишлоқ хўжалиги ер тфондининг таркиби, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари.....	109
8.2.	Қишлоқ хўжалигида ер фондларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар...	111
8.3.	Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йўллари.....	114
	Қисқача хулосалар.....	117
	Таянч иборалар.....	117
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	117
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	118
	Интернет сайтлар.....	118
9- БОБ.	Агросаноат мажмуасининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	120

9.1.	Меҳнат, меҳнат ресурслари тушунчаси, унинг моҳияти, таркиби.....	120
9.2.	Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари.....	121
9.3.	Меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисоблаш усуллари.....	123
9.4.	Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўналишлари.....	125
	Қисқача хулосалар.....	127
	Таянч иборалар.....	127
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	128
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	128
	Интернет сайтлар.....	129
10-БОБ.	Агросаноат мажмуасининг моддий-техника ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	130
10.1.	“Агросаноат мажмуаси моддий – техника ресурслари” тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти.....	130
10.2.	Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари.....	132
10.3.	Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.....	135
10.4.	Айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш.....	136
	Қисқача хулосалар.....	138
	Таянч иборалар.....	139
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	139
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	139
	Интернет сайтлар.....	140
11-БОБ.	Агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар таннархи.....	141
11.1.	“Таннарх” тушунчаси, унинг моҳияти.....	141
11.2.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш тартиби.....	142
11.3.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини пасайтириш йўллари.....	144
	Қисқача хулосалар.....	147
	Таянч иборалар.....	147
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	147
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	148
	Интернет сайтлар.....	148
12-БОБ.	Агросаноат мажмуаси тармоқлари маҳсулотлари нархлари.....	149
12.1.	“Нарх” тушунчаси, унинг моҳияти ва функциялари.....	149

12.2.	Қишлоқ хўжалигида нархлар тизими.....	150
	Қисқача хулосалар.....	151
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	152
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	152
	Интернет сайтлар.....	153
13-БОБ.	Агросаноат мажмуасида фан, техника тараққиёти ва интенсифлаштириш.....	154
13.1.	Интенсифлаштиришнинг иқтисодий моҳияти.....	154
13.2.	Фан, техник тараққиёти ва интенсифлаштириш.....	155
13.3.	Қишлоқ хўжалигининг интенсифлаштириш даражаси ва иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар....	157
13.4.	Қишлоқ хўжалигини интенсифлаштиришнинг асосий йўналишлари.....	158
	Қисқача хулосалар.....	160
	Таянч иборалар.....	161
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	161
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	162
	Интернет сайтлар.....	162
14-БОБ.	Агросаноат мажмуаси маркетинги ва уни самарадорлиги.....	163
14.1.	“Маркетинг” тушунчаси, унинг моҳияти ва самарадорлиги.....	163
14.2.	Қишлоқ хўжалиги маркетинги функциялари.....	168
14.3.	Қишлоқ хўжалиги маркетинги стратегиясини тузиш.....	170
	Қисқача хулосалар.....	172
	Таянч иборалар.....	173
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	173
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	174
	Интернет сайтлар.....	174
15-БОБ.	Агросаноат мажмуасини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш.....	175
15.1.	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти ва зарурияти.....	175
15.2.	Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари, уларни амалга ошириш шакллари ва усуллари.....	178
15.3.	Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари.....	184
	Қисқача хулосалар.....	190
	Таянч иборалар.....	190

	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	190
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	191
	Интернет сайтлар.....	191
16-БОБ.	Агросаноат мажмуасида молия-кредит тизимининг амал қилиш механизми.....	192
16.1.	Агросаноат мажмуаси молия-кредит тизимининг моҳияти ва хусусиятлари.....	192
16.2.	Қишлоқ хўжалигини кредитлаш усуллари, шакллари ва уларнинг манбалари.....	194
16.3.	Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг бошқа манбалари ва улардан самарали фойдаланиш.....	200
	Қисқача хулосалар.....	204
	Таянч иборалар.....	205
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	205
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	206
	Интернет сайтлар.....	206
17-БОБ.	Европа ҳамжамиятининг ягона аграр сиёсати.....	207
17.1.	Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатининг зарурати, аҳамияти ва ривожланиши.....	207
17.2.	Европа ягона аграр сиёсатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини қўллаб-қувватлаш механизми..	209
	Қисқача хулосалар.....	210
	Таянч иборалар.....	211
	Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	211
	Асосий адабиётлар рўйхати.....	211
	Интернет сайтлар.....	212
	Глоссарий.....	213
	Адабиётлар рўйхати	221

CONTENT

	Introduction	5
Chapter 1.	Subjekt, tasks and methods of studiing of “Agroindustrial complex economy”	7
1.1.	Subjekt of “Agroindustrial complex economy”, its relations wich other sciences.....	7
1.2.	Methods of studiing of “Agroindustrial complex economy” .	
1.3.	Tasks of “Agroindustrial complex economy”	11
	Brief summary.....	12
	Key phrasez.....	
	Questions for controlling and discussion.....	13
	Recommended literature.....	13
	Internet siyts.....	
Chapter 2.	Sighificance of agroindustrial complex and its structure...	21
2.1.	Agroindustrial integration. Conception of “agroindustrial complex”, its significance	21
2.2.	Structure of agroindustrial complex.....	22
2.3.	Importance of agroindustrial complex in countries tconomy.....	23
2.4.	Main directions of agroindustrial complex developmnt.....	24
	Brief summary.....	28
	Key phrasez.....	
	Questions for controlling and discussion.....	29
	Recommended literature.....	29
	Internet siyts.....	
Chapter 3.	The field producing means of production for agroindustrial complex sections	31
3.1.	The structure of the field producing means of production for agroindustrial complex sections.....	31
3.2.	Importance of the field means of production for agroindustrial complex section and its role in economy.....	31
3.3.	Modern state of the field means of production for agroindustrial complex section and ways of its developmnt... ..	32
	Brief summary.....	33
	Key phrasez.....	
	Questions for controlling and discussion.....	33
	Recommended literature.....	34
	Internet siyts.....	39

Chapter 4.	The field of agroindustrial complex producing processing and delivering agroindustrial production	40
4.1.	Structure of the field of agroindustrial complex producing, processing and delivering agroindustrial production.....	40
4.2.	Significance of the field of agroindustrial complex producing, processing and delivering agroindustrial production and its role in economy.....	42
4.3.	Modern state of the field of agroindustrial complex producing, processing and delivering agroindustrial production ways of its development.....	43
	Brief summary.....	45
	Key phrasez.....	46
	Questions for controlling and discussion.....	47
	Recommended literature.....	47
	Internet siyts.....	48
Chapter 5.	Agroindustrial complex infrastructure.....	49
5.1.	Significance and structure agroindustrial complex productional infrastructure.....	49
5.2.	Economic importance of agroindustrial complex productional infrastructure, its role in economy and its modern state.....	52
5.3.	Ways of development of agroindustrial complex productional infrastructure.....	54
	Brief summary.....	55
	Key phrasez.....	56
	Questions for controlling and discussion.....	56
	Recommended literature.....	56
	Internet siyts.....	57
Chapter 6.	Social infrastructure of agroindustrial complex.....	58
6.1.	Significance of agroindustrial complex social infrastructure, its structure and main functions.....	58
6.2.	Economic importance of agroindustrial complex social infrastructure and its role in development of economy	59
6.3.	Ways of development of agroindustrial complex social infrastructure.....	61
	Brief summary.....	62
	Key phrasez.....	62
	Questions for controlling and discussion.....	63
	Recommended literature.....	63
	Internet siyts.....	64

Chapter 7.	Agriculture is the main chain in agroindustrial complex...	65
7.1.	Agriculture is the main chain in agroindustrial complex. Its particular features	65
7.2.	The role of agriculture in countries economy and its importance.....	67
7.3.	Agricultural farming cooperatives and their organizational economic basis.....	90
7.4.	Farms and their organizational economic basis.....	94
7.5.	Individual households and their organizational economic basis.....	98
	Brief summary.....	99
	Key phrasez.....	99
	Questions for controlling and discussion.....	100
	Recommended literature.....	100
	Internet siyts.....	101
Chapter 8.	Agricultural land funds and their exploitation	102
8.1.	Structure of agricultural land funds, their importance and characteristics	102
8.2.	Agricultural land funds exploitation extents and indices of their effectivity.....	104
8.3.	Ways of improving the extent of land funds exploitotion and effectivity	107
	Brief summary.....	109
	Key phrasez.....	110
	Questions for controlling and discussion.....	110
	Recommended literature.....	111
	Internet siyts.....	112
Chapter 9.	Agroindustrial complex labour resources and their exploitation.....	113
9.1.	Concept of agroindustrial complex labour resources, its significance and structure.....	113
9.2.	Indices of labour resources exploitation.....	114
9.3.	Labour effectivity and its accounting methods.....	117
9.4.	Direction on improving labour resources exploitation and labour effectivity in agriculture.....	118
	Brief summary.....	119
	Key phrasez.....	120
	Questions for controlling and discussion.....	120
	Recommended literature.....	121
	Internet siyts.....	122

Chapter 10.	Material and technical resources of agroindustrial complex and their exploitation	123
10.1.	Concept of “Agroindustrial complex material and technical resources” its significance and importance.....	123
10.2.	Main agricultural funds and their exploitation indices.....	125
10.3.	Improving ways of main agricultural funds exploitation effectivity	129
10.4.	Turnover funds and their realization.....	130
	Brief summary.....	132
	Key phrasez.....	133
	Questions for controlling and discussion.....	133
	Recommended literature.....	133
	Internet siyts.....	134
Chapter 11.	Production expenses and prime cost of output in agroindustrial complex branches.....	135
11.1.	Concept of prime cost, its significance	135
11.2.	Agricultural productions prime cost estimating orders.....	136
11.3.	Ways of decreasing agricultural productions prime costs.....	138
	Brief summary.....	140
	Key phrasez.....	140
	Questions for controlling and discussion.....	140
	Recommended literature.....	141
	Internet siyts.....	141
Chapter 12.	Agroindustrial complex output prices.....	142
12.1.	Concept of “price”, its significance and functioning	142
12.2.	Price structure in agriculture.....	144
	Brief summary.....	144
	Key phrasez.....	145
	Questions for controlling and discussion.....	145
	Recommended literature.....	146
	Internet siyts.....	
Chapter 13.	Science, technical development and intensification in agroindustrial complex	147
13.1.	Economic significance of intensification of agriculture.....	147
13.2.	Science, technical development and intensification.....	148
13.3.	Agricultural intensification extents and its economic effectivity	150
13.4.	Main directions of agricultural intensification.....	151
	Brief summary.....	154
	Key phrasez.....	155

	Questions for controlling and discussion.....	155
	Recommended literature.....	155
	Internet siyts.....	156
Chapter 14.	Agroindustrial complex marketing and its effectivity.....	157
14.1.	Concept of “marketing”, its significance and effectivity.....	157
14.2.	Functions of agricultural marketing	162
14.3.	Formation of agricultural marketing strategy.....	164
	Brief summary.....	167
	Key phrasez.....	167
	Questions for controlling and discussion.....	168
	Recommended literature.....	168
	Internet siyts.....	169
Chapter 15.	Governmental regulation and promotion of agroindustrial complex	170
15.1.	Significance and nessesary of governmental regulation and promotion of agroindustrial complex	170
15.2.	Main tasts of governmental regulation and promotion of agriculturure, forms and methods of their realization.....	174
15.3.	Agrarian policy of the Republic of Uzbekistan and way of its perfecting.....	179
	Brief summary.....	185
	Key phrasez.....	186
	Questions for controlling and discussion.....	186
	Recommended literature.....	186
	Internet siyts.....	187
Chapter 16.	Mechanizm of finance-credit system operations in agroindustrial complex	188
16.1.	Significance and characteristics of agroindustrial complex finance-credit system	188
16.2.	Methods, form and sources of agricultural credits.....	190
16.3.	Other financial sources of agricultural production and their effective realization.....	196
	Brief summary.....	201
	Key phrasez.....	202
	Questions for controlling and discussion.....	202
	Recommended literature.....	202
	Internet siyts.....	203
Chapter 17.	Single agrarian policy of European Commonwelth.....	204
17.1.	Ntssesity, inportance and development of single agrarian	

	policy of European Commonwealth.....	204
17.2.	Mechanism of agricultural output prices promotion in Single agrarian policy of European Commonwealth.....	206
	Brief summary.....	208
	Key phrases.....	208
	Questions for controlling and discussion.....	208
	Recommended literature.....	209
	Internet sites.....	209
	Glossary	210